

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳ.П. Абулқосимов  
М.Х. Абулқосимов  
С.Р. Топилдиев

## Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш

ТОШКЕНТ – 2019

### КИРИШ

Бозор иқтисодиёти ўзининг объектив қонунлари ҳамда ўзини-ўзи тартиблаш дастаклари, воситалари орқали амал қилади. Аммо бозор иқтисодиётининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Уларнинг энг асосийси иқтисодиётдаги объектив қонунлар ва муносабатлар, регуляторлар асосида шаклланадиган бозор мувозанати ҳамда мутаносибликларнинг бузилиши оқибатида вужудга келадиган номуносивликларнинг кучайиши, иқтисодий танглик ва инқирозлардир. Инқирозлар натижасида иқтисодий пасайиш, ишсизлик, инфляциянинг кучайиши, халқ турмуш даражасининг ёмонлашуви содир бўлади. Шу боисдан ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва уни устувор равишда иқтисодий дастак ва воситалар ёрдамида тартиблаши зарур бўлади. Бу эса замонавий бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартиблашнинг бозор механизми билан уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини уйғунлаштиришни ҳамда унга мос равишда давлат иқтисодий сиёсатини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Давлат иқтисодий сиёсат орқали иқтисодиётга аралашиб, уни маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар, дастаклар воситасида тартибга солади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш шароитида Ўзбекистонда тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда. Шу боисдан, давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифалари нималардан иборат, уни тартибга солишнинг шакл ва усуллари, воситалари қандай бўлиши керак, деган муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мустақиллик даврида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми асосан шакллантирилди. Бу механизм 2008 йилда бошланган ва ҳамон маълум даражада давом этаётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг республика иқтисодиётига салбий таъсирини баргараф этиш ҳамда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда муҳим роль ўйнади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини ўрганиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ушбу мавзунинг долзарблиги яна шу билан ҳам изоҳланадики, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни янада

эркинлаштириш вазифаси кўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз бошқарув соҳасида **биринчи навбатда** ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур. **Иккинчидан**, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш лозим. **Учинчидан**, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш керак. Яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш даркор. **Тўртинчидан**, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим. Давлат хизматларини бевосита қўйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш лозим. **Бешинчидан**, давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш керак”<sup>1</sup>,-деб давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишнинг 3.4-пунктида “Иқтисодиётда давлат иштирокчини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш; хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган принципни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш” каби вазифалар белгиланган<sup>1</sup>.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, эндиликда давлат иқтисодиётга асосан иқтисодий воситалар орқали таъсир этиб, уни бошқариш эмас, балки тартибга солиши керак бўлади. Шунингдек, иқтисодиётнинг ўз-ўзидан тартибланишининг бозорга хос механизмларига эркинлик бериш, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш ҳамда тартибланишнинг бозор механизми билан давлат механизмларини уйғунлигини, ўзаро ҳамжихатликда амал қилишнинг таъминлаш зарур бўлади.

Мамлакатимизда ривожланаётган бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш ва бозорнинг ўзини-ўзи тартибланишнинг объектив механизми билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” ўқув курсини ўқитиш асосида талабаларда иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва усуллари, давлатнинг иқтисодий сиёсати тўғрисидаги тизимли, кенг қамровли назарий билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилинади.

“Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” ўқув курсини ўқитишдан мақсад - талабаларда иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва усул,воситалари, давлатнинг иқтисодий сиёсати тўғрисидаги тизимли,кенг қамровли назарий билим ва амалий кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Фан ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми билан биргаликда давлат механизмнинг амал қилиш соҳаларини ва шаклларини очиб бериш;

- иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлат иқтисодий сиёсатининг ўрни ҳақидаги турли концепцияларни таҳлил этиш ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда иқтисодиётни тартибга солиш механизмнинг шаклланиши ва ривожланиши, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариш усуллари, воситалари ва йўналишларини аниқлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль. 1-илова.

- давлат иқтисодий сиёсатининг мақсадлари, вазифалари ва уларни амалга оширишнинг йўналишлари, усул ва воситаларини ҳамда иқтисодиётни тартибга солишнинг шакл ва воситаларини таҳлил қилиш;

- иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг йўналишларини таҳлил қилиш ва бу борада қарорлар қабул қилишни ўргатишдан иборат.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида макроиқтисодий мувозанатни ва мутаносибликни, юқори, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, фаол ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инфляция ва ишсизлик даражаларини мақбул даражада ушлаб туриш, аҳолининг иш билан бандлигини ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини, иқтисодий - молиявий инкирозларга бардошлигини таъминлаш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш давлат иқтисодий сиёсати мақсад ва вазифалари ҳамда бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситаларининг қай даражада илмий асосланганлиги ҳамда реал воқеликни ҳисобга олиб қўлланилаётганлигига боғлиқ. Шунинг учун "Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари" фани давлат томонидан макроиқтисодий ва микроиқтисодий сиёсатларини амалга ошириш, иқтисодиётни тартибга солиш, унинг бозор ва давлат механизмлари амал қилишининг узвийлигини таъминлаш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

## **1-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ**

### **1.1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари курсининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Давлат жамиятнинг муҳим институционал ташкилоти ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “давлат – мамлакат микёсида жамиятни уюштириш масалаларидни ҳал қилиш, унинг ташки муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма. Давлат жамиятни ўз қонун-қоидаларига кўра идора қилади, турли тип, шаклларда ташкил топади”<sup>1</sup>. Давлатнинг умум эътироф этилган белгилари куйидагилардан иборат:

- давлат ўз чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамият, аҳолисининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;
- давлат суверен ҳокимиятнинг ягона эгасидир;
- давлат юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқарилган ҳужжатларни қабул қилади;
- давлат ўз функцияларини бажариш учун зарур давлат органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат механизм ( маҳкама)га, ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари – суд, прокуратура, милиция, полиция кабиларга, ўз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўлади<sup>2</sup>.

Замонавий институционализм назарияси давлатга иқтисодий нуқтаи назардан таъриф беради. Институционал ёндашувга мувофиқ унинг асосий моҳиятини “трансакция харажатлари” категориясидан фойдаланган ҳолда очиқ берилади. Д.Нортнинг таърифлашича, давлат – зўрликни амалга оширишда қиёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудни камраб олувчи ташкилот<sup>3</sup>.

Давлат категориясига институционал ёндашувларни таҳлил қилиш асосида В.Л.Томбовцев “давлат назарий жиҳатдан энг самарали мажбур қилиш органи ҳисобланиб, бунда унинг самарадорлиги унинг легитимлигига, яъни “солиқ солинадиган фуқаролар томонидан” давлатда куч ишлатиш ҳуқуқи мавжудлигининг тан олиншига бевосита боғлиқ. Чунки агар жамоат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Гидрофилия-Зебралар. Таҳрир хайъати: М.Аминов ва бошқалар.-Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-148-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Гидрофилия-Зебралар. Таҳрир хайъати: М.Аминов ва бошқалар.-Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-149-бет.

<sup>3</sup> Норт Д. Институти, институциональные изменения и функционирование экономики –М.: Фонд экономической книги “Начала”, 1997. – С.54-55.

фикрига мос келадиган бундай тан олиш мавжуд бўлса, у ҳолда давлат ўз функциялари ва мақсадларини амалга ошириш учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланувчи ташкилот сифатида ўз имкониятларини аҳолининг ушбу функциялар ва мақсадлар бажарилишига қаршилигини енгиш учун сарфламаслиги мумкин<sup>1</sup>, - деб таъриф беради.

Адам Смит XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ давлатнинг асосий мажбуриятлари доирасини белгилаб берди:

- биринчидан, жамиятни куч ишлатиш ва бошқа мустақил жамиятларнинг бостириб келишидан ҳимоялаш;

- иккинчидан, имкон қадар, жамиятнинг ҳар бир аъзосини адолатсизликдан ва унинг бошқа аъзолари томонидан жабрлашдан ҳимоялаш ёки яхши адолат ҳукмини ўрнатиш;

- учинчидан, уларни барпо этиш ва сақлаб туриш алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳлар манфаатлари йўлида амалга оширилмайдиган муайян ижтимоий иншоотлар ва ижтимоий муассасаларни барпо этиш ва сақлаб туриш, чунки улардан келадиган фойда ҳеч қачон алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳларга харажатларни тўлай олмайди, лекин кўпинча харажатларни катта жамиятга ортикча тўлаши мумкин<sup>2</sup>.

Ж.Бьюкенен<sup>3</sup> ўз асарларида давлатнинг жамиятдаги ролининг икки томонламалигига алоҳида эътибор қаратади, яъни унинг назарида давлат ҳам ҳимоя қилувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи воситадир. Ҳимоя қилувчи ёки ҳуқуқий давлат конституцион босқичда келишувчи томонларга нисбатан концептуал ташқи ва ҳуқуқларни ҳамда бундай ҳуқуқларни ихтиёрий равишда алмашиш бўйича шартномаларни таъминлаш учун ягона жавобгарликка эга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш институти ёки органи сифатида пайдо бўлади. Давлат ишлаб чиқарувчи восита сифатида бозор механизми ишлабчиқаришни таъминлай олмайдиган жамоат неъматларини ўзи ишлабчиқаришни ташкил этади.<sup>4</sup> Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг энг умумий функциялари қуйидагилардан иборат<sup>5</sup>:

- *мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш;*  
- *ахборот билан алмашиш тармоқларини, яъни ривожланган ахборот инфратузилмаси барпо этиш;*

<sup>1</sup> Томбовцев В.Л. Государство и переходная экономика: Пределы управляемости. – М.: МГУ – ТЕИС, 1997. – С. 34.

<sup>2</sup> Смит А. Исследование о природе и богатстве народов – М.: Лекиздат, 1935. – С. 231.

<sup>3</sup> Бьюкенен Дж. Границы свободы. – М.: Таурус Альфа, 1977. – С. 272.

<sup>4</sup> Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. - Т.: Иқтисодиёт, 2013. - 156-бет.

<sup>5</sup> Олейник А. Институциональная экономика. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С. 344-345.

- *ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш. Улар жумласига алмашинадиган товарлар ва хизматлар миқдори ва сифатини ўлчаш стандартларини, шунингдек, давлат томонидан пул муомаласининг ташкил этилиши ҳам қиради;*

- *товарлар ва хизматлар билан жисмоний алмашиш тармоқлари ва механизмларини, яъни бозор инфратузилмасини барпо этиш;*

- *ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва низоларда «кучинчи» томон ролини бажариш;*

- *соф ижтимоий фаровонликни яратиш* (биринчи навбатда мудофаа, кейин соғлиқни сақлаш ва таълим сингари ижтимоий фаровонликни яратиш).<sup>1</sup>

Давлатнинг иқтисодий соҳада иштирок этиши, иқтисодий жараёнларга аралашуви, иқтисодиётни тартибга солиши нуқтаи назаридан асосий мажбурият ва вазифалари, иқтисодиёт соҳасидаги сиёсатининг мазмуни ва уни амалга ошириш механизмлари тўғрисидаги масалалар иқтисодий фанлар диққат марказида турадиган муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш бўйича сиёсатига тааллуқли бўлган кўплаб саволларга жавоб қидириш билан турли илмий мактаблар ва йўналишлар иқтисодчиларининг аксарияти банд. Иқтисодчиларнинг давлатнинг иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишга қаратилган иқтисодий сиёсати бўйича ишлаб чиққан илмий-назарий концепциялари, назариялари ҳамда уларга асосланган иқтисодий сиёсатнинг турли моделларининг амалиётда қўлланиши тажрибаларининг умумлаштирилиши негизида “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” фани шаклланиб, кўплаб мамлакатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлирида иқтисодиёт таълим йўналишлари бўйича ўқув курслари сифатида бўлгуси иқтисодчиларга ўқитилмоқда.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллариининг назарий асосларини иқтисодиёт назарияси фани яратади. Иқтисодиёт назарияси жамиятда амал қилувчи объектив иқтисодий қонунларни очиб беради ҳамда хўжалик юритишнинг принципларини ва механизмини, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг мақсадларини, соҳалари ва восита ҳамда усуллариини, яъни давлатнинг иқтисодий сиёсатини илмий жиҳатдан асослайди. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлатнинг иқтисодий сиёсати – давлатнинг

<sup>1</sup> Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. - Т.: Иқтисодиёт, 2013. - 153-бет.

иктисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир этиш мақсадида бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун қулай шароитларни яратишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлари йиғиндисиدير.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларининг тадқиқот объекти бўлиб иқтисодий субъектларнинг ўзаро ҳамкорликда самарали ва барқарор фаолият юритишлари. шунингдек, иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш учун қулай ҳуқуқий ва ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳамда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ўқув курсининг предметини давлатнинг жамият манфаатларини кўзлаб, иқтисодиётга аралашуви ва уни тартибга солиши жараёнлари ва бунда давлат билан иқтисодиёт субъектлари ўртасида юзага келадигансиёсий, ижтимоий-иктисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади. Давлат иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган сиёсатини ҳукуматнинг иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги қарорлари ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш га қаратилган давлатнинг иқтисодий сиёсатини қўллаш соҳалари қуйидагилардан иборат:

1) Иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар соҳасидаги сиёсат. Бунда иқтисодий ҳаётдаги давлат ва хўжалик субъектлари хатти-ҳаракати нормалари бўйича узоқ муддатли ижтимоий келишув тўғрисида сўз боради.

2) Иқтисодий тартиб ўрнатиш сиёсати, яъни хусусий шахслар, фирмалар, институтлар фаолияти, рақобатни ҳимоя қилиш, иқтисодиётни тартибга солиш ва савдони ривожлантиришнинг мумкин бўлган миқёсларини белгиловчи тартиб-қоидаларни ўрнатишга қаратилган сиёсат;

3) Интеграцион ва ташқи сиёсат- бу ҳудудлараро бозорларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир;

4) Хўжалик жараёнларига таъсир кўрсатиш сиёсати-бу жами талаб ва жами таклифга таъсир этиш, улар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, пул ва фискал сиёсатларни амалга оширишдир.

5) Иқтисодий ўсиш сиёсати ва таркибий сиёсат иқтисодий ўсишга тўсиқларни бартараф этишга ва ишлаб чиқариш потенциалининг ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир;

б) Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати.<sup>1</sup>

Демак, давлатнинг иқтисодий сиёсати давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг шакл ва усул, воситалари, дастакларини ўз ичига олади. Давлат мавжуд бўлган барча тарихий даврларда иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишга қаратилган сиёсат давр талабларига мос равишда маълум миқёсларда, шакл ва услубларда амалга оширилиб келинган. Лекин то 1929-1933 йиллардаги кризисгача бўлган даврларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви номуайян, ва чекланган бўлиб, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш тор доира ва миқёсларда, қўламларда вазият тақозасига кўра эпизодик кўринишда кам сонли восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилиб келинган. Фақат 20-асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб, давлатнинг иқтисодий сиёсати бозор иқтисодиётига давлатнинг мунтазам равишда аралашуви, уни тартибга солишга қаратилган механизмни бозорнинг ўзини ўз тартиблаш механизми билан уйғунлаштиришга йўналтирила бошланди. Унинг мазмунини очиб бериш учун бозор иқтисодиётига давлатнинг аралашуви ва тартибга солиши зарурлиги, унинг объекти ва предмети, шакл ва усулларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

## **1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги ва шакллари**

Бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солишнинг икки механизми юзага келди: давлат ва бозор механизмлари. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари, ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорликлари рақобатга ундовчи асосий куч бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бозорнинг муҳим элементи бу нарх ва унинг даражаси бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи учун ҳам, тадбиркор учун ҳам ва харидор учун ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бозор тизими ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни қарор қабул қилишларида эгилувчанлик ва мослашувчанлик жиҳатларини юқори эканлиги билан тавсифланади. Бозор ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқаларни боғлайди. Тармоқлар ўртасида ресурсларни самарали тақсимланишида, талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлашда бозор механизми қулайдир.

Жамият иқтисодиётининг ривожланишида, ижтимоий меҳнат тақсимотида, давлатлараро алоқаларнинг кенгайишида, иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш каби иқтисодий

<sup>1</sup> Руденко И.А. Экономическая политика: учебное пособие. - Минск, 2010. - С. 6.

жараёнларда бозор механизмнинг тартибга солиш имкониятлари чегараланганлиги намоён бўлади. Бунга иқтисодиётда юзага келиб турадиган иқтисодий инқирозларни мисол келтириш мумкин. Бозор механизми бажара олмайдиган ва тартибга сола олмайдиган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг вазифалари мавжуд. Санаот ривожланишида эркин рақобат асосида ишлаб чиқариш кучлари нафақат яқка тартибдаги хусусий мулк доирасида ўсмоқда, балки жамоа (акционерлик) ва бошқа мулкчилик шакллариининг ўрни ҳам ошиб бормоқда. Бирок, давлат иқтисодиётнинг йирик тармоқларини ўз зиммасига олишга, уларни ривожлантиришга ва тартибга солишга мажбур бўлмоқда. Масалан: темир йўл, телеграф, почта, мудофаа ва ҳ.к. Бозор механизми бажара олмайдиган ижтимоий вазифалар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, бозор муносабатлари асосидаги баъзи фаолият натижаларига давлатнинг аралашуви эҳтиёжи туғилади.

Давлат иқтисодиётни тартибланиши бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланиши асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушқунлик ва тангликнинг олдини олиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнаки учун имкониятлар яратиш, шунингдек, аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Иқтисодий субъектлар ўзаро рақобатда бўлгани ва ўзларининг шахсий ёки жамоавий манфаатлари юзасидан фаолият кўрсатгани учун уларнинг худбинлик манфаатлари умумдавлат, жамият манфаатларига зид келиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари манфаатлари ва фаолиятлари жамият, давлат манфаатларига зид келиб қолмаслиги, унга зиён етказмаслигини назорат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун давлат иқтисодий субъектларнинг макроиқтисодиёт микёсидаги алоқа ва боғланишларини тартибга солади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмнинг самарали ишлаши учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимини сақлашни ўз зиммасига олади. Чунки эркин тадбиркорлик тизими ва уни бошқарувчи талаб ва таклиф қонунларининг амал қилиши рақобатга боғлиқ бўлади. Рақобатчилик муҳитини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг давлат механизми қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий субъектларнинг фаолият юритиш қоидаларини белгилаш;
- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиш;

- иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳс, зиддиятларни ҳал қилишда қўмаклашиш.

Бозор механизми фақат хусусий тадбиркорлар учун фойда келишини таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Аммо жамият тараққиёти учун зарур бўлган, аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товар ва хизматлар хусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқарилиши мумкин эмас. Бундай ижтимоий товарлар ва хизматларга: мактаблар, йўллар, ёнғиндан ҳимоялаш, миллий мудофаа қабилар қиради. Бинобарин, уларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни давлатнинг ўзи ташкил қилиши, тартибга солиши зарур бўлади.

Иқтисодиётни тартибланиши давлат механизмини тақозо этувчи сабаблардан бири бозор тизимидан ташқарида содир бўлувчи инсон фаолияти ва табиатнинг зарарли оқибатларидан (инсон саломатлигига, табиатга зиён етказувчи омиллар) аҳолини ҳимоя қилиш заруратидир. Бозор тизимида бундай зарарлар учун жавобгар шахслардан товон тўлашга мажбур қилувчи механизмлар мавжуд эмас. Шунинг учун давлат томонидан иқтисодиётни тартибланиш механизмида аҳолини зарарли оқибатлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро зарарли оқибатлар нафақат инсон ҳаётига балки иқтисодиётга ҳам салбий таъсир қилади. Шунга биноан улардан аҳолини ҳимоялаш чора-тадбирлари оқибатида аҳоли саломатлиги яхшиланади, уларнинг меҳнат қобилияти ҳам ошади. Бу эса ўз-ўзидан аҳоли меҳнат фаолиятининг ўсишига, иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

Аҳолини қўшимча зарарли оқибатлардан ҳимоялаш давлат механизми ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ишонтириш, солиқ солиш, субсидиялаш, тартибга солиш. Бундай ишонтириш усуллари, воситалари кишиларни, иқтисодиёт субъектларини жамиятга, бошқа кишиларга зиён келтирадиган хатти-ҳаракатлар қилмасликка чақаришга қаратилган бўлади.

Солиқ солиш зарарли қўшимча оқибатларни чеклаш мақсадида қўлланилади. Турли солиқ миқдорларини белгилаш орқали ҳукумат фирмалар фаолиятдан келиб чиқадиган зарарли қўшимча оқибатларни чеклашга мажбур қилади. Бундай оқибатлардан холи бўлган фирмаларга давлат субсидиялар бериш орқали уларнинг фаолиятини рағбатлантиради. Хавфсизлик меъёрларини белгилаш ёки ман қилувчи қонунлар чиқариш йўли билан давлат тартибланиш ишларини амалга оширади.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибланиш механизмида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутди. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий

ҳимоялаш, жамият учун халқ хўжалиги тармоқлари, шу жумладан, кишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида даромадлар давлат томонидан қайта тақсимланади. Давлат томонидан даромадларнинг қайта тақсимланиши иқтисодий тартиблаш механизмнинг муҳим унсури ҳисобланади.

Иқтисодий тартибга солиш механизмида макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик фаоллиги ўзгариб туради, иқтисодий ўсиш унинг пасайиши билан алмашилиб туради. Оқибатда фирмаларнинг синиши ва ишсизларнинг кўпайиши ортади, аҳоли турмуш даражаси пасаяди, улар кўп қийинчиликни бошдан кечирадilar. Давлатнинг иқтисодий тартибга солиш механизми ёрдамида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизми ёрдамида иқтисодий ўсиш циклидан тангликка, пасайишга ўтишдаги салбий оқибатларни чеклаб, тангликдан иқтисодий ўсиш сари ўтиш имкониятлари вужудга келтирилади.

Давлат иқтисодий тартибга солиш учун бир қанча шакл ва воситалардан фойдаланади. Бунда давлатнинг ўз фаолиятини қайси объектга қаратиши муҳим ҳисобланади. Тартибга солиш объектлари - бу бозор механизми, уларнинг нормал кечишини қониқарсиз ёхуд бутунлай таъминлай олмайдиган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги муайян шарт-шароит, жараён, муносабатлардир. Улар жумласига қуйидагилар кирди:

1. Иқтисодий цикл, пул муомаласи, ижтимоий бандлик, инвестициялар, илмий-тадқиқотлар, нархлар каби умумхўжалик жараёнлари.

2. Ҳарбий муҳофаза, кишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, банк соҳаси каби йирик иқтисодий соҳаларни ривожлантириш.

3. Мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга молик айрим йирик корпорациялар.

Иқтисодий тартибга солиш шакллари деганда, бюджет-солиқ, пул-кредит, маъмурий бошқарувчилик фаолияти эътиборга олинади.

Бюджет-солиқ сиёсати давлат бюджетини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, бажариш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш учун зарур. Пул-кредит тартиботи миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, инфляция билан курашиш бўйича давлат органлари амалга оширадиган тадбирларни ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётини маъмурий жиҳатдан тартибга солиш маъмурий равишда монополистларни картеллаштириш, майда

корхоналарга ажратиш, лицензиялаш, квоталаш каби чора-тадбирлардан иборат.

Иқтисодий тартибга солиш воситалари орқали мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатилади. Бунинг учун давлат органлари қуйидаги воситалардан фойдаланиши мумкин:

- чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини тартибга солиш;
- иқтисодий солиқлар воситасида тартибга солиш;
- иқтисодий тизимга монетар услублар воситасида таъсир ўтказиш.

Иқтисодий тартибга солиш воситаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, маълум вазиятларда алоҳида қўлланиши мумкин. Ўтиш даври иқтисодиётини тартибга солиш жараёнида давлат органлари объектив шарт-шароитларга кўра барча таъсир воситаларидан биргаликда фойдаланишга мажбурдирлар.

Замонавий бозор иқтисодиётининг тузилмасида турли хил йўналишли кесимларни, жумладан, функционал, ижтимоий ҳудудий тузилмаларни кўрсатиш мумкин.

Функционал тузилма - ялпи ички маҳсулотни турли хил эҳтиёжлар учун (хусусий ёки давлат истеъмоли, ялпи жамғариш, соф экспорт) тақсимланишини тавсифлайди. Ушбу жараён ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал, ер, илмий-техник тараққиёт) кесимида маҳсулот қийматининг шаклланишини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ижтимоий тузилма - ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий секторларга тақсимланишини ифодалайди:

- хусусий сектор (хусусий корпоратив секторни ҳам ўз ичига олади);
- корпоратив давлат-хусусий сектори (аралаш сектор)
- давлат сектори (унитар ва давлатга қарашли корхоналар);
- уй хўжаликлари сектори.

Иқтисодий тартибга солиш соҳавий, яъни тармоқ тузилмаси - айрим тармоқларнинг ЯИМни ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси билан тавсифланади. Иқтисодий тартибга солиш ҳудудий тузилмаси турли хил ҳудудий тузилмаларнинг ЯИМни ишлаб чиқаришдаги иштирокни таърифлайди.

Давлат иқтисодий ислохотлар даврида миллий иқтисодий таъсир этишининг янги усул ва воситаларини қўллашга ҳаракат қилади. Ўтиш даврида иқтисодий тартибга солиш эркин ривожланиши учун имкониятлар яратиш давлатнинг муҳим устувор вазифалари ҳисобланади. Бунинг учун эркин иқтисодий тамойилларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг бош йўли ҳам эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Эркин иқтисодиёт тамойиллари мазмунан қуйидагилар билан белгиланади:

- хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги етакчи ўрни;
- тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- соғлом рақобатчилик муҳитининг мавжудлиги;
- бозор турларининг эркин ташкил топиши ва ривожланиб бориши;
- иқтисодий алоқаларнинг фойда ва даромад топиш манфаатлари замида ташкил топиши;
- нархларнинг бозорда эркин шаклланиши;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланганлиги.

Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунлари, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиши ҳамда иқтисодиётни тартибланишнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаши зарур. Бунинг учун эскидан қолган иқтисодий қарашлар ва иш олиб бориш қоидаларининг янги иқтисодиёт тамойилларига қандай йўсинда таъсир этаётганлигига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Ушбу ўринда “эркин иқтисодиёт” тушунчаси нимани аниқлашига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Эркин иқтисодиёт бу – турли мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлиги ҳамда уларнинг эркин ҳаракати орқали иқтисодиёт субъектларининг фойда олишга интилишларини юзага чиқарувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Эркин иқтисодиёт тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини таъминлар экан, бу ҳолат фойда олиш, наф кўриш, манфаатни қондириш кабиларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Эркин иқтисодиёт қуйидаги ҳолатлар билан ҳарактерланади:

1. Тадбиркорлар қатлами иқтисодиётнинг асосий субъекти бўлиб, улар ўз даромадларини максималлаштиришга интилувчилардан ташкил топади.
2. Фирмалар қаттиқ рақобат шароитида фаолият юритадилар.
3. Молиявий интизомга қаттиқ риоя этилади.
4. Ресурслар бозори эркин бўлади.
5. Хўжалик ҳаётининг ҳуқуқий таъминоти кучли бўлади.
6. Истеъмолчилар талаби бозорга кучли таъсир этади.
7. Товар ва ресурслар баҳоси, фоиз ставкаси, валюта курси бозорга қараб ўзгарувчан бўлади.

8. Жамғармаларнинг асосий қисми банклар ва молия бозорида ҳаракатланади.

9. Давлат сектори очик ва тижоратлашган бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш вазифаларининг нечоғлик самарали эканлиги ва эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши бозор муносабатларининг ривожланишини, иқтисодий муносабатлар бозор қонунлари асосида ташкил топишини таъминлаб, барқарор иқтисодий ўсиш учун иқтисодий шарт-шароитларни юзага келтиради ҳамда объектив иқтисодий қонунларнинг реал амал қилишини қарор топтиради.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, иқтисодиётни тартибланишнинг давлат механизми объектив бозор механизмига кўмаклашишга қаратилган ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришга таъсир килувчи чора-тадбирлар ва воситалар мажмуидир. Ҳозирги замон иқтисодиётида бозор механизми орқали иқтисодиётни тартибга солиш қанчалик зарур бўлса, давлат механизмини шунчалар зарур эканлигини кўрсатади. Энг муҳими, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ҳар иккала механизмларни афзал жихатларини бирлаштиришдир. Бу эса иқтисодиётни рационал бошқаришдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### **1.3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш бўйича давлат бошқарув органларининг вазифалари ва дастаклари**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга қаратилган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан ҳокимият органлари ўз зиммасига аниқ вазифаларни олади. Уларга қуйидагилар қиради:


- иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш;
  - тўлиқ ва самарали бандлик;
  - иқтисодий самарадорликка эришишни кўзлаш;
  - нархнинг барқарор даражаси;
  - иқтисодий эркинлик;
  - даромадларнинг одиллона тақсимланиши;
  - мамлакат ташқи савдо балансининг мутаносиблигини таъминлаш<sup>1</sup>
- (1.3.1-расм).

<sup>1</sup>Государственное регулирование рыночной экономики. –М.: Путь России. //Экономическая литература. 2002. -С.26-27.



Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўзаро боғлиқ мақсадларни ишлаб чиқиш ва асослаш ҳукуматнинг мамлакатни бошқариш санъати ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлигининг қарама-қаршилиги, уларнинг ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тартибга солувчи давлат органларининг ўз мақсадларини алоҳида ҳолда эмас, балки биргаликда, уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқишга мажбур қилади.

**1.3.1-расм. Давлат бошқарув органларининг миллий иқтисодиётни тартибга солиш бўйича вазифалари<sup>1</sup>**



Иқтисодиётни тартибга солиш бўйича давлат органлари олдида турган мақсадлар кўп, лекин уларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлигининг юқори даражасини таъминлаш;
- нархлар барқарорлиги ҳамда пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий мувозанатни сақлаш.<sup>2</sup>

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий бош мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришиш, мавжуд тузумни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ўзгариб бораётган шароитга адаптация қилиш, мослашиш ҳисобланади. Демак, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги замон иқтисодий тизимларининг характерли, асосий белгиси ҳисобланади. Шу боисдан кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашуви кучаймоқда.

Иқтисодиётга давлат томонидан таъсир этиш объеклари- бозор механизми таъминлай олмайдиган ёки қоникарсиз даражада таъминлайдиган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш соҳасида юз берадиган жараёнлар, муносабатлар, шароитлардир. Давлат таъсир этадиган ва тартиблайдиган объектларга уларнинг даражалари нуқтаи назаридан қуйидагилар қиради:

- умумхўжалик жараёнлари, яъни иқтисодий цикл, пул муомаласи, иш билан бандлик, инвестициялар, илмий-тадқиқот, тажриба, конструкторлик ишлари (ИТТКИ), нархлар;
- иқтисодиётнинг йирик соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, инфраструктуралар, молия соҳаси;
- тармоқлар ва корпорациялар;
- йирик хўжалик комплекслари сифатидаги ҳудудлар. (1.3.2.-расм).

Булардан ташқари, давлат тартибга соладиган объектга ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ҳам қиради. Давлат ташқи савдо шароитлари, капитал ва ишчи кучи ҳаракати, валюта муносабатлари, халқаро ташкилотларда иштирок этишни тартибга солади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектига ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, иш берувчилар билан ёлланма ишловчилар ўртасидаги муносабатлар, кичик ва ўрта тадбиркорлик, шунингдек, социал таъминот соҳалари ҳам қиради.


<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган  
<sup>2</sup>Государственное регулирование рыночной экономики. –М.: Учебное пособие для вузов. / Т.Г.Морозова и др. Под ред Т.Г.Морозовой. – ЮНИТИ-ДАНА. 2001.-С.27.



**1.3.2-расм. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектлари<sup>1</sup>**

Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва таъсир этиш предмети узок муддатли истикболда миллий бойлик ва миллий мулкнинг ўсиши, ўрта муддатда иқтисодий цикл, қисқа муддатли даврда – хўжалик конъюнктураси ҳисобланади. Ушбу предмет бўйича иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш чора-тадбирлари кризис ва тургунлик шароитида давлат товар ва хизматларга бўлган талабни, капитал қўйилмалар ва бандликни, товар ва хизматлар экспорти, хорижий капитал ва туристларнинг кириб келишини рағбатлантиради, иқтисодий юксалиш даврида эса иқтисодий ўсишни жиловлашга, иқтисодиётнинг қизиб кетишининг олдини олишдан иборат бўлади. Ушбу мақсадларда хусусий капитал учун қўшимча молиявий рағбатлар яратилади, давлат харажатлари кўпайтирилади, фоиз ставкалари тартибга солинади (1.3.3-расма).

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган.




**1.3.3-расм. Иқтисодиётга давлат аралашувининг предметлари<sup>1</sup>**

Иқтисодий циклни тартибга солишнинг умумий вазифалари доирасига иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши, капитал жамғариш, аҳоли иш билан бандлиги, тўлов балансининг аҳволи, инфляция, нарх ва бошқалар ҳам киради (1.3.4-расм).

Иқтисодиёт ва ижтимоий ишлаб чиқариш таркибий тузилишини тартибга солиш молиявий рағбатлар, давлат капитал қўйилмалари воситасида амалга оширилади.

Шунингдек, фан-техника тараққиёти туфайли вужудга келган янги тармоқ ва ишлаб чиқаришлар ҳамда иқтисодиёт ва тармоқ ичидаги прогрессив таркибий ўзгаришлар, унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш рағбатлантирилади. Шу билан бирга, айрим жойларда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари концентрациялашуви ва марказлашувининг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

<sup>1</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.



**1.3.4-расм. Давлат томонидан иқтисодий циклни тартиблаш.**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим унсурларидан бири капитал жамғариш ҳисобланади. Маълумки, фойда олишга интилиш, уни ўзлаштириш ҳамда капиталга айлантириш бозор иқтисодиётида ҳўжалик юритишнинг бош мақсади бўлади. Шунинг учун ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсати жамғаришни рағбатлантиришга қаратилади. Бу эса ҳўжалик субъектларининг манфаатларига мос келади. Давлат бошқарув органлари иқтисодий цикл ва иқтисодиёт таркибий тузилмаларига таъсир этиш учун барча инвесторлар ва уларнинг айрим гуруҳлари учун турли даврларда қўшимча имтиёзлар ҳамда имкониятлар яратади.

Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасида бозор иқтисодиёти нуктаи назаридан нормал нисбат ва уларнинг мувозанатини қўллаб-қувватлашни англатади. Бу нисбат иқтисодиётнинг малакали ва интизомли ишловчиларга бўлган эҳтиёжини кондириши лозим. Уларнинг иш ҳақлари етарли меҳнат мотивациясини вужудга келтириши керак. Аммо ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи ўртасидаги нисбат иш ҳақининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келмаслиги керак. Акс ҳолда, бу ҳол миллий рақобатбардошликка салбий таъсир этади. Шунингдек, аҳоли иш билан бандлиги ҳам кескин пасайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бунинг оқибатида ишсизлар сони ўсиб, истеъмол талаби ва солиқ тушумлари камайиб кетади, давлат томонидан нафакалар учун харажатлар ўсади. Энг ёмони, бу ҳол ижтимоий ларзаларга, хавfli ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим объектларидан бири пул муомаласидир. Пул муомаласини тартибга солишнинг асосий йўналиши инфляцияга қарши кураш ҳисобланади. Пул

муомаласини тартибга солиш орқали давлат билвосита жамғариш шароитларига, нархлар ва ижтимоий муносабатларга таъсир этади.

Тўлов балансининг ҳолати ва унинг ижобий сальдосига эришиш ҳам давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишига боғлиқ. Шу боисдан бозор иқтисодиётига эга бўлган барча мамлакатларда давлат тўлов балансини оператив ва стратегик тартибга солиш билан шуғулланади. Бунда давлат экспорт ва импортга, капитал ҳаракатига, миллий валюта курсининг кўтарилиши ва тушишига таъсир этиш ҳамда савдо-шартнома сиёсати ва халқаро иқтисодий интеграциялар, ташкилотларда иштирок этиш орқали мамлакат тўлов балансини тартибга солади. Давлат нархларни тўғридан-тўғри ва билвосита тартибга солади. Нархларни тўғридан-тўғри тартибга солишда у ёки бу тармоқ маҳсулотларига, айниқса, табиий монополия маҳсулотларига юқори нарх чегарасини белгилайди. Нархларни билвосита тартибга солишда давлат ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар ҳамда аксиз йиғимлари орқали тартиблайди. Булардан ташқари, давлат хусусий корхоналарни илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, товарларни, капитални, тўпланган билим ва тажрибаларни четга экспорт қилишга рағбатлантиради.

Иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат жаҳон амалиётида тўпланган чора-тадбирлар, яъни куйидаги дастаклардан фойдаланади:

- иқтисодий прогнозлаштириш, яъни иқтисодиёт ва унинг таркибий соҳаларининг истиқболдаги аҳволини, ҳолатини олдиндан кўра билиш, уларнинг истиқболини белгилаш;
- мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг индикатив режасини тузиш;
- давлат органлари бўйича манзилли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ҳўжалик объектларига билвосита, яъни иқтисодий дастаклар орқали таъсир этиш дастак(ричаг)ларини қўллаш;

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (1.3.5-расм).



**1.3.5-расм. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат томонидан қўлланиладиган дастаклар.**

Давлат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишда маълум ҳужжатлар ишлаб чиқади. Уларнинг асосини иқтисодий прогнозлар ташкил этади. Иқтисодий прогнозлар мамлакатни иқтисодий ривожлантириш мақсадларини белгилаш, уни амалга ошириш стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш ҳамда индикатив режалар тузишнинг асоси ҳисобланади. Иқтисодиётни тартибланишнинг муҳим ҳужжатларидан бири иқтисодий ривожланишни дастурлашдир. Иқтисодий дастурлар бозор муносабатлари амал қилаётган шароитда давлатнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри фаол аралашуви асосий дастаклари ҳисобланиб, у бутун иқтисодиётни ёки унинг алоҳида соҳалари бўлган тармоқлар, ҳудудлар, кўптармоқли комплекслар ривожланиши дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни аниқлатади (1.4.6-расм).




**1.3.6-расм. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини тартибга солиш бўйича ҳужжатлар тизими<sup>1</sup>**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми ўз ичига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этиш воситаларини олади. Улар қуйидагилар:

- чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш;
- иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш;
- иқтисодиёт тизимида монетар усуллар орқали таъсир кўрсатиш (1.3.7-расм).

Чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш деганда давлат ўзига қарашли табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, капитал, инвестицион ресурсларни тўғридан-тўғри тақсимлаш орқали иқтисодий тизимдаги мувозанатни сақлашга, янги нисбатлар ва мутаносибликларни вужудга келтиришга интилади. Аммо баъзи ҳолларда чекланган иқтисодий ресурсларнинг давлат томонидан тўғридан-тўғри тақсимланиши иқтисодий тизимдаги мувозанат ва мутаносибликнинг бузилишига ҳам олиб келади.

<sup>1</sup> Государственное регулирование рыночной экономики. –М.: Путь России. Экономическая литература, 2002. С.45



**1.3.7-расм. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситалари**

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш хўжалик субъектларини мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлашга йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи солиқ ставкалари ҳамда тарифларни белгилаш орқали амалга оширилади. Солиққа тортиш объектлари, солиқ ставкаларини белгилаш билан бир қаторда имтиёзлар тизими ҳам жорий этилади. Солиқ имтиёзларини жорий этиш давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этиш воситаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётга монетар усуллар орқали таъсир этиш фоиз ставкалари, бюджет қарзлари, давлат қарз мажбуриятлари очик бозоридаги операциялар, муомаладаги пул массаси, валюта курси каби молиявий регуляторларни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида давлат иқтисодиётни тартибга солиш объектлари, предметлари, восита ва усулларини аниқ белгилаш ҳамда қўллаш механизмни шакллантириши лозим бўлади.

**1.4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатининг тамойиллари ва йўналишлари.**

Давлатнинг иқтисодий стратегияси унинг сиёсий стратегиясини амалга ошириш учун иқтисодиётга давлатнинг аралашуви механизмлари ва устуворликларининг трансформациялашувини белгилаб беради. Иқтисодий стратегия узок муддатли давр ичида давлат фаолиятининг йўналиши ва унинг амалга ошириш принципларини ифодалайди. Давлатнинг иқтисодий стратегиясининг муҳим турлари куйидагилардан иборат:


- 1) Ривожланишнинг ижтимоий самарали стратегияси;
- 2) Корпоратив стратегия маълум гуруҳ кишиларнинг бойлик орттиришга қаратилган тор эгоистик манфаатларини амалга оширишга қаратилади;
- 3) Либерал-иқтисодий стратегия товар ва капиталнинг эркин ҳаракати учун очик бўлган иқтисодиёт учун қўлланилади;

- 4) Тартибга солувчи иқтисодий стратегия давлат товар ва капитал ҳаракати учун назорат ўрнатганида қўлланилади;
- 5) Мобилизацион иқтисодий стратегия давлатнинг мавжудлигига таҳдид кучайганида, фавқулодда ҳолатлар шароитида давлатнинг ишлаб чиқариш ва ташқи иқтисодий алоқаларга тўғридан-тўғри аралашуви кучаяди;
- 6) Давлатнинг иқтисодий интеграция стратегияси;
- 7) Самарали миллий стратегия.

Давлатнинг ижтимоий самарали иқтисодий стратегияси фуқаролар учун оптимал таркибдаги пировард маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатининг барқарорлигини таъминлашни, тўлиқ самарали иш билан бандликка, инфляцияни жиловлашга ва даромадларнинг одилona тақсимланишига эришишини ифодалайди. Давлат иқтисодий стратегияси сифатининг критерияси (мезони) унинг ижтимоий самарали иқтисодиётга мувофиқлиги даражаси ҳамда унга мамлакат ичидаги ва жаҳон ҳамжамияти томонидан билдирилган ишонч даражасини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати унинг стратегик вазифаларидан келиб чиқиб жамиятда ишлаб чиқариш, даромад ва неъматларни тақсимлаш жараёнларини тартиблаш учун давлат томонидан жорий давр ичида қўлланиладиган чора-тадбирлар тизимини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати ўз ичига ташқи иқтисодий, таркибий-инвестициявий, институционал, аграр, саноат, ижтимоий, нарх, молиявий, солиқ-бюджет, пул-кредит, худудий (минтақавий) сиёсатларни олади (3.5.1-расм).



**1.4.1-расм. Давлатнинг иқтисодий сиёсати.**

Давлат сиёсатининг муваффақияти жамият эҳтиёжлари ва уларни қондириш воситаларини аниқлаш учун реал ҳолатни аниқ белгилаш ва иқтисодий билимлар даражасига боғлиқдир.

Давлат иқтисодий сиёсатининг принциплари қуйидагиларда ифодаланади:

**Иқтисодиётнинг самарадорлик принципи.** Мавжуд ресурслар ҳисобига кўп миқдорда неъматлар ёки кам сарф-харажатлар эвазига кўп миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

**Неъматларнинг одилона тақсимланиши принципи.** Мамлакат фуқаролари даромадларидаги тенгсизликни камайтириш ва иқтисодиёт самарадорлигига кўшган ҳиссаларига мувофиқ ҳар бир фуқаро даромадларининг кўпайиб боришини таъминлаш.

**Барқарорлик принципи:**

- иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги;
- инфляция ўсиши суръатининг пастлиги;
- ишсизлик даражасининг юқори эмаслиги.

Давлат иқтисодий стратегияси сифати индикаторлари қуйидагилар билан белгиланади:

**Иқтисодий индикаторлар** давлат иқтисодий хавфсизлиги шартли бузилишининг асосий белгиси – ЯИМ таркибида ишлаб чиқариш инвестициялари улушининг камайишидир.

**Ижтимоий индикаторлар** хавф ва таҳдиднинг бош сигнали меҳнат унумдорлиги рағбатларининг сусайиши ва жамиятда аҳоли ижтимоий табақаланишининг кучайиши.

**Молиявий индикаторлар** молиявий хавф сигнали – ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва ишлаб чиқариш инвестициялари ҳажмининг пасайиши шароитида давлат қарзининг ўсиб бориши.

**Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат ва ҳукуматнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:**

- хусусий мулкни эркинлаштириш ва ҳуқуқий жихатдан кафолатлаш;
- бозор иқтисодиёти учун маъмурий ва молиявий инфратузилмаларни яратиш;
- нархларни эркинлаштириш;
- саноат сиёсатини асослаш ва амалга ошириш, инвестициялар, иқтисодиётни янгилаш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгартириш учун бозор шароитларини яратиш;
- жаҳон бозори учун иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш;
- макроиқтисодий аҳволни бошқариш, оқилона бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатни амалга ошириш;

-иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш бўйича марказий, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ижтимоий, таълим инфратузилмалари ва меҳнат бозорини вужудга келтириш;

- ҳукуматнинг бозор иқтисодиётини маъмурий тартибга солиш қобилиятини самарали давлат хизматини шакллантириш.

**1.5. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий вазифалари**

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида давлат бош ислохотчи бўлиши хусусида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: “Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур”,<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди.

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражалари ўртасидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамяти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самара касб этади. Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантириш ва йўқотилган эгаллик туйғусини қайта тиклайди. Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг оқилона шаклларини яратади.

Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида, узок ва чуқур иқтисодий инкирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина қорхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жихатдан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши ҳосдир. Шунинг учун бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг вазифаси жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи воситалари тобора муҳимлашади. Давлат зиммасига фақат иқтисодий тартиблаш ва рағбатлантириш вазифаларигина қолади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. //Биздан озод ва обод Ватан қолсин.2-ж –Т.: Ўзбекистон, 1994, 36-бет.

Бозор ҳўжалигининг асосий талаблари ва шартларидан бири эркин нархлардир. Аммо дунё бўйича нарх сиёсати, айниқса, бозор тармоқларини қарор топтириш даврида тартибга солиб турилмайдиган биронта ҳам давлат мавжуд эмас. Бозор муносабатлари йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат доимо аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислохотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита иқтисодиётнинг давлат сектори орқали ҳам таъсир кўрсатади. Давлат ихтиёрида фақат асосий ва халқ ҳўжалиги тармоқларининг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари қолади. Булар ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, темир йўл, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишдир.

Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ернинг эгаси эканлиги туйғусини қайта тиклаш – мерос қилиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан бориш керак. Энг муҳими, қишлоқ ҳўжалигини юритишнинг шундай шаклини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самарасидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундагина деҳқон ўзини ҳақиқатан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуши даражасига кўтариш, энг аввало, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, уларни сув ва газ билан таъминлаш, шунингдек, ишчи кучи орқича бўлган жойларда кичик мустақил корхоналар, кенг тармоқли қайта ишлаш шахобчаларини ташкил этиш давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли тизимини ташкил этишни талаб қилади. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яккабошлик мавқеини тугатиш нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши тушунадиган, юқсак билимди ва ишбилармон мутахассисларга эга бўлмай туриб, корхоналарни малакасиз қўлларга топшириш уларнинг барбод бўлишига сабаб бўлади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқич бўлиб, уни таъминлаш учун республика

бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган кучли молиявий сиёсат олиб борилиши тақозо этилади. Бу жараёнда бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларгагина берилиши керак.

Эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари доираси нархларининг давлат томонидан назоратга олиниши сақланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, буюмларнинг чегараланган нархлари меъёр билан бериш ҳисобига улар билан аҳолини қафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорини химоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига қатта имкониятлар яратиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнатга лаёқатли маҳаллий мутахассисларсиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни тасаввур қилиш қийин. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув юртларига ўқишга ва тажриба орттиришга юбориш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Замонавий бозор тизимига ўтишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг саноатлашган мамлакатлар сафига йўналишида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келади ҳамда Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигининг ишончли қафолатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бош ислохотчи сифатида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

1. Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида аҳоли манфаатларини кучли қайта тақсимлаш воситаси орқали химоя қилиш.
2. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни қафолатлаш.
3. Иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос бозор шарт-шароитларини вужудга келтириш ва тасдиқлаш.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида кишиларнинг иқтисодий эркинликлари қафолатланган бўлиш.
5. Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бош йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.
6. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини ижтимоий химоялашнинг самарали, аниқ ва равшан тизимини вужудга келтириш.

7. Вужудга келаётган ишбилармонлик тизимларининг қарор топиши ва ривожланишига қўмаклашиш.

8. Аниқ мақсадга қаратилган иқтисодиёт тармоқлари тузилмаси сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга қўмаклашиш.

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш одатда иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади.

#### **Асосий тушунча ва атамалар**

Давлат, иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, давлатнинг иқтисодий стратегияси, давлатнинг иқтисодий сиёсати, иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми, иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизми, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари, давлат бош ислохотчи, солиқ – бюджет сиёсати, пул-кредит сиёсати.

#### **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари” курсининг тадқиқот объекти ва предмети нималардан иборат?
2. Иқтисодиётни тартибга солишда бозор механизмнинг устунлик ва камчилик томонларини айтинг?
3. Бозор механизми қандай ижтимоий вазифаларни бажара олмайди?
4. Иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсати сохаларини изоҳлаб беринг.
5. Замонавий давлатнинг иқтисодий вазифалари нималардан иборат?
6. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шаклининг асосий ривожланиш бокичларини тавсифланг.
7. Давлат иқтисодий сиёсатининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
8. Давлат иқтисодий стратегияси ва сиёсатининг ўзаро боғлиқлиги, принциплари нимани билдиради?
9. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
10. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш объектлари ва субъектлари нималардан иборат?
11. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат томонидан қандай дастаклар қўлланилади?
12. Ўзбекистонда давлат бош ислохотчи сифатида қандай вазифаларни бажаради?

## **2-БОБ. ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **2.1. Иқтисодиётда давлатнинг роли ҳақидаги меркантилизм, физиократизм, классик сиёсий-иқтисод намоёндаларининг концепциялари**

Дастлабки иқтисодий назариялар капитализмнинг бошланғич даврига тўғри келади (XV-XVII асрлар). Бу даврда меркантилистлар жамият бойлиги муомала соҳасида яратилади, миллат бойлиги эса пул миқдори билан аниқланади деган фикрни илгари суришади. Меркантилизм – бу иқтисодий назариядаги биринчи илмий мактаб бўлиб, унинг машҳур намоёндаларидан бири Томас Мен ҳисобланади (1571-1641 й.).

Меркантилизм капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврига хос бўлиб, савдо буржуазия манфаатларини ифода этади. Меркантилизмга икки хусусият хосдир: 1) бойлик пул билан ифодаланади (давлат қанча кўп пулга эга бўлса, у шунча бадавлат ҳисобланади) 2) давлат ҳокимияти ёрдамида пул бойликларини жамғаришга эришиш мумкин. Ушбу мактаб намоёндалари мамлакатга олиб кирилган ва олиб чиқилган товарлар ўртасидаги фарқнинг (актив савдо баланси) юқорилиги билан давлат бойлиги ошади ва давлат актив савдо балансида сиёсий ишларни олиб бориши зарур деб ҳисоблашади. Давлат мамлакатдан товарларни олиб чиқишни рағбатлантириш ва мамлакатга товарлар олиб киришни чеклаш, баъзи товарларни эса олиб кирилишини таъқиқлаш билан протекционизм сиёсатини юритиши лозим. Бунда қуйидаги тамойил олға сурилади: чет элдан арзон баҳога сотиб олиш, бошқа давлатларга қимматроқ сотиш.

«Сиёсий иқтисод» атамаси француз меркантилисти А.Монкреттоннинг 1615 йилда нашр қилинган «Сиёсий иқтисод трактлари» китобида илмий муомалага киритилган эди. Меркантилистлар биринчи бўлиб истеъмол қийматини эмас, балки алмашинув қийматини бойлик деб эълон қилдилар.

Кейинги иқтисодий мактаб физиократлар эди. Ушбу мактабнинг энг кўзга кўринган намоёндаси – Ф.Кэне (1694-1774 й.). Унинг хизмати: физиократлар муомала соҳасини таҳлил этишдан ишлаб чиқаришни таҳлил этишга томон бурилиш ясади. Фақат улар қишлоқ хўжалиги билан чегараланишди. Кэне эквивалент айирбошлаш таълимини олға сурди ва савдодаги айирбошладан ҳеч қандай бойлик яратилмаслигини ва айирбошлаш ҳеч нарса ишлаб чиқарилмаслигини исботлади.

Ф.Кэне «табiiй тартибланиш» ҳолатини, яъни бозор нархининг бекарор тебраниши, эркин рақобат ва баъзи ҳолларда давлат аралашуви



асосида иқтисодиётни ривожлантиришни олға сурди. Физикратлар иқтисодий ривожланиш ўзида табиий жараёни намён қилиши, қонунларга амал қилиниши ва одамлар таъсиридан ҳоли бўлишини лозим деб билишди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши тадбиркорлар синфини вужудга келиши ва мустақамланиши билан тавсифланади. Иқтисодиётнинг ривожланишида давлатнинг аралашуви ушбу мактаб нуктаи-назариди, яъни меркантилизмни иқтисодий либерализм ғояси билан алмашиниш оқибатида тадбиркорлик фаолиятини чекланган ва иқтисодиётга давлатнинг аралашувини салбий баҳолаган. Бу ғоя А. Смит ва Д. Рикардоларнинг илмий ишларида асосланган. Улар классик сиёсий иқтисод мактаби асосчилари бўлиб, қийматининг меҳнат назариясини яратди, капиталнинг мазмунини ва қўшилган қиймат назариясини ёритиб берди.

Иқтисодиётни ривожланишида давлатнинг роли хусусидаги уларнинг қарашлари давлатнинг аралашуви иқтисодий ривожланишни секинлаштиради деган фикрдан келиб чиқади. Адам Смитнинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида” (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А. Смитнинг фикрича, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкони мавжуд бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай аралашувсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади. А. Смит ғояси куйидагича: «Бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи бошқаришга мослашган, унинг асосида қандай қилиб кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ «кўринмас қўл» – шахсий манфаат ётади». Смит ҳулосасига кўра, иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг аралашуви олиб ташланса, иқтисодиёт самарали амал қилади ва бозор бутунлай эркин бўлмоғи лозим.

Д. Рикардо, Ж.Б. Сей, Д. Миль, А. Маршаллар А. Смит ғоясининг давомчилари бўлиб, улар иқтисодий либерализм ғояси илгари суришди ва ҳозирги кунга қадар замонавий иқтисодчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда (неоклассик йўналиш).

Классиклар жами талаб ва жами таклиф мутаносиблигини ўзларига хос талқин этишди. Улар жами таклифнинг ўзгариши унга мос жами талабни ўзгаришини юзага келтиради деган фикрдан келиб чиқишади. Бу Сей қонунида ўз аксини топади, яъни таклиф этилган товар унга мос равишда талабни келтириб чиқаради, бу эса талаб ва таклиф ўртасидаги юзага келадиган фарқларни бартараф этади. Олдиндан ишлаб чиқаришнинг ўрни

йўқолади. Товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иш ҳақларини ошишига олиб келади, бунинг натижасида таклифга мос равишда талаб ҳам ошади.

Ҳақиқатда эса барча даромадлар товарларга айирбошланилмади. Жамғариш юзага келади ва жамғарилган пул миқдори инвестицияга ҳар доим ҳам тенг бўлмайди. Классиклар жами талаб ва жами таклифга боғлиқ ҳолда нархнинг тебраниши барча бозорларни, шу ўринда меҳнат бозорини ҳам, ресурслар бозорини ҳам барқарорлаштиради деб ҳисоблашди.

Бироқ иқтисодий инкирозларнинг кескинлашуви оқибатида асосан 1929–1933 йиллардаги, классик иқтисодий либерализм назариясини заиф эканлигини кўрсатди.

## **2.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг кейнсча назарияси**

1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инкирозидан сўнг кейнсчилик назарияси иқтисодиёт фанида янги оқим сифатида юзага келди. Инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс ушбу иқтисодий мактабнинг асосчиси эди. У мазкур назарияни ўзининг 1936 йилда нашрдан чиққан «Бандлик, фойз ва пулнинг умумий назарияси» номли асарида баён қилиб берди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соҳа мутахассислари орасида Кейнс иқтисодиётга давлат аралашуви заруриятини далиллаб берган дастлабки иқтисодчи ҳисобланмаган. Кейнснинг ўтмишдошлари бўлимиш А. Пигу ва К.Викселл ҳам иқтисодни давлат томонидан бошқариш зарурлигини илмий асослаб бердилар. Ушбу назариянинг асосчиларидан бири Г. Хаберлер ўзининг «Равнақ ва турғунлик» номли китобида даврийлик назариясини таҳлил қилиб берди, инкирозни капиталнинг ҳаддан ташқари жамғарилиши билан ёки етарлича истеъмол қилинмаслик билан изоҳлади ва даврийлик тебранишлари амплитудасини камайтириш мақсадида бу икки кулфатдан қандай қутулиш чоралари тўғрисида ўз фикрларини баён қилди. Ж.М.Кларк томонидан мультипликатор ва акселератор механизми ишлашининг тадқиқ қилиниши ҳам иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш назариясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Унинг тадқиқотлари Кейнс тадқиқотлари билан бир вақтда ўтказилган эди. Аммо Кейнс назарияси унинг ўтмишдошлари ва замондошлари назарияларидан шу билан фарқ қиладики, у ишсизлик ва ортиқча ишлаб чиқариш инкирозлари тасодифий, ўз-ўзидан юзага келадиган ҳодисалар эмас, балки капиталистик бозор механизми ҳаракати туфайли рўй берадиган ҳодисалар эканлигини исботлагани ҳолда, биринчи марта иқтисодиётни давлат ҳокимияти томонидан доимий, мунтазам равишда тартибга солиб туриш зарурлигини эълон қилди. Кейнс назариясининг асосий хусусияти шундан иборатки, у иқтисодчилардан биринчи бўлиб, макроиқтисодий давлат тартиблаши фойдасига асосий

далиллари баён қилиб берди, бунда у ўзига ҳукмрон бўлган тартибларнинг микроиктисодий ёндашувини рад этди.

Иқтисодийётни давлат томонидан тартибларнинг кейнсча назарияси уч асосий ҳолатни ўз ичига олади: биринчидан, унда ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган бозор механизмига баҳо берилди; иккинчидан, иқтисодийётнинг бошбошдоқлик асосида ривожланиши жараёнида пайдо бўладиган қийинчилик ва зиддиятларнинг сабаблари талқин қилинади; учинчидан, камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иқтисодийётни тартиблар тадбирлари тизими белгиланади.

Кейнс ўзининг дастлабки тадқиқотларида Сэй қонунини инкор этган ҳолда самарали талаб<sup>1</sup> назариясини асослаб берди. Кейнсча бўлган даврда классиклар томонидан Сэй қонуни қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ тақлиф ўз талабини юзага келтирар эди. Кейнс эса, аксинча, жами талаб ўз тақлифини юзага келтириши ғоясини илгари сурди.

Самарали талаб назариясига мувофиқ маҳсулот (ёки меҳнат) муайян миқдори тақлифнинг баҳоси деб даромаднинг шундай миқдорига айтилганки, бу миқдор тадбиркорларнинг ушбу маҳсулот (ёки меҳнат)ни тақлиф қилишга бўлган рағбати учун етарлидир. Жами талаб баҳоси ва маҳсулот (ёки меҳнат) ҳажми ўртасидаги нисбат жами талаб функцияси деб аталади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, тадбиркорлар даромадни фақат муайян миқдордаги маҳсулотни сотганларидан сўнггина олишлари мумкин. Қутилаётган даромад ва маҳсулот (ёки меҳнат) ҳажми ўртасидаги нисбат жами талаб функцияси деб аталади. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг муайян ҳажмида кўзда тутилган даромад жами тақлиф баҳосидан ошса, унда тадбиркорлар янада юқори фойда олиш мақсадида маҳсулот ҳажмини (ва бандликни) оширадilar ва агар қутилаётган даромад тақлиф баҳосидан паст бўлса, у ҳолда тадбиркорлар маҳсулот ҳажмини (ва бандликни) камайтирадилар. Фақат кўзда қутилаётган даромад ва тақлиф баҳоси ўртасида тенглик бажарилган шароитдагина оптимал ҳолатда бўладilar, шунинг учун улар маҳсулот ишлаб чиқаришни ушбу даражада ушлаб туришга интиладilar. Демак, тадбиркорлар учун қулай бўлган ишлаб чиқариш даражаси жами талаб функцияси билан жами тақлиф функцияси кесишган нуқта билан белгиланади, ушбу нуқтадаги жами талаб функциясининг қиймати самарали талаб деб аталади. Жами талаб эса даромад даражасини белгилаб беради:

У Кейнс назариясида қуйидаги тенглама билан ифодаланган:

<sup>1</sup>Пезенти А. Очерки политической экономии капитализма. В 2 т.: Пер. с итальянского. Т. 2. -М.: "Прогресс", 1976. -С.615-616.

$$Y = C + I$$

бу ерда: Y - миллий даромад;

C - истеъмол;

I - жами инвестициялар.

Кейнс томонидан кашф қилинган асосий психологик қонун унинг истеъмол функциясини тадқиқ қилинишида йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қилди. "Асосий психологик қонун шундан иборатки, - деб ёзган эди. Ж. Кейнс, - кишилар, одатда, даромадлари ортиши билан ўз истеъмолини кўпайтиришга мойилдирлар, лекин бунда истеъмол даромад ортан даражада ошмайди"<sup>1</sup>.

Бу ҳол шуни билдирадики, агар даромад ўзгарса, унда истеъмол ҳам ана шу йўналишда ўзгаради, лекин истеъмол ўзгариши даромад ўзгаришидан кичик. Кейнс истеъмол ўзгариши ва уни ўзгартирган даромад ўзгариши ўртасидаги нисбатни истеъмолга бўлган чекли мойиллик деб атади ва уни қуйидаги формула билан ифодалади:

$$MPC = \frac{C}{Y} \quad \text{ёки} \quad MPC = \frac{dC}{dY}$$

Истеъмол ва умумий даромад ўртасидаги нисбатни эса у истеъмолга бўлган ўртача мойиллик деб атади:

$$APC = \frac{C}{Y} .$$

Кейнс томонидан очилган асосий психологик қонунга мувофиқ истеъмолга бўлган чекли мойилликнинг миқдори О дан 1 гача бўлган оралиқда ётади:

$$0 < \frac{\Delta C}{\Delta Y} < 1.$$

Кейнс ўз концепциясини асослаш учун "истеъмолга бўлган мойиллик" тушунчаси билан бир қаторда "жамғаришга бўлган мойиллик" тушунчасини киритди. Жамғаришга бўлган мойиллик - бу жамғарма (S) миқдори ўзгариши билан уни ўзгартирган даромад ўзгариши ўртасидаги нисбатдир:

$$MPS = \frac{\Delta S}{\Delta Y} .$$

Жамғаришга бўлган ўртача мойиллик эса жамғаришнинг умумий даромадга бўлган нисбати билан ифодаланади:

$$APS = \frac{S}{Y} .$$

<sup>1</sup>Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. -М.: «Иностранная литература», 1948. 90-бет.

Бу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, агар умумий даромад ошса, у ҳолда кишилар ушбу орттирилган даромаднинг бир қисмини истеъмолга, иккинчи қисмини эса жамғаришга йўналтирадилар. Шунинг учун истеъмол ва жамғарма ўзгаришлари йиғиндиси, албатта, даромад ўзгаришига тенг бўлиши лозим, яъни

$$\Delta C + \Delta S = Y$$

Демак,

$$\frac{\Delta C}{\Delta Y} + \frac{\Delta S}{\Delta Y} = 1.$$

Жамғаришга бўлган чекли мойилликка истеъмолга бўлган чекли мойиллик нисбати уни биргача тўлдирувчи катталиқ эканлиги юқоридаги формуладан кўришиб турибди.

Қисқа муддатли макроиктисодий моделларда истеъмол ва даромад ўртасидаги нисбат чизиқли ҳисобланади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$C = A + C \times Y,$$

бу ерда:

A – жамият даромади даражаси O га тенг бўлган вазиятда истеъмол даражаси (мусбат катталиқ);

Y – автоном истеъмол деб ҳам аталади, чунки у даромадга боғлиқ эмас;

C – истеъмолга бўлган чекли мойиллик.

Кейнсча назариянинг даромад ва бандлик даражасини белгиловчи асосий тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = C(Y) + I.$$

Агар истеъмол функцияси чизиқли функция эканлигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда юқорида келтирилган асосий тенглама мана шундай кўринишда ифодаланади:

$$Y = A + C \times Y + I.$$

Демак, сармоялар ҳажми ва истеъмол функцияси кўриниши даромад ва бандлик даражасини белгиловчи омиллар экан. Инвестициялар ҳажмининг ўзгариши миллий даромаднинг ҳам ана шу йўналишда ўзгаришига олиб келади.

Кейнс назариясига кўра, мультипликатор жамғаришга бўлган чекли мойилликка тескари катталиқдир ёки 1 сони билан истеъмолга бўлган чекли мойиллик ўртасидаги фарққа тескари катталиқдир, яъни:

$$M = \frac{1}{MPS} \text{ ёки } M = \frac{1}{1 - MPC}$$

Мультипликатив эффект ҳар бир қўшимча маблағ товарларга бўлган талабнинг ортишига, у ҳам, равшанки, (ишлаб чиқариш омилларидан тўла фойдаланилмаётган шароитда) ўзига тенг равишда даромад ортишига олиб

келишини кўрсатади. Аmmo даромаднинг ортиши, ўз навбатида, даромади ошган кишилар томонидан истеъмолнинг кенгайишига олиб келади:

$$MPC = \frac{\Delta C}{\Delta Y} \Delta C = MPC \times \Delta Y$$

Агар  $\Delta Y = 50$ ,  $MPC = 0,5$ ,  $\Delta I = 50$  бўлса, у ҳолда  $\Delta C = 25$ .

Бу ерда агар истеъмол ортса, у ҳолда жами талаб ҳам ва демак, даромад ҳам ортишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Инкирозларни бартараф этиш учун Кейнс “самарали талаб” ни шакллантириш, яъни капитал маблағларини ва истеъмолни энг кўп даражада рағбатлантириш зарур эканлигини таклиф қилди. Унинг фикрига кўра, сармоялар орттириш бандликнинг ўсишига ва даромаднинг ортишига олиб келади. Даромад ортиши жамғармалар шаклида эмас, балки инвестиция сифатида сарфланиши учун буюк иктисодчи олим қарз фоизи меъёрини пасайтиришни таклиф қилди. У давлат аралашувини “самарали талаб” га, ва, демак, тўла бандликка эришиш воситаси, деб билди. “Давлат, – деб ёзган эди Ж.Кейнс, – истеъмолга бўлган мойилликка нисбатан ўзининг раҳбарлик таъсирини қисман мос тизим йўли билан, қисман фоиз меъёрини белгилаш билан ва қисман, эҳтимол, яна бошқа усуллар билан рўёбга чиқариши лозим бўлади”<sup>1</sup>.

У паст фоиз меъёри орқали юқори фойда олишни таъминлайди, тадбиркорларда оптимистик кайфиятни кучайтиради, уларнинг сармоя солишига бўлган мойиллигини қўллаб-қувватлайди ва юксалиш ҳолатини ушлаб туради, деб ҳисоблади.

Кейнс давлат бюджети орқали бюджет камомади пайдо бўлишдан ҳайикмаган ҳолда катта харажатлар қилиш таклифи билан чиқди. Бунда у бюджет камомади қоғоз пулларни қўшимча муомалага чиқариш йўли билан қопланишини назарда тутди. Унинг фикрича, давлат капитал маблағлари фоиз меъёрини пасайтириб, юксалиш ҳолатини узайтиради. Буларнинг барчаси инкирознинг олдини олишга хизмат қилади.

Замонавий кейнсчилар солиқлар, давлат харажатлари, бюджет камомади, давлат қарзи давлат йўли билан бошқаришнинг асосий воситалари, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъкидлашича, саноат юксалиши даврида даромадлар ортган сари солиқ тушумлари ҳам кўпайиб боради. Бу эса ортиқча талаб ва ортиқча ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Инкирознинг бошланиши ишсизликнинг ортиб бориши давлат бюджетидан ишсизлик бўйича нафақа тўловларининг ортиб боришига олиб келади. Бу эса тўловга қобилиятли талабнинг камайишига қаршилик қилади. Шунинг учун улар

<sup>1</sup>Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. -М.: «Иностранная литература», 1948. С.364.

томонидан молиявий компенсация ўрнини қоплаш сиёсати ва камомадли молиявий таъминлаш назариялари олға сурилмоқда.

### 2.3. Иқтисодий тартибга солишда монетар назария ва сиёсатнинг аҳамияти

Бугунги кунда иқтисодий монетар бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари 1976 йилги Нобель мукофоти совриндори америкалик Милтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан зўр бериб ишлаб чиқилмоқда.

Монетар назария буржуа иқтисодий назарияси шаклланиши пайтида пайдо бўлди. Ўша маҳалда “пул нейтраллиги” концепцияси умумий иқтисодий ортиқча ишлаб чиқариш инкирози “бўлмаслигини” ва демак, капитализмнинг ҳаётбахшилигини исботлашда асос бўлиб хизмат қилган эди. XX асрнинг 20-йилларида бошқаришнинг монетар усуллари кўпчилик иқтисодчилар томонидан “абадий фаровонликка” эришиш воситаси сифатида баҳоланди. Аммо мазкур усул 30-йиллар синовига бардош бера олмади. Хатто улар 1929–1933 йиллардаги иқтисодий инкирознинг ва ундан сўнг узоқ давом этган таназзулнинг асосий сабабларидан бири бўлди. Худди мана шунинг учун пул кейнсча моделнинг муҳим таркибий қисми бўлса ҳам ушбу моделнинг кўплаб ўзига хос жиҳатлари монетар омиллар таъсирини етарлича эътиборга олмади. Пул жараёнларининг бундай назарга илинмаслиги, уларнинг мумкин бўлган таъсирини менимаслик иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсияларда ёрқин намоён бўлди, ушбу тавсиялар сармоялар мультипликаторининг содда схемасига асосланган эди. Бироқ камомадли молиявий таъминлаш амалиёти пул соҳаси беқарорлигига ва инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келди. Шунинг учун 50-йиллардан бошлаб монетар таҳлилни фаоллаштириш зарурати пайдо бўлди. Айниқса, 1971–1973 йиллардаги иқтисодий ҳамда валюта инкирозлари инфляция билан курашнинг ва иқтисодий бошқаришнинг монетар усуллари долзарб қилиб қуйди.

Айни 50-йилларнинг бошларидан пул назарияси кейнсчилар ва М. Фридман бошлиқ монетарчилар ўртасидаги кураш майдонига айланди. Монетарчилар пулни хўжалик тузилмасининг муҳим қисми, пул-кредит сиёсати эса иқтисодий бошқаришнинг энг самарали усули, деб ҳисоблайдилар. Фридман кейнсча концепцияга мантикий муқобил бўлган назария яратиш мақсадида пулнинг миқдор назарияси асосий қоидаларига янги таъриф берди ва асосий эътиборни инфляцияга қаратди. У инфляцияни соф пул муаммоси сифатида кўриб чиқди. Унинг фикрича, бу муаммони монетар тадбирлар тизими ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Монетар назария таҳлил соҳаси бўлиб, у иқтисодий мувозанат ва ўсишнинг умумий муаммолари ҳамда пул ва банк механизми ишлаши махсус масалалари қўшилган жойда ётади. Монетар соҳа пул агрегати кўрсаткичлари ўртасидаги сабабий ва функционал боғлиқликлар, шунингдек, уларнинг хўжалик тизими монетар элементлари билан ўзаро таъсири муаммолари, унинг асосий йўналиши бўлиб хизмат қилади. “Монетар сиёсат” тушунчаси деганда эса давлатнинг пул-кредит соҳасида бошқарувчилик тадбирлари мажмуи тушунилади. Шунинг учун кейнсчилик ва монетаризм баҳсида асосий эътибор пулнинг аҳамиятига ва пул-кредит соҳасидаги сиёсатга қаратилади. Масалан, кейнсча ёндашув иқтисодий конъюнктура ва хўжалик ривожини суръатлари рағбатлантирилишини кундалик бошқариш воситаси сифатида пулдан тезкор фойдаланиш ғоясини ўзида асос эттиради. Монетаризм пул соҳасида бундай ҳаракатларни қоралайди. Монетаризм тарафдорларининг фикрига кўра, бундай сиёсат хўжалик зиддиятлари ва муносабликларни кучайишига ҳамда бозорнинг ўз-ўзидан барқарорлаштирувчилар ҳаракатининг қийинлашувига олиб келади.

Айирбошлаш тенгламаси ёки Фишер формуласи - монетаризмнинг асосий тенгламасидир:

$$MV = P \times Q$$

бу ерда: М – пул таклифи;

V – даромадлар доиравий айланмасида пул муомаласи тезлиги;

P – баҳолар даражаси, аниқроғи, ишлаб чиқариш натурал ҳажми ҳар бир бирлигининг сотиладиган ўртача баҳоси;

Q – ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг натурал ҳажми.

MV – жами ишлаб чиқарилган бойликларни сотиб олишга харидорлар харажатларининг умумий сарфи бўлса, PQ эса ушбу бойликларни сотган сотувчиларнинг умумий даромадини билдиради. Агар MV бир йилда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларга сарфланган умумий харажатлар бўлса, у ҳолда у номинал СММ (соф миллий маҳсулот)га тенг бўлиши керак, яъни  $CMM = P \times Q^1$ .

Шунинг учун монетарчилар пул массаси ўсиш таъсир соҳасини облигациялар харид қилиш ва ундан сўнг фоиз ставкасини пасайтириш билан чеклаб қўйиш ўрнига пул таклифининг кенгайтиши ҳам реал, ҳам молиявий активларнинг барча турларига, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг жорий ҳажмига бўлган талабни оширади, деб

<sup>1</sup>Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В. 2-т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т. 1-М.: Республика, 1992, -С. 321-322.

ҳисоблайдилар. Демак,  $M$  нинг ортиши ёки  $P$  нинг, ёки  $Q$  нинг, ёки бўлмаса бирор нисбатда ҳам  $P$ , ҳам  $Q$  нинг ортишига олиб келади;  $M$  нинг камайиши эса тескари натижани беради.

$M$ . Фридман ушбу қондани асослаш учун қуйидаги формулани таклиф қилади:

$$\frac{M}{P} = f(\text{rdxre}; \frac{1}{P} \times \frac{dP}{dt} \frac{W}{V} \frac{V}{P}; U)$$

бу ерда: реал касса қолдиқларига бўлган талаб ( $\frac{M}{P}$ ) фоиз ставкалари;

(гв, ге), баҳолар ўзгариши суръатлари ( $\frac{1}{P} \times \frac{dP}{dt}$ )

активлар суммаси ( $W$ ), реал даромад ( $\frac{V}{P}$ ) ҳамда дид ва имтиёзлар ( $U$ ) функциясидир.

Фридман назариясига мувофиқ, пул қолдиқлари бошқа активлар билан таққосланадиган актив сифатида кўриб чиқилади. Ушбу назария оқим сифатида эмас, балки захиралар тарихида талқин қилинади. Пул даромади - бу оқимдир ва уни бирор вақт ораллиғида аниқлаш мумкин. Пулнинг ўзи эса захирадир, яъни муайян бир вақтда мавжуд бирор микдордир. Захирани орттириш учун кишилар ўз харажатларини камайтирадилар ёки ўзларининг пул бўлмаган активларини пулга алмаштирадилар. Захираларни қисқартириш учун эса улар аксинча иш тутадилар,

Фридман пулга бўлган турли молиявий янгиликлар, молиявий активларнинг даромадлиги Марказий банк фаолияти таъсири остида ўзгариши мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ шунга қарамасдан кишилар барибир пул таклифини назорат қилувчи сармояларнинг барқарорлиги сақланиб қолган даврда ўз пул маблағларини ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)нинг бирор муайян улуши даражасида ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Агар пулга бўлган талаб барқарор микдор бўлса, унда Марказий банк таклифни барқарор сақлаб қолган ҳолда жами талаб ҳам барқарор бўлади. Шундай қилиб, банк захираларининг ўсиш суръатларини ва пул таклифини бошқариш Марказий банкнинг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

Бундан давлатнинг жами талабни бошқариш бўйича икки сиёсати, яъни фискал ва кредит-пул сиёсатлари келиб чиқади.

Иқтисодиётни бошқаришнинг монетар ёндашувига мувофиқ бозор механизми камчиликларини тўғрилаш эмас, балки унинг ишлаши учун энг юксак даражада барқарор молиявий шароитларни таъминлаш муҳим

вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда пул бирлиги харид кучи ва валюта курси барқарорлиги улар учун муҳим жиҳатлардир. Шунинг учун улар фискал сиёсатнинг ресурсларни қайта тақсимлаш ва барқарорлаштириш воситаси сифатидаги аҳамиятига кам эътибор берадилар. Уларнинг фикрича, сиқиб чиқариш эффекти сабабли фискал сиёсат мутлақо ярамайди. Улар қуйидагича фикр юритадилар: давлат облигациялар сотиб, яъни пулни аҳолидан қарзга олиб, бюджет камомадини ҳосил қиладилар. Бунда давлат фондлар учун хусусий бизнес билан рақобатли курашга киришади.

Шу тариқа давлат қарзлари пулга бўлган талабни кенгайтиради, фоиз ставкасини оширади ва, демак, кўп микдордаги хусусий капитал маблағларни сиқиб чиқаради, акс ҳолда, улар фойдали бўлар эди. Демак, монетарчилар фикрича, бюджет камомадининг жами харажатларга бўлган таъсири пировард натижасини олдиндан айтиб бўлмайди ёки у сезилмайди. Агар камомад янги пулларни муомалага чиқариш билан қопланса, сиқиб чиқариш эффекти содир бўлмаслиги мумкин ва камомаддан сўнг иқтисодий фаолиятнинг кенгайтиши юз бериши мумкин. Аммо бундай кенгайтиш фақат кўшимча пуллар яратиш туфайлигина амалга ошади<sup>1</sup>.

Монетаризм назариясига мувофиқ иқтисодий беқарорлик аксарият ҳолларда иқтисодиётнинг ички ўзгарувчанлигига нисбатан нотўғри пул-кредит бошқарилиши туфайли юзага келади: биринчидан, ўзгарувчан вақт лаглари мавжудлиги. У шуни билдирадики, бунда пул-кредит таъсири бевосита берилса-да, пул таклифидаги ўзгаришлар номинал СММга узоқ ва номаълум вақт ораллиғидан сўнг таъсир кўрсатади. Шунинг учун вақт лагининг номаълум муддатида, монетарчилар фикрича, иқтисодиётни даврий (циклик) юксалиш ва пасайишга мослаштириш учун дискрет пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш аксинча самара бериши ва даврий (циклик) тебранишларни кучайтириши мумкин. Иккинчидан, Федерал захира тизими фоиз ставкасини барқарорлаштиришга уриниб, иқтисодиётни беқарорлаштириш ва инфляция жараёнларининг кучайишига олиб келиши мумкин<sup>2</sup>.

Шунинг учун монетарчилар ҳукмрон пул-кредит муассасалари фоиз ставкасини барқарорлаштириш ўрнига пул таклифи ўсиши суръатларини барқарорлаштиришлари зарур, деган хулосага келдилар. Бунга боғлиқ

<sup>1</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В. 2-т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т. 1.-М.: Республика, 1992, -С. 328.

<sup>2</sup>Уша жойда, 328-329-бетлар.

ҳолда М. Фридман монетар қоидаларни<sup>2</sup> қонун йўли билан белгилаш таклифи билан чиқди, унга кўра пул таклифи ҳар йили ЯММ ўсиши мумкин бўлган суръатда ошиши, яъни пул таклифи барқарор равишда йилига 3-5фоизга кенгайиши, лозим.

Демак, монетарчилар фикрига кўра, пул таклифини берилган суръатда доимий равишда ошириб бориш, харажатларни ҳар қандай инфляция йўли билан ошириш маблағлар етишмаслиги туфайли ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

#### **2.4. Иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солишнинг неоклассик модели**

Неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар, асосан, давлатнинг жамиятдаги даромадларни одилона тақсимлаш ва аллокацион, яъни иқтисодий тақсимлаш ресурсларни самарали жойлаштириш мақсадидаги вазифаларини тадқиқ қиладилар. Бозор иқтисодий микроиқтисодий таҳлил қилиш неоклассик моделнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда иқтисодий алоҳида истеъмолчилар ва фирмаларнинг ўзаро алоқадорликдаги фаолиятининг аниқ ҳолати ўрганилади.

Неоклассиклар ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш, унинг иқтисодий тартибга солишини чеклашни талаб қиладилар. Аммо улар умуман иқтисодий давлат томонидан тартибга солишини бутунлай инкор этмайдилар. Уларнинг фикрича, бозорнинг баҳо механизми, регулятори кўп ҳолларда ресурсларнинг оптимал, самарали ишлатилишини таъминлайди. Аммо баъзи ҳолатларда бозор улардан самарали фойдаланишга эришишни таъминлай олмайди. Худди ана шундай ҳолатларда давлат аллокация (тақсимлаш)ни яхшилаб, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда ижобий роль ўйнаши мумкин экан.

Ушбу неоклассик моделнинг асосини рационал қутиш назарияси ташкил қилади. Унга кўра кишилар ўзларини рационал тарзда тутадилар. Улар ўзларининг пулли манфаатларига мувофиқ келадиган нарсалар билан боғлиқ қутишларининг шаклланишидаги ахборотларни йиғадилар ва уларни ўрганадилар. Ушбу ахборотларга мувофиқ равишда ўз ҳаётларини яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қиладилар. Қутиш бозор талабининг кенгайишига (ёки қисқаришига) олиб келади. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, товарлар ва хизматлар баҳоларининг улар ҳали ишлаб чиқарилмасдан ва сотилмасдан олдин ўсиши (ёки пасайиши)ни белгилаб беради.

Рационал қутиш назарияси янги ахборотларнинг талаб ва таклиф эгри чизиқларида тезда ўз аксини топишини, шунинг учун ҳам мувозанат баҳолари ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг бозордаги янги ҳолатларга, давлат иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларга тезда мослашувчан бўлишини ифодалайди<sup>1</sup>.

Бу ўзгаришлар моҳияти Паретонинг самарадорлик критериялари асосида тушунтирилиши мумкин. Унга кўра жамият бирон-бир аъзосининг фаровонлиги бошқасининг турмушини ёмонлашуви ҳисобига яхшиланиши мумкин бўлмайдиган ҳолатни вужудга келтирадиган ресурсларнинг тақсимланиши оптимал ҳисобланади. Айирбошлаш муносабатларига эркин киришиш имконияти бозорда мувозанат ҳолатига эришишни таъминлайди.

Бу мувозанатда мавжуд баҳо даражасида товарларга талаб миқдори уларнинг таклифи миқдорига тенглашади. Бу шундай ҳолатки, биронта ҳам субъект янги айирбошлаш операциялари натижасида бир-бирлари ҳисобига ютуққа эриша олмайди. Бунда ресурсларнинг тақсимланиши оптимал бўлади, чунки иқтисодий мувозанатлашув содир бўлади. Демак, мукамал бозор ресурсларнинг самарали аллокацияни (тақсимланишини) яхши таъминлай олмайди. Худди шу ҳол неоклассиклар назарида бозор механизмига давлатнинг аралашуви учун потенциал имкониятлар яратади<sup>2</sup>.

Ушбу оқим тарафдорлари жамоатчилик неъматларини ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлатнинг энг муҳим иқтисодий вазифаси деб қарайдилар. Бу неъматларга миллий муудофаа, жамоатчилик тартиботини сақлаш, атроф-муҳитни назорат қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар учун зарур бўлган товар ва хизматлар киради. Бундай неъматларни ишлаб чиқариш давлат корхоналарида тўпланиши ёки уларни истеъмол қилувчилардан солиқ олиш орқали тўпланган маблағларни хусусий корхоналарга буюртма беришга, уларни ишлаб чиқаришни субсидиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Иқтисодий бозор муносабатларига боғлиқ бўлмаган, ундан ташқарида бўлган атроф-муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ муносабатлар ҳам неоклассиклар нуқтаи назарига кўра давлат томонидан тартибга солиниши лозим.

Неоклассик йўналиш тарафдорлари капиталнинг эркин оқиб туриши учун ҳам тўсиқларни бартараф этиш мақсадида давлатнинг тартиблаш

<sup>1</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. С. 331.

<sup>2</sup> Ширяева Л., Мамедова Н. Неоклассическая модель государственного регулирования рыночных отношений. – Российский экономический журнал. – 1992. -№4. С. 100-101.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 327-бет.

механизми зарур эканлигини таъкидлайдилар. Уларнинг нуқтаи назарларига кўра давлат кичик бизнес, фермер хўжаликлари ҳамда қўшма корхоналарни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш; янги ташкил топган фирмаларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш, имтиёзли солиқ солиш, лицензия, патентлар, иқтисодий фаолиятнинг маълум тури билан шуғулланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш; иқтисодий яққаҳоқимликка қарши кураш механизмлари орқали давлат капиталининг эркин ҳаракат қилиши учун тўсиқларни бартараф қилиб иқтисодиётда рақобат механизмининг яратилишини тартибга солиди.

Демак, неоклассиклар давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш тарафдорлари бўлишларига қарамасдан, унинг маълум, юқорида баён этилган доирада иқтисодиётни тартиблаш борасидаги фаолиятини асослаб берадилар.

### **2.5. Давлатнинг иқтисодий сиёсати тўғрисидаги назария ва концепциялар**

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш унинг иқтисодий стратегияси ва сиёсати орқали амалга оширилади. Шунинг учун илмий адабиётларда давлатнинг иқтисодий сиёсати бўйича турли назарий концепция ва қарашлар ҳамда назариялар мавжуд.

В.Ойкен давлатнинг иқтисодий сиёсатини асослаш учун иқтисодий тартиблар назариясини олға суради. Иқтисодий тартиб деганда бозор хўжалигининг рамкага (қолипга) солувчи шароитлари, яъни хўжалик субъектлари қарорлар қабул қилиш ва у ёки бу хатти-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб берувчи унсурлар таркибини ифодаловчи институциялар йиғиндиси тушунилади. В.Ойкен қуйидаги бта турдаги унсурлар таркибини асослаган: 1) инсонларнинг эҳтиёжлари; 2) табиий шароитлар; 3) ишчи кучининг ҳолати; 4) товар захиралари; 5) технология ва техник билимлар даражаси; 6) ҳуқуқий ва ижтимоий тартиблар, яъни қонунлар, урф-одатлар, маънавий кадриятлар.

Мазкур унсурлар хўжалик субъектлари фаолиятининг маълум иқтисодий тартибда амалга оширилишини белгилаб берувчи унсурлар ҳисобланади. Иқтисодий тартиб давлатнинг иқтисодий ривожланишини қай даража тартибга солишини, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида давлат органлари қай даражада регулятор вазифасини бажара олишини кўрсатади. Иқтисодий тартиблар давлат иқтисодий сиёсатининг дастаклари бўлиб хизмат қилади.

В. Ойкен иқтисодий сиёсатларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатган:

- 1) фаолиятлар эркинлиги;

2) иқтисодиётни режали-марказлаштирилган бошқариш. Бу ерда асосий муаммо ҳокимият масаласи бўлиб, раҳбарлар тоифаси назорат қилинмайдиган гуруҳдан ташкил топади ва улар ўзларининг тор манфаатларини рўёбга чиқариш интиладилар, жамоат манфаатлари амалда кўзланмайди;

3) ўрта йўл сиёсати- бу сиёсат бозор билан режали хўжалиги ўртасидаги компромиссни топишга йўналтирилган, давлатнинг бозор иқтисодиётига у ёки бу даражадаги аралашувини такоза этувчи сиёсат. Бу сиёсат тақсимлаш, тўлиқ бандлик, конюнктурални тартибга солиш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга аралашинини ифодалайди;

4) рақобатли тартиб сиёсати-рақобатнинг юқори даражада ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан рамкали шароитларни яратишга қаратилган тартибларнинг ўрнатилишини ифодалайди. Бу иқтисодий сиёсатдан кўзланган мақсад иқтисодий ҳокимиятнинг айрим субъектлар қўлида (тўпланишини) концентрациялашувини ва экологик зарарга олиб келувчи бозорларни чеклаш ёки унга йўл қўймаслик ҳисобланади;

5) аниқ нуқтали сиёсат – бу сиёсат айрим муаммоларни ҳал этишга, аниқ соҳаларни ҳимоя қилишга йўналтирилган сиёсий-ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ян Тинбергеннинг концепцияси иқтисодий сиёсатнинг базавий назарияси ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ иқтисодий сиёсат ўз ичига асосий фаровонлик мақсадларини (яъни асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тўплами); ҳуқуматни иқтисодиётни тартибга солиш дастаклари; мақсад ва дастакларни бир-бирига боғловчи ҳамда сиёсий ҳаракатларнинг оқилона миқёсини белгилаб берувчи моделни олади. Иқтисодий сиёсат дастаклари қуйидагилардан ташкил топади:

- 1) Фискал (бюджет-солиқ);
- 2) Монетар (пул-кредит);
- 3) Ташқи (валюта курсларини тартибга солиш);
- 4) Даромадларни тартибга солувчи дастаклар.

Р.Лукас Ян Тинбергеннинг ёндашувини ҳаддан ташқари оддий, таянч иқтисодий кўрсаткичлари моделни тузиш учун ишончли эмас, чунки уларнинг ўзи сиёсий манипуляция (ўзгартиришлар) оқибатлари деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Унинг фикрича, иқтисодий сиёсатнинг туб мақсади бўлган ижтимоий йўқотишларни минималлаштириш давлатнинг бу борадаги

<sup>1</sup> Руденко И.А. Экономическая политика: учебное пособие. - Минск, 2010. - С.9.

харакатларининг муттасиллиги ва давомийлиги асосидагина эришилади. Оқилона сиёсатни танлаш ва амалга оширишда электоратнинг ишончини қозониш муҳим аҳамиятга эгадир. Ж.Бьюкененнинг фикрича иқтисодий сиёсатнинг вазифаси хужалик субъектларидан олинган мандат, яъни хатти-харакатлар қоидаларини ва фаолиятнинг рухсат этилган рамка (микёс)ни аниқлашдан иборатдир. Сиёсат – бу давлат билан субъектлар ўртасидаги муносабатлар соҳасидир. Ижтимоий тараққиётнинг бошланғич ва пировард бўғини индивидуум, яъни шахс бўлиб, иқтисодий одамни шахсий манфаат (эгоизм) фаолиятга ундайди. Иқтисодий индивидуумнинг ҳаракатини чекли нафлиликка интилиш ҳисси бошқаради. Бу мақсадга инсон ўз даромади доирасидагина эришади. Иқтисодий инсон барча ҳаётий мақсадларига эришишни кўзлаганда рационал ҳаракат қилади. Ҳар бир шахс сиёсий тизимни ўзининг шахсий мақсадларини, манфаатларини жамоавий ҳимоя қилиш деб қарайди. Давлат сиёсатида жамоавий хатти-харакатга хос бўлган мажбурлаш, зўрлик, ҳукмронлик элементлари мавжуд бўлади. Шахс мазкур мажбурлаш ва зўрликка ўзининг шахсий мақсадларига эришишга ёрдам берган тақдирдагина қўнади. Аммо давлатни ҳамиша жамият манфаатларини кўзлаб, бозор хўжалигининг камчиликларини автоматик тарзда тузатадиган механизм деб ҳам қараш мумкин эмас.

Кеннет Ж. Эрроу истъомолчиларнинг индивидуал танловини рационал (оқилона) деб ҳисоблаш билан бир қаторда жамият устуворликларини, аниқлай олмаслик, яъни жамият ўзи нимани ҳоҳлаши бўйича жамоавий қарашни шакллантира олмаслик дилеммаси мавжудлигини асослаган. Жамоавий танлов альтернативлар, яъни муқобилликлар мавжуд бўлишини, яъни юзага келадиган ҳолатларга нисбатан мустақиллик, яқка ҳукмронликнинг бўлмаслиги, нархлардан фойдаланишни тақоза этади. Шунингдек, овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиш жиддий камчиликларга эга:

Биринчидан, овоз бериш йўли билан танловда камчиликнинг фикри эътиборга олинмайди;

Иккинчидан, жамоавий келишувга эришишда, компромисли қарорларни қабул қилишда кўпчилик овоз принципига асосланиш қийин бўлади. Бундай ҳолатдан чиқиш пировард қарорни фақат биргина шахс қабул қилган тақдирдагина мумкин бўлади;

Учинчидан, иқтисодчилар қарор қабул қилиш чоғида барқарор устуворликларга (қадриятларнинг анъанавий тизимига) таянадилар, аммо истъомолчиларда бундай ёндашув ўзгарувчан сиёсий симпатияларига мос келмайди.

Иқтисодчи олимлардан У.Нордхауз, Э. Тафт, Д.Гиббс, П.Мосли, А.Алезилар “Сиёсий ишбилармонлик цикли” назариясини илгари сурадилар. Сиёсий циклнинг барча моделлари қуйидагилар асосига қурилгандир:

1) Ҳукумат сайловларда ғолиб чиқиш учун максимал овоз олишга интиладилар;

2) Сайловчилар нисбатан иқтисодий натижаларни афзал кўрадилар, бу уларнинг берган овозлари миқдорига ўз ифодасини топади;

3) Ҳукумат қайта сайланишга интилиб, иқтисодиёт билан манипуляция қилишлари (яъни иқтисодий ўзгартиришлар тўғрисида ваъдалар беришлари) мумкин

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда У. Нордхаузнинг “Оппортунистик ишбилармонлик цикли” назариясига кўра ҳукумат қабул қилинган қарорлар билан уларнинг оқибатлари ўртасидаги маълум вақт оралигининг мавжудлигидан фойдаланиб, қисқа муддатли наф олиш мақсадида узоқ муддатдан кейин маълум бўладиган оқибатдан кўз юмади. У.Нордхаузнинг назарияси ишсизлик ва инфляция ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодаловчи Филипс эгри чизиғини таҳлил қилишга асосланади. Унга кўра, сайлов олдида сиёсатчи сайловчиларнинг кўпроқ овозини олиш мақсадида ишсизликни пасайтиришга интилади. Натижада ишсизлик маълум даражада қисқаради. Инфляциянинг ўсиши ишсизликнинг пасайишига кўра секинроқ юз бериши туфайли сайлов даврида ишсизлик ва инфляция даражалари бирмунча паст бўлиб туради. Бундан фойдаланган сиёсатчи сайловда электоратнинг кўпроқ овозини олишга эришиб ғолиб бўлади. Аммо маълум вақтдан сўнг ишсизликнинг оптималдаражага нисбатан қисқариб кетганлиги оқибатида инфляция даражаси ошиб кетади. Сайловдан кейин сиёсатчи ишсизлик даражасини ошириш эвазига инфляция даражасини пасайтириш чора-тадбирларини амалга оширишга киришади.

Дуглас Гиббснинг “Партиявий ишбилармонлик цикли” модели ҳукмрон партияларнинг сайловлар натижасида алмашилиб туришини тушунтиради. Рақобатчи партиялар турли мақсадларга эга бўлиб, турли иқтисодий сиёсат чора-тадбирларини қўллашади, шу боисдан, бир-бирини алмаштириб, иқтисодиётда циклар ўзгаришини вужудга келтирадилар. Унинг фикрича, сўл йўналишдаги партиялар юқори даражадаги иш билан бандликка эришиш мақсадини кўзлайдилар, шу боисдан, сўл партиялар ҳукмрон бўлган мамлакатларда ишсизлик паст, лекин инфляция юқори даражада бўлади. Чунки ишчилар синфи инфляцияга қараганда ишсизликдан кўпроқ азият чекадилар. Шунинг учун ишсизликни қисқартиришга кўпроқ устуворлик берилади.



### Асосий тушунча ва атамалар

Классик сиёсий иқтисод, иқтисодий либерализм, меркантилизм, физиократлар, иқтисодий инқироз, кейнсчилик, неоконсерваторлар, монетаризм, ишбилармонлик цикли, ижтимоий танлов, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг ўрни ҳақида меркантилистлар қарашларини изоҳлаб беринг?
2. Иқтисодий ривожланишда давлатни роли ҳақида физиократ мактаби намоёндаларининг қарашларини тавсифлаб беринг?
3. Иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлатнинг ўрни ҳақида классик сиёсий иқтисод концепцияси мазмунини ёритинг?
4. Иқтисодий ривожланишда давлатнинг роли ҳақида рационал кутиш мактаби намоёндаларининг фикрларини айтиб беринг?
5. 1929-1933-йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi давлатнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисидаги тасаввурларга қандай таъсир этди?
6. Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли ҳақидаги қарашларда Кейнс инқилобини тавсифлаб беринг?
7. Кейнснинг самарали талаб концепциясининг мазмуни нимадан иборат?
8. Мультипликатив эффект нима?
9. Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг ўрни ҳақида Монетар назарияни тушунтириб беринг?
10. Монетар назария ва монетар сиёсатнинг мазмунини ва асосий қоидаларини изоҳлаб беринг.
11. М.Фридман таклиф этган асосий формула асосида қандай хулосалар қилинган?
12. Неоклассик йўналишнинг иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши усуллари нималардан иборат?
13. В.Ойкен, Ян Тинберген, Ж.Бьюкенен, К.Эрроу концепцияларининг мазмуни нимадан иборат?
14. “Сиёсий ишбилармонлик цикли” моделлерининг моҳиятини тушунтириб беринг.

## 3-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### 3.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегиясининг яратилиши

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингандан сўнг ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга эга кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг асар ҳамда маърузаларида Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизациялашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида машаққатли тараққиёт йўли босиб ўтди. Мустақил тараққиёт йўли ва галдаги вазифаларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти нуктаи назаридан бу йўлни икки босқичга бўлиш лозимлигини асослаб берилган эди.

Дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олади.

2001 йилдан то ҳозиргача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда муҳим роль ўйнади<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида уни чуқур таназулдан чиқариб, барқарор ривожлантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида қуйидагича изоҳлаб берилди:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2007, 4-5-бетлар.

ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш”<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга қуйидаги бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган:

- иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устуворлигини таъминлаш;
- ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши;
- бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши;
- бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қучли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Мамлакатни 1991–2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш босқичида миллий давлатчиликни шакллантириш республикамизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди. Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995, 18-бет.

қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди<sup>2</sup>.

Ушбу босқичда, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига қатта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берилди. Қишлоқ хўжалиги экинлари таркиби ўзгартирилди. Мамлакатда ғалла мустақиллигига эришилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, қўшни МДХ мамлакатларига, Афғонистон, Эрон каби давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Мамлакатимизда янги нефть-газ қонларини аниқлаш, бу соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш орқали йирик корхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар ортди. Республика энергетика мустақиллигига эришди.

**Иккинчи босқичда** иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилди. Мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган эди:

- иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш;
- давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- иқтисодий ўсишни ва макроиқтисодий мутаносиблик ҳамда барқарорликни таъминлаш;
- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилди. Мазкур босқичда эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шarti этиб белгиланган. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007, 29-бет.

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида мулкдорлар синфини шакллантириш;

- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

- иқтисодиётнинг асосий тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш;

- юртимизда транспорт коммуникация тизимини янада ривожлантириш;

- солиқ юкини камайтириш, фаол инвестиция, фаол экспорт сиёсатини юритиш;

- аҳоли турмуш даражасини ошириш, аввало, қишлоқ жойларда кишиларнинг турмуш шароитини изчил яхшилаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;

- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустақамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;

- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустақамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкый муносабатларни ислох қилиш;

- аграр ислохотлар;

- молия-кредит ва нарх-наво ислохоти;

- бошқариш тизимини ислох қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар ислохоти;

- ижтимоий ислохотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг янги босқичининг асосий вазифаларини белгилаб берилди. Унда мамлакатимизни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилган. Шунингдек, ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур ишлаб чиқиш;

- Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурини амалга ошириш;

- мамлакат озик-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш;

<sup>1</sup> “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”//Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони. 1-илова.

- солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;
- тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш;
- бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ва ошкора бўлишини таъминлаш;
- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узок муддатга мўлжалланган ягона концепцияни яратиш;
- миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика порталини” ташкил этиш;
- кишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;
- ҳудудларни жадал ривожлантириш;
- қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш<sup>1</sup>.

Ушбу устувор йўналишларининг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни янада барқарор ривожланишига, унинг асосида аҳоли фаровонлигини янада ўстиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос нуфузли ўринни эгаллашига имконият яратади.

### **3.2. Институционал ислохотлар ва иқтисодиётни тартибга солиш тизимини шакллантиришнинг зарурлиги ва мақсади**

Мустақилликка эришганимиздан кейин давлатимиз ва унинг кўп миллатли халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш имконияти туғилди. Бу вақтда республикамиз олдида ўта муҳим бўлган бир қатор вазифаларни ҳал этиш масаласи турарди. Биринчидан, яккахокимлик тизимидан мерос бўлиб қолган салбий оқибатларни бартараф этиш, иккинчидан, мустақил, демократик жамиятнинг мустақкам пойдеворини яратиш ва ўтиш даврига хос муаммоларни ҳал қилиш.

Авваламбор, асосий эътибор яккахокимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услублари ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга эътибор қаратилди.

Республикада яккахокимлик, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг амал қилиши иқтисодиётни ночор аҳволга тушириб қўйди. Иқтисодиётда

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

зиддиятлар кучайиб борди, амалдаги хўжалик юритиш механизми эса мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобил эди. Бу ҳолат жамият ҳаётида 60-йиллардаёқ яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайиб, сарф-харажатлар ортиб борди. Ривожланишнинг иқтисодий воситалари ва омиллари амалда ишламади.

Республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бу салбий оқибатларни тугатиш ва ривожланиш сари дадил қадам ташлаш имкониятига эга бўлинди. Тоталитар тузумдан қолган “мерос”нинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш лозим деб қаралди. Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида шундай ёзади: «...тоталитар мероснинг оғир оқибатларини тугатиш, иқтисодиётга бозор асосида маданийлик бахш этиш фаолиятнинг айрим соҳаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг миқёсда тубдан яхлит иқтисодий ислохот ўтказиш орқалигина эришиш мумкин...»<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиётга ўтиш иқтисодий муносабатларни янгилаш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб этади. Шунинг учун ҳам республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида бошқарув тизимини ислох қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Институционал ўзгаришлар жараёнида бошқарув механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида эса уларнинг хусусиятларига мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва ташкил этишдан бошқаришнинг иқтисодий механизмаларига ўтиш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув органлари бўғинларининг вазифаси ўзгарди, баъзи ўзини оқламаган бошқарув органлари тугатилди ва янги органлар тузилди.

Ўзини оқламаган Давлат режа қўмитаси ўрнига Давлат истикболлини белгилаш ва статистика қўмитаси тузилди. Мазкур Қўмита 1997 йилдан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 82-бет.

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига айлантирилди. Ҳозирги даврда бу вазирлик Иқтисодиёт вазирлиги деб аталади.

Нархларни эркинлаштириш шароитида Давлат нарх қўмитаси батамом тугатилди. Яккаҳоқим бўлиб олган тақсимот идораси - Давлат таъминот қўмитаси ва унинг вориси –“Ўзшартномасавдо” ўрнига янги бозор структураси – Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва бозор муносабатларини бошқаришда молия-кредит тизими муҳим ўринни эгаллайди. Ислохотларнинг биринчи босқичида, республика Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг вазифалари қайта кўриб чиқилди. Уларнинг янги бўғинлари тузилди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш учун Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси тузилди.

Республикада мавжуд бошқарув органларининг нафақат фаолияти, балки уларнинг вазифалари ҳам янги жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилди ҳамда ўзгартирилди. Ташкил этилган янги ижро органлари тизими режалаш – тақсимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш вазифасини бажармоқда.

Институционал ўзгаришлар жараёнида бошқарув механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида эса уларнинг хусусиятларига мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тadbиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

### **3.3. Ўзбекистондаги маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари**

Ўзбекистондаги маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

**Биринчидан**, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайитириш зарур. Давлат вазифалари ва ваколатларини тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиш керак.

**Иккинчидан**, бошқарувни номарказлаштириш, айрим вазифаларни эса ҳудудий бошқарув бўғинларига кенг қўламда топшириш, ортиқча маъмурий вертикал тузилмаларни тугатиш зарур. Барча даражадаги ҳокимликларнинг

ислохотларни амалга ошириш, жойлардаги ишларнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмушини фаровонлаштириш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозим.

**Учинчидан**, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётни бошқариш тузилмаларининг самарадорлигини таъминлаш. Бугунги кунда нафақат айрим бўғинларни, балки қилинаётган сарф-харажатларни деярли оқламаётган айрим идораларни ҳам сақлаб қолиш қай даражада мақсадга мувофиқ, деган масалани қайта кўриб чиқиш пайти келди.

**Тўртинчидан**, бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат механизминини жорий этиш зарур.

Вазирлик ва хўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқарув шакли, усул ва методларини маъмурий-буйруқбозликдан халос қилиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига араллашиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклашига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.

**Бешинчидан**, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисоботларни ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Маъмурий ислохотларни амалга оширишда олдимизга қўйилаётган энг асосий вазифа, биринчидан, давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш, иккинчидан эса, уларни мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонида мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг қўламда ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилиши қайд этилган.

Фармонда “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортикча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

тўртинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

бешинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

олтинчидан, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

еттинчидан, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортикча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

саккизинчидан, ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва ҳўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли

даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асосиз тақдим этилиши соғлом ракобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

тўккизинчидан, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокени чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

ўн биринчидан, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда”<sup>1</sup>-деб таъкидланган.

Кўрсатиб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида: Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси» деб юритилади) тасдиқланди.

Президент фармонига кўра, қуйидагилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланган:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш:

ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь.

ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини ошириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

б) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш:

ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш;

давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш;

мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципаал янги тизимини жорий этиш;

«ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш;

айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш;

ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш;

в) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш:

энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда бошқарув тизимини такомиллаштириш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларни хусусий секторга ўтказиш;

г) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш:

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш;

д) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш:

стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувининг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий шакллари жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

е) куйидагиларни назарда тутган ҳолда, профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш:

давлат хизмати, давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг махсус таълим йўналишларини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг муносиб шароитларини яратиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида шаффофлик ва очикликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш<sup>1</sup>.

#### **Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар**

1. Кутилаётган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, куйидагилар орқали:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан ҳоли қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь.

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, куйидагилар орқали:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиyatда қонун устуворлигини таъминлаш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозимлиги қайд этилган.

#### **3.5. Институционал ўзгартиришлар натижасида вужудга келтирилган давлат бошқаруви тизими ва уни такомиллаштириш йўналишлари**

Институционал ўзгартиришлар натижасида Ўзбекистонда вужудга келтирилган давлат бошқаруви тизими куйидагилардан иборат:

- § Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;
- § Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- § Вазирлар Маҳкамаси;
- § Маҳаллий давлат ҳокимияти;
- § Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан- Қонунчилик палатаси(қуйи палата) ва Сенатдан(юқори палатадан иборат(ваколат мuddати-5йил).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонининг 1-илоvasи.



Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилгани ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда( туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этади. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар тар кибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳалла ларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни(оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йилга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўз.Р. Олий суди, Ўз.Р. Олий хўжалик суди, ҚҚ.Р. фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, ҚҚ.Р. хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор аҳамият касб этади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аввало, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифа-ларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш боришни кўзда тутати<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Akademiya, 2005. 77-бет.

Фуқаролик жамияти қуриш йўлида марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари ўз вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиб боради. Шу билан биргаликда, давлат бошқарув тизими фаолиятининг барча жабҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун ва барча баробар тенг фаолият кўрсатиш учун шарт-шароитлари яратилади<sup>1</sup>.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш бошқарув органларини бошқарув объектларига яқинлаштиради, шу билан унинг аҳоли-га янада сифатлироқ хизмат кўрсатишини таъминлайди. Шунингдек, номарказлаштириш қарор қабул қилиш жараёнини давлатдан мулкни хусусийлаштириш, назорат функцияларини қисқартириш орқали хусусий корхоналарга, худудлар ва маҳаллий ҳамжамият-ларга уларнинг функцияларини кенгайтириш орқали ва кишилар-нинг ресурслар ва хизматлар олиш, жамиятни бошқаришда ишти-рок этиш имкониятларини кенгайтириш орқали хусусий шахсларга узатишни билдиради.

Номарказлаштириш қуйидаги шаклларда намоён бўлади.

1. Иқтисодиёт соҳасида қарор қабул қилиш жараёнини давлат-нинг иқтисодиётга аралашувини камайтиришни кўзда тутувчи давлатдан хусусий тармоқ сари номарказлаштириш. Булар:

- кенг қўламли хусусийлаштириш орқали давлат қўлида бўл-ган мулк улушини камайтириш;
- давлат органларининг хусусий корхоналар ишига ўта кучли назорат орқали аралашувини уларнинг ваколатларини тартибга солиш йўли билан чегаралаш;
- “қаттиқ бюджет чеклашлари”, бошқарувчиларни носийсий тайинлаш ва уларнинг маҳсулотларига нархни эркинлаштиришни жорий қилиш орқали давлат корхоналарини реструктуризация қи-лишни кўзда тутати;

2. Қарор қабул қилиш жараёнини давлатдан уй хўжалиги тармоғи томон йўналтириш. Бу:

- уларнинг иқтисодий фаолиятга жалб этилишини тартибга солувчи қарорлар ёки бошқа тўсиқларни эркинлаштириш;
- кредит, таълим олишга имконият яратиш кабилар орқали уларнинг иқтисодий ролини мустаҳкамлаш;
- уларга кўпроқ мустақиллик бериш, социализм давридан мерос қолган салбий муносабатни ўзгартириш, давлатга боғлиқлик туйғусини йўқотиш орқали амалга оширилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Akademiya, 2005. 78-бет.

3. Ижроия ҳокимияти ва солиққа тортиш ваколатларини мар-казий давлат бошқаруви органларидан маҳаллий бошқарув орган-ларига томон номарказлаштириш;

4. Баъзи давлат дастурларини молиялаштириш ва амалга оши-ришни марказий ва маҳаллий бошқариш органларидан нодавлат ташкилотлари томон номарказлаштириш;

5. Назоратни ва вазифаларни такрор бажаришни камайтириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва меҳнатга рағбатини ошириш мақсадида амалга оширилаётган маъмурий ислохот орқали амалга оширилади.

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат иқтисодий бошқарувини но-марказлаштириш ёки бошқача айтганда марказсизлаштириш кенг маънода маъмурий жихатдан марказлашган давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифа, функцияларини хусусий тармоқ, маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини бошқарув органлари, нодавлат жамоат ташкилотларига беришни кўзда тутувчи жараёнлардир.

Ҳозирги даврда давлат бошқарувини номарказлаштириш учун куйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади:

- жойларда мавжуд давлат ҳокимияти органлари икки томон-лама, яъни ҳам вилоят, ҳам туман бошқармалари ҳокимлик ва вазирликка бўйсунушини оқилона тарзда ҳал этиш, бир-бирлари-нинг функцияларини такрорлаш ҳолларига чек қўйиши. Бу муам-мони ҳал этиш учун ҳар бир соҳада тегишли вазирликларнинг ҳудудий бўлинмалари, муассасалари билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида бошқарув функцияларини аниқ тақсимлаш лозим;

- жойлардаги маҳаллий давлат бошқарув органлари, яъни ви-лоят, туман ҳокимликлари ўртасидаги масъулият, ваколат доираси аниқ белгиланмаган. Улар ўртасидаги масъулият ва ваколат доира-ларини тақсимлаб, аниқ белгилаш лозим;

- ҳокимлик вакиллик органларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисо-дий ривожига оид масалаларни ҳал этишдаги роли кўзга кўрин-майди. Улар фаолиятининг ташкилий, маблағ таъминоти аниқлан-маган ва улар формал жихатдан ҳокимлик институтига боғлиқ. Амалда ҳокимлар қарор қабул қилиш, ташкилий моддий молиявий ресурсларга эга ҳокимлар вакиллик органларига ҳисобот бермай-дилар. Шу боисдан вакиллик органларининг ҳокимлик идоралари ва ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш, ваколатига эга бўлишлари лозим;

- маҳаллий ҳокимликлар молиявий, моддий-техникавий ва кадрлар томонидан чекланган ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетини мустаҳкамлаши лозим;

- маҳаллий ҳокимликнинг кичик бизнес фаолиятига тўғридан-тўғри аралашуви жойларда учраб турибди. Шунинг учун маҳаллий ҳокимликка хўжалик юритувчи субъектлар маблағини мажбуран олиб қўйиш, уларни ҳомийлик қилишга, кўнгилли равишда пул ўтказишга мажбур қилишларини таъқиқлаб қўйиш лозим. Уларнинг кадрлар сиёсатида аралашини ҳам таъқиқловчи қонун ҳуж-жатларини қабул қилиш керак;

- фуқаролик жамияти институтлари ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалаларни ҳал этишда сушт жалб этилган. Бу муаммони ҳал этиш учун жойларда ҳудудий иқтисодий ривож-лантиришга оид турли дастурларни тузишга ҳудуддаги турли сиёсий партиялар вакилларини, фермерлар кенгаши ва нодавлат нотижорат жамоатчилик ташкилотлари вакилларини кенг жалб этиш лозим бўлади;

- ҳокимликларга ҳудудий сиёсат юритишнинг қонуний ҳужжатлар портфелини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Шу боисдан жойларда куйидаги йўналишларда қонуний-меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқиши лозим;

а) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мустақиллигини белгилаш ҳамда уни кучайтириш;

б) кадрларни оқилона жой-жойига қўйиш;

в) ҳокимликларнинг ташкилий назорат фаолиятини такомил-лаштириш;

г) минтақада кўрсатилаётган жамоат хизмати самарадорлиги ва сифатини ошириш;

д) ҳокимликларнинг ўзини ўзи бошқариш, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг **“Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”** деб номланган биринчи йўналишининг давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича куйидаги вазифалар белгиланган:

- давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодий

<sup>1</sup> Қаранг: Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 2005. –Т., 2006, 78-80-бетлар.

бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш;

- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

- «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий устувор йўналиши белгилаб берилди.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб унда қуйидагилар белгиланган:

- ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш;

- кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллиги ва жавобгарлигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси тегишли департаментлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида «Электрон ҳукумат» тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

- маъмурий адлия тизимини ривожлантириш ва мурожаатларни коллегиал эшитиш механизмларини жорий этиш;

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик

жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади:

- ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда регламентларни жорий этиш.

- ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали ишини ташкил этиш, «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони — Вазирлар Маҳкамаси — республика давлат бошқаруви органлари — таркибий ва ҳудудий бўлинмалар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари» таъсирчан тизимини жорий этиш;

- давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш

- мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш;

- «ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларни таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш;

ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш.

- ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шакллари кенг жорий этиш.

Учинчи йўналишда иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш.

- хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш;

- иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш.

- давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш.

Тўртинчи йўналиш вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

- республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

- ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

- давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

- инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш.;

- илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини ва ривожланган инновацион инфратузилмани яратиш;

- табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этишни таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш;

- давлат хизматининг жозибadorлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш.

- ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш<sup>1</sup>.

Умуман олганда, давлат ва фуқаролик жамиятининг собиқ тоталитар, ўта марказлаштирилган иқтисодиётни аниқ ва изчил номарказлаштиришга қобиллиги барқарор иқтисодий ўсишга эришиш стратегиясида хатоликлардан сақланиш, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Асосий тушунча ва атамалар**

Иқтисодий ислоҳот, давлат бош ислоҳотчи, институционал ислоҳотлар, иқтисодиётни бошқариш, маъмурий бошқариш тизими, давлат бошқарув тизими, иқтисодиётни маъмурий бошқариш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизими, иқтисодий стратегия, иқтисодий сиёсат.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепцияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонининг 1-илоvasи.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар стратегиясининг моҳияти нимадан иборат?
2. Иқтисодиёт собиқ тоталар тизим даврида қандай бошқарилган?
3. Собиқ тоталитар тизим даврида давлат бошқарув органлари қандай таркибга эга эди?
4. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин нима учун институционал ислохотларга зарурият тугилди?
5. Институционал ислохотларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
6. Институционал ислохотлар қандай йўналишларда амалга оширилди?
7. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишнинг қандай институтлари вужудга келди?
8. Ўзбекистонда иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқариш бўйича қандай давлат бошқарув органлари вужудга келди?
9. Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат бошқариш тизимини такомиллаштириш қандай йўналишларда амалга оширилади?
10. Давлат бошқариш тизимини номарказлаштириш қандай аҳамиятга эга?
11. Давлат бошқариш тизимини номарказлаштиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
12. Давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қандай роль ўйнайди?

### 4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ – ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ

#### 4.1. Давлат мулки ва тадбиркорлиги – иқтисодий сиёсатнинг муҳим воситалари

Иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим давлат воситаларидан бири ўз мулки бўлган тармоқ ва корхоналарни бошқариш, яъни бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишидир.

Давлат мамлакат ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини мулк эгаси сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади, режалаштиради ва уни назорат қилади. Давлат тадбиркорлик фаолияти орқали фан-техника инқилоби талабларига кўра, халқ хўжалиги тузилишини шакллантиришга ҳамда бозор баҳоларидан бирмунча паст баҳоларда товар сотиш ва хизматлар кўрсатиш орқали ишлаб чиқаришнинг бошқа секторларининг ривожланишига кўмаклашади. Давлат мулки ва соҳибкорлиги кўлами бозор иқтисодиёти шароитида чекланган бўлади. У, асосан, мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланиши учун имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Унинг доирасига Ўзбекистон Республикасида, биринчидан, олтин, уран, нефть, газ, кўмир, рангли металллар ва бошқа табиий бойликларни қазиб чиқариш саноати тармоқлари; энергетика, темир йўл, автомобиль йўллари, транспортнинг бир қисми кириши лозим.

Қазиб чиқарувчи тармоқлар маҳсулотлари мамлакатнинг энг муҳим миллий бойлиги ҳисобланади. Энергетика ва транспорт эса халқ хўжалигининг ҳаётий қон томирларидир. Шу билан бирга, уларнинг капитал ҳажмкорлиги юқори ва айланиш муддати узоқ бўлганлиги учун хусусий корхоналарнинг бу соҳадаги ташаббускорлиги чекланган бўлади. Ана шу сабабларга кўра, ушбу тармоқларни давлат бевосита бошқариши мақсадга мувофиқдир. Ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам давлат капитал маблағларининг кўп қисми ушбу соҳаларга йўналтирилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш учун машинасозлик, шу жумладан, автомобилсозлик, ускунасозлик, фан-техника инқилоби вужудга келтирган электротехника саноати тармоқларини ривожлантириши зарурдир. Бу янги тармоқлар қарор топиши давлат тадбиркорлик фаолияти доирасида бўлади.

Учинчидан, фан-техника инқилоби шароитида фан ва техникага раҳбарлик қилиш ҳам давлат зиммасига юкланади. Давлат энг қимматли фундаментал фанлар соҳасидаги илмий ишларни молиялаштиради.

Давлат ўз корхоналарининг товар ва хизматларини паст даражадаги, аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларига яқин бўлган баҳолар билан сотади. Бу билан аҳоли турмуш даражасининг ошишига, хусусий ва бошқа корхоналарнинг самарали ишлашига, халқ хўжалиги тармоқларининг маълум нисбатларини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Давлат ўзига қарашли корхоналарни ижарага бериш, меҳнат коллективларига, хусусий шахсларга сотиш, акционерлик жамиятларига айлантириш йўли билан аралаш мулкни шакллантириш орқали иқтисодиётнинг бошқа мулк доираларининг ташаббускорлигига, рентабеллигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг хусусий, жамоа ва бошқа тоифадаги корхоналардан товар ва хизматлар сотиб олиши иқтисодиётни тартибга солишнинг бир усули ҳисобланади. XX асрнинг буюк иқтисодчиларидан бири бўлган Жон Кейнс бу воситани “иқтисодиётни тетиклантиради” деб таъкидлаган. Ушбу ўринда савол туғилади. Хўш, давлат қандай товарларни сотиб олади?

Давлат, биринчидан, ўзига қарашли тармоқ ва корхоналарнинг самарали ишлаши учун хом ашё, асбоб-ускуналар; иккинчидан, бошқарув аппарати ходимларини молия билан таъминлаш; учинчидан, меҳнатга лаёқатсиз майиб-мажруҳлар, қариялар, етим болалар, камбағаллар ҳамда кўп болали оилалар, ёлғиз, қаровсиз кишиларга ёрдам мақсадида истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш; тўртинчидан, ҳарбий анжомлар, қурол-яроғлар армия учун лозим бўлган истеъмол товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, бешинчидан, турли хил табиий офатларнинг олдини олиш учун давлат захираларини ташкил этиш мақсадида товарлар сотиб олади. Бунинг оқибатида давлатнинг товарлар ва хизматлар бозори шаклланади. Давлат бозори муҳим ижобий роль ўйнайди. Бу бозор қафолатли бўлиб, унинг тўлов қобилияти давлатнинг бюджет ва валюта фонди орқали таъминланади. Ҳар қандай бозор конъюнктураси шароитида ҳам давлат буюртмаси ва контрактлари юзасидан ишлаётган корхоналар бозори касод бўлмайди. Бу бозор давлат буюртмалари орқали тартибга солинади, унда келишилган баҳолар амал қилади ва унинг иштирокчиларига барқарор фойда келтиради.

Тоталитар тузум даврида давлат асосий ишлаб чиқариш воситаларининг катта қисмини мулк эгаси сифатида иқтисодиётни ўз монополиясига айлантирган эди. Узоқ йиллар мобайнида республикаимз иқтисодиётида умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Мулкчилик фақат икки турдан, яъни давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат қилиб қўйилган эди. Аслида колхоз-кооператив мулки ҳам амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди.

Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилиги ҳам юридик жиҳатдан, ҳам амалиётда батамом инкор қилинган эди. Фақат хусусий мулкчиликнинг шакли ўзгартирилган, ишлаб чиқариш воситаси бўлмаган ва даромад келтирмайдиган фуқароларнинг шахсий мулки сифатидаги кўринишигина мавжуд бўлиши мумкин эди. Аҳолининг ўз мулкидан фойдаланиш туфайли оладиган даромадларининг ҳамма турлари ноқонуний ҳисобланар эди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкка «ҳеч кимники», «давлатники», «биронинг мулки» деб қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Бундай шароитда давлат ўз мулки бўлган давлат корхоналарини, тармоқ ва соҳаларни маъмурий буйруқбозлик усуллари орқали бевосита бошқарган. Бу ҳол реал ишлаб чиқариш иштирокчиларининг (хўжалик субъектларининг) ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлишига, эгаллик ҳиссининг йўқола боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келди.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда ва бошқа собиқ марказлашган-режали иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси бу умумхалқ, ижтимоий мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “**Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.** Бу масала социалистик тузумдан кейин бозор муносабатларини танлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир”<sup>2</sup>, -деб таъкидлаган.

#### 4.2. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг мақсади ва босқичлари

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий негизини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш ташкил этади. Амалда бу Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтишида мулкчилик масалаларини ҳал этиш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўли ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -45-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 43-бет.

**Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналарини  
хусусийлаштириш суръатлари (дона)**

Йил	Жами хусусийлаштирилган корхона ва объектлар	Уларнинг асосида нодавлат корхоналари ташкил этилган	Жумладан					
			Ҳиссадорлик жамиятлари		Хусусий корхоналар		Бошқа корхоналар	
			Сони	фоиз	Сони	фоиз	Сони	фоиз
1992-1993	53902	28846	-	-	-	-	-	-
1994	9744	9744	2898	29,7	4892	50,2	1954	20,1
1995	8537	8537	1026	12,0	6036	70,7	1475	17,3
1996	1915	1915	1257	65,6	420	21,9	238	12,4
1997	1231	899	456	50,7	260	28,9	183	20,4
1998	451	266	110	41,4	103	38,7	53	19,9
1999	448	373	141	37,8	156	41,8	76	20,4
2000	374	372	152	40,9	103	27,7	117	31,5
2001	1449	743	167	22,5	257	34,6	115	15,5
2002	1912	1800	223	12,4	1252	69,6	325	18,1
2003	1519	1452	75	5,2	981	67,6	396	27,3
2004	1228	1228	28	2,3	1038	84,5	162	13,2
2005	980	980	3	0,3	902	92,0	75	7,7
2006	673	673	19	2,8	599	89,0	55	8,2
2007	631	631	0	0	593	94,0	38	6,0
Жами	84994	58459	6555	11,3	17592	30,1	5262	9,0

Манба: ЎзР Давлат мулк бўлими маълумотлари.

Ушбу босқичнинг ўзига хос томонлари шундан иборат бўлдики, унда давлат мулкига асосланган корхоналарни хусусийлаштириш шакллари танлаш ва хусусийлаштириладиган мулкни баҳолаш бўйича тегишли тажрибалар тўпланди. Хусусийлаштиришнинг кейинги **-иккинчи босқичи** „оммавий хусусийлаштириш“ даври деб ном олди ва у 1994-1998 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш, автомобиль транспорти, агросаноат комплекси ва бошқа тармоқларнинг ўрта ва йирик корхоналари очик акциядорлик жамиятларига айлантирилди ва хусусийлаштирилди. Шу билан бир вақтнинг ўзиде кимматли қоғозлар, кўчмас мулк бозорларини шакллантириш бошланди. Бундан асосий мақсад хусусийлаштириш жараёнига аҳолининг кенг қатламлари ҳамда чет эл сармояларини жалб этиш ва шу орқали

Ана шу йўналишларда кенг қўламда чора-тадбирларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва стратегик вазифалари мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан асослаб берилган<sup>1</sup>. Унга кўра хусусийлаштириш жараёнида иккита муҳим стратегик вазифа ҳал этилиши кўзда тутилган:

**Биринчи стратегик вазифанинг асосий мазмуни** – бу давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган мулкнинг ҳақиқий мулкдорлар қўлига берилиши иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш учун реал шарт-шароит яратишга имкон туғдиради.

Хусусийлаштиришнинг **иккинчи стратегик вазифаси** эса иқтисодиётда кўп укладликни ҳамда рағбатлантирувчи кучга эга бўлган рақобат муҳитини яратиш, шу орқали давлатни мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо этишдир.

Ана шу моделга асосланган ҳолда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнлари шартли равишда ўзаро боғлиқ уч босқичга бўлинади.

Дастлабки **биринчи босқич** “кичик хусусийлаштириш” даври деб номланди ва 1992–1993 йилларда амалга оширилди. Унда аҳоли яшайдиган давлатга тегишли уй-жойлар, савдо, маиший хизматлар кўрсатиш, дорихона ва шу каби 53,9 мингта майда давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 28,8 мингдан ортиқ нодавлат корхоналари ташкил этилди. (4.2.1-жадвал).

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 246– б.

мамлакатимиз иктисодиётининг нодавлат секторини жадал ривожлантиришни таъминлаш бўлди. Ушбу босқичда 21361 хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизда 5747 та очик акциядорлик жамиятлари, 3903 та масъулияти чекланган жамият ва 11711 та хусусий мулкчиликнинг бошқа шаклидаги корхоналар ташкил этилди.

Хусусийлаштиришнинг **учинчи босқичи** 1999 йилдан бошланиб ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу босқич “якка тартибда хусусийлаштириш” даври ҳисобланади.

Хусусийлаштиришнинг ушбу даври аввалги босқичлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Биринчидан, ушбу даврда иқтисодиётнинг ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё, темир йўл транспорти ва шу каби бошқа стратегик тармоқларнинг йирик корхоналарини чет эл инвестицияларини кенг жалб этган ҳолда якка лойиҳалар асосида хусусийлаштиришга киришилди. Иккинчидан, илгари хусусийлаштирилган корхоналар негизда ташкил этилган очик акциядорлик жамиятларидаги жойлаштирилмаган, шу жумладан, давлатга тегишли акциялар пакетлари ҳамда айрим корхоналарни бутунлай ёки улар мулкнинг бир бўлагини биржа ёки биржадан ташқаридаги бозорларда турли ёндашувлар ва усулларни қўллаш асосида сотиш йўлга қўйилди. Учунчидан, иқтисодий ночор, зарар билан ишловчи ҳамда истикболсиз корхоналар ва улар мулкдаги давлат улушлари нол қиймат билан чет эл ёки мамлакатимиз сармоядорларига инвестиция киритиш ҳисобига бепул бериш тартиби жорий этилди ва амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштиришнинг ўтган уч босқичида жами 84,9 мингдан ортқирок давлат корхоналари хусусийлаштирилди, улар негизда акциядорлик, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хусусий корхоналар ташкил этилди. Шу билан бирга, 2007 йилгача 90,6 мингта давлат мулки объектлари (қурилиш тугалланмаган объектлар, ер участкалари ва бошқалар), шундан 69,5 мингтадан ортқирок ер участкалари аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун Республика кўчмас мулк биржаси савдоларида 3,9 млрд. сўмга сотилди.

#### **4.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичининг хусусиятлари**

Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичига хос хусусиятлар ва тамойиллар:

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш;

- хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига қарашли корхоналарнинг акцияларини кимошди савдосига қўйиш;

- давлат мулкни хусусий инвесторларга сотиш самарасини таъминлашда инвесторларнинг корхоналарни ривожлантиришга қаратилган инвестиция мажбуриятлари билан жалб этилиши устуворлиги;

- зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истикболсиз давлат корхоналари ва улардаги давлат улушини инвестиция мажбуриятлари эвазига нолга тенг харид қиймати бўйича хусусий мулкка сотиш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “2007–2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-672 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда “Иқтисодиёт реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПФ-4053-сонли Фармони, 2008 йил 24 апрелдаги “Баҳолаш ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатиладиган хизматлар сифати учун масъулиятини ошириш тўғрисидаги ПҚ-843-сонли Қарорикабул қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги “Давлат активларини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида”ги 27-сонли Қарори билан “Биржа савдоларида давлат активларини сотиш тартиби тўғрисида”ги ва “Биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш тўғрисида”ги тартиблар тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли Қарорига биноан Давлат мулк қўмитаси БМТ Ривожланиш дастури билан “Ўзбекистон Республикасида баҳолаш методологияси ва амалиётини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси амалга ошириш бўйича шартнома имзоланган. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг учта миллий стандарти, яъни “Хусусийлаштириш мақсадида мулкнинг қийматини баҳолаш”, “Бизнес қийматини баҳолаш”, “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” стандартлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

2007–2010 йилларда 947 та давлат объектлари 505,5 млн. доллар ва 231,1 млрд. сўмга сотилди. Шунингдек, Олинган инвестиция мажбуриятлари ҳажми 349,6 млн. доллар ва 106,34 млрд. сўмлик инвестиция мажбуриятлари ҳисобига сотилган (4.3.1-жадвал).



## 4.3.1-жадвал

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш  
кўрсаткичлари<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2007й	2008й	2009й	2010й
Сотилган давлат объектлари сони	408	308	135	96
Шундан;				
Биржа савдоларида сотилган	129	94	46	32
Биржадан ташқари савдоларда	279	214	89	64
Инвестицион мажбуриятлар асосида				
Давлат комиссияси қарори билан корхона ва объектларнинг сотилган давлат активлари сони	28	14	70	60
Киритиладиган инвестиция мажбуриятлари ҳажми				
млн. АҚШ доллари	244,5	29,94		63,52
млрд. Сўм	21,5	10,84	22,25	17,73
Аукцион ва конкурс савдоларида сотилган объектлар	185	122	213	123
Олинган инвестиция мажбуриятлар ҳажми				
млн. АҚШ доллари	33,5	4,72	177,66	23,5
млрд. Сўм	14,7	10,57	91,29	29,4
Ноль қийматда сотилган объектлар сони	15	50	68	41
Олинган инвестиция мажбуриятлари ҳажми				
млн. АҚШ доллари	28,8	17,59	14,5	9,1
млрд. Сўм	7,6	15,62	16,8	11,3
Жами сотилган давлат активлари ҳажми				
млн. АҚШ доллари	309,5	69,24	62,24	64,52
млрд. Сўм	57,1	69,29	35,7	40,28
Шу жумладан,				
Олинган инвестиция мажбуриятлари ҳажми				
млн. АҚШ доллари	198,7	54,82	32,63	63,5
млрд. Сўм	35,2	34,24	15,64	21,26

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида 2007–2010 йилларда 474 та шартнома бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилди. Уларнинг умумий қиймати 129,37 млн. АҚШ доллари ва 106,53 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2015 йилдаги ПҚ-2340-сонли “Иктисодиётда хусусий мулк улуши ва аҳамиятини кўпайтириш бўйича чоралар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Иктисодиётда давлат

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

иштироки даражасини баҳолашдан ўтказиш асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан 2015–2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш Дастури тайёрланди. Мазкур қарор куйидагиларни назарда тутди:

- 68 та акциядорлик жамиятларидаги давлат улушлари ва хўжалик бошқаруви органларининг улушларини стратегик хорижий инвесторларга сотиш;
- 343 та хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналаридаги давлат активлари ва хўжалик бошқаруви органларининг улушларини оммавий савдоларда хусусий мулкка сотиш;
- 463 та давлат мулки объектларини, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектларни “нол” харид қийматида сотиш;
- 350 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини оммавий савдоларда хусусий мулкка сотиш;
- 257 та ишламаётган ташкилотларни тугатиш ёки банкрот қилиш таомиллари бўйича ташаббус кўрсатиш;
- 352 та фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини бузиш.

Мамлакатимизда 2010–2014 йилларда 644 та давлат объектлари хусусийлаштирилган бўлиб, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 226430 миллион сўмни ташкил этган. 2015–2016 йилларда эса жами 1457 та давлат объекти хусусийлаштирилди, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар эса 268061,8 миллион сўмни ташкил этган (қаранг: 4.3.2-жадвал).

4.3.2-жадвал.

**Корхона ва объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг бориши (2010–2016 йиллар)<sup>1</sup>**

	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й	2015й	2016й.
Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони	96	95	83	82	288	848	609
Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари, млн сўм	23028,6	39217,8	32052,8	44149,2	87982,1	103243,8	164818,0

2017 йилда эса 542 та давлат корхонаси ва объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди. Хусусийлаштирилган объектларнинг 341 таси (62,9 фоиз) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Соғлиқни сақлаш вазирлигига – 66 таси (12,2 фоиз), Халқ таълими вазирлигига – 58 таси (10,7 фоиз), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига – 16 таси (3 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига – 11 таси (2 фоиз), Навоий тоғ кон металлургия комбинати давлат корхонасига – 10 таси (1,8 фоиз) тегишлидир. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 228,3 миллиард сўмни ташкил этди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли Қарорига биноан, Давлат мулкни ижарага бериш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;
- ижарага берилмаётган давлат мулки ҳамда уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторинги олиб бориш;
- ижарага берилмаётган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;
- ижара объектларидан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;
- ижарага берилмаётган давлат мулкни ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т., ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, 2017.-114-бет.

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т., Госкомстат, 2018.- С.91.

- фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонлар ва ижарага берилмаётган давлат мулки рўйхатини республика ва вилоят даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида ҳар чоракда эълон қилиш.

**4.4. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари**

Хусусийлаштириш ва мулкдорлар сафини кенгайтириш, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишидаги қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини қисқартириш бўйича ишларни давом эттириш;
- акциялаштириш амалий натижа бермаган корхона ва объектларни хусусий мулкдорларга бериш;
- янги мулкдорларнинг корхоналар самарали фаолиятини таъминлаш, инвестиция мажбуриятларини сўзсиз бажариш бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий жавобгарлигини оширишни кўзда тутган ҳолда амалдаги конунчиликнинг меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш;
- хусусийлаштириш жараёнига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш натижасида қабул қилинган янги конунлар қуйидагилардан иборатдир:

- “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрир);
- “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”;
- “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”;
- “Рақобат тўғрисида”.

Бугунги кунда хусусийлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланмайдиган Хусусийлаштириш дастурлари доирасида давлат мулки объектларини харид қийматида ёки “нол” қийматда хусусийлаштириш;

2) Давлат тендер комиссиясининг қарорларига асосан маҳаллий ҳоқимлик балансидаги паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали “нол” қийматда хусусийлаштириш;

3) Хусусийлаштиришнинг бошқа шакллари (мулкни тасарруф этувчиларнинг қарорларига асосан тўғридан-тўғри сотиш, хўжалик жамиятларининг устав фондида давлат улуши сифатида киритиш ва ҳ.к.) орқали давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштириш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда вужудга келтирилган давлат активларини оммавий савдоларда хусусийлаштириш механизмлари қуйидагилардан ташкил топган:

- Хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат акциялар пакетлари – фонд биржаси орқали хусусийлаштирилади;
- МЧЖларнинг устав фондидаги давлат улушлари – аукцион (танлов) савдоларида хусусийлаштирилади;
- Давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари – риэлторлик ташкилотлари орқали хусусийлаштирилади;
- Давлат мулки бўлган фаолият юритмаётган объектлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар замонавий ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида инвестиция киритиш шартлари билан “нол” қийматда Давлат тендер комиссия томонидан танлов шартлари тасдиқланган сўнг ҳудудий тендер комиссиялари томонидан хусусийлаштирилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни билан бир вақтда бозор инфратузилмалари шаклланди ва улар ривожланиш босқичига ўтди. Бу фонд, товар ҳамда кўчмас мулк бозорлари, инвестицион фондлар, аудиторлик, консалтинг ва шу каби бошқа тузилмаларни ташкил топиши ва ривожланиши билан намоён бўлди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамадан республикамизнинг айрим ҳудудларида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишларига эътибор сустлигича қолмоқда. Ваҳоланки, мулкдан самарали фойдаланиш ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, дотациядан чиқиш ҳамда бюджетнинг даромад қисмини оширишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат мулкни хусусийлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги хусусийлаштириш дастури, Президент қарори ва Давлат мулки объектларини самарали бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилган бўлиб, дастурларнинг ўзига хос хусусияти корхоналарга

тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга устувор аҳамият қаратилганлигидир.

Инвесторларнинг таклифлари хусусийлаштирилаётган объектнинг харид қиймати миқдоридан эмас, балки инвесторнинг инвестиция дастури мазмуни, унинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва корхонани модернизация қилиш ҳамда самарали бошқарувни жорий қилинишига йўналтирилганлигидан келиб чиқиб баҳоланади.

Давлат активлари аҳамияти ва хусусийлаштириш усулларида келиб чиқиб, гуруҳларга ажратилган ҳолда қуйидаги тартибда сотилади:

1-гуруҳ. Бутунлигича сотиладиган давлат корхоналари (объектлари) ва очик биржа савдоларида тўлиқ хусусий мулкка сотиладиган давлатга тегишли акциялар пакети ва давлат улушлари. Ушбу гуруҳга кирган корхона (объектларни) хусусийлаштириш механизми жуда содда, яъни объектлар ёки акциялар пакетларини биржа орқали сотиш. Бунда объект ёки акциялар пакети савдо майдончасига қўйилади, реклама ишлари амалга оширилади, уларни сотишга қўмақлашувчи тегишли институтлар иштирок этади. Харидорларда талаб бўлмаган тақдирда дастлабки сотиш нархларини қадам-бақаддам пасайтириш механизми қўлланади.

2-гуруҳ. Сармоядорлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши эвазига ноль қийматда танлов савдоларида қўйиладиган корхона ва объектлар. Ушбу гуруҳ объектлари ҳудудларда танловлар эълон қилиш йўли билан сотилади. Ҳар бир ҳудудда ушбу ҳудуд маъмуриятининг раҳбари бошчилигида танлов комиссиялари тузилган. Сармоядорларга ноль харид қиймати бўйича сотилган паст рентабелли, зарар кўриб ишловчи, иктисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар, шу жумладан, улар бўйича ҳисоблаб ёзилган пенялар ва жарималар бўйича ўтган йиллардаги ишончсиз қарзлари ҳукумат томонидан ҳисобдан чиқариб ташланади.

3-гуруҳ. Давлатга тегишли бўлган акциялар пакети халқаро тендерларни ташкил этиш асосида сотиладиган стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар. Йирик стратегик корхоналар очик тендерларни ташкил этиш йўли билан сотилади, бу ерда яқка тартибда хусусийлаштириш жараёни қўлланилади. Бундай тендерларда иштирок этиш учун хусусийлаштирилаётган корхонага инвестициялар киритиш ва уни янада ривожлантириш бўйича бизнес-режаларини тақдим этган сармоядорларга рухсат этилади.

Давлатга тегишли бўлган акциялар пакети бундай тендерларда сотиладиган корхоналар Давлат инвестиция дастурига киритилиши мумкин, бу ушбу корхонани 7 йилга даромад ва фойда солиғидан озод этиш имконини

беради. Бундан ташқари, акцияларнинг назорат қилиш ҳуқуқини бермайдиган пакетини харид қилган, лекин корхонага катта миқдорда маблағ киритган сармоядор Давлат мулки қўмитаси билан бошқарув назоратини қўлга киритиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин.

Иқтисодийда давлат улушини қисқартириш ва хусусий сектор иштирокини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

- биринчи навбатда, аввало, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор. Махсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан “ноль” қийматида сотиш зарур;

- давлат улуши мавжуд бўлган барча корхона ва объектларни яна бир марта танқидий нуқтаи назардан қайта инвентаризация қилиш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2895-сон Қарорида қайд этиб ўтилганки, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши даврида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди. Натижада ҳозир нодавлат секторига ялпи ички махсулотнинг 81 фоизидан кўпроғи, саноат ишлаб чиқаришининг 94 фоизи ва барча банд аҳолининг 82 фоизидан зиёди тўғри келмоқда. Аммо шу билан бирга, танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор корхоналарни хусусийлаштириш кутилган натижаларни бермади<sup>2</sup>.

Хусусан, республика минтакаларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишларининг бориши билан танишиш натижалари хусусийлаштирилган корхоналарнинг мудқдорлари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмаётгани ва корхоналарни узок муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни тикламаётганлиги ва ишлаб чиқараётган махсулотларининг

<sup>1</sup> Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодийда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2895-сон Қарори, 2017 йил 18 апрель // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель.

рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этмаётганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатлар Тошкент шаҳрида аввал хусусийлаштирилган «Реле ва автоматика», «Алгоритм» заводлари, Самарқанд шаҳридаги «Қизил двигатель» ва Лифтсозлик заводлари, Гиждувон ип йиғирув фабрикаси, Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги парранда фабрикаси, Термиз шаҳридаги «16-сонли гишт заводи» ва бошқа кўплаб объектлар мисолида кўришиб турибди. Ўтказилган ҳатлов натижаларига кўра, аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизида 2 мингдан ортиқ паст рентабелли ва зарар кўраётган кам қувватли хўжалик субъектлари, шу жумладан, мингдан ортиқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган<sup>1</sup>.

Давлат органлари хусусийлаштирилган корхоналарнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳолини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва сабабларини аниқлаш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлашда, муҳандислик-ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклашда, ички ва ташқи савдо бозорларини топишда амалий кўмак бериш билан сушт шуғулланмоқда. Юзага келган ҳолат ваколатли органларнинг хусусийлаштирилган корхоналарга ёндашувлари, улар билан ишлаш принциплари ва усулларини тубдан ўзгартиришни, фаолият самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни кўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини кенгайтиришни талаб этади.

Мазкур қарорга мувофиқ хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан оширишни, хусусийлаштирилган корхоналар негизида амалга оширилаётган лойиҳаларни тизимли ва манзилли кўллаб-қувватлашни ташкил этиш, шунингдек, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ваколатли органлар фаолиятини зарур даражада мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини унга юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2895-сон Қарори, 2017 йил 18 апрель // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель.

хусусийлаштирилган корхоналарнинг реестрини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, улар фаолиятининг доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;

хусусийлаштирилган корхоналарни тиклаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, шунингдек, «йўл хариталари»ни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молия бошқаруви масалалари ва бошқа фанлар бўйича хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари ва ишлаб чиқариш-техник ходимлари учун доимий фаолият юритадиган ўқув курсларини ташкил этишга йўналтирилган Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиалларини барпо этиш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкиллаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, кўмита кадрларини тизимли равишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини ташкил этиш вазифалари белгиланган<sup>1</sup>.

### **Асосий тушунча ва атамалар**

Мулк, давлат мулки, муниципал мулк, давлат тадбиркорлиги, давлат мулкининг иқтисодиётни тартибга солинишига таъсири, давлат тадбиркорлигининг бозорга таъсири, давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш, давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкни ижарага бериш, инвестицион мажбурият асосида мулкни хусусийлаштириш.

### **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Давлат мулки нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
2. Давлат мулки иқтисодиётни тартибга солишда қандай рол ўйнайди?
3. Давлат тадбиркорлиги деганда нимани тушунаси?

4. Давлат тадбиркорлиги иқтисодиётни тартибга солишга қандай таъсир кўрсатади?
5. Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Давлат мулкини хусусийлаштириш иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга қандай таъсир кўрсатади?
7. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришдан кўзланган мақсадлар нималардан иборат?
8. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнлари қандай амалга оширилди?
9. Давлат мулки қандай бошқарилади?
10. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш самарадорлигини ошириш учун нималарни амалга ошириш керак?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2895-сон Қарори, 2017 йил 18 апрель // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель.

## **5-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ДАСТУРЛАШ, ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

### **5.1. Иқтисодиётни прогноزلаштириш, дастурлашнинг мақсади ва шакллари, усуллари**

Иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим давлат иқтисодий сиёсатининг шаклларида бири дастурлаш ва режалаштиришдир. Ушбу тартибга солиш шаклининг зарурияти ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, меҳнат тақсимоли ва кооперациялашувининг чуқурлашуви, давлат мулкнинг мавжудлиги, иқтисодиётга йўлланадиган капитал маблағлар ҳаракати ва оқибатларининг узоқ муддатлиги ҳамда бозор конъюктурасини ўрганиши билан ифодаланади. Шу боисдан барча ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиши прогноزلаштирилади, дастурланади ва режалаштирилади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогноزلаштириш уни режалаштиришнинг бошланғич босқичи ҳисобланади. Прогноз — объектнинг истикболдаги мумкин бўлган ҳолати тўғрисидаги илмий асосланган кўзланган мақсадга эришишнинг муддатлари ва усулларининг вариантли гипотезаси ҳисобланади. Одатда базавий ва ижтимоий-иқтисодий прогноزلар тузилади. Базавий прогноزلарга демографик прогноزلар, табиий ресурслар прогноzlари, илмий-техникавий тараққиёт, экологик, ташқи иқтисодий, ташқи сиёсий, ички сиёсий ва бошқа прогноزلар киради. Ижтимоий-иқтисодий прогноزلарга иқтисодий ўсиш, жами талаб ва жами тақлиф, макроиқтисодий тармоқ таркиби, инфляция даражаси, аҳоли турмуш даражаси ва сифати, аҳолининг бандлиги, ижтимоий соҳа ривожланиши прогноzlари ва бошқалар киради.

Тадқиқот мантиғидан келиб чиқиб, прогноزلар норматив ва қидирув прогноzlарига ажратилади. Қидирув прогнози мавжуд тенденциялар сақланиб қолган шароитда объектнинг истикболдаги мумкин бўлган ҳолатини аниқлайди. Норматив( меърий) прогноз мураккаброқ бўлиб, объектнинг қутилаётган ҳолатига истикболда эришиш учун унинг йўллари, усуллари, воситалари ҳамда белгиланган мақсадларнинг қай даражада реал эканлигини аниқлайди. Шунингдек, прогноزلар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсир этишига боғлиқ равишда актив ва пассив прогноzlарга бўлинади. Прогноزلар кўп вариантли ёки бир вариантли(инвариантли) бўлиши мумкин. Қўламага кўра эса макроиқтисодий, таркибий, яъни тармоқ, тармоқлараро ва минтақавий, минтақалараро прогноzlар тузилади.

Иқтисодиётнинг ривожланиш истикболини аниқлаш (прогноزلаштириш) қисқа муддат (1-2 йил), ўрта муддат (5 йил), узоқ

муддатга (20 йил) мўлжалланади. Бунда мавжуд ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиш ҳолати, бозор конъюктурасининг ўзгариб бориш тенденцияларига асосланиб, келажакдаги иқтисодий аҳволнинг қандай бўлиши, қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги башорат қилинади. Бу - экстрополяция усули дейилади. Олинган маълумотларга эса хусусий ишбилармонларнинг капитал маблағлар сарфлаш режаларини турли сўровлар орқали ўрганиб бориш орқали аниқлик ва тузатишлар киритилади.

Прогноزلар асосида иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Дастурларда иқтисодиёт ривожланишининг моддий ва социал мақсадлари кўрсатилади. Мақсадларни амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфлаш режалари тузилади, ишлаб чиқариш ҳажми билан талаб ўртасидаги нисбатлар ўрганилади. Турли ишлаб чиқариш билан импорт ўртасидаги боғлиқлик, ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқариш билан экспорт, экспорт билан импорт ўртасидаги боғлиқлар аниқланади. Бунинг учун тармоқлараро балансни тузиш, аҳоли рўйхатини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бир неча марта тармоқлараро баланс тузилган, аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилган. Иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат дастурлари асосида режалар қабул қилинади.

### **5.2. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва унинг шакллари, усуллари**

Режалаштириш-истикболда объектнинг кўзда тутилган ҳолатининг моделини яратиш жараёни бўлиб, унда ушбу ҳолатга эришиш учун усуллар, воситалари ва муддатлари белгиланади. Режаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг пировард мақсадлари, оралиқ натижаларини, уларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар харажатларини ифодаловчи аниқ миқдорий параметрлари(режа кўрсаткичлари) белгиланади. Режалар сиёсий тавсифга эга бўлиб, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига мос равишда тузилади, шу боисдан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини танлаш асосида иқтисодий критериялар билан бир қаторда сиёсий мақсадлар ҳам кўзланади. Режалаштиришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим бўлади:

- унинг илмий ишлаб чиқиш савиясини ошириш;
- илғор иқтисодиёт таркибий тузилишининг вужудга келишида унинг таъсирини орттириш;
- иқтисодиёт тармоқларининг балансланган, мутаносиб ривожланиш ролини кучайтириш;

- ишлаб чиқариш ва фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишга ёрдам бериш;

- янги кам харажат, тежамкор хўжалик механизмини яратиш, иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини камроқ ресурс ва меҳнат сарфлаш билан қондириш.

Ижтимоий-иқтисодий режалаштириш бошқаришнинг барча бўғинларида амалга оширилади: умумдавлат ва ҳудудий режалаштириш марказий ва ҳудудий давлат бошқариш органлари томонидан бажарилади; маҳаллий режалар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан; корхоналар даражасида бизнес режалар тузилади.

Илгари маъмуриятчиликка, буйруқбозликка асосланган жамиятда иқтисодий режалар директив характерга эга бўлиб, юқоридан белгиланиб, куйидаги хўжалик бўғинлари учун мажбурий эди. Директив режалаштириш юридик кучга эга бўлган режаларни тузиш жараён ҳисобланади. Улар ўзининг манзиллиги, ижрочилар учун мажбурийлиги, уларнинг бажарилиши учун режавий топшириқларнинг белгиланиши ва ресурсларнинг тақсимланиши билан тавсифланади. Режанинг бажарилиши бўйича ижрочиларнинг жавобгарлиги кўзда тутилади. Шу билан бирга директив режалаштиришда уларнинг ижрочилари қатнашмайдилар ёки уларнинг иштироки кучсиз бўлади.

Бозор иқтисодиёти ва мулкнинг кўп шакллари мавжуд бўлган шароитда эса дастур ва режалар давлат корхоналари учун директив, хусусий сектор учун эса таклиф, индикатив характерга эга бўлади. Индикатив режалаштириш аниқ параметрлар (индикатор, яъни кўрсаткичлар) шаклидаги ижтимоий-иқтисодий мақсадларини белгилаш ва белгиланган индикаторларга эришиш учун давлатнинг иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатиш бўйича иқтисодий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёни ҳисобланади.

Индикатив режалаштириш жараёнида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, таркиби ва самарадорлиги, молиявий аҳволи, пул муомаласи, товарлар ва қимматли қоғозлар бозори, нархларнинг ҳаракати, бандлик. Аҳоли турмуш даражаси, ташқи иқтисодий алоқаларни ва бошқаларни ифодаловчи индикаторлардан, яъни кўрсаткичлардан фойдаланилади. Индикатив режалаштиришнинг хусусиятлари унинг таклиф, тавсия тавсифга эгаллиги билан белгиланади. Бозор иқтисодиётининг хўжалик субъектлари индикатив режаларни бажаришга мажбур эмаслар. Аммо давлат иқтисодий усулларни (солиқлар, кредитлар, субсидиялар, давлат буюртмаларини жойлаштириш ва ҳ.к.) ҳамда ҳуқуқий ва маъмурий усуллар (режаларнинг бажарилишини таъминлашни назорат қилиш учун қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар қабул қилиш) орқали

режаларга киришни ва уларни бажаришга жалб этади. Ишбилармон, тадбиркорларнинг режаларга амал қилишларини рағбатлантириш мақсадида уларга турли имтиёзлар, яъни солиқ тўлашда, кредит, субсидиялар, хом ашё, ёқилғи-энергия, асбоб-ускуналар олишда, товарларни экспорт қилишда имтиёзлар берилиши лозим бўлади.

Иқтисодиётни дастурлаш ва режалаштиришдан мақсад, бозор иқтисодиётида юз бериши мумкин бўлган турли номуаносибликлар ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозларининг олдини олишга қаратилган бўлади. Бу тартибга солиш воситасининг самарадорлиги Дастур ва режаларнинг тадбиркорлар манфаатига қанчалик мослигига, давлатнинг уларни рағбатлантириш, молиялаштириш имкониятларига ҳамда режаларнинг илмийлик даражасига боғлиқ бўлади.

### **5.3. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноллаштириш ва дастурлашнинг устувор йўналишлари**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини тартибга солишни таъминлашда Иқтисодиёт вазирлиги муҳим роль ўйнамоқда. Унинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг концепциялари қисқа ва узок муддатли режалари, республика ва минтакаларга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш; аҳолини социал ҳимоялашга оид таклифларни асослаб бериш, меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик имкониятларини кўпайтириш, иқтисодий аҳволни соғломлаштириш йўллари белгилаш; бозор муносабатларига ўтишнинг асосий қоида ва йўналишларини шакллантириш ва унга мос равишда хўжалик механизми, бошқарув шакллари ва услубларини такомиллаштириш; халқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришга, ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона жойлаштиришга оид таклифлар тайёрлаш; халқ хўжалиги балансларини тузиш асосида иқтисодий номуаносибликларни бартараф этишга оид таклифларни ишлаб чиқиш; экспорт-импорт ишларини давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш соҳасидаги йўналишларни белгилаш. Иқтисодиёт вазирлиги ушбу вазифаларни бажариш орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Жойларда Иқтисодиёт вазирлигининг бўлимлари вазифасини Иқтисодиёт бош бошқармалари амалга оширадилар. Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият), масалалари бўйича ўринбосари ва унинг 4 штат бирликка эга қотибияти минтақа иқтисодиётини бошқаради. Минтақа иқтисодиётини бошқаришда минтақа Иқтисодиёт бош бошқармаси муҳим роль ўйнайди. Бошқармада минтақа ва ҳудудни комплекс ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги йиғма бўлими, инвестициялар

ва инвестиция дастурлари, Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги, уй-жой коммунал хўжалиги, Бозор инфратузилма-сини ривожлантириш, саноат, коммуникация тизимларини ва ахбо-рот технологияларини ривожлантириш, Соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, Бандлик, аҳоли турмуш даражаси ва истеъмол бозори ҳамда Молия бўлимлари фаолият юритади.

Иқтисодиёт бош бошқармаси минтақа хўжалигини кенг қамровли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш билан шуғулланади. Шаҳар ва туманларда Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият) масалалари бўйича ҳоким муовини Иқтисодиёт бўлимига раҳбарлик қилади.

Шаҳар, туман Иқтисодиёт бўлими қуйидаги вазифаларни бажаради:

- туман иқтисодиёти, унинг тармоқлари ривожланиши кўрсаткичларини, тенденцияларини изчил таҳлил қилиш;
- туман иқтисодиётидаги мавжуд номутаносибликларини аниқлаш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг корхоналар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича қисқа, ўрта муддатли прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- туманнинг экспорт потенциалини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини тайёрлаш;
- аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш асосида туман аҳоли-си фаровонлигини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;
- туман иқтисодиётининг ривожланиши аҳоли тўғрисида йил-лик ва ҳар чораклик маърузалар тайёрлаш, унинг ривожланишидаги номутаносибликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- иқтисодиёт тармоқларидаги барча инвестициялардан самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш;
- иқтисодий, шу жумладан, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқарувчи кучлар жойлаштирилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий даражаси ва иқтисодий-табiiй салоҳиятидаги фарқлар уларни истикболда ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳудудни иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш

стратегиясини асослашнинг қуйидаги йўналишларини инobatга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳудуд ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш; бу босқичда ҳудуднинг эришган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади;

- ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини асослаш; ривожланишни прогноз қилиш; стратегия асосланиб, ҳудуд ривожланишини тартибга солиш методлари танланади;

- концепция ишлаб чиқиш ва ҳудуд ривожланишини давлат ва бозор механизмлари орқали тартиблаш методларини танлаш;

- ҳудуднинг молиявий ресурслари ўсишини прогноз қилиш; бюджет даромад қисмини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлларини излаш; бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини аниқлаш, турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорликдан, хорижий инвесторлардан ва нобюджет жамғармаларидан қўшимча маблағларни жалб этиш<sup>1</sup>.

Республика ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда мақсадли-дастурлаш услубидан фойдаланилади. Бу услуб пировард натижага эришиш учун иқтисодий ресурсларни йўналтиришни таъминлашни ифодалайди. Унинг ёрдамида энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш муаммолари ҳал этилади. Бу муаммолар амалда тармоқлараро ёки ҳудудлараро тавсифга эга бўлиб, халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлади.

Мақсадли дастурлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб корхона, мамлакат ва халқаро миқёсда тузилади. Дастурлар ўз ичига пировард ва оралик мақсадларни, вазифаларни, уларни амалга ошириш чора-тадбирларни, ресурслар таъминотини олиши керак.

Дастур мақсади ўлчамга эга бўлиши, чора-тадбирлар тизими эса пировард ва оралик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши лозим. Мақсадли ҳудудий дастурлар ҳудудий ривожланишни тартибга солишнинг самарали методи сифатида давлат, маҳаллий, жамоавий, шахсий манфаатларни уйғунлаштириши ҳамда жамиятнинг барча аҳоли табақаларини давлатнинг ҳудудий сиёсатини амалга оширишга даъват этадиган, йўналтирадиган бўлиши керак. Шунингдек, ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиши лозим.

<sup>1</sup>Қаранг: Регулирование территориального развития в условиях рыночной экономики / Под ред. Б.М.Штульберга. -М., 1993-С 73; Содықов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика- Т.: IQTISOD-MOLIYA; 2005. - С 165.



Худудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад худудий иқтисодиётни унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

#### **5.4. Энг муҳим тармоқ, соҳаларни ривожлантириш дастурларининг мақсади ва йўналишлари**

Давлат томонидан худудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда:

1. Саноатни ривожлантириш дастурлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда”<sup>1</sup>-деб таъкидлади.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Ҳозирги вақтда Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айни пайтда электрлаштирилмоқда. Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23январь.

бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатҳолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади<sup>1</sup>.

2. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури. Дастурнинг мақсади экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашишдан иборатдир.

3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларида фойдаланилмоқда:

- худудларда маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва худудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;
- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳолини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;
- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;
- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини, фермер хўжалиқларини шакллантириш жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

4.Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш дастури.

5.Республика худудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш дастури.Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича чора-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23январь.

тадбирларнинг амалга оширилиши окбатида бу соҳанинг ЯИМдаги улуши 1990-2017 йилларда 34 фоиз дан 47,3 фоиз га ўсди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифа ва йўналишларини амалга оширилиши натижасида 2010–2017 йилларда пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 2,7 баробарга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,3 баробарга ўсди (5.4.1-жадвал).

5.4.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2017 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси<sup>1</sup>**

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
<b>I. Хизмат кўрсатиш ҳажми, трлн. сум</b>	<b>26,0</b>	<b>33,7</b>	<b>42,6</b>	<b>53,7</b>	<b>75,4</b>	<b>92,5</b>	<b>116,8</b>
Ўсиш ўтган йилга нисбатан фоизда	116,1	117,2	114,7	114,4	114,0	114,5	108,9
Ўсиш 2009 йилга нисбатан фоизда (қийёсий нархларда)	116,1	136,1	156,1	178,6	2,3 п.	2,7 п.	2,8 п.
<b>II. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм</b>	<b>911,7</b>	<b>1148,7</b>	<b>1429,1</b>	<b>1774,0</b>	<b>2407,6</b>	<b>2905,6</b>	<b>3606,6</b>

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилда “2013–2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар дастури амалга оширилди.

6. Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

7. 2018 йилда давлат дастурида “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

<sup>1</sup> Развитие сферы услуг//stat.uz; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т., 2018.-С.120.

бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури”ни амалга ошириш мўлжалланган<sup>1</sup>.

Мазкур дастурга мувофиқ **иктисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида қуйидагиларни амалга ошириш вазифалари белгиланган:**

- фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш;
- тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш;
- аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш;
- ҳудудларни фаол ривожлантириш.

**Дастурнинг 4-бўлимида ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида қуйидагиларни амалга ошириш мўлжалланган:**

- ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш;
- аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш;
- “истеъмол саватчаси”ни аниқлаш;
- ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш.

2018 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари:  
11 239,2 млрд. сўм ва 1 284,9 млн. АҚШ долл., шундан:

	сўмда	АҚШ доллариди
Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	5 348,9 млрд	102,4 млн.
Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	1 560,1 млрд.	—

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони. 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон

Тижорат банклари кредитлари	441,9 млрд.	—
Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва бегараз ёрдам	3 888,3 млрд.	1 182,5 млн.

8. Худудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш. Ижтимоий соҳани тартибга солишда республика, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш даражалари мавжуд бўлади. Худудларнинг ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш территориал дастурлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда қабул қилинган дастурларни амалга ошириш ва худудларнинг ривожланишини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- худудларни ривожлантириш бўйича республика ва ҳудудий дастурларни танлаш ва уларни амалга оширишни асослаш ҳамда навбатга қўйиш тизимини шакллантириш;
- республика ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларнинг масъулиятини ошириш;
- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг ҳудудий жиҳатларини кучайтириш;
- тармоқ дастурларининг ҳудудий жиҳатлари мониторингини ташкил этиш;
- худудлар ва тармоқ имкониятлари, захираларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
- дастурларни амалга ошириш устидан қатъий назоратни кучайтириш, назорат тизимини яратиш.

Молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун худудни танлашда худуддаги муаммоли ҳолатларни чуқур ўрганиш лозим бўлади. Ҳукумат томонидан худудларни ташкилий-ахборот, ташқи иқтисодий фаолият, хорижий кредитлар, грантлар олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро дастурлар ва техник кўмаклар лойиҳаларида иштирок этишида ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш керак бўлади. аҳаллий бюджетларни баланслаштириш умумдавлат солиқлардан ажратмалар нормативларини ва берилган дотацияларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Республика ҳукумати томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига давлат бошқаруви ваколатлари бир қисмининг ўтказилиши оқибатида ҳудудий маҳаллий бюджетларнинг роли ошади.

Ўзбекистонда биринчи босқичда — узок муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда — тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда — ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

### Асосий тушунча ва атамалар

Иқтисодий дастур, иқтисодиётни дастурлаш, прогноз, прогнозлаштириш, режа, режалаштириш, режа турлари, дастурлашнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли, директив режалаштириш, индикатив режалаштириш, минтақавий сиёсат, минтақа (худуд)ни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини дастурлаш, тармоқ дастурлари.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Иқтисодий дастур нима?
2. Иқтисодий дастурлаш усуллари нималардан иборат?
3. Прогноз нима?
4. Прогнозлаштириш нима ва у қандай амалга оширилади?
5. Режалаштириш нима ва унинг қандай турларини биласиз?
6. Режалаштириш қандай амалга оширилади?
7. Иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаштириш, режалаштириш уни давлат томонидан тартибга солишда қандай рол ўйнайди?
8. Иқтисодий дастурлар нима учун керак ва улар қандай мақсадларга хизмат қилади?
9. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари қандай тузилади?
10. Тармоқ ва ҳудудий ривожланиш давлат томонидан қандай тартибга солинади?
11. Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай дастурларни биласиз?
12. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастури тўғрисида қандай тасавурларга эгасиз?

## **6-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА МОНОПОЛИЗМГА ҚАРШИ СИЁСАТ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **6.1. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари**

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман, товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафга эга бўлиш учун курашни англатади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) тартибга солиш вазифаси;
- 2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
- 3) инновацион вазифа;
- 4) мослаштириш вазифаси;
- 5) тақсимлаш вазифаси;
- 6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг тартибга солиш вазифаси ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда таклифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг яқка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтакаларга оқилона жойлаштириш имконини беради.

Рақобатнинг инновацион вазифаси фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини англатади.

Рақобатнинг мослаштириш вазифаси корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига рационал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жихатдан яшаб қолишидан ҳўжалик фаолияти соҳаларининг экспансияси (кенгайиши)га ўтишини билдиради.

Рақобатнинг тақсимлаш вазифаси ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажми (ялпи ички маҳсулот)нинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказиши.

Ниҳоят, рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Рақобат ўз миқёсига кўра, рақобат икки турга – тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади. Тармоқ ичидаги рақобат товар ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Тармоқ ичидаги рақобат натижасида техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жихатдан ночор корхоналар эса ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқ корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат капиталнинг фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга оқиб ўтишига сабаб бўлади. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда меъёрларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради».

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар: соф рақобат, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиядир.

Соф рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Айни пайтда, ушбу маҳсулот харидор ва истеъмолчиларининг сони ҳам жуда кўп бўлади. Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан назорат ўрната олмайди ёки назорат сезиларсиз даражада бўлади.

Соф монополияда тармоқ битта фирмдан иборат бўлганлиги сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яқкаҳукмронлик шаклланади. Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар. Бироқ, айни пайтда, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа маҳсулотлардан қайси бир жихати (сифат даражаси, шакли, қадоқланиши, сотиш шароитлари ва ҳ.к.) бўйича фарқлаш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда фирром ва ҳалол рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади. Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни, жисмоний куч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур етказиш ва ҳ.к.) усулларидан фойдаланиш фирром рақобат деб юритилади. Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган иқтисодий усуллари кўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамят манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат. Нарх воситасида рақобатлашув курашнинг асосий усули бўлиб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нархсиз рақобатда курашнинг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

#### **6.2. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсати чора-тадбирлари**

Давлат бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлган рақобат механизмининг тўлиқ ишлаши учун ҳамда аҳолини маълум даражада ижтимоий ҳимоялаш мақсадида иқтисодий монополизмга қарши чора-тадбирларни амалга оширади. Маълумки, собиқ социалистик мамлакатларда, шу жумладан, собиқ совет иттифоқида давлат мулкнинг яққаҳоқимлиги, режали хўжалик юритиш тизимининг амал қилиши оқибатида иқтисодий рақобат учун шароит бўлмади. Тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги ҳам мавжуд эмасди. Шу боисдан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш учун рақобатчиликни тиклаш лозим бўлади. Бунинг учун давлат мулкни унинг ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки янгидан ташкил топадиган акционерлик жамиятлари, концерн, уюшмалар, хусусий фирмалар яна иқтисодий яққаҳоқим бўлиб қолишлари мумкин. Шу боисдан ривожланган мамлакатларда тўпланган яққаҳоқимликка қарши кураш тажрибалари асосида антимонопол сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки монополизмга қарши қонун 1890 йилда (трестларга қарши Шерман қонуни) АҚШда қабул қилинган. Ҳозирги даврда ана шунга ўхшаш қонунлар деярли барча ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунчилик асосан уч йўналишга эга.

Биринчидан, ҳар қандай йирик фирма, корпорация маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 40-50 фоиздан ортиғини ўз қўлида тўпласлиги зарур.

Иккинчидан, барча йирик корхоналар жисмоний ва юридик шахслар учун ўзининг ва бошқа ҳиссдорлик жамиятлари акцияларининг тўпланадиган улушлари миқдори чеклаб қўйилади.

Учинчидан, бозор баҳоларини талаб ва таклиф нисбатини инобатга олмай, ўзаро келишиб белгилаш ва ушлаб туришга қаратилган келишувлар, бозорларни ўзаро тақсимлаб олишлар ман қилинади.

Монополияга қарши қонунчиликни татбиқ этиш учун махсус маъмурий муассасалар, қўмиталар тузилади. Улар корхоналарнинг тузилишига, қимматбаҳо қоғозларнинг тақсимланишига аралашдилар ва барча учун мажбурий қарор ишлаб чиқаради. Бунда Япония тажрибаси қўл-келиши мумкин. Японияда Иккинчи жаҳон урушидан кейин яққаҳоқим монополияларни ман қилувчи қонунга амал қилишни назорат қилувчи одилона келишувлар юзасидан ташкил топган қўмита кенг ваколатларга эга бўлиб, мазкур қўмита мустақил равишда иш юритади. Агар амалдаги қонунчиликнинг бузилишини қўмита аниқласа ва бу ҳолат суд томонидан тасдиқланса, уни бузган фирмага жуда катта жарима солинади. Қўмита ўзаро рақобат қилувчи корпорацияларнинг бир-бирлари билан картель шартномалари тузишларини ман қилади. Агарда ана шундай шартномалар иқтисодий зарурат сифатида тузилса, қисқа муддатли бўлиши назорат қилинади.

Монополияга қарши давлат органларининг монополистик фаолиятни чеклаш ва тартибга солишга қаратилган фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- монополиядан чиқариш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни назорат қилиш;

- бозорда маълум товар бўйича 35фоиз дан ортиқ улушга эга бўлган ва реестрга киритилган хўжалик субъектларининг бозордаги хатти-ҳаракатини назорат қилиш;

- товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик субъектларининг монополистик фаолиятининг олдини олиш ва унга барҳам бериш;

- товар бозорларига кириш тўсиқларини, шунингдек, халқаро савдо ва инвестициялар учун тарифли ва тарифсиз тўсиқларни камайтириш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш;

- хўжалик субъектларини бўлиб юбориш, ёки ушбу товар бозорига киришни истаган янги хўжалик субъектларини қўллаш-қувватлаш йўли билан монополистик товар бозорида хўжалик субъектлари сонини кўпайтириш;

- хўжалик субъектларининг қўшилишига ва юридик шахсларнинг уюшмалар ташкил этишларини ман қилиш;

- фирром, ноҳалол рақобатнинг олдини олиш;

- товар бозорларида устун мавкега эга бўлган хўжалик субъектларининг бозор салоҳиятини(потенциалини) чеклаш.

Буюк Британия ва Францияда корхоналарнинг қўшилиши натижасида ташкил топган янги корхонанинг бозор улуши 25фоиздан, активлар ҳажми ҳам маълум миқдордан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Германияда бундан ташқари йиллик сотиш ҳажмининг қуйи чегараси ҳам белгилаб қўйилади АҚШ, Япония, Канада, Австралияда қўшилиш тўғрисидаги шартномалар давлатнинг тегишли органлари рухсатсиз тузилган тақдирда ноқонуний ҳисобланади. Буюк Британия, Франция ва Германияда активлари қиймати ва сотиш ҳажми бўйича йирик фирмаларнинг қўшилишигина назорат қилинади.

Картеллар АҚШ, Франция, Германия, Испания, Португалия, Австралия, Канадада тўлиқ ман қилинган. Бу ҳақдаги келув қонунни бузилиши ҳолати деб ҳисобланади. Келишув тўғрисидаги маълумот тасдиқланса, монопол фойда миқдоридан 3 баробар кўп миқдорда штрафга тортилади. АҚШда яширин картелда иштирок этиш жавобгарликка тортиладиган жиноят ҳисобланади. Таъминот ва сотиш фаолияти бўйича фирмаларнинг бирлашиши таннархни пасайтиришга имкон берса ҳам ноқонуний фаолият деб баҳоланади.

### **6.3. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда монополистик фаолиятни тартибга солиш мақсадлари ва йўналишлари**

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш мақсадида 1992 йилнинг август ойида “Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонун кучга киритилди. Мазкур Қонун асосида иқтисодиётда рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди.

1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги, 1996 йил 26 апрелда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонун меъёр ва талабларини амалга ошириш, монополияларга қарши курашиш ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилишга йўналтирилган функционал идора сифатида 1992 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Бош бошқармаси ташкил этилди ва у 1996 йил 15 майда Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги 2676-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 300-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, монополия компаниялари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, банкрот ва монополистик компанияларни қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги 3602-сонли Фармони ва 2005 йил 2 майдаги 66-сонли Қарорига мувофиқ мазкур қўмита Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4191-сонли Фармони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитанинг асосий вазифалари қаторидан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сонли Фармонига асосан қайта ташкил этилган қўмитанинг фаолият вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2897-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тузилмасида ҳудудий филиаллар билан биргаликда Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида антимонопол сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар, мустахкам ҳуқуқий базани шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ функцияларини амалга ошириш;

- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи рақобат қонунлари, умумий қабул қилинган нормалар ва қоидаларни самарали амалга оширишни таъминловчи монополияга қарши тартибга солишнинг кучли тизимини барпо этиш;

- рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор қайта ўзгартиришлари чуқурлашишига кўмаклашиш;

- инсофсиз рақобатчилар томонидан товар ва молия бозорлари, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорини монополаштириш юзасидан ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш, уларни чеклаш ва уларга барҳам бериш;

- монополияга қарши давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш, монополиядан чиқариш бўйича республика, тармоқ ва минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

- монополияга қарши қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек, ўз ваколати доирасида табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

- реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

- истеъмол товарлари нархлари ва хизматларга тарифлар мониторингини ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетиши, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

- монопол хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишга, рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва реклама фаолиятига йўналтирилган норматив-методологик базани такомиллаштириш ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товарлар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат муҳитини сақлаш, ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Бу Қонунга биноан монополистик фаолиятга хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги деб таъриф берилди<sup>1</sup>.

2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунда монополистик фаолият учун асос бўладиган “Устун мавқе товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 1996.

юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатидир.

Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарнинг улуши:1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса;2) ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлиб, бунда қуйидаги шартлар:хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши;товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши;ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”<sup>1</sup>.

Устун мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситган ёхуд камситиши мумкин бўлган ҳаракатлари тақиқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз юқори мавқеини суиистеъмол қиладиган хатти-ҳаракатларига қуйидагилар киради:

- бозорларда тақчилликни келтириш ёки уни сақлаш ва нархларни ошириш мақсадида товарларни муомаладан олиб қўйиш;

- монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш. Монопол қиммат нарх товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлалигича фойдаланмаслик туфайли қилган асоссиз ҳаражатларини қоплаш ёки товар сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олиш мақсадида товарга белгилаган нарх ҳисобланади.

Монопол арзон нарх эса ушбу хўжалик субъектининг сотиб олаётган товарига қўшимча фойда олиш ёки қилинган асоссиз ҳаражатларни сотувчи ҳисобига қоплаш мақсадида белгиладиган нархидир. Шунингдек, рақобатчини бозордан сиқиб чиқариш учун монополистик мавқедаги хўжалик субъекти белгилаган зарар кўрадиган даражадаги нарх ҳисобланади. Бундай нархларнинг белгиланиши оқибатида рақобат чекланади.

Инсофсиз рақобат, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган улар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” қонуни, 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сонли.6-модда.

ўртасида мусобакалашувни истисно этадиган, истеъмолчиларни чалғитиш усуллари қўлланувчи рақобатдир.

Ўзбекистонда монополияга қарши давлат органи монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатни чеклаш ҳамда тўхтатиб қўйиш соҳасида давлат сиёсатини олиб боради.

Монополияга қарши давлат органи хўжалик субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш устидан давлат назоратини амалга оширади. Агар хўжалик субъектларининг қўшилиши, бирлаштирилиши, холдинг компанияларига айлантирилиши оқибатида монополия вужудга келадиган бўлса, у ҳолда уларнинг илтимосномалари рад этилади.

Ушбу орган акциялар, улушлар ва бошқа мулквий ҳуқуқларни олиш вақтида монополияга қарши курашга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади. Зарурий ва мумкин бўлган ҳолларда монополистик корхоналар мажбурий тарзда бўлиб ҳам юборилади. Монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилганда ушбу орган уни бузган хўжалик субъектларига қонунда белгиланган жарималарни солади ёки уларнинг ишини судга оширади.

Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни чеклашга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида бугун аввал монополлашган текстил, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фармацевтика, мебель ва озик-овқат саноати каби соҳаларда соғлом рақобат муҳити шаклланиб, йирик монополиялар тугатилди. Монополлашган бозорни таҳлил қилиш тубдан қайта кўриб чиқилди, асосий эътибор тармокни ўрганишдан товар бозорлардаги талаб ва таклифга, бозор мувозанатига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга қаратилмоқда. Ушбу асосда Қўмита томонидан ҳар йили 100 га яқин товар ва молия бозорлари сегментлари ўрганилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ўрнига, “картел” деб номланувчи турли шаклдаги, айниқса нарх соҳасидаги келишувлар ва келишиб қилинган ҳаракатларни аниқлаш бўйича таҳлиллар амалга оширилмоқда.

Монополистик-корхоналар давлат реестрига киритилган корхоналар ва табиий монополия субъектлари давлат реестрига киритилган корхоналар умумий сонининг фаолият юритаётган хўжалик субъектлар умумий сонига (фермер ва дехкон хўжаликларисиз) нисбати билан ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг монополлашув даражаси 2012-2013 йилларда 0,32 ни, 2014 йилда 0,31 ни, 2015 йилда эса 0,27 ни ташкил этди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олишда ва корпоратив харидларда тадбиркорлик субъектлари қатнашиши учун тадбиркорлик субъектларига кенг шароитлар яратиш бўйича ҳам чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ПҚ-1948 –сонли қарорига мувофиқ табиий монополия субъектлари ва давлат корхоналари эҳтиёжлари учун товарларни сотиб олишга хусусий тадбиркорлар кенг жалб қилиш ва рақобатни ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, электрон савдолар орқали корпоратив харидларни амалга оширишнинг янги тартиби жорий этилди. Ҳозирги кунда харидларнинг деярли 98 фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунига (янги таҳрири) асосан табиий монополия субъектлари билан истеъмолчи ва давлат манфаатларининг мутаносиблиги таъминланади. Ушбу қонунга кўра табиий монополия товар бозорининг технологик хусусиятлари туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолати ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда табиий монополия субъектларининг фаолияти қуйидаги соҳаларда давлат томонидан тартибга солинади:

- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш;
- темир йўллари инфратузилмасидан фойдаланиш;
- умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари;
- сув қувурлари ва канализация хизматлари;
- аэроновиациялар, портлар ва аэропортлар хизмати;
- транспорт терминаллари хизматлари.

Қонунда табиий монополия субъектлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у ваколат берган орган, яъни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Табиий монополиялар тўғрисида. –Т.:Адолат, 2000, 33-бет.



Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиди.

Монополияга қарши орган қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган табиий монополия субъектларига жарима солиди ёки қонун бузилиши ҳолатларини тўхтатиш ва бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юборади, шу билан бирга, судга даъво аризаси билан мурожаат этади.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бажарилиши мажбурий бўлган, улар томонидан ушбу қонунга зид тарзда қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш киритиш тўғрисида кўрсатмалар юборади. Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат муҳитини яратишдан қўзланган мақсадларидан бири истеъмолчиларнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ истеъмолчи фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи ёки иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

#### **6.4. Рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни кучайтириш**

Монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш вазифалари билан бир қаторда, рақобатни ҳимоя қилиш вазифаси ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан 2012 йил 6 январда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида қуйидагиларга эришилиши кўзда тутилган эди:

- рақобатни ҳимоя қилиш товар ва молиявий бозорларни ҳам камраб олади;

- иқтисодий, капитал концентрацияси (акцияларни сотиш-сотиб олиш, қўшилиш, бирлаштириш ва ҳ.к.) бўйича битимларни назорат қилиш кучаяди. Бозор, капитал концентрацияси бўйича битимларга монополияга қарши органлардан рухсат олиш процедуралари, тартиб-қоидалари бу соҳадаги халқаро меъёрларга мувофиқлаштирилади;

- монополист-корхоналарнинг товар ва хизматларига нархни шакллантиришда нархларни тартибга солишнинг бозор механизмининг ҳимоя қилиш кучаяди. Бу борада янги усул ва дастаклар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва амал қилиши эркин рақобатни ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади:

- монополист-корхоналар ва айрим давлат бошқарув органларининг рақобатга қарши фаолиятининг олдини олиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, рақобатлашиш маданиятини ошириш;

- рақобатни жадаллаштириш, монополияга қарши органлар ваколатлари, вазифалари ва фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш;

- монополияга қарши курашувчи органлар учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, рақобатни ҳимоя қилиш бўйича ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.

Мазкур қонунга мувофиқ товар ёки молия бозорида рақобатни ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагилар таъқиқланади:

- сунъий равишда нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловларни белгилаш ёки сақлаб туриш, эркин бозор нархларининг қарор топишига тўсқинлик қилиш;

- ишлаб чиқариш устидан, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олиш;

- шартнома предметида тааллуқли бўлмаган рақобатни чекловчи ва камситувчи шартларни, асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш;

- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлаштириш тақиқланади;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқ товарларни товар белгиси, фирма номи ва сотувчининг интеллектуал мулк объектларига бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари орқали реализация қилишни сотиб олувчи томонидан ташкил этиш тўғрисидаги битимларга нисбатан татбиқ этилмайди<sup>1</sup>.

Инсофсиз рақобат, шу жумладан, бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан ишлаб чиқарилаётган товарни унинг ташқи безатилишини, номини, тамғаланишини, товар белгисини, реклама материалларидан, товарнинг фирма ўрови ва шаклини нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш, хўжалик субъектининг фаолиятига оид ахборотни, шу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси.

жумладан тижорат сирини ошкор этиш, товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсиқ қўйиш тақиқланади<sup>1</sup>.

Рақобатни ҳимоя қилишда хўжалик субъектларига берилаётган турли имтиёз ва преференцияларни оқилонлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Бозор иқтисодиётининг талаби шундайки, ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши керак. Яқкаҳокимликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга импорт қилиш фақат айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб, улар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолганини адолатдан деб бўлмайди. Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз. Энди биз бундай амалиётдан воз кечамиз. Бу масалада ҳаммага тенг шароит яратилади. Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилади. Имтиёзни рўқач қилиб, энг муҳим фаолият турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди<sup>2</sup>, – деб таъкидланган.

#### **Асосий тушунча ва атамалар**

Рақобат, рақобат муҳити, рақобат турлари, рақобат усуллари, монополия, иқтисодий монополия, табиий монополия, антимонопол сиёсат, антимонопол сиёсат усуллари, рақобатни ҳимоя қилиш, рақобатни ривожлантириш.

#### **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Рақобат нима? Қандай рақобат турларини ва усулларини биласиз?
2. Рақобат бозор иқтисодиёти шароитида қандай вазифаларни бажаради ва қандай аҳамиятга эга?
3. Нима учун давлат рақобатни ривожлантиришга интилиши ва уни ҳимоя қилиши керак?
4. Монополия нима ва унинг қандай шакллари мавжуд?
5. Монополия ва монополистик фаолият бозор иқтисодиётида қандай рол ўйнайди?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 23 январь


6. Монополиялар фаолиятини нима учун тартибга солиш керак?
7. Давлатнинг антимонопол сиёсатининг мақсадлари қандай?
8. Давлат монополияга ва монополистик фаолиятни қандай усуллар ёрдамида тартибга солиди?
9. Табиий монополиялар қандай тартибга солинади?
10. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунинг мазмуни ва асосий талаблари бўйича қандай тасаввурга эгасиз?

## 7-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА НАРХНИНГ РЕГУЛЯТОРЛИК ВАЗИФАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ НАРХ ҲАМДА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТЛАРИ

### 7.1. Нархнинг мазмуни ва унинг иқтисодийнинг регулятори сифатидаги вазифалари

Нарх – реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлигининг пулдаги ифодасидир. Нархда алоҳида олинган ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуал сарфлари эмас ёки алоҳида олинган индивидуал шахсларнинг психологик жихатдан нафлиликка берган баҳоси ҳам эмас, балки жамият томонидан тан олинган ижтимоий сарфлар ва жамият учун зарур бўлган миқдорда ва сифатда яратилган ва тан олинган ижтимоий нафлилик (истеъмол қиймат) ўз ифодасини топади. Товарлар ва хизматлар учун қилинган ижтимоий сарфларнинг асосли равишда ўсиши ёки товар ва хизматдаги сифат кўрсаткичларининг ўсиши ушбу товар нархининг ошишига олиб келади.

Нархнинг даражасига таъсир этувчи омиллардан асосийлари бўлиб қиймат ёки ишлаб чиқариш сарфлари; товарнинг нафлилик даражаси; мазкур товарга талаб ва таклиф нисбати; рақобат ҳолати; давлатнинг иқтисодий сиёсати ва ҳ.к. ҳисобланади. Бу омиллар ичида товар қиймати ва нафлилиги унинг нархини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади (7.1.1-расм).



7.1.1-Расм. Нархга таъсир қилувчи омиллар.

Нарх қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1. Мувоzanатликни таъминлаш вазифаси. Бунда нарх бозорда талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувоzanат ҳолатига келтиради. Бозор нархи – бу мувоzanатлашган нарх бўлиб, у биринчидан, товарларнинг сотилиши таъминлайди, иккинчидан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайди.

2. Қиймат ва нафлиликни ўлчаш вазифаси. Нарх қиймат ва нафлиликнинг пулдаги ифодасидир, чунки қилинган сарф-харажатлар ва олинган натижалар (фойда ёки зарар) нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3. Тартибга солиш вазифаси. Бозор ҳолати (конъюнктураси) талаб ва таклиф ҳамда уларнинг нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, аскинча ҳолатда эса товар ортиқчалигини, уни ишлаб чиқаришни қисқартириш зарурлигини билдиради. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда миқдори ортади, нарх тушса, фойда камаёди ва хатто ишлаб чиқарувчилар зарар кўриши ҳам мумкин. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир кўрсатади. Нарх ошса, ишлаб чиқариш кенгайди. Нарх ишлаб чиқаришни тартибга солиб, уни ўзгартириб туради ва ривожини таъминлайди.

4. Рақобат воситаси вазифаси. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин.

5. Ижтимоий ҳимоя вазифаси. Нарх аҳолининг кам даромад олувчи айрим қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Бунда улар давлат бюджети ва турли хайрия маблағлари ҳисобига молиявий таъминланади.

Иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари нарх тизимини ташкил қилади. Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчилар томонидан катта миқдордаги товарлар бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх. Шартнома нарх – сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада қайд қилинган нарх. Чакана нарх – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нарх. Давлатнинг нархларни тартибга солиш фаолияти чегараланган (лимитланган) ва дотацияланган нархларни вужудга келтиради. Чегараланган нарх – давлат томонидан юқори ва қуйи чегаралари белгиланиб, шу доирада ўзгариши мумкин бўлган нарх. Бундай нарх ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нарх даражасини назорат қилади. Дотацияланган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх. Бундай нархдан кам даромадли оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногиронларни ҳаётий зарур неъматлар билан энг кам даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини бозордан сиқиб чиқариш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган махсус нарх. У «бозорга кириб олиш нархи» деб ҳам аталади. Демпинг нархда расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Нуфузли нарх – сотиш ҳажминини ўзгартирмасдан, юқори фойда олишга эришиш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган нарх. Бу нархни қўллаш учун бозорда рақобат чекланган бўлиб, монопол вазият мавжуд

бўлиши зарур. Аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган нуфузли товарлар ҳам мавжудки, улар нуфузли нархларда сотилади. Эркин бозор нархи – бу талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган бозор нархидир.

Бозор кўлами ҳисобга олинганда ҳудудий (минтақавий), миллий ва халқаро нархлар мавжуд бўлади. Ҳудудий нарх фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлиб, у шу ҳудуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Миллий бозор нархибир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархдир. Жаҳон бозори нархи муайян товарни ишлаб чиқаришга сарфланган байналминал харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади.

Нархнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлса-да, улар бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади.

### **7.2. Давлат нарх сиёсатининг мақсади ва асосий усуллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида нархни давлат томонидан тартибга солиш марказлашган-режали иқтисодиётдагидан фаркли ўлароқ кенг қамровли ҳарактер касб этмайди. Шу ўринда бозор иқтисодиёти мамлакатларида нарх шаклланиши стихияли юз беради деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бу мамлакатларда нарх ҳар доим давлатнинг эътиборида бўлиб, давлат томонидан тартибга солиб турилади. Хусусан, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ нархлар давлатнинг диққат марказида бўлади. Давлатнинг нарх орқали тартибга солиши – бу давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

Нархни давлат томонидан тартибга солишдан мақсад:

- 1) такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий мутаносиблигига эришиш;
- 2) инфляция суръатини пасайтириш;
- 3) нарх ўсиши ва иш ҳақлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;
- 4) давлат корхоналарини субсидиялаш;
- 5) давлат бюджетига зарур ресурсларни жалб этиш.

Давлат нарх шаклланишига бевосита ва билвосита таъсир этади. Нархни тартибга солишнинг тўғри ва эгри усуллари фарқланади. Уларнинг бўлиниши куйидагича: нархни тўғридан-тўғри тартибга солиш усулига куйидагилар тааллуқли:

- 1) нархни маъмурий ўрнатилиш;
- 2) нархнинг музлатилиши;
- 3) нархни юқори даражасини ўрнатиш;
- 4) самарадорлик даражасини регламентлаш;
- 5) давлат харажатларини тартибга солиш;

б) амортизация меъёрини ўрнатиш ва б.

Давлат спиртли маҳсулотларга монопол «акциз» нархларини ва транспорт тарифларига, хизматларга, алоқага бошқа қатор товарларга нархларни, божхона тарифларини белгилайди.

Давлатнинг нархга таъсир этиш шаклларида бири – бу давлатнинг ишлаб чиқариш харажатларига ва у орқали орқали нархга таъсир этишидир. Бунга тезлаштирилган амортизация харажатлари усулини мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат нарх шаклланишига, ишлаб чиқарувчига ёки харидорга давлат томонидан махсус кўшимча тўлаб бериш йўли билан нархларни пасайтириши назарда тутилувчи нарх субсидияси орқали ҳам таъсир кўрсатади.

Нархни тартибга солишда давлатнинг қатъий ўрнатган нархлари, давлат томонидан буюртма қилинган ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига нархлар муҳим ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни нарх, дотация ва субсидия орқали тартибга солишда давлатнинг роли жуда юқоридир. Давлат нарх даражаси ва нарх барқарорлиги мутаносиблигини кўллаб-қувватлайди. Барча ривожланган мамлакатларда бозор тебранишини юмшатиш мақсадида давлат томонидан анчагина ресурслар аграр соҳага йўналтирилади. Нархлар, кўшимча тўловлар орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришларини амалга оширишлари даражасида давлат фермерлик нархларини кўллаб қувватлайди. Шу йўл билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажми тартибга солинади.

Барча ғарб мамлакатларида нархларни давлат томонидан тартибга солиш тизими жуда ҳам бир-бирига яқин. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг алоҳида турларига нархларни тебранишининг юқори ва куйи чегараларини ўрнатиш ҳисобланади.

Европа ҳамкорлик мамлакатларида умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати юритилади. Бу сиёсатнинг дастаги бўлиб, ички ва импорт нархлари ўртасидаги фарқларни қопловчи божхона божлари ва компенсацион тўловлар шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларга маҳсулотларини Европадан жаҳон бозорларига нисбатан паст нархларда олиб чиқиш имкониятини берувчи компенсацион тўловлар ҳисобланади. Бундай тизим нафақат Европа қишлоқ хўжалиги салоҳиятини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалигида илмий-техника инқилобинини амалга ошириш, балки, Ғарбий Европани йирик маҳсулот экспортчисига айланттириш имконини беради. Европа ҳамкорлик мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ва қора металлургия соҳасида(нархларни 15фоиз гача қамраб олади) нархларни миллий тартибга солиш хусусиятлари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари

бўйича қарорни Европа ҳамкорлигининг вазирлар Кенгаши қабул қилади, бироқ қора металлургия маҳсулотлари нархлари эса базис нархлари орқали ўрнатилади.

АҚШ да 10–15 фоиз нархлар давлат томонидан тартибга солинади. Давлат томонидан нархларни тартибга солиш ишлаб чиқариш харажатларини субсидиялаш воситасида ҳамда ишлаб чиқарувчиларга сотиш нархларини кафолатлаш ёрдамида ҳам амалга оширилади. АҚШ да бозор нархи кафолатланган қуйи чегарадан тушиб кетган тақдирда давлат бюджетидан ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ажратилади. Махсус ҳукумат ташкилоти кафолатланган нарх бўйича фермерлардан кафилликка қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилади. Агар кафилликка олинган муддат давомида (одатда бир йил) бозордаги нарх кафолатланган нархдан қўтарилса, у ҳолда фермер ўз маҳсулотини қайтиб сотиб олиб, уни бозорда сотиши мумкин бўлади. Агар бозор нархи кафолатланган нархдан пастлигича қолса, товар фермерлар томонидан қайтиб сотиб олинмайди ва корпорация мулкига ўтади. АҚШ да 10–15 йил мобайнида мамлакат ичида шакарнинг чакана нархи жуда қатъий тарзда кузатиб борилди. Бир килограмм шакар 1 доллардан ошиши мумкин эмас. Нархни макроиктисодий барқарор бўлиши учун субсидия киритилди.

Японияда нархларни тартибга солиш учун ҳукуматнинг махсус нарх бюроси мавжуд. Бюро вазирликларни минимал нархлар бўйича берган тақлифларига ҳулоса беради. Францияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, газ, электр энергияси, транспорт хизматлари нархлари тўғридан-тўғри тартибга солинади. Швецияда нархларни назорат қилиш бўйича федерал муассаса мавжуд. Нархлар асосан давлат томонидан молиялаштириладиган тармоқларда, хусусан қишлоқ хўжалиги, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида тартибга солинади.

Россия Федерациясида нархни тартибга солишда қатъий нархларни (тарифлар) киритиш, юқори самарадорлик даражасини, нархни ўзгариш коэффициентини, савдо, савдо-таъминот ва сотув нархларининг юқори даражасини ўрнатиш ва декларация нархларини ўрнатиш усуллари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат буюртмаси асосида пахта хом ашёсига ва буғдойга нархнинг юқори чегараси ўрнатилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

Нархни тартибга солиш тизими қишлоқ хўжалигида барқарорликка эришишга қаратилган. Бу соҳадаги нарх кичик фарқ билан тебранади. Ғарб мамлакатларида давлат қишлоқ хўжалигига анчагина маблағ сарфлайди. Таъкидлаш жойизки, қишлоқ хўжалигидан бюджетга тушадиган маблағ, шу

соҳага қилинадиган харажатдан бир неча бор камни ташкил этади. ЕИРХТ нинг 25 та мамлакатларида, кўпроқ ривожланган Ғарб мамлакатларида қишлоқ хўжалигига бюджетдан ажратилган маблағлар шу тармоқдан бюджетга тушадиган маблағдан 9 маротаба кўпни, агар нарх субсидиясини ҳам қўшадиган бўлсак 18 баробар кўпни ташкил этади.

### **7.3. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати иктисодиётни тартибга солиш шаклларида бири сифатида**

Товар ва хизматларни сифатига боғлиқ бўлмаган ҳолда нархнинг ошиши бевосита инфляцияни юзага келтиради. Инфляция пул бирлигини кадрсизлантиради ва харид қобилиятини пасайтиради. Ишлаб чиқаришдаги номутаносиблик, аввало, пул массасининг товар ва хизматлар массасига мутаносиб эмаслиги инфляцияни келтириб чиқарувчи сабаб ҳисобланади ва у товар ва хизматлар билан таъминланмаган пулни чиқарилиши билан боғлиқдир.

Инфляция даражаси жорий давр нархларида баҳоланган товар ва хизматлар йиғиндисини ўтган давр нархларидаги баҳосига нисбатан фоизларда аниқланади.

Инфляция жамиятни барқарор ривожланишини издан чиқаради, кўзда тутилмаган тақсимлаш жараёнларини, капитални қайта тақсимлашни, банкдаги жамғармаларининг кадрсизланиши ва бошқа муаммоларни келтириб чиқаради.

Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати ва унинг зарурлиги инфляция иктисодий ўсишни пасайтириши ва баъзи ҳолларда ишлаб чиқаришни инкироз сабабларидан бири бўлиши билан асосланади.

Инфляцияга қарши сиёсат – у ёки бу мамлакатда инфляцияни келтириб чиқарувчи аниқ сабаблар, унинг даражасига боғлиқ ҳолда юритилади. Инфляцияга қарши курашишнинг турли усуллари мавжуд, хусусан:

- 1) номонетар усуллар – иктисодий фаолликни ўсишини, иктисодий самарадорликни ўсишини солиқлар орқали рағбатлантириш;
- 2) монетар усуллар.

Ҳозирги даврда Ғарб мамлакатларида инфляция нисбатан юқори даражада эмас, йилига 3,5 фоиз – 4 фоиз оралиғини ташкил этади.

Инфляцияга қарши стратегиялар ишлаб чиқилади. Унинг асосий компонентлари қуйидагилардан иборат:

- 1) инфляцион кутишни сўндириш;
- 2) таргетирлаш сиёсатини амалга ошириш;
- 3) бюджет дефицити (камомади)ни босқичма-босқич камайитириш;
- 4) иктисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш;

5) иқтисодий монополиядан чиқариш, монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш.

Инфляцион кутишни сўндириш вазифасини ҳал этиш учун бозор механизмларини мустаҳкамлаш ва аҳолининг кўпчилигини ишончига сазовар бўлган ҳукуматни шакллантириш лозим бўлади. Бозор механизмларини мустаҳкамлаш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- нархларни либераллаштириш;
- рақобат муҳитини шакллантириш;
- импорт маҳсулотларни мамлакатга олиб келиш учун божхона чекловларини юмшатиш;
- миллий иқтисодийнинг ташқи дунё учун очиқлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;
- оқилona приватизация (хусусийлаштириш)ни амалга ошириш.

Валюта курсини таргетирлаш сиёсати миллий валюта курсини инфляция суръати паст бўлган мамлакат валютаси боғлашга қаратилган валюта тартибга солиш чораларини кўришни тақоза этади. Бунинг оқибатида “нарх-валюта курси – нарх” кўринишидаги инфляцион спиралнинг вужудга келишининг олди олинади ва айирбошлаш курсини нисбатан барқарорлаштирига эришилади.

Солиқ инфляциясини чеклаш учун билвосита солиқларни (масалан, акциз, қўшилган қиймат солиғини) ва бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар учун ажратмаларни камайтириш, шу билан бир вақтда даромад солиғи ва бошқа тўғри (бевосита) солиқларни камайтирилиши анча кам инфляцияга қарши эффектни таъминлайди. Фойда солиғи ставкасининг пасатирилиши инвестион фаолликнинг ўсишига, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми ва иш билан бандликнинг ҳамда солиққа тортиладиган даромадлар ҳажмининг ошишига, бюджет даромадларининг ўсиши ва бюджет камомадининг қисқаришига олиб келади.

Инфляция даражасини камайтириш учун таркибий ўзгаришларни амалга ошириб, енгил ва озик-овқат, ишлаб берувчи саноатни, хизмат кўрсатиш соҳасини, қишлоқ хўжалигини, умуман пировард маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш лозим бўлади.

Инфляцияга қарши тактик сиёсат инфляция даражасини пасайтириш мақсадида жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги фарқларни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бунда қуйидаги икки бир-бирига боғлиқ ёндашувлардан фойдаланилади:

- 1) ўзгармас жами талаб шароитида жами таклифни кенгайтириш;
- 2) жами таклифнинг доимийлиги шароитида жами талабни қисқартириш.

Ўзгармас жами талаб шароитида жами таклифни кенгайтириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- марказлашган ва марказлашмаган (хусусий тадбиркорлар, “челноклар” импорт бўйича фаолиятини рағбатлантириш) истеъмол товарлар импортини кўпайтириш;

- давлатнинг стратегик (хом ашё, озик-овқат, олтин-валюта ва бошқа) захираларининг бир қисмини савдога чиқариш;

- миллий иқтисодийнинг товарлик даражасини ошириш. Бу ички бозорда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан аҳолининг ажнатаж талабийи маълум даражада кондирадиган сифат жихатдан янги турдаги маҳсулотларнинг чиқарилишини ифодалайди.

Жами таклифнинг доимийлиги шароитида жами талабни қисқартириш мақсадида Марказий банк қисқа муддатли, тактик йўналишга эга бўлган “қиммат пуллар” сиёсатини юритади. Бунинг учун қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий захира нормасини оширади ҳамда ортиқча талабни аҳолига давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валютани аҳолига сотиш орқали боғлайди. Давлатнинг монетар сиёсатига мос равишда тижорат банклари ҳам кредитларва депозитлар учун фоиз ставкаларини оширадидлар.

Японияда урушдан кейинги инфляция даражасини пасайтириш учун икки поғонали банк тизимни шакллантириш ва марказий банк томонидан пул таклифи устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида эришилган. Марказий банк “қиммат пуллар” сиёсатини амалга ошириб, муомаладан 15 фоиз пул массасини чиқариб олган. Қайта молиялаштириш ставкасининг оширилиши депозитлар бўйича ижобий фоиз ставкасининг вужудга келишига сабаб бўлган. Бунинг натижасида аҳолида жамғаришга бўлган мойиллик таъминланиб, жорий истеъмол талабининг қисқаришига ва инвестицияларнинг ошишига ва жами таклифнинг кенгайишига эришилган.

Хитойда эса товар ортиқчаллиги шароитида кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳукумат томонидан истеъмол талабини рағбатлантириш ва жамғаришни қисқартириш чора-тадбирлари сифатида амалга оширилган.

Айрим ривожланган мамлакатларда жами талабни қисқартириш мақсадида аҳолининг номинал даромадларини, жумладан, иш ҳақи, рента, фоизли даромад ва фойда, пенсия, стипендия, болалар нафақаларининг ўсишини чеклаш ва чет эллардан мигрантларнинг мамлакатга келишини рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширадидлар.

Харажатлар инфляцияси даражасини пасайтириш учун нархлар ва иш ҳақи ўсиши устидан назорат ўрнатилади ҳамда улар маълум муддатга

музлатиб кўйилади. Иш ҳақи ўсиши суръатининг меҳнат унумдорлиги ўсиши суръатидан паст даражада бўлиши таъминланади.

Нарх ва даромадлар сиёсатининг муҳим дастаги нарх бўйича келишув ҳисобланади. Бунда ҳукумат, касаба уюшмалари ва тадбиркорлар уюшмаси ўртасида Бош келишув имзоланади. Касаба уюшмаси иш ҳақини шароитга қараб оширишни талаб қилмаслик, унинг ўсиши суръатини меҳнат унумдорлиги ўсиши суръатига узвий боғлашга рози бўлади. Тадбиркорлар уюшмаси эса нархларни оширмаслик мажбуриятини оладилар. Ҳукумат эса солиқ юқини оширмаслик ва мазкур келишув шартларининг бажарилишини назорат қилиш ваколатини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлаштириш дастури доирасида куйидагилар амалга оширилди:

- миллий валюта жорий қилиниб, мустақил пул муомаласи йўлга кўйилди;
- пул муомаласида илгари юзага келган гиперинфляцион жараёнлар сўндирилиб, инфляция даражаси назорат қилиш мумкин бўлган даражага туширилди;
- товарлар ва хизматлар бозорига тўловга қобил жами талаб билан жами таклифни муайян даражада бараварлаштиришга эришилди;
- қатъий молиявий сиёсатни ўтказиш асосида давлат бюджетидagi камомад йўл қўйилган энг кам даража (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4 фоизи атрофида) доирасида ушлаб турилди;
- ёнилғи-энергетика ресурслари ҳамда ғалла импортини кескин камайтириш, шунингдек, энергетика ресурслари ва рангли металлларни экспорт қилишни ошириш ҳисобига ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Ўзбекистонда бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ўртача йиллик инфляция 1996 йилда 64,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 28,2 фоизга, 2002 йилда 21,6 фоиз, 2003 йилда эса 3,8 фоизга, 2004 йилда 3,7 фоизга пасайди, 2005 йилда 7,8 фоизни, 2007 йилда 6,8 фоизни, 2008 йилда 7,8 фоизни, 2009 йилда 7,4 фоизни, 2010 йилда 7,3 фоизни, 2011 йилда 7,6 фоизни, 2012 йилда 7,0 фоизни, 2013 йилда 6,8 фоизни, 2016 йилда 5,7 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. Аммо 2017 йилда инфляция даражаси 2016 йилга нисбатан 14,4 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Абулқосимов Х.П. Иктисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.- Т.:Akademiya,2012.-381-382-бетлар.

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т., Госком стат, 2018.- С.14.

Бундай иқтисодий ўсишга ва инфляция ўсишини барқарорлаштиришга эришишда, авваламбор, кенг қўламли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани принципиал аҳамиятга эга бўлмоқда<sup>1</sup>.

Миллий валютани мустахкамлаш – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Миллий валюта иқтисодий барқарорликнинг, корхона ва тармоқларни молиявий ҳолатини мустахкамлашнинг қудратли омили, республика истеъмол бозорини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг омили бўлди.

#### **Асосий тушунча ва атамалар**

Нарх, нархнинг функциялари, давлат буюртмаси нархлари, қиймат, келишилган нарх, юқори нарх, давлат субсидияси, монопол нархлар.

#### **Мустахкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Қиймат ва нарх назарияларини моҳиятини тушунтиринг?
2. Маржиналистларнинг қиймат ва нарх назариясини ва унинг қийматнинг меҳнат назариясидан фарқини тавсифлаб беринг?
3. Замонавий нарх ва қиймат назария қийматнинг меҳнат назарияси ва юқори нафдлиқ назарияларининг синтези эканлигини тушунтириб беринг?
4. Нархнинг регуляторлик ролини қандай аҳамияти бор?
5. Нархни давлат томонидан тартибга солишнинг қандай асосий усуллари мавжуд?
6. Нархни тартибга солишнинг тўғри ва эгри усуллари деганда нимани тушунасан?
7. Нархлар қандай ҳолатларда маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солинади?
8. Нархларни тартибга солишнинг монетар ва номонетар усуллари нималардан иборат?
9. Аграр сектордаги нархни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва шакллари нималардан иборат?
10. Ўзбекистонда нархни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва шакллари тушунтиринг.
11. Инфляцияга қарши сиёсат нархни давлат томонидан тартибга солиш шаклларида бири эканлигини тушунтириб беринг.

<sup>1</sup>Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.- Т.:Akademiya,2012.-382-383-бетлар.

## 8-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ

### 8.1. Давлат бюджети – иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси

Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмида тартибга солишнинг бюджет-солиқ сиёсати муҳим ўринни эгаллайди. Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбаи ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Давлат бюджети икки асосий қисм – даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат. Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндиси, бюджетларни ташкил этиш ва тузиш принциплари, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Солиқлар, заёмлар ва бошқалар асосида давлат бюджети даромадлари шакллантирилиши орқали йирик молиявий ресурслар жамланади. Ушбу ресурсларнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан давлат бюджети харажатларида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети харажатлари ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида АҚШда 29 фоиздан Францияда 51 фоиз гача тебранганлигини кузатиш мумкин. Бутун ВИРХТ мамлакатлари бўйича – 36,5 фоиз, шулардан, Италияда – 46,7 фоиз, Германияда – 43 фоиз, Японияда – 38,2 фоиз, Канадада – 37,8 фоиз. Ўзбекистон Республикасида 2017йилда давлат бюджети харажатлари ЯИМ га нисбатан 21,9фоиз ни ташкил этади. Бу эса давлат бюджети иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда муҳим восита эканлигини кўрсатади.

Давлат бюджетининг бошқарувчанлик роли қайта тақсимланган миллий даромаднинг бир қисмини давлат мулки шаклига айлантириш кўринишида намоён бўлади. Бюджет орқали, унинг ресурсларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида, моддий ва номоддий соҳалар ўртасида, тармоқлар ўртасида, ҳудудий бирликлар ва аҳолини ижтимоий гуруҳлари ўртасида миллий даромадни қайта тақсимлаш амалга оширилади.

Бюджет макроиқтисодий мутаносибликка эришиш ва уни қўллаб-қувватлашда муҳим дастак бўлиб ҳисобланади. Асосан истеъмол ва жамғариш фондлари ўртасидаги зарур мутаносибликни сақлаб туришда давлат бюджетининг роли каттадир. Бюджетнинг такрор ишлаб чиқаришга

таъсири, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантириш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлашда намоён бўлади. Бюджет давлатнинг иқтисодий сиёсатини юритишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Алоҳида даврларда эса, хўжалик-ташкилий фаолиятига, давлат сиёсати ва иқтисодий сиёсатни илмийлик даражасига боғлиқ ҳолда ислохотларни амалга оширишда бюджетнинг роли каттадир.

Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги давлат фискал сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади. У давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади; республика бюджети харажатларини амалга оширади; бюджет маблағлари олувчиларнинг давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

Қуйидагилар *давлат бюджети даромадларининг асосий манбалари* ҳисобланади:

1. Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар.
2. Давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар.
3. Мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари.
4. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари.
5. Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар ва бошқалар.

Ушбу давлат бюджети даромадларининг таркибий ўзгаришлари охириги йиллар бўйича бевосита солиқларда пасайиш, билвосита солиқларда эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (8.1.1-жадвал.)



## 8.1.1-жадвал.

Давлат бюджети даромад қисми ижроси(фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2014	2018
Даромад – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тўғри солиқлар	27,4	24,8	25,0	25,8	20,6
Хуқуқий шахслар даромад солиғи	4,9	5,0	6,5	7,1	4,0
Савдо ва умумқатланиш корхоналари, микрофирма ва кичик корхоналар, тадбиркорлик фаолиятдан солиқ ва тўловлар	9,8	7,7	6,8	7,8	8,2
Жисмоний шахслар даромад солиғи	12,7	12,1	11,7	10,9	8,4
Билвосита солиқлар	47,1	50,2	50,4	51,8	53,7
ҚҚС	28,6	28,5	28,7	28,0	35,4
Акцизлар	12,8	16,6	16,3	15,0	13,4
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	15,1	16,3	15,4	15,0	15,6
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	3,3	3,1	2,8	2,6	...
Бошқа даромадлар	7,1	5,7	6,3	6,1	10,1

**Давлат бюджети харажатларининг таркиби. Давлат бюджети харажатлари қуйидаги йўналишларда сарфланади:**

1. Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари.
2. Жорий бюджет трансфертлари.
3. Капитал харажатлар:
  - асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш;
  - чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш;
  - давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш;

<sup>1</sup>Экономика Ўзбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год.- Т.:ЦЭИ,2013.-Стр.41; <https://kun.uz/news/2018/01/01/2018-jilgi-davlat-budzeti-rakamlarda-aks-etganda>

- давлат захираларини вужудга келтириш.

4. Капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари.

5. Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари.

6. Давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари.

7. Давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва бошқа харажатлар.

## 8.1.2-жадвал.

Давлат бюджети харажатлари( жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2010	2014	2015	2016	2018
Харажатлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	58,5	58,8	56,4	56,6	55,7
Турар жой биноларини қуриш дастурини биргаликда молиялаштириш учун иштирокчи банкларига кредит линияси			2,4	3,2	0,6
Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун харажатлар	0,03	0,03	0,03	0,03	0,02
Иқтисодиётга харажатлар	11,3	10,7	10,6	10,6	11,2
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлар	6,4	5,2	5,1	5,1	4,9
Давлат ҳокимияти бошқаруви ва суд органлари, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органларини таъминлаш	3,7	4,5	4,4	4,5	4,9
Бошқа харажатлар	20,1	20,8	21,1	21,7	22,7

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатларининг катта қисми ижтимоий соҳаларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳани ривожлантиришга ва кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган маблағларининг бюджетнинг умумий харажатларидаги улуши 1990 йилда

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2016 йил.-Т.:Давлат стат. Қўмитаси, 2017.-30-бет;<https://kun.uz/news/2018/01/01/2018-jilgi-davlat-budzeti-rakamlarda-aks-etganda> маълумотлари асосида тузилди.

31,1 фоиз ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 59,6 фоиз ни, 2018 йилда 55,7 фоизни ташкил этади. Таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг улуши эса 1990 йилдаги 17,5 фоиздан 2014 йилда 34,0 фоизга ошди. 2018 йилда бу кўрсаткич 31,4 фоизни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағларнинг бюджет харажатлари умумий миқдоридоги улуши эса шу даврда мос равишда 1990 йилдаги 10,0 фоиздан 2014 йилда 14 фоизга ошди. 2018 йилда бу кўрсаткич 15,4 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>.

Давлат бюджети харажатлари ҳисобига буюртмалар асосида маҳсулот харид қилиш бозори вужудга келади. Шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини таркибий қайта қуришда бюджет муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадларининг таркиби унинг зарур такрор ишлаб чиқариш мутаносиблигини таъминлаш, иқтисодий сиёсатининг муҳим вазифаларини хал этишдаги ўрни ҳақида яққол тасаввурларни имконини беради.

Давлат бюджет орқали илмни, илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда фаол иштирок этади. Бир қатор мамлакатларда илмий техник тараққиёт лойиҳа ишлари (ИТТЛИ) га умумий бюджет харажатларнинг 50 фоиз ажратилади. (АҚШ – 46,4 фоиз, Францияда – 49,3 фоиз)<sup>2</sup>

Бюджет ресурслари ИТТЛИ билан бир қатор транспорт ва информацион тузилмани яратишга, ҳамда аҳолини маълумот даражасини оширишга йўналтирилади.

## **8.2. Солиқлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш воситаси сифатида**

Солиқлар ва уларнинг ҳажми давлат бюджети харажатлари миқдорига боғлиқ бўлиб, бюджет даромад қисмининг 90 ва ундан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Солиқлар – миллий даромаднинг бир қисмини давлат мулкига айланиш хусусиятига эга. Шунинг учун солиқларнинг ундирилиши – бу миллий даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига ўтказиш жараёни ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда солиқлар ЯИМга нисбатан 30 фоиздан 50 фоизгача ташкил этади. Солиқлар иқтисодий ўсишга муҳим таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2016 йил. -Т.: Давлат стат. Кўмитаси, 2017.-30-бет; <https://kun.uz/news/2018/01/01/2018-jilgi-davlat-budzeti-rakamlarda-aks-etganda>; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Общество и экономика, 1997 г №6, стр.12

Солиқлар молиявий категория сифатида ЯИМ нинг қандай қисми давлат тасарруфига келиб тушишини характерлайди. Солиқлар қайта тақсимлаш муносабатларининг фаол қатнашчиси сифатида капитал йиғишни кучайтириш ёки камайтириш, аҳолининг тўловга қодирлигини кенгайтириш ёки камайтириш орқали такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини рағбатлантиради ёки камайтиради ва шу каби дастаклар орқали бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур<sup>1</sup>.

Давлатнинг солиқ сиёсати иқтисодиётда қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- фискал, яъни давлат бюджети даромадларини шакллантириш;
- даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;
- ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва рақобатни кучайтириш;
- назорат қилиш;
- давлат иқтисодий сиёсатини тартибга солиш.

Ўзбекистонда вужудга келтирилаётган солиқ тизими ўзининг структураси ва қурилиш принципига асосан жаҳон солиқ тизими амалиётида кенг тарқалган тизимни акс эттиради. Бюджет даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида сафарбар қилиш билан бирга солиқ тизимини ишлаб чиқариш ва истеъмолга ўз таъсирини ўтказиш, солиққа тортиш тизимининг ўзгарувчан ва ҳаракатчанлигини таъминлаш ва уни янада оқилона қилиш керак<sup>2</sup>.

Шу ўринда айнан солиқнинг фискал моҳияти ва унинг иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш воситаси сифатидаги вазифаси ўртасида бўлган мувозанатни белгилайдиган мезонни аниқлаб олиш зарур. Зеро, юқори даражадаги солиқлар иқтисодиётнинг тараққиётига тўсқинлик қилади. Солиқлар оқилона қисқартирилганда бюджетга кўпроқ пул тушиши мумкин.

Бизнинг республикамызда солиқ тизими бевосита ва билвосита солиқларни ўз ичига олади. Бевосита солиқлар аслида олинган даромад суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига бевосита таъсир қилади. Бу корхоналарнинг даромадлари ва мол-мулкига солинадиган солиқлар

<sup>1</sup> Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2003. 12-бет.

<sup>2</sup> Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2003. 15-бет.

ҳамда фуқаролардан олинадиган даромад солиғидир. Бевосита солиқлар товар (хизмат) баҳосининг элементи ҳисобланади ва унга автоматик тарзда қўйилади. Бундай солиқлар қаторига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, республика ҳудудидан четга чиқариладиган маҳсулотларга солинадиган солиқлар киради. Бу бевосита ва билвосита солиқлар йиғиндиси давлат бюджетига тушадиган тушумларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Солиқнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умумдавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш вазифалари амалга оширилади. Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади.

Давлат ўз тасарруфига ишлаб чиқарилган ЯИМ нинг анчагина қисмини солиққа тортиш йўли билан олади ва қайта тақсимлайди. Бунда солиқларнинг фискал функцияси ва тақсимлаш функциялари уйғунлашади. Солиқлар тўғрисидаги дарсликларда қайд этилишича, корхоналарнинг қўшимча қиймати ёки даромадлари аввал тақсимланади, сўнгра бюджетга берилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, аввал ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари таъминланади ва сўнгра даромадларнинг бир қисми бюджетга ўтказилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, солиқларнинг тақсимловчилик функцияси аҳолининг турли категориялари ўртасида умумий даромадларнинг қайта тақсимланишини таъминлаши нуктаи назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради, деган қарашлар ҳам мавжуд. Солиққа тортиш орқали “алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий мувозанат қўллаб-қувватлашга эришилади”<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, солиқ юкининг имконияти юкори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши ҳисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисми фойдасига маблағлар олинishi содир бўлади.

Солиқлар орқали давлат аҳоли ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини, шунингдек, даромад ва харажатларнинг манбалари устидан назорат қилади. Солиқ суммасини пул кўринишида баҳолашнинг мавжудлиги давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини даромадлар кўрсаткичлари билан миқдорий қиёслаш мумкинлиги имконини беради. Солиқларнинг назорат функциясини амалга ошириш натижасида солиқ тизимининг самарадорлиги баҳоланади, фаолият турлари ва молиявий

<sup>1</sup> Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2003, 15-бет.

<sup>2</sup> Булатов А. Экономика. -М.: Бек, 1994, стр.309.

оқимлар устидан назорат ўрнатилади. Бундан ташқари, солиққа тортишнинг назорат функцияси орқали солиқ тизими ва бюджет сиёсатига ўзгартиришлар киритишнинг зарурлиги аниқланади.

Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароит яратишда ҳам солиқларнинг рағбатлантириш функцияси муҳим роль ўйнайди.

**Дискрецион ва нодискрецион фискал сиёсат.** Давлат томонидан амалга ошириладиган фискал сиёсат одатда икки йўналишда бўлади: дискрецион фискал сиёсат ва нодискрецион фискал сиёсат. Дискрецион фискал сиёсатда ҳукуматнинг махсус қарорлари натижасида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғи миқдорининг мақсадли ўзгариши амалга оширилади. Бу қарорлар иқтисодиётдаги бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва инфляция суръатларини ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Нодискрецион фискал сиёсатда давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғининг автоматик равишда ўзгариши рўй беради. Бу ўзгаришлар «автоматик стабилизаторлар» ҳаракати таъсирида жами даромаднинг даврий тебранишлари натижасида пайдо бўлади.


«Автоматик стабилизатор» – давлат томонидан махсус чораларни қўлламадан автоматик равишда иқтисодиётдаги даврий тебранишларни сиқиллашга имконият беради. Масалан: солиқ солишнинг прогрессив шкаласи, трансфертлар тизими, ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқалар.

Юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 1996 йилдаги 37 фоиздан 2015 йилга келиб 7,5 фойзга пасайтирилди ва бу кўрсаткич 2016-2017 йилларда сақланиб қолди(қаранг: 8.2.1-расм).

<sup>1</sup>Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002, 53-бет.

**Солиқ юқини камайтириш борасида**

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга пасайтирилди.**



**8.2.1-расм.Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси ўзгариши динамикаси (фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>.**

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг юқори чегараси 1999 йилдаги 45 фоиздан 2017 йилда 22,3 фоизга камайтирилди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2016-2017 йилларда энг кам иш ҳақининг 1 бараваригача миқдорда 0 ставка, энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан (+1 сўм) 5 бараваригача миқдорда 7,5 фоиз қилиб белгиланган эди(қаранг:8.2.1-жадвал).

8.2.1-жадвал.

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи<sup>2</sup>**

Солиқ солинадиган даромад	2014й	2015й.	2016й	2017й
	Солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси
энг кам иш ҳақининг 1 бараваригача миқдорда		0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз
энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда	7,5 фоиз			
энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан (+1 сўм) 5 бараваригача миқдорда		8,5	7,5	7,5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари

<sup>2</sup> Тегишли йилларнинг декабрь ойининг учунчи декадасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорлари материаллари асосида тузилган.

энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан (+1 сўм) 10 бараваригача миқдорда	16 фоиз	17 фоиз	17 фоиз	17 фоиз
энг кам иш ҳақининг 10 баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	22фоиз	23 фоиз	23 фоиз	23 фоиз

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2015 йилдан бошлаб тўрт даражали солиқ солиш шкаласи жорий этилди.

2017 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3454 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда солиқларнинг турлари ва уларнинг ставкаларига боғлиқ бир қатор ўзгаришлар белгилаб берилган. Йирик ташкилотлар (умумий тартибда солиқ тўловчилар)дан фойда солиғи — 14 фоиз (шу вақтга қадар 7,5 фоиз эди, бироқ ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан қўшиб ҳисоблаганда — 15,5 фоизни ташкил этган). Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари шкала бўйича: 0 — 7,5 — 16,5 — 22,5 фоиз (шу вақтга қадар 0 — 7,5 — 17 — 23 фоиз бўлган). (қаранг: 8.2.2-жадвал).

8.2.2-жадвал.

**2018 йилда солиқ тизимидаги ўзгаришлар<sup>1</sup>**

Солиқ ва тўлов, ажратмалар	фоиз
фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини бирлаштириш орқали умумий базавий ставкаси	15,5 фоиздан 14,0 фоизгача камайтириш
Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратмаларни ягона тўловга — давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштириш орқали умумий ставкаси	3,5 фоиздан 3,2 фоизгача камайтириш
Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ юқи даражасини фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобрақамларига ажратмалар миқдорини	1 фоиздан 2 фоизгача ошириш
жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари шкала бўйича	0 — 7,5 — 16,5 — 22,5 фоиз
Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг аҳоли тадбиркорлик фаоллигини оширишга қаратилган ставкасини	ўртача 30 фоизга пасайтириш
Худудлар хусусиятлари ва фаолият кўрсатиш жойи ҳисобга	0,7-1,3 гача

<sup>1</sup><http://kun.uz/news/2017/12/31/2018-jildagi-solik-stavkalaridagi-asosij-uzgarishlar-rakamlar-va-takkoslar>

олинган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлар бўйича белгиланган базавий ставкаларга нисбатан	камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни қўллаш ҳуқуқини бериш
---	---

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йирик ташкилотлар умумий ҳисобда камроқ солиқ тўлашади ва маблағларини иктисод қилишлари мумкин. Жисмоний шахсларнинг 2018 йилдаги даромад солиғи йирик миқдордаги ойликларда камроқ тўланади. **Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг енгиллашган тартиби киритилган.**

Солиқ тизимини енгиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича тадбирлар натижасида солиқ юқини (жамланган бюджет даромадларининг ЯИМ даги улуши) 1996 йилдаги 45 фоиздан 2017 йилда 20,5 фоизгача камайтиришга эришилди.

Солиқ тизимини таҳлил қилишда тўрт жихатни кўрсатиб бериш муҳимдир: фискал, соф иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-техник.

Фискал жихат солиқлар тизимини бюджет даромадлари, солиққа тортиш механизминини шакллантириш нуқтаи назарини характерлайди. Иқтисодий жихатдан солиқларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини ифодалайди.

Ижтимоий-иқтисодий жихат турли аҳоли қатламларини оқилона солиққа тортиш тизимини таъминлашнинг ташкилий-техник шакллари билан боғлиқдир. Маълумки, солиқ қонунларига жорий ўзгаришлар киритилиши табиий ҳол, лекин улар ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг узок вақтга мўлжалланган мақсадини кўзлаши керак.

Тўғри ташкил этилган солиқ сиёсати иқтисодий тангликни енгиб ўтишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Бунинг учун молиявий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, у солиққа тортиладиган объектларнинг барчасини қамраб олиши ва бюджетни зарур маблағлар билан таъминлашга қаратилмоғи лозим. Иқтисодий нуқтаи назардан солиқ ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирмоғи керак. Ижтимоий нуқтаи назардан қараладиган бўлса солиқлар бўйича бериладиган имтиёзлар ҳаддан ташқари кўп бўлиб кетмаслигига эришиш лозим бўлади. Ташкилий нуқтаи назардан қараладиган эса, солиқ аппаратини кучайтириш зарурати туғилади.

Солиқ тизими экологик ҳалокатнинг олдини олишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ер-сув солиғи жорий қилиниб, аграр корхоналарни ердан унумли фойдаланишга йўналтириш лозим.

Умуман, солиқлар даромадларнинг бир қисмигагина солиниши, айти вақтда, халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулот ҳамда молларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқаришга интилаётган корхоналарни, кишиларни ҳар жихатдан рағбатлантириши ҳам лозим.

Юқоридагиларга мувофиқ, бир қатор давлатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам замонавий молиявий сиёсатнинг муҳим йўналишлардан бири солиқ юқини пасайтириш ҳисобланади.

### 8.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари тизимида солиқ имтиёзлари

Турли кўринишдаги ва шаклдаги солиқ имтиёзлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Имтиёзлардан иқтисодий жараёнларни тартибга солиш мақсадида фойдаланилади. Улар инвестицияларни, тадбиркорлик фаолиятини, чет эл капиталини жалб этишни, пул ва моддий ресурсларни тежашни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва бандликни оширишни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш мақсадида қўлланилган солиқ имтиёзлари турли шаклларда намоён бўлади. Энг кенг тарқалганлари қуйидагилар:

1) Чегирма кўринишида солиқ кредитлари бериш, яъни фойдани камайтирилган солиқлар ҳисобига ошириш. Масалан, АҚШ да 1962 йилдан буён 20 йил мобайнида турли инвестицион (солиқ) кредитлар қўлланиб келинмоқда, яъни фойдаланиш муддати 8 ва ундан ортиқ йил бўлган, ишлаб чиқаришга киритилган ускуналар қийматининг 7 фоизга тенг миқдорда фойда солиғи қисқартирилади.

Японияда ҳам худди шундай янги техника ва технологияларга қилинган инвестициянинг 7 фоиз миқдорида солиқ кредити қўлланилади. Канадада мос тарзда солиқ чегирмалари 7 фоиздан 20 фоизгача ўзгариб туради. Бир қатор мамлакатларда тадбиркорнинг ИТТЛИ га қилган харажатлари ўртача йиллик фойдани белгиланган улушидан ортиқ бўлса, қисқартирилган солиқ шаклидаги солиқ кредити қўлланилади. Масалан, АҚШда базис даврига нисбатан ўртача йиллик меъеридан ИТТЛИ га қўшимча қилинган харажатларнинг 20 фоизга тенг миқдорда фойда солиғи камайтирилади. Францияда ИТТЛИ га қўшимча қилинган харажатларнинг 50 фоизга тенг миқдорда фойда солиғи қисқартирилади, Канадада эса қўшимча қилинган харажатларнинг 100 фоизга тенг миқдорда фойда солиғи камайтирилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Деньги и кредит. 1996, №3, стр.61

Солиқ кредити шаклидаги имтиёзлар таълим олиш (асосан олий маълумот) учун яқка тартибдаги ҳақ тўловчиларга ҳам қўлланилади. АҚШ дан кейинги таълим учун тўлов миқдорининг дастлабки 5 минг долларига 20 фоиз чегирма миқдориди «Таълим солиқ кредити» ҳамда 13-17 ёшдаги ҳар бир ўқувчига йилига 500 доллар миқдорда солиқ имтиёзи жорий этилган<sup>1</sup>.

2) Имтиёзнинг иккинчи шакли – солиқдан бутунлай озод этиш ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини ўрнатишдир. Бундай имтиёзлар кичик тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўшилган қиймат солиғидан озод этилишини ҳам киритиш мумкин. Бундай имтиёзлар республикамизда ҳам кенг қўлланилади.

3) Солиқ имтиёзларининг учинчи шакли – тезлаштирилган амортизация усулини қўлланилиши, яъни олинанидан фойданинг ҳажмини тезлаштирилган амортизация миқдорига қисқартириш усулидир. Ҳукумат томонидан белгиланган оширилган амортизация харажатларини ишлаб чиқариш харажатларига қўшишга рухсат беради. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари ошади, бироқ солиқ миқдорини қисқариши ҳисобига олинанидан фойда миқдори ўзгармайди.

Мутаносибликни тартибга солиш учун бошқа имтиёзлар ҳам қўлланилади. Мисол учун, АҚШда фойданинг ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига йўналтирилган қисми солиқлардан озод этилади. Баъзи мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантиришга сарфлананидан маблағларни солиққа тортишнинг алоҳида тизимлари қўлланилади. Мисол учун, Францияда техник қайта қуролланишга сарфлананидан маблағларга солинанидан солиқлар жуда ҳам паст. Германия ва Францияда қўшимча иш ўринларини яратиш учун қилинган харажатларга махсус солиқ имтиёзлари киритилган<sup>2</sup>.

Республикамизда ҳам иқтисодий ривожланишни тартибга солиш мақсадида солиқ имтиёзлари тизимидан кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ чет эл инвестицияси билан ташкил этилган, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш корхонаси даромади (фойдаси) ишлаб чиқаришни бошлагандан 5 йил муддатгача солиқлардан озод этилади. Агар, ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортигини болалар ассортиментидидаги товарлар ташкил этса ва корхона устав фондида чет эл капитали улуши 50 фоиздан ортиқ бўлса 2 йилгача солиқлардан озод этилади. Қишлоқ жойларда ва аҳоли пунктлари ҳудудида янги ташкил этилган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта

<sup>1</sup>Мировая экономика и международные отношения. 2001, №4, стр.27

<sup>2</sup>Экономист. 1992. №10. стр. 37

ишловчи корхоналар ишлаб чиқаришни бошлагандан то 3 йил муддатгача солиқлардан озод этилади. Умумий ишчилар сонининг 75 фоиздан кам бўлмаган қисми ўрта мактаб ўқувчиларидан ва касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларидан ташкил топган юридик шахсларнинг даромадлари (фойда) солиқлардан озод этилади.

Экологияга, соғломлаштириш ва хайрия фондларига, маданият муассасаларига, халқ таълими ва соғлиқни сақлашга бадаллар тўлаш ҳисобига даромадни (фойдани) солиққа тортишни камайтириш шаклидаги имтиёзлар ҳам мавжуд.

Республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустақкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги **“Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-4434-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши **5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган** янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб **10 йил** мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинанидан **фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар** тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўламини янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги **ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари** авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар **20 та** йўналишдаги иқтисодий тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодий тармоқлари корхоналари инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўринишида солиқ имтиёзлари берилган.

*Тўғридан-тўғри хусусий хорижий жалб қилинган инвестициялар ҳажми: 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача бўлганда – 3 йил муддатга;*

*3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача бўлганда – 5 йил муддатга;*

*10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорига асосан** 1) қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (саргарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга; 2) қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган қишлоқлар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 сентябрдаги ПФ-4469-сонли Фармониға асосан** Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий қишлоқлар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ”Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға** мувофиқ эркин иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар қиритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми куйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мол-мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик қишлоқ ва микрофирмалар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йилга; 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача – 5 йилга; 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 7 йилга, 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмдаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50

фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланилган ҳолда – 10 йилга берилади. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади. Экспорт товарларини ишлаб чиқариш учун ЭИЗда рўйхатга олинган қишлоқлар фаолият кўрсатадиган бутун муддатга, асбоб-ускуна, хом ашё, ишлаб чиқариш компонентлари\_ импорти учун божхона тўловларидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вазифаларидан, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, уни мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

#### **8.4. Иқтисодий тартибга солишда солиқ тизимини такомиллаштириш**

Мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилган дастлабки даврдан бошлаб жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкни камайтириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Республикада аҳоли бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида бир неча юз минглаб янги иш жойлари яратилди.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тартибини такомиллаштириш масалаларидан бири бўлган солиққа тортилмайдиган миқдорнинг жорий этилиши аҳолидан олинadиган даромад солиғи тартибини давр талабига мос ҳолда такомиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Жисмоний шахслар даромадларини декларация усулида солиққа тортишда, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, жами йиллик даромаддан ушбу даромадни олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни, бюджетга тўланган бошқа солиқ ва тўловларни чиқариб ташлаш лозим.

Республикаимиз солиққа тортиш амалиётида жисмоний шахсларнинг иш ҳақи шаклидаги даромадларини солиққа тортишда уч босқичли ставкалардан икки босқиччисига ўтиш ва аста-секин ягона ставка жорий этиш лозим. Ҳозирги пайтда ягона ставка қўлланилаётган мамлакатлар амалиётида бу механизм ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат шароитлари ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир бўлган ишлаб чиқаришларда ишловчи ходимларнинг (аёлларнинг)

даромадларига солиқ солишнинг амалдаги имтиёзли тартиби белгиланган. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларига белгиланган солиқ ставкаларини қайтадан кўриб чиқиш лозим. Бизнингча, оғир ва зарарли, ўта оғир ва ўта зарарли шароитларда ишловчилар учун имтиёзли солиқ ставкасига даромад солигининг куйи ставкаси ва ўрта ставкаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларидан айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган харажатларни (масалан дори-дармон учун, медицина харажатлари) чегириш ва уларнинг йиллик даромадларини умумий декларациялаш тизимига тезроқ ўтказиш лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини такомиллаштиришни иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғлиқ ва уйғунликда такомиллаштириш зарур. Чунки аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш уларнинг фаровонлигини ўстиришнинг ишончли йўлидир. Шу билан бирга, солиққа тортиладиган даромадларнинг ортиши бюджет манфаатларига ҳам тўлиқ мос келади.

Маълумки, ер солиғи солиқ тўловларининг молиявий натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ундирилади, яъни ернинг физикавий, химиявий хусусияти ҳамда уларнинг жойланиши солиқларни белгилашда асос қилиб олинади. Аммо, қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар республикамизда ерларнинг бонитети анча йиллар олдинги маълумотлар бўйича юритилмоқда. Шунинг эътиборга олиб ерларнинг бонитетини қайтадан объектив аниқлаш ва шу асосда солиқ ставкасини ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг бир қатор вазифаларини реал бажарилишига эришиб боришни ҳам ўз ичига олади. Булар куйидагилар:

- солиқ юқини солиқ тўловчилар ўртасида тўғри тақсимлашга эришиш, шу билан бирга уни имкони борича камайтириш;
- солиқларнинг мазмунини солиқ тўловчиларга тўлиқ очиб берган ҳолда тушунтириш, уларда солиқ маданиятини шакллантириш ва уни ошириб бориш;
- солиқларни ихчамлаштириш, яъни уларни ягоналаштириш.

Солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга қулайлик туғдирувчи омиллардан бири бу солиқ юқининг тўғри тақсимланганлиги ва имкони борича уни камайтиришдир. Солиқ юқини тўғри тақсимланганлиги иқтисодий ривожланишга олиб келади. Солиқ юқини иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида тўғри тақсимланиши катта аҳамият касб этади

Мавжуд солиқ тизимини янада такомиллаштириш мақсадида куйидаги бир қатор масалаларга эътибор беришни кучайтириш лозим:

- солиқларни жорий этиш ва уларни тўлаш тартибига илмий томондан ёндашишни кучайтириш;
- мамлакат иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш;
- ихчамлаштирилган солиқлар амал қилиш доирасини кенгайтириш;
- солиқ соҳасидаги ҳар қандай ўзгаришларни солиқ тўловчиларга оммавий тарзда тушунтириб боришни кенг йўлга қўйиш;
- солиқ соҳасидаги қонунбузарликларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик, унга қарши қатъий курашиш;
- солиқ имтиёзларини, асосан, солиқ ставкаларини камайтириш эвазига эмас, балки бошқа хилдаги имтиёزلардан унумли фойдаланиш, хусусан тезкор амортизацияни қўллаш, солиқ кредитларининг миқдорини кўпайтириш каби воситаларни қўллаш орқали рўёбга чиқариш;
- қатъий ставкали солиқларни камайтириш, бу орқали тадбиркорларни ҳақиқий даромадидан келиб чиққан ҳолда солиқ ундириб олишни кучайтириш.

2018 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг янги концепцияси жамоатчилик муҳокамасига чиқарилди. Унга кўра амал қилаётган солиқ тизими мутлақ ўзгартирилиши керак.

### **I. Солиқ тизимини ислоҳ қилишда устувор йўналишлар:**

Солиқ қонунчилигини имкон қадар соддалаштириш, норматив ҳужжатлардаги коллизия ва қарама-қаршиликларни йўқотиш, солиқ тўловчилар манфаатини ҳимоя қилиш.

Солиқ тизимидаги ҳар қандай ўзгаришлар кейинги молиявий йилдан кучга кириш тартибини жорий этиш.

Тадбиркорларга солиқ босимини камайтириш, катта ва кичик корхоналари орасида солиқ миқдоридаги тафовутларни бартараф этиш.

Тенг рақобат муҳити яратиш мақсадида, шахсий солиқ ва божхона имтиёзлари бериш қатъиян таъқиқланади.

Солиқлар умумий сони камайтирилади, бир хил базадан олинадиган солиқлар умумлаштирилади. Солиқ ҳисоботлари соддалаштирилади<sup>1</sup>.

### **II. Солиқ тизими ислоҳ қилинадиган асосий йўналишлар**

<sup>1</sup> <http://asr.uz/all/iqtisod/uzbekistonda-soli-tizimining-mutla-yangi-kontseptsiyasi-elon-ilindi/>



1. Юридик шахслар даромад солиғи бекор қилинади. Тижорат банклари ва суғурта компанияларидан бундан мустасно.

2. Қўшилган қиймат солиғи **20 фоиздан 12 фоизга туширилади**, лекин шу билан бирга айланма маблағ миқдори 1 миллиарддан кўп бўлган, барча тоифадаги солиқчилар уни тўлашга мажбур бўлади. ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг самарасизлари бекор қилинади.

3. Юридик шахслар даромадидан давлат мақсадли фондларига олинадиган тўловларнинг барчаси бекор қилинади.

4. Жисмоний шахслар даромад солиғи, яғни ижтимоий солиқ, нафақа фондига суғурта тўловлари – **яғна 25 фоизли солиқ** айлантирилади.

5. Соддалаштирилган тартибад солиққа тортиш тизими бекор қилинади. Ер солиғи ва яғна солиқ тўланадиган фаолият турлари қайта кўриб чиқилади.

6. Янги солиқ тизимида кичик бизнес корхоналари ҳисобланадиган юридик шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- йиллик обороти 1 млрд сўмдан кам;
- қўшилган қиймат солиғи тўламайдиган;
- 5 фоизли даромад солиғи тўлайдиган;

7. Тадбиркорлик субъектининг йиллик даромад миқдори 1 миллиард сўмдан ошган тақдирда хусусий тадбиркорлар юридик шакли ўзгармаган ҳолда умумий солиқ тизимига ўтказилади.

8. Юридик шахслар мол-мулкига бўлган солиқ босими босқичма-босқич камайтиради. Хусусан, 2019 йилда – 2,5 фоизгача, 2021 йилга қадар – 1 фоизгача.

9. Соддалаштирилган солиқ тизimini бекор қилиш эвазига ер ва мулк солиқлари тўловчилари сонини кенгайтириш. Беш йил ичида кўчмас мулк солиғи жорий этиш.

10. Сув ва ер бойликларидан фойдаланувчилар учун солиқ тизimini такомиллаштириш.

11. Акциз солиқларини умумлаштириш эвазига уларнинг турларини қисқартириш.

12. Интеллектуал мулк солиғи олиш услубларини ишлаб чиқиш.

13. Резидент бўлмаган юридик шахслардан солиқ олиш тизimini такомиллаштириш<sup>1</sup>.

### III. Солиқ маъмурияти соҳасидаги ислохотлар

<sup>1</sup> <http://asr.uz/all/iqtisod/uzbekistonda-soli-tizimining-mutla-yangi-kontseptsiyasi-elon-ilindi/>

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали, солиқ органлари ва солиқ тўловчиларининг шахсий алоқасини имкон қадар чеклаш.

Солиқ тизимига онлайн маълумот берувчи касса-назорат аппаратлари ўрнатиш

Тадбиркорликнинг айрим самарасиз шаклларини, жумладан оилавий ва хусусий корхоналар бекор қилиш.

Ўхшаш базалардан олинаётган солиқларни қайта кўриб чиқиш ва уларни қисқартириш.

Ортиқча олинган солиқларни қайтариш тизimini ишлаб чиқиш.

Солиқ соҳасида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун жарима чораларни қайта кўриб чиқиш

Солиқ имтиёзларини фақат маълум мақсадлар учун бериш ҳамда самарасиз сарфланган имтиёзларни бюджетга қайтариш механизмларини ишлаб чиқиш.

Солиқ тизимидаги аудит механизмини тубдан такомиллаштириш. Коррупцияга қарши ички назорат тизimini ўрнатиш.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигидан хабардорлик даражасини ошириш. Турли вебинар ва онлайн-чатлар ташкил қилиш.

### IV. Солиқ ислохотларидан қўтилаётган натижалар

Юқоридаги ислохотлар натижасида пайдо бўладиган янги солиқ тизими, қуйидагиларни таъминлаши керак:

Иқтисоднинг тезкор ривожланишини;

Тадбиркорлик субъектларига бир хил солиқ босими қўйилиши;

Соғлом рақобатбардош тадбиркорлик муҳити яратиш, шахсий имтиёзлар бериш амалиётига чек қўйиш;

Иқтисодни янада эркинлаштириш, тадбиркорлар ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, солиқ тизimini янада такомиллаштириш фақатгина унинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

### Асосий тушунча ва атамалар

Бюджет, бюджет тизими, давлат бюджети, маҳаллий бюджет, солиқлар, солиқларнинг вазифалари, солиқ юки, солиқ имтиёзи, солиқ органлари, иқтисодий ўсиш.

<sup>1</sup> <http://asr.uz/all/iqtisod/uzbekistonda-soli-tizimining-mutla-yangi-kontseptsiyasi-elon-ilindi/>

## Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Давлат бюджети нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
2. Бюджет орқали давлат иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади?
3. Солиқлар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликларни тушунтириб беринг?
4. Солиқларнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Солиқ имтиёзлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усули ва воситаси эканлигини тавсифлаб беринг?
6. Тезлаштирилган Амортизацияни шаклидаги имтиёзлар мазмунини ёритиб беринг?
7. ИТТЛИ ни рағбатлантиришда қандай солиқ усуллари ва шакллари мавжуд?
8. Ўзбекистонда асосий солиқ имтиёзларини санаб ўтинг.
9. Ўзбекистонда бюджет-солиқ воситалари орқали иқтисодиёт давлат томонидан қандай тартибга солинишини тушунтириб беринг.
10. Ўзбекистонда бюджет даромадлари ва харажатлари нималардан иборат?
11. Ўзбекистонда солиқ юкини камайтириш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?
12. Ўзбекистонда бюджет тизимни такомиллаштириш учун қандай чора – тадбирлар амалга оширилмоқда?

## 9-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ

### 9.1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи

Пул – умумий эквивалент ролини ўйновчи товардир. Пул — бу ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган, умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир. Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг қуйидаги асосий вазифаларини кўриб чиқамиз: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.

Товар алмашув қийматининг пул билан ифодаланиши унинг нархини англатади. Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материални бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик **нархлар ўлчови (масштаби)** деб аталади. Пул муомаладан чиқарилганда **бойлик тўплаш** вазифасини бажара бошлайди. Товарлар-насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул **тўлов воситаси** вазифасини бажаради.

**Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги тўхтовсиз ҳаракати пул муомаласи дейилади.** Мамлакат пул тизимининг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- 1) миллий пул бирлиги (сўм, доллар, иена, фунт стерлинг, марка ва ҳ.к.);
- 2) нақд пул муомаласида қонуний тўлов воситаси сифатида амал қилувчи қоғоз, танга ва кредит пуллар тизими;
- 3) пул эмиссияси, яъни белгиланган қонуний тартибда пулни муомалага чиқариш тизими;
- 4) пул муомаласини тартибга солувчи давлат идоралари.

Пул муомаласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади. **Нақд пул муомаласида** банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. **Нақд пулсиз ҳисоблар** чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси **пул агрегати** деб юритилади. **Муомалада мавжуд бўлган пул массаси** нақд ва кредит пулларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_m = \frac{T_b - X_k + X_T}{A_T},$$

бу ерда:

$P_m$  — муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

$T_b$  — сотилиши лозим бўлган товарлар суммаси (товарлар миқдори × нархи);

$X_k$  — кредитга сотилган товарлар суммаси;

$X_t$  — тўлаш муддати келган товарлар ва хизматлар ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

$A_t$  — пулнинг айланиш тезлиги.

Пул миқдорига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, пул муомаласининг қуйидаги қонунига таъриф бериш мумкин: **бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори сотишга чиқариладиган товарлар суммасига тўғри мутаносиб, пулнинг айланиш тезлигига тесқари мутаносибдир.**

Бизнинг республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади:

$M_0$  — муомаладаги нақд (қоғоз ва металл) пуллар.

$M_1 = M_0 +$  аҳолининг жорий ҳисоб варақларидаги пул қолдиқлари, корхоналарнинг ҳисоб варақларидаги пул маблағлари, банклардаги талаб қилиб олиш мумкин бўлган пул омонатлари.

$M_2 = M_1 +$  тижорат банкларидаги муддатли омонатлар ва жамғарма ҳисоб варақларидаги пуллар, ихтисослаштирилган молиявий муассасалардаги депозитлар ва бошқа активлар. Мазкур агрегат таркибига кирувчи пул маблағларини бевосита бир шахсдан бошқа бирига ўтказиш ҳамда айирбошлаш битимларида фойдаланиш мумкин эмас. Улар, асосан, жамғариш воситаси вазифасини бажаради.

$M_3 = M_2 +$  банк сертификатлари + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Демак, пул массасининг ҳар бир алоҳида агрегати ўзининг ликвидлиги даражасига кўра фарқланади. **Ликвидлик — бу турли активларнинг ўз қийматини йўқотмасдан (энг кам ҳаражатлар асосида) тезлик билан нақд пулга айлана олиш қобилиятидир.**

Пул бозори — бу мамлакатдаги пул миқдори ҳамда фоиз ставкасининг турли даражаларида пул маблағларига бўлган талаб ва пул таклифининг ўзаро нисбатини ифодаловчи механизм. Пул таклифи — бу бозорда пул сифатида муомалада бўлган турли хил молиявий маблағлар, яъни пул агрегатлари йиғиндиси ҳисобланади.

Мамлакатдаги пул таклифи, асосан, Марказий банк томонидан тартибга солинса-да, у иқтисодиётдаги барча таклифни қамраб ололмайди. Чунки бу жараёнга уй ҳўжалиги хатти-ҳаракати ҳамда тижорат банкларининг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади.

### 9.2. Кредит ва банк тизимининг вазифалари

Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб

чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўловлари билан қайтариш шarti билан қарзга бериш муносабатларини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил қилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, яъни пул эгаси (қарз берувчи) ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- 1) корхоналарнинг амортизация ажратмалари;
- 2) махсулот сотишдан олинган пул тушумлари;
- 3) корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари;
- 4) корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек, унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдаланилгунча банкдаги ҳисобларида сақланади;
- 5) банкдаги бюджет муассасалари, қасаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари;
- 6) аҳолининг бўш пул маблағлари.

Кредитнинг бир қатор вазифалари мавжуд:

Биринчидан, кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади.

Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни ҳўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала ҳаражатларини тежаш вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Бешинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Нихоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси — иқтисодиётни тартибга солишдир. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан қафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади.

Кредит турли шаклларда амалга оширилади. Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки — пул ва товар шакллари билан фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида банк, тижорат, давлат,

истеъмол ва халқаро кредит шакллари ўз ичига олувчи пул кредитдан кенг фойдаланилади.

Банк кредити — пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари) томонидан қарз олувчилар (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори)га пул ссудалари шаклида берилувчи кредит. Хўжаликлараро кредит — бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилувчи кредит. Тижорат кредити — корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бири-бирига берадиган кредити. Тижорат кредити, аввало, тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида бериледи.

Истеъмол кредити — хусусий шахсларга, биринчи навбатда, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари (мебель, автомобиль, телевизор ва бошқалар) сотиб олиш учун маълум муддатга бериладиган кредит. У чакана савдо магазинлари орқали товарларнинг ҳақини кечиктириб тўлаш билан сотиш шаклида ёки истеъмол мақсадларида банк ссудалари бериш шаклида амалга оширилади. Истеъмол кредитдан фойдаланганлик учун анча юқори фоиз ундирилади.

Ипотека кредити — кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилувчи кредит. Бундай ссудалар бериш воситаси, банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари ҳисобланади.

Давлат кредити — давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқадиган кредит муносабатларининг ўзига хос шакли. Давлат кредити маблағлари манбаи бўлиб, давлат қарз облигациялари хизмат қилади. Давлат кредитнинг бундай шаклидан, аввало, давлат бюджети камомадани қоплаш учун фойдаланилади.

Халқаро кредит — ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намоён этувчи шакли. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида бериледи. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

Сўнги вақтларда кредитлашнинг лизинг, факторинг, форфейтинг, траст каби шакллари кенг ривожланиб бормоқда.

Лизинг — бу кредитнинг пулсиз шакли бўлиб, одатда, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат. Одатда, ишлаб чиқариш воситаларини уларнинг эгалари бевосита эмас, балки махсус лизинг компаниялари орқали ижарага берадилар.

Факторинг — бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик бўйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари. Бунда банк

корхоналарнинг «дебиторлик ҳисоб варақалари»ни ўзи учун фойдали шартлар асосида нақд пулга сотиб олади, кейин эса бу қарзларни қарздордан ундириб олади. Форфейтинг — факторинг муносабатларининг узоқ муддатли шакли. Бунда қарздорлик бўйича ҳуқуқларни сотиб олган банк уларни одатда 1-5 йил вақт ўтгандан сўнг ундириши мумкин бўлади. Траст — бу мижозларнинг капиталларини бошқариш бўйича операциялар мажмуи.

Кредит бериш куйидаги тамойилларга асосланади:

- ссуда беришнинг мақсадли тавсифи;
- кредитнинг расмийлаштирилган муддатга қайтарилиши;
- ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим роль ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир. Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади. Банклар тизими, одатда, икки босқичли бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларнинг тармоқ отган шахобчаларини олади (қаранг: 9.2.1-жадвал).

9.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий кўрсаткичлари**  
(йил охирига)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлч ов бирл иги	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й	2015 й	2016 й
Банклар сони	бирл ик	28	30	30	31	26	27
<b>Шу жумладан:</b>							
Давлат банклари	бирл ик	3	3	3	3	3	3
Хорижий капитал иштирокидаги банклар	Бирл ик	5	5	5	5	5	5
Хусусий банклар	Бирл ик	10	11	10	10	7	8
Банк бўлимлари сони	Бирл ик	8 224	8 639	9 069	9 293	854*	855*

\*банк бўлимлари сони

<sup>1</sup>Экономика Ўзбекистана:информационо- аналитический бюллетень за 2012год.-Т.:ЦЭИ, 2013.-Стр.42; Ўзбекистон иқтисодиёти:ахборот-таҳлилий бюллетени 2016йил январь-декабрь.-Т.: ИТМ, 2017.-54-бет.

Давлат банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. Давлат банки Марказий банк ҳисобланади. Марказий банк қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) бошқа банк муассасаларининг мажбурий захираларини сақлайди. Бу захиралар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин-валюта захираларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради;

2) чекларни қайд (инкассация) қилиш механизмни таъминлайди ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради;

3) давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади;

4) барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади;

5) халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди;

6) пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади, миллий валютани муомалага чиқаради. Иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муомаласини тартибга солади.

Ўзбекистон Марказий банки ўзининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, банк хизматларини эркинлаштиришга қаратилган сиёсатни ҳам олиб боради. Банк томонидан пул-кредит сиёсатининг воситалари сифатида очик бозорда қимматли қоғозлар операцияси, ички валюта бозоридаги операциялар, қайта молиялаштириш ставкаси ва тижорат банкларига мажбурий захира талаблари воситалари ҳам ишга солинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банклар ва корхоналар тенг ҳуқуқли шериклар сифатида чиқади. Кредит беришда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги сифат даражасига эришишини таъминлайдиган тадбирларга устулик берилади.

Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан масъул ҳисобланади ва шу сабабли кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги ва самарадорлигига қараб берилди.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типидagi муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятнинг бирон-бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Халқ банки — мамлакатда омонат ишларини ташкил этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва аҳоли учун касса вазифасини амалга ошириш, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит бериш каби операцияларни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижроси, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади, шунингдек, ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширишни таъминлайди.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашуви бўйича инвестицион ва ипотека банкларини ажратиб кўрсатиш лозим.

Инвестицион банклар — махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа турларини чиқариш йўли билан узок муддатли ссуда капитални жалб қилади ва уларни мижозлар (асосан, давлат ва тадбиркорлар)га тақдим қилади.

Инвестицион компаниялар ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвесторлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхона (миллий ва чет эл)лар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвесторлар манфаатини ифода қилади ва уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклари- бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узок муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалари. Ипотека банкнинг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

### **9.3. Пул-кредит сиёсати воситаларининг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли**

Давлатнинг кредит тизими устидан ҳам маълум назорат ўрнатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун пул эмиссия қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва пул муомаласини тартибга соладиган Марказий Банк ташкил этилган. Бундан ташқари, давлат ихтиёрида бир қанча ихтисослашган банклар бўлиши лозим.

Оқибатда, ишбилармонларнинг банк операцияларини кредит ва молиявий тизим орқали тартибга солиш имконияти вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида кредит-пул сиёсати соҳасида қуйидаги устувор йўналишларни амалга ошириш асосий вазифалар қилиб белгиланди:

- Марказий банк бошчилигида ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли тизимини вужудга келтириш, республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ҳамда ваколатхоналарини очиш учун қулай шароитларни яратиш;

- барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссияси, жами пул массасининг асосиз ўсишини кескин чеклаш;

- Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш<sup>1</sup>.

Ушбу устувор йўналиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унинг асосида икки босқичли банк тизими амалда шаклланди. Марказий банк эмиссия банки бўлиб, унинг зиммасига бошқа ривожланган мамлакатлардаги марказий банкларга хос бўлган вазифалар юклатилди. Собиқ тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилиб, Агросаноат банки ва саноат-қурилиш банки ихтисослаштирилган ҳиссадорлик-тижорат банкларига айлантирилди. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тузилди ва у муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ҳозирги даврда, жаҳон банк амалиётида пулга бўлган талаб ва таклифни, хусусан, пул массаси, молия бозорлари ҳамда банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солишда очик бозордаги операциялар, ҳисоб ставкаси сиёсати, мажбурий захиралар сиёсати, валюта сиёсати каби бозор иқтисодиётининг бир қатор замонавий восита ва механизмлари кенг қўлланмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда монетар сиёсатнинг: очик бозордаги операциялари; Марказий банкнинг ҳисоб операциялари; Марказий банкнинг операциялари бўйича фоиз ставкалари; мажбурий резерв талаблари ва Марказий банкнинг қайта молиявий таъминлаш каби воситалари қайд этилган.

**Давлатнинг пул-кредит сиёсатининг воситалари** – Марказий банк томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмидир. Ўз навбатида, ушбу воситалар бевосита ва билвосита турларга бўлинади. **Бевосита воситалар** – Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан фоиз ставкалари ёки кредит миқдорини белгилаш ва чеклашдан иборат бўлган маъмурий усуллардир. **Билвосита воситалар** эса – Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида ихтиёрли равишда фойдаланиладиган, яъни бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш, муомаладаги пул массаси миқдори ва банкларнинг тўловга қобилиятлигини тартибга солиш усулидир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 21-22-бетлар.

**Бевосита воситаларга** – фоиз ставкаларини чегаралаш, мақсадли кредитлар, ҳар бир банк учун кредитнинг юқори чегарасини белгилаш каби маъмурий усул ва чоралар киради. Улар бир қатор камчиликларга эга бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайди. Хусусан, улар ҳар бир банкка нисбатан қўлланувчи якка тартибдаги назорат қилиш чораси бўлиб, молия бозорида рақобатни бўғиб қўяди, молия соҳасининг ривожланишини сусайтиради ва банкларнинг молиявий воситачилик ролини пасайтиради. Шунингдек, бир қатор банклар устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида алоҳида тармоқ ва ҳудудларда кредитлаштириш самарасини пасайтиради, катта миқдордаги молиявий маблағларнинг назорат қилиб бўлмайдиган соҳага, яъни хуфиёна иқтисодиётга ёки хорижга чиқиб кетишига олиб келади.

**Билвосита воситаларга** – очик бозордаги операциялар (давлатнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларини бирламчи бозорларда сотиш), иккиламчи бозордаги операциялар (бевосита олди-сотди ёки РЕПО операциялари), қайта молиялаш сиёсати, мажбурий захира талаблари, валюта сиёсати, кредит аукционлари, валюта своплари, векселларни қайта ҳисобга олиш механизми, ломбард ёки овердрафт механизмлари ва бошқалар киради. Улар бозор иқтисодиёти талабларига мос келади ва бевосита воситаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, Марказий банкка пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, пул массаси, молия бозорини самарали тартибга солиш, давлатнинг кредитни тақсимлаш ва пул-кредит орқали бошқариш жараёнларига аралашувини камайтириш, молия бозорининг ривожланиши ва кенгайишига, банкларнинг воситачилик ролини ошириш, капитал қўйилма ва молиявий жамғармалар ҳажмининг кўпайишига қўшимча қулайликлар яратади.

Марказий банк ўзининг ва давлатнинг қимматли қоғозларини, хорижий валюталарни эркин сотиш ва сотиб олиш, маблағларни депозитларга жалб қилиш ва қайтариш, мажбурий захира талаблари меъёрини ва қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш орқали банкларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилади (9.3.1-жадвал).

Марказий банк юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали муомаладаги ортиқча пул массаси ҳажмини иқтисодиёт учун зарур бўлган миқдоргача камайтиради. Пул массасининг камайиши ҳисобига инфляция даражаси пасаяди ва миллий валюта курсининг барқарорлиги ошади. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг тобора ошишига, мамлакатда жамғармалар ва иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва

макроиктисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига қулай шарт-шароитлар яратади.

9.3.1-жадвал.

**Монетар сиёсат воситаларининг турлари**

<b>Бевосита воситалар</b>	<b>Билвосита воситалар</b>
Фоиз ставкаларини чегаралаш	Очик бозордаги операциялар
Мақсадли кредитлар	Мажбурий захиралар
Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорини белгилаш	Векселларни қайта ҳисобга олиш механизми
Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар	Қисқа муддатли депозитлар механизми
	Кредит аукционлари
	Ломбард ва овердрафт механизмлари
	Валюта своплари ва бевосита олди-сотди операциялари

**Манба:** жадвал Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда билвосита воситалар ихтиёрий равишда қўлланилиши ва сонининг кўплиги жихатидан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бевосита воситаларга нисбатан афзаллиги яққол кўринмоқда. Шу боис ҳозирги пайтда жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларида ҳам пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда монетар сиёсат соҳасида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, инвестиция лойиҳалари ва давлат бюджети тақчиллигини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётига чек қўйилди. Бу эса Марказий банк мустақиллигини оширди. Тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг депозит сертификатларига ва махсус депозитларига жалб қилиш бўйича операциялар мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Марказий банкнинг облигациялари муомалага чиқарилди, муомаладаги ортиқча ликвидликни камайитиришнинг бозор механизмлари яратилди, инфляция ва фоиз ставкалари сезиларли даражада пасайтирилди. Амалдаги мавжуд алмашув курслари бирхиллаштирилиб, миллий валютанинг барқарорлиги таъминланди. Аҳолининг банклардаги омонатлари миқдори сезиларли даражада ўсди. 2003 йилда Халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланиб, ХВФнинг VIII моддаси талабларига зид келувчи барча чекловлар олиб ташланди.

Умуман, 2003 йилда амалга оширилган қатъий монетар сиёсат миллий валюта барқарорлигини таъминлашга, инфляция даражаси ва фоиз ставкаларини янада пасайтиришга, пул бозорини ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштиришга ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, 2003 йилда депозит операциялари пул таклифи ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишда энг кўп қўлланилган восита бўлди.

Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси, ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятини ошириш учун олдиндан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Оқибатда, сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошди. Мамлакатимизда 28 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандартэнд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларнинг “барқарор” деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий кўрсаткичлари**  
(йил охирига)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бир.	2007	2008	2009	2010	2015	2016
Кредит қўйилмалар қолдиғи	млрд. сўм.	4 777,6	6 374,4	8 558,2	11539,3	42685,2	53378,5
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар	млрд. сўм.	743,7	1 250,8	1 851,7	2 690,2	12112,6	15870,4
Инвестицион лойиҳаларга кредитлар	млрд. сўм.	1 162,2	1 534,1	2 402,2	3 252,0	10252,0	12202,3
Банкларнинг муомалага чиқарилган карталари	тыс. шт.	3 711,0	4 505,8	6 058,9	7 909,4	16316,5	19523,3
Банк карталарига хизмат қилувчи терминаллар сони	ед.	17 922	27 676	60 631	85 741	183060	208536
Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар	ед.	171	318	363	491	2345	4954

Умуман, давлат банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантириш орқали иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам шарт-шароит яратади.

#### 9.4. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш дастурлари ижросининг фаоллашуви, иқтисодиётни, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш ҳажмларининг сезиларли кенгайтирилиши, ўз навбатида, пул массасининг тез суръатларда ошишига олиб келди. Хусусан, 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат

банкларининг миллий валютадаги кредит портфели қолдиғи 32 фоизга ва пул массасининг 15 фоизга ўсган. Шунингдек, пул массаси таркибида нақд пуллар улушининг ошиши ҳам кузатилди.

Кредитлаш ва муомаладаги нақд пул ҳажмларининг тез суръатларда ўсиши қўпгина банкларда ва умуман банк тизимида ликвидлик миқдорининг мазкур даврда йил бошига нисбатан 2,5 баробарга камайишига олиб келди. Юзага келган ушбу вазиятда, хусусан, инфляцион жараёнларни жиловлаш ва пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини мақбуллаштириш мақсадларида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси жорий йил 28 июнь куни 9 фоиздан 14 фоизгача кўтарилди. Пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши июль ойидан бошлаб тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмлари ва пул массаси ўсиш суръатларини сезиларли даражада пасайтириш ҳамда вужудга келган инфляцион босимни камайтириш имконини берди.

2017 йилнинг январь-октябрь ойларида ҳукуматнинг жами пул маблағлари қолдиғи сезиларли даражада ошган. Бундай қўпайиш асосан валюта курси шаклланишининг бозор механизмларига ўтилиши натижасида экспорт тушумларининг миллий валютадаги қийматининг ошиши ҳамда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш соҳасидан тушумларнинг қўпайиши билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан 2017 йилнинг июль ойидан бошлаб, тижорат банкларига хорижий валютани гаровга олган ҳолда қисқа муддатли кредитларни бериш ва “своп” операцияларининг фаоллаштирилиши пул-кредит инструментларидан банк тизими ликвидлигини тартибга солишда самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, Марказий банк томонидан тижорат банкларига июль ойида 689 млрд. сўм, август ойида 466 млрд. сўм ва сентябрь ойида 262 млрд. сўм миқдорида жами 1,4 трлн. сўмдан зиёд кредитлар берилди. Август (131,7 млрд. сўм), сентябрь (848,9 млрд. сўм) ва октябрь (313,2 млрд. сўм) ойларида қайтарилган кредитларни инобатга олганда, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра тижорат банкларига берилган кредитлар қолдиғи 84,4 млрд. сўмни ташкил этди<sup>2</sup>.

Ўтган давр мобайнида Марказий банкнинг кредитларини жалб қилишда 11 та тижорат банки иштирок этиб, ушбу операцияларнинг 62 фоизи Халқ банки, Асака банк, Агро банк, Қишлоқ қурилиш банк каби тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар ҳиссасига тўғри келди. Умуман олганда,

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. - Т.: ЦЭИ, 2013. - Стр. 42; Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетени 2016 йил январь-декабрь. - Т.: ИТМ, 2017. - 54-бет.

<sup>1</sup> 2017 йил пул-кредит соҳаси таҳлили ва 2018 йилга мўлжалланган монетар сиёсат// <https://finansist.uz/uz/monetar-siyosat-tahlili-va-prognozlar-2018/>

<sup>2</sup> Ўша ерда



Марказий банк томондан қайта молиялаш кредитлари берилишининг жорий этилиши пул-кредит сиёсатининг фоиз инструментлари трансмиссион каналининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Бу, биринчи навбатда, банклараро пул бозоридаги ҳамда тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг ўзгаришига, шунингдек пул агрегатлари динамикасига самарали таъсир кўрсатишга замин бўлди ва монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини босқичма-босқич пасайтириш имконини берди. Шунингдек, мазкур операцияларнинг жорий этилиши банк тизимида вужудга келган қисқа мудатли ликвидликка бўлган талабни қондириш ва тўлов тизимининг барқарорлигини сақлашга хизмат қилди (қаранг: 9.4.1-жадвал).

9.4.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклар билан амалга оширадиган операциялари бўйича фоиз ставкалари<sup>1</sup>**

Марказий банк кредитининг тури	Муддати	Фоиз
Хорижий валютани гаровга олган ҳолда ўзгармас фоиз ставкаси бўйича бериладиган кредитлар	1 ойгача	Қайта молиялаштириш ставкаси даражасида (14фоиз)
	2 ойгача	Қайта молиялаштириш ставкаси даражасида + 0,25 фоиз банд
	2 ойгача	Қайта молиялаштириш ставкаси даражасида+0,5 фоиз

Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишда **мажбурий захиралар** инструментидан иқтисодиёт ва пул-кредит соҳасидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда мослашувчанлик билан фойдаланиб борилди. Тижорат банклари томонидан Марказий банкда шакллантирилган **мажбурий захиралар** бўйича ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига йил бошига нисбатан 32 фоизга (3,9 трлн. сўмдан 5,2 трлн. сўмга) кўпайди. Ушбу ўсиш тижорат банклари депозит базасининг реал ошиши ҳамда хорижий валютадаги депозитларнинг миллий валютадаги эквивалентининг ошиши билан изоҳланади.

Таъкидлаш кераки, 2017 йилда шакллантирилган мажбурий захиралар таркибида миллий валютадаги маблағлар улуши йил бошидаги 60 фоиздан 1 ноябрь ҳолатига 8 фоизгача камайган. Бу, ўз навбатида, мазкур даврда тижорат банклари томонидан миллий валютадаги ликвидликка бўлган талаб юқори даражада сақлаб қолинаётганини акс эттириб, банклар томонидан

сўмдаги ликвидлик бўйича танқисликни қоплашда ушбу инструмент ҳам асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда 2017 йилда қайта молиялаш ставкасининг оширилиши таъсирида банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставкалари январь–июнь ойларидаги 7,9-9,2 фоиздан июль ойида 12 фоизга ва август ойида 12,2 фоизгача кўтарилди. Ўз навбатида, тижорат банклари фоиз ставкаларининг ҳам ошиши кузатилди. Хусусан, 2017 йилнинг банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси (имтиёзли кредитлар ҳисобга олинмаганда) биринчи ярим йиллик бўйича ўртача 14,1 фоиздан октябрь ойида 16,8 фоизгача кўтарилди.

Депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг динамикасида ҳам ўсиш ҳолатлари кузатилди. Агар 2017 йилнинг январь–июнь ойларида юридик ва жисмоний шахсларнинг жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 11,9 фоизни ташкил этган бўлса, июль–октябрь ойларида ушбу кўрсаткич мос равишда 12,9, 13,5, 15,2 ва 14,2 фоизларни ташкил этди. Бунда ўсиш, асосан, юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари ҳисобига рўй берди<sup>2</sup>.

2017 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб валюта курси шаклланишининг бозор механизмлари жорий этилиши ва ички валюта бозори фаолиятининг эркинлаштирилиши нафақат пул-кредит соҳасида, балки бутун иқтисодиётда ижобий томонга туб ўзгаришларни амалга ошириш учун муҳим замин яратди<sup>3</sup>. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлиса мурожаатномасида “**Миллий валютामизни эркин конвертация қилишга киришдик**. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди”<sup>4</sup>, – деб таъкидлаган.

**9.5. Ўзбекистонда пул-кредит тизimini такомиллаштириш йўналишлари**

<sup>1</sup> 2017 йил пул-кредит соҳаси таҳлили ва 2018 йилга мўлжалланган монетар сиёсат// <https://finansist.uz/uz/monetar-siyosat-tahlili-va-prognozlar-2018/>

<sup>2</sup> 2017 йил пул-кредит соҳаси таҳлили ва 2018 йилга мўлжалланган монетар сиёсат// <https://finansist.uz/uz/monetar-siyosat-tahlili-va-prognozlar-2018/>

<sup>3</sup> 2017 йил пул-кредит соҳаси таҳлили ва 2018 йилга мўлжалланган монетар сиёсат// <https://finansist.uz/uz/monetar-siyosat-tahlili-va-prognozlar-2018/>

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиса мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2018 йил 23 январь

<sup>1</sup>2017 йил пул-кредит соҳаси таҳлили ва 2018 йилга мўлжалланган монетар сиёсат// <https://finansist.uz/uz/monetar-siyosat-tahlili-va-prognozlar-2018/>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 сентябрь куни “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарор билан Марказий банкнинг ўрта муддатли истикболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш механизмлари ва принциплари, жаҳондаги марказий банклар томонидан ички нархлар барқарорлигини таъминлашда қўлланилувчи инфляцион таргетлаш тартибига (Инфляцион таргетлаш – бу ўрта муддатли истикболда инфляция мақсадини белгилаш ва унга эришишга қаратилган пул сиёсати режими) қайта кўриб чиқиш бўйича таклифи тасдиқланди.

Марказий банк, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 2017–2021 йиллар даврида пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва инфляцион таргет режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди. Марказий банкка 2018 йил 1 мартгача пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантириш ўрта муддатли Концепциясини ҳамда концепцияни 2018–2021 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитасини» ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди.

**Унда инфляцион таргет режимига қуйидаги йўллар билан босқичма-босқич ўтиш назарда тутилган:**

- умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш мақсадлари, давлат бюджети баланси ва иқтисодиётдаги нарх даражасининг барқарорлиги бўйича мақсадлар мувофиқлиги ҳамда ўзаро алоқаларини таъминлашга алоҳида эътибор бериш;

- ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилиш операциялари бўйича самарали фойдаланадиган фоизли пул-кредит сиёсати воситаларини кенгайтириш;

- тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантириш учун бозор механизмларини, шу жумладан, кредитлар бўйича кенг қўллаш;

- макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларнинг энг яхши хорижий тажриба моделларига мувофиқ такомиллаштириш;

- пул-кредит сиёсатининг шаффофлиги ва олдиндан тахмин қилиниш имкониятини ошириш, жумладан, қўлланиладиган воситалар ва олиб бориладиган сиёсатнинг асосий мақсадлари тўғрисида ахборот бериш мақсадида жамоатчилик билан муносабатларни мустаҳкамлаш<sup>1</sup>.

2018 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2018 йил учун асосий ва устувор вазифаларни эълон қилди.

Биринчидан, 2018 йилда биринчи навбатда инфляция даражасига монетар омилларнинг олдини олишга қаратилган пул-кредит сиёсатининг катъий курси давом эттирилади. Иқтисодиётнинг кредитларга эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда 2018 йилда пул массаси ўсиши суръатларини 12–14 фоиз даражада ушлаб туриш назарда тутилган. Шу билан бирга ўрта муддатли истикболда инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш учун барча зарур шароитларни шакллантириш бўйича ишлар фаол олиб борилади. Шу мақсадда ХВФнинг техник миссиясини жалб этиш асосида 2018 йилнинг биринчи чорагида «Пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга оширишнинг ўрта муддатли концепцияси»ни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Иккинчидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валюта олди-сотдиси тартибини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, банк операцияларидан фойдаланиш даражасини кенгайтириш бўйича чоралар қўлланилади, жумладан:

а) хорижий валюта олди-сотди операцияларини масофадан туриб ўтказиш механизминини жорий этиш (банкларнинг мобил иловалари орқали миллий ва хорижий валютадаги тўлов карталари ўртасидаги конверсия);

б) мамлакат ичида конверсион тўлов карталаридан нақд хорижий валюта ечиб олишга рухсат бериш ва тегишли банкоматлар тармоғини кўпайтириш.

Учинчидан, нақд пул муомаласини такомиллаштириш вазифалари доирасида муомаладаги банкнотлар тузилмасини оптималлаштириш ишлари давом эттирилади. Миллий валютадан фойдаланишда қулайликни ошириш мақсадида йирикроқ номиналдаги банкнотларни муомалага чиқариш ҳамда майда купюраларни 50, 100, 500 сўмлик янги намунадаги тангаларга алмаштириш ҳамда 200 сўмлик тангаларни чиқариш масаласи кўриб чиқилади.

Тўртинчидан, замонавий банк хизматларини кўрсатишга шароитлар яратиш учун инновацион банк технологияларини жорий этиш фаоллаштирилади, жумладан, «рақамли» банклар фаолияти ташкиллаштирилади, чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмалари, масофадан туриб банк хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, тўлов тизимини янада ривожлантириш йўлга қўйилади.

Бешинчидан, молиявий хизматлар ўрнатилган талабларга мос келиши юзасидан текширишлар ўтказиш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш,

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2017/09/15/uzbekistonda-inflacion-targetlas-tartibi-zorij-etiladi>

уларнинг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари лойиҳаси янги таҳрирда ишлаб чиқилади:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» — миллий иқтисодиётни кенг миқёсда ислоҳ қилиш доирасида пул-кредит сиёсати ва банк назоратини такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олиб;

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» — банклар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлақонли шериклик муносабатларини шакллантириш учун рақобат шароитларини яратиш ва аҳоли ўртасида банк тизимига ишончли шерик сифатида ишонч уйғотиш;

«Валютавий тартибга солиш тўғрисида» — валюта бозорини либераллаштириш бўйича қабул қилинган чоралар таъсири таҳлилдан келиб чиқиб, инвестицион иқлим ва бизнес-муҳитни яхшилашга йўналтирилган валюта сиёсатини такомиллаштириш<sup>1</sup>.

#### **Асосий тушунча ва атамалар**

Пул, пулнинг вазифалари, муомала учун зарур бўлган пул миқдори, пул муомаласи, пул эмиссияси, кредит, кредитнинг турлари, банк кредити. банк, Марказий банк, тижорат банки, банк турлари, монетар сиёсат, монетар воситалар, халқаро кредит.

#### **Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Пул нима ва у қандай вазифаларни ўтайди?
2. Пул муомаласи қонунини тушунтириб беринг.
3. Пул муомаласи давлат томонидан қандай тартибга солинади?
4. Пул эмиссияси нима ва у қандай назорат қилинади?
5. Кредит нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
6. Кредит турларини изоҳлаб беринг.
7. Марказий банк қандай вазифаларни бажаради?
8. Монетар сиёсат нима?
9. Монетар воситалар орқали иқтисодиёт қандай тартибга солинади?
10. Ўзбекистонда пул-кредит воситалар орқали давлат иқтисодиётни қандай тартибга солмоқда?
11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган шароитда Ўзбекистонда банк тизимини янада мустаҳкамлаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?
12. Пул-кредит воситалар орқали давлат иқтисодиётни қандай тартибга солмоқда?

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2018/01/16/markazij-bank-2018-jilda-bazarilisi-rezastirilgan-6ta-asosij-vazifani-malum-kildi>

## **10-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ**

### **10.1. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси, унинг мазмуни ва ижтимоий ривожланишдаги роли**

**Ижтимоий соҳа** – ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаси, унда хилма-хил ижтимоий манфаатлар ва ижтимоий субъектларнинг муносабатлари амалга ошади, шахснинг ижтимоий шаклланиши юз беради; шу билан бир вақтда ижтимоий неъматлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишда банд бўлган кишилар фаолиятининг соҳаси “ижтимоий муносабатлар” маъносидан анча кенг, чунки моддий негиз ва ижтимоий муносабатларни амалга оширувчи кишиларни қамраб олади.


**Ижтимоий соҳа** инсон ҳаётини ташкиллаштириш, ижтимоий истеъмолга бўлган талабларни, жумладан, турар-жой, билим олиш, касб-корликка ва малакага эга бўлиш, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, дам олиш, маданий ва маънавий етук бўлишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга бевосита хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари мажмуидир. Ижтимоий соҳа (сектор) – давлат ва жамоат ташкилотлари (шу жумладан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) ихтиёрида бўлган иқтисодиёт ресурслари мажмуаси бўлиб, иқтисодий муҳим (майдон)нинг шундай қисмики, унда қуйидаги хусусиятлар мужассам бўлади.

1. Иқтисодий фаолиятни айирбошланишини ташкил этишнинг нобозор тури устувор бўлади, бозор амал қилмайди ёки қисман амал қилади;

2. Ижтимоий (жамоат) неъматлар ишлаб чиқарилади, тақсимланади ва истеъмо қилинади;

3. Жамоат (ижтимоий) неъматга талаб ва тақлиф ўртасидан иқтисодий мувозанат давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, кўнгилли-жамоат ташкилотлари томонидан тегишли ижтимоий дастаклар, биринчи навбатда бюджет-молия сиёсати ёрдамида таъминланади.

Ижтимоий соҳа ижтимоий ёрдам, ижтимоий суғурта ва ижтимоий хизматларни ўз ичига олади (10.1.1-расм).



10.1.1-расм. Ижтимоий соҳанинг таркиби.<sup>1</sup>

Ижтимоий ёрдам меҳнатга лаёқатсиз ёки қарамоғида болалар бўлганлиги учун ишлаб олмайдиغانларга ёрдам кўрсатишни ифодалайди. Ижтимоий ёрдам асосан давлат бюджетидан молиялаштирилади ва хайрия, яъни социал трансфертлар ҳисобланади. Ижтимоий ёрдамнинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- ◆ кам таъминланган оилаларга нафақалар;
- ◆ болали оилаларга нафақалар;
- ◆ ногиронларга нафақалар;
- ◆ озиқ-овқат талонлари;
- ◆ уй-жой хўжалигига дотациялар.

Ижтимоий суғурта пенсияга чиқиш, вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотиш ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган иш ҳақини йўқотишларни қоплашни ифодалайди. Ижтимоий суғурта иш ҳақидан ижтимоий ажратмалар ҳисобидан молиялаштирилади ва топилган ҳуқуқ ҳисобланади. Унинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- ◆ пенсия;
- ◆ ишсизлик бўйича нафақа;
- ◆ тиббий суғурта.

Ижтимоий хизматлар соҳаси инсон капиталини шакллантириш ва инвестициялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий хизматлар ўз ичига қуйидаги соҳаларни олади:

- ◆ таълим;
- ◆ соғлиқни сақлаш;
- ◆ маданият, спорт;
- ◆ меҳнат биржаси хизматлари.

Ижтимоий соҳа амал қилишининг мақсади тақсимлаш функцияларини амалга ошириш механизмлари ёрдамида маълум бир минтақа (ҳудудда) инсоннинг ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг ягона ижтимоий-иқтисодий майдонни шакллантиришдан иборатдир. Ижтимоий соҳада иқтисодий фаолият таркиби давлат, ижтимоий, аралаш, хусусий секторлардан иборат.

**Ижтимоий соҳа ривожланиши қуйидагиларга боғлиқ бўлади:**

- ижтимоий харажатлар ҳажми ва таркиби инсон ижодий потенциали аҳамиятининг ошиши, инсон ривожланиши учун харажатларнинг ўсиши;
- ижтимоий иқтисодиёт аралаш секторидаги рақобат ва бозор механизми имкониятларининг кенгайиши. Бу ҳолда ижтимоий харажатлар камайиши учун имкониятлар яратилади;
- давлат мулкни оқилона хусусийлаштириш.

Турли мамлакатлардаги ижтимоий соҳага қилинадиган давлат харажатларидаги фарқлар солиқ юқининг оғирлигига; ижтимоий харажатлар ҳажмига; молиявий сиёсатнинг қатъийлигига; ҳарбий харажатларнинг қисқартирилишига; хусусийлаштириш қўламига боғлиқ.

**Ижтимоий соҳанинг зарурлигини белгиловчи омиллар бозор ва нобозор омилларидан иборат бўлади.** Бозор омиллари унинг камчилик ва салбий жиҳатлари билан ифодаланади. Улар қуйидагилардан иборат:

Хусусий тадбиркорликнинг тақрор ишлаб чиқаришни нормал таъминлай олмаслиги;

Хусусий тадбиркорликнинг жамоат неъматларини ишлаб чиқара олмаслиги;

Рақобатнинг камчиликлари;

Бозор ахборотларини олишнинг қийинлиги;

Ташки эффектлар. Фирмалар фаолиятининг бошқаларга зиён етказиши. Салбий экстерналий.

**Бозор билан боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагилар қиради:**

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

• Давлат бошқарув органларининг ўзаро ва иқтисодийнинг бошқа сектори муассасалари билан иқтисодий вамолиявий алоқа қилишга мажбурлиги;

• Бозор иқтисодиёти институционал асосларини такомиллаштириб бориш зарурлиги;

• Даромадларни қайта тақсимлаш зарурлиги.

Шундай қилиб, иқтисодийнинг ижтимоий соҳаси хусусий тадбиркорлик ва бозорнинг ўз ўзини тартиблаши асосида ҳал қила олмайдиган муаммоларни ҳал қилади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий жароёнларни тартибга солишдаги камчиликлари эса фуқаролик институтлари, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари томонидан тузатилиб, тўлдирилиб борилади. Ижтимоий соҳа иқтисодиётининг ривожланиши иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатга асосланган ижтимоий самарадорликни таъминлайди.

Ижтимоий соҳанинг ривожланганлик даражаси, унинг ҳолати аввалам бор моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги билан боғлиқдир. Бироқ тескари муносабат ҳам мавжуд, яъни ўз навбатида у ишлаб чиқаришни ривожланишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий соҳанинг ривожланганлик даражаси давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий муносабатлар тизими билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирги кунда жамиятнинг ривожланишида ижтимоий соҳанинг роли ошиб бормоқда. Ижтимоий соҳанинг устун даражада ривожланиб бориши ижтимоий соҳада банд бўлганлар улушининг ошиб бориши бунга мисол бўла олади. Жамият ривожланишида инсон омилининг роли муҳим бўлиб, у доим ошиб боради. Иқтисодий ўсишда илмнинг ва соғлиқни сақлашнинг таъсирини ўсиб бориши ҳақида Жаҳон банкининг 1998/1999 йиллар учун «Ривожланишда илмнинг хиссаси» («Знание на службе развития») номи ҳисоботида тўхталиб ўтилади. Ходимларнинг маълумоти, малакасининг ошиши ЯИМ да ушбу омиллар ҳисобига ўсиш улушида намоён бўлади. Масалан, Америка иқтисодчиси Е.Денисон тахминига кўра, 1929–1982 йилларда миллий даромад ўсишининг 14 фоиз маълумот, малакани ошириш ҳисобига 21 фоиз меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилган.

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари унинг манфаатларида намоён бўлади. Жамият, шу жумладан иқтисодиёт ривожланиши учун инсон, жамият, давлат манфаатларининг муштараклигини ҳамда улар ўртасидаги нисбатларнинг уйғунлигини таъминлаш зарурдир. Турли назарияларда бу борада турлича ёндашувлар мавжуддир. Неоклассик назарияда шахс манфаати асосий ва белгиловчи ҳисобланади. В.Парето, А.Бергсон ва П.Самуэльсонлар жамият манфаатини шахслар манфаатларининг мажмуаси

деб таърифлаганлар. Иқтисодий социодинамика назариясига кўра шахс ва жамият манфаатлари комплементар, яъни ўзаро тенг, бир-бирини тўлдирувчи. Бозорда ҳар бир субъект ўз шахсий манфаатини кўзлайди. Жами талаб индивидуал ва ижтимоий нафлилик таъсирида шаклланади. Давлат илмий-тадқиқот фаолиятини, иш ўринларини яратишни, маданиятни, ташқи муҳитни сақлаш ва ривожлантиришни молиялаштириш орқали иқтисодий ўсишнинг социодинамик мультипликаторини яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, жамият ташкилий унсурлари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик қарор топганда ижтимоий адолат, шахс, жамият ва давлат ўртасида мутаносиб муносабатлар ривожланиши учун асос яратилади ва фуқаролик жамияти шаклланади. Жамиятнинг ривожланиш йўналиши, шахс, жамият, давлат манфаатлари уйғунлигининг таъминланиши давлат ривожланиши моделига боғлиқ.

Қўмондонлик-маъмуриятчилик моделида ижтимоий аҳамиятли неъматлар асосан қорточка тизими орқали тақсимланади. Ижтимоий йўналтирилган моделда кенг ижтимоий хизматлар давлат ҳисобидан берилади. Ижтимоий давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланади. Либерал моделда давлат қатъий белгиланган лимитдаги ижтимоий қафолатларни таъминлайди, шахслар ижтимоий неъматларнинг минимумдан юқори қисмини ўз даромади ҳисобига сотиб оладилар. Социогуманитар давлат моделида асосий бойлик инсон бўлиб иқтисодиёт инсонни ҳар томонлама ривожлантиришга бўйсундирилган бўлади, лекин бу моделни амалда рўёбга чиқариш масалалари фанда ҳозирча ишланмаган.

Ижтимоий соҳа ривожланишининг асосий кўрсаткичлари инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши, ҳаёт шароитларининг яхшиланиши, моддий ва ижтимоий фаровонлигининг ошишида ўз ифодасини топади. Бу кўрсаткичларнинг умумлаштирилган ифодаси сифатида инсон потенциал (салоҳияти) ривожланиши индекси қўлланилади. Инсон потенциали ривожланиши индекси (ИПРИ) кутилаётган умр узоклиги, аҳоли жон бошига харид қобилияти паритети бўйича АҚШ долларида ЯИМ ва саводхонлик даражаларининг ўртacha арифметик индекси билан ўлчанади. Жаҳон мамлакатларининг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражалари ушбу индекс билан ҳам ўлчанади. Шунингдек, Ижтимоий соҳанинг ривожланиши аҳоли жон бошига инсон капитали-давлат, корхона, шахс томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларига қилинган аҳоли жон бошига инвестициялар ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичлари билан ўлчанади. Ижтимоий соҳа аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш, инфляцияни қисқартириш, камбағалликни қисқартириш, минтақалараро ижтимоий фарқларни бартараф этиш ва бошқа ижтимоий

дастурларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Ижтимоий дастурларни бажариш инновацион иқтисодиётга ўтиш ва ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўстирилишига боғлиқдир.

#### **10.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазибалари**

**Давлатнинг ижтимоий сиёсат деганда** давлатнинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига бўлган муносабати, ижтимоий инфратузилмалар самарали ва бир маромда амал қилишини таъминлашга қаратилган кундалик давлат фаолияти, ижтимоий аҳамиятга молик вазибаларни бажарилишини таъминланишидаги стратегия ва тактик ёндашув назарда тутилади. Давлатнинг ижтимоий сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати шу соҳадаги бозор ва бозор механизми қондира олмайдиган шундай ижтимоий эҳтиёжлар мавжудлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, бозор пенсия ёшидаги кишиларнинг ижтимоий ҳимоясига, ишсизларга, меҳнат ногиронларига, туғилгандан ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам бериш каби жамият харажатларига бефарқ. Бозор хаттоки аҳоли даромадлари даражасини кескин табақалашувининг ўсишига сабаб бўлади ва мавжуд тарихий маданий кадриятларга бозор бефарқлик билан қарайди.

Бозор ижтимоий барқарорликни таъминламайди. Давлат ижтимоий соҳадаги ишчилар ва предметлар ўртасидаги, меҳнат ва капитал ўртасидаги муаммоларни ҳал этувчиси сифатида чиқади. Буларнинг ҳаммаси, ижтимоий соҳа ва унинг нормал ривожланиши учун тартибга солишнинг бозор механизми билан давлат механизмларини уйғунлаштириш зарур эканлигини келтириб чиқаради. Фақатгина тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини оптимал уйғунлаштириш орқалигина самарали натижаларга эришиш мумкин. Ижтимоий соҳанинг шундай элементлари мавжудки, унда фақат давлат шахсни ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни самарали бошқариши мумкин. Давлат миллатнинг соғлиги учун, малакали кадрларни тайёрлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Аҳолини ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам давлатнинг зиммасидадир. Фақат давлат шахсни ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ харажатларни самарали усуллар билан тартибга солиши мумкин. Ва фақат унинг ёрдами билангина

ижтимоий йўналтирилган бозор тизимини яратиш ва аҳоли даромадлари ўртасидаги юқори табақаланишларни қисқартириш мумкин.

Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари ва шакллари кўпгина омиларга боғлиқ. Улардан: иқтисодий ривожланиш даражаси, ушбу соҳада давлат ва нодавлат секторларининг мутаносиблиги, давлатнинг иқтисодий сиёсати ва бошқалар.

Давлат ижтимоий сиёсати орқали ижтимоий соҳани тартибга солишда асосий қонунчилик актлари, бюджет-кредит ва солиқ шакллари, ижтимоий соҳанинг бир қисмини, яъни давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотларни тўғридан-тўғри бошқариш каби усуллардан фойдаланилади.

Масалан, МДХ мамлакатларида ва шу қатори Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳани тартибга солишнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

- 1) мулкчилик шаклидан қатъий назар ишчилар учун энг кам иш ҳақи даражаси, пенсия, иш кунининг давомийлиги, меҳнат татилининг давомийлиги қонунда белгилаш йўли билан тартибга солиш;
- 2) бюджет ходимлари учун ва давлат ташкилотларидаги ишчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тизими тарифларини ўрнатиш;
- 3) пенсия, нафақалар, стипендиялар даражасини ўрнатиш, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари учун имтиёзлар тизимини ўрнатиш;
- 4) ишчилар учун прогрессив солиқ ставкаларини ўрнатиш;
- 5) ижтимоий соҳа тармоқлари ўртасида давлат бюджети харажатлари энг оптимал пропорциясини ўрнатиш;
- 6) кўпроқ ижтимоий-зарурий маҳсулот ва хизматларнинг юқори нархларини ўрнатиш орқали аҳоли даромадларини тартибга солиш, инфляция жараёнида эса пенсионерлар, давлат ижтимоий соҳа иштирокчилари ишчиларининг даромадларини индексациялаш.

Энг кам иш ҳақининг миқдори иқтисодий ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Масалан, Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида энг кам иш ҳақи анча юқори эканлигини биламиз. Бирок шу ўринда турли нарх даражаларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ғарб мамлакатларида соатбай иш ҳақининг қуйи чегараси соатига 5 доллар ҳисобланади.

Шу қаторда давлат томонидан ўрнатилаган энг кам иш ҳақи даражасидан аҳолини турмуш даражасини таҳлил этишда ва мутлоқ қашшоқлик кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Энг кам иш ҳақи иқтисодий ривожланганлик даражаси ва бандликка ҳам боғлиқдир. **Камбағаллик чегараси, нисбий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳоли** — расмий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳолининг фоизлардаги улушига тааллуқлидир: 1. Кунига 1 АҚШ доллари — 1985 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ

долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган (1993 йилги халқаро нархларда 1,08 АҚШ долларига тенг ёки 2005 йилги халқаро нархларда 1,25 АҚШ долларига тенг). 2. Кунига 2 АҚШ доллари—1985 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган (1993 йилги халқаро нархларда 2,15 АҚШ долларига тенг). Кунига 4 АҚШ доллари—1990 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган<sup>1</sup>.

Ривожланган мамлакатлар қатори марказлашган-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ижтимоий сохани ислохотлар олиб борилмоқда, ижтимоий мақсадларга даромадларни тақсимлаш муносабатлари ўзгармоқда. Асосан пенсия тизимида сезиларли ўзгаришлар ва пенсия ислохотлари олиб борилмоқда. Пенсия ёши ошмоқда, давлат пенсия фонди билан бирга нодавлат пенсия фондлари шаклланоқда. Жамғариб бориладиган пенсия фонди тизими жорий этилмоқда.

Шундай бўлса-да, пенсионерлар сони ошмоқда, пенсия учун ресурсларни ошириш талаб этилмоқда, пенсия ёши узаймоқда. Масалан, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда 65 ёшдан пенсияга чиқиш ҳақида таклифи қўйилмоқда. Энг кўп жон бошига ижтимоий мақсадларда қилинган харажатлар Скандинавия мамлакатларига хосдир. Бу мамлакатларда пенсия фондини шакллантиришни давлат ўз зиммасига олган. Германияда бироз бошқача ёндашув мавжуд. Пенсия фондини яратишни аҳолининг ўзи қабул қилган, яъни унинг ўзи ушбу фондга бадалини олиб бориб бериши лозим. Ижтимоий суғурта фондини шакллантиришда хусусийлаштириш жараёнлари олиб борилмоқда, шу қатори Лотин Америкада ҳам. Бунда тадбиркорлар ижтимоий суғурта фонди бадалларидан озод этилади. Бу фонднинг ресурслари ишчиларнинг бадаллари ҳисобига ва вақти-вақти билан бериладиган давлат ресурслари ҳисобига шаклланади.

Қатор мамлакатларда мутлоқ қашшоқлик кўрсаткичи ўрнида ҳаёт кечириш минимуми кўрсаткичи қабул қилинган. Турли мамлакатларда бу кўрсаткич турличадир. Қашшоқлик жихатини ўртача иш ҳақиға нисбатан фоиз кўринишда аниқлаш мезони кенг тарқалган. Масалан, Болгарияда ҳаёт кечириш минимуми ўртача иш ҳақининг 53-65 фоизга тенг, Чехияда 55-56 фоизга, Полшада 36 фоизга тенг. Келтирилган кўрсаткичдан кам даромадга эга бўлганлар қашшоқлар тоифасига киритилади.

<sup>1</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.-Т.:ABU MATBUOT- KONSALT, 2017.-262-263-бетлар.

### 10.3. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг мақсади, йўналишлари ва ижтимоий соҳада давлат бошқаруви

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар мақсади инсон ва унинг манфаатлари, фаровонлигини таъминлаш ҳамда инсонни ҳар томонлама камолга етказишга қаратилгандир. Бу мақсад биринчи марта 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб номланган собиқ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзланган маърузасида “**биз бутун иқтисодиётни ижтимоий йўналиш бахш этишни, унга инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз**”<sup>1</sup>, – деб баралла айтилган. Ушбу сўзлар билан И.А.Каримов томонидан мамлакат мустақиллиги учун кураш айна қизиган пайтда, истиқболда Ўзбекистонни мустақил тараққий эттиришнинг мақсади қилиб белгилаб берилган.

И.А.Каримов истиқлол арафасида, “Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмапти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни, аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти”<sup>2</sup>, – деб таъкидлаган.

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингандан сўнг аҳоли турмуш даражасини юқори даража таъминлаш, инсон манфаатларини рўёбга чиқариш ва уни ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга эга кучли демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.-205-бет.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011.-167-168-бетлар.

барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширила бошланди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлаб давридаёқ давлат ижтимоий сиёсатининг асослари яратилиб, амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат устувор йўналиш ҳисобланади ва у босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- ◆ Ижтимоий сиёсатни ўтказишда давлатнинг бошқариш функциясига эгаллиги;
- ◆ Ижтимоий ислохотларнинг босқичма-босқичлиги;
- ◆ Аҳолининг яшаш даражасини кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик;
- ◆ Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари маҳаллалар орқали аҳолига аниқ манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- ◆ Ижтимоий ислохотларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- ◆ Аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- ◆ Маҳсулот, хизмат ва уй-жойнинг кучли ички истеъмол бозорини шакллантириш;
- ◆ Аҳолининг тўлов талабларини кенг миқёсда қондириш ва унинг ўсишини таъминлаш;
- ◆ Аҳолининг даромад ва мулкка эгалик даражасининг кескин табақалашувининг олдини олиш;
- ◆ Ижтимоий хизматларга бўлган зарур кафолатни таъминлаш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат ижтимоий сиёсати қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

- ◆ Давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фойдаланишини кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;
- ◆ Давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондини ташкил этиш;
- ◆ Кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;
- ◆ Иш ҳақи ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;
- ◆ Кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;
- ◆ Кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;
- ◆ Болалиқдан ногирон ва бошқа меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- ◆ Талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;
- ◆ Ишсизлик нафақаси;
- ◆ Энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш;
- ◆ Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш;
- ◆ Ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия, спорт ва маданият) моддий базасининг ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.

Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этишга қаратилган. Буни ижтимоий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш орқали таъминлаш мумкин. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланганлик даражаси ижтимоий масалаларнинг қай даражада ҳал этилаётганига боғлиқ. Ижтимоий масалалар мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида иқтисодий ривожланишга таъсир этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида давлат ижтимоий сиёсати ижтимоий ислохотларни давомли амалга ошириб бориш орқали аҳоли турмуш даражасини барқарор ўстириб боришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” вазифалари белгиланган<sup>1</sup>.

#### **10.4. Давлатнинг бандлик сиёсати ва аҳолини иш билан таъминлаш**

Меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир. Меҳнат бозорида меҳнат сотилмайди, ишловчиларнинг меҳнат қилиш қобилияти, меҳнат хизмати сотилади<sup>2</sup>, чунки меҳнат кишиларнинг маълум мақсадга йўналтирилган фаолияти жараёни бўлиб, унда ишчи кучи билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида

<sup>2</sup> Курс экономической теории: Учебник. 4-е доп и перераб изд. Киров : “АСА” 1999, – С.231.




ишлаб чиқариш воситалари қўшилиши натижасида кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маҳсулот яратилади ва хизмат кўрсатилади<sup>1</sup>.

Меҳнат бозоридида ишчи кучини сотиш ва сотиб олиш эркин ходимни ишга ёллаш шаклида намоён бўлади. Ишга ёллаш маълум шартлар, яъни иш кунининг узунлиги, иш шароитлари ва режими, иш ҳақининг миқдори, бажариладиган иш тури, лавозим ва касб мажбуриятлари асосида амалга оширилади. Меҳнат бозори ёлланма ишчи, ходим ва иш берувчи, тадбиркорнинг иқтисодий эркинлигига асосланади. Демак, ишчи кучи меҳнат бозорининг объекти ҳисобланади.

Унинг субъектлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш воситалари эгалари, иш берувчилар ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи уюшмалар (тадбиркорлар уюшмалари);
- ёлланма ишчи, ходимлар, яъни ишчи кучи эгалари ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар, касаба уюшмалари;
- давлат. Давлат ўзининг турли бошқариш органлари орқали иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида восита бўлиб, улар ўртасидаги ишга ёллаш бўйича бўладиган меҳнат муносабатларини тартибга солади.



10.4.1-расм. Меҳнат бозори объекти ва субъектлари<sup>1</sup>

Меҳнат (ишчи кучи) бозори қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишчи кучини замонавий эҳтиёжларга асосан такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қўмаклашиш;

- ишчи кучини иқтисодий тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминлаш;

- ишчи кучининг мобиллиги, яъни ҳаракатчанлигини фаоллаштириш;

- меҳнат унумдорлигини ўстиришга рағбатлантириш;


- меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланиши орқали аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ўстириш.

Меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- демографик омиллар. Улар ўз ичига аҳолининг сони, ўсиш суръати, таркиби, унга иқтисодий фаол аҳолининг улуши ва унинг ҳаракатчанлиги (мобиллиги) қиради;

- ижтимоий омиллар. Улар жумласига аҳолининг турмуш даражаси, жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг ривожланганлик даражаси қиради;

- ташкилий-ҳуқуқий омиллар, улар таркибига тадбиркорлик, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилганлиги ва сифати, амал қилиш самардорлиги; давлат бошқарув органлари ва муассасаларининг меҳнатни ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини ташкил этиш, тартибга солишдаги ролини ифодаловчи омиллар қиради (10.4.2-расм).




10.4.2-Расм. Меҳнат бозорининг вазифалари ва унга таъсир этувчи омиллар

<sup>1</sup> Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодий назарияси. / Маъруза матни/ -Т., 2007, 23-бет.

<sup>1</sup>Муаллифлар томонидан тузилди.


Меҳнат бозори амал қилиш механизмнинг муҳим компонентларига қуйидагилар киради:

- ишчи кучига талаб. У меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг умумий ҳажмини ифодалайди;
- ишчи кучи (меҳнат) таклифи, ишлашни истаётган ишчи кучининг умумий миқдори. Ишчи кучи жинси, ёши, маълумоти, касб-кори, малакаси нуқтаи назардан турли таркибда намоён бўлади;
- ишчи кучи баҳоси ишчи ва ходимларнинг иш ҳақида ифодаланади, иш ҳақи товар қийматининг пулдаги ифодаси, бозор баҳосидир;
- ишчи кучи қиймати. Ишчи кучи қиймати уни тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматлар, хизматлар қиймати билан белгиланади;
- рақобат. Рақобат иш берувчилар ўртасида юқори малакали



10.4.3-расм. Меҳнат бозори таркиби (сегментлари)<sup>1</sup>

ишчи кучини жалб этиш учун олиб борилса, ёлланма ходимлар ўртасида юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари учун рақобат кураши юз беради. Шунингдек, иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида ишга ёлланиш шартлари юзасидан рақобат бўлади (10.4.4-расм).



10.4.4-расм. Меҳнат бозори амал қилиш механизмнинг компонентлари.

Аммо иш ҳақи миқдори ўсганда ишчи кучи таклифи ҳам кўпаяди. Аксинча ҳолатда ишчи кучи таклифи камаёди. Бозор мувозанати ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи маълум мувозанатли иш ҳақи даражасида миқдор ва таркиб жиҳатидан бир-бирларига мувофиқ (тенг) бўлганларида юзага келади. Давлат меҳнат бозорини иқтисодий ва маъмурий воситалар, дастаклар ёрдамида тартибга солиб туради (10.4.5-расм).

Меҳнат муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- ишга ёллашнинг минимал стандартларини қонуний белгилаш;
  - иш вақтининг узунлиги, иш ҳақи, бошқа тўлов ва имтиёзлар;
  - меҳнат шароити ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норма (меъёр)ларни қонуний белгилаш;
  - шахсларни маълум турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига қонуний рухсат бериш ва чеклаш;
  - иш берувчи ва ходимларнинг фаолиятини фуқаролик ҳуқуқи ҳамда меҳнат қонунчилиги асосида тартибга солиш.
- Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш стратегияси қуйидагиларни амалга оширишни кўзда тутди:
- фуқароларнинг меҳнат қилиш, тадбиркорлик, иқтисодий фаолият соҳаси ва турини ҳамда касбни танлаш эркинлиги каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

<sup>1</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.



#### 10.4.5-расм. Мехнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари<sup>1</sup>

- меҳнат фаолияти мотивациясининг кучли механизмини жорий этиш, аҳоли иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароитлар яратиш;
- амалда меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият соҳалари бўйича эркин тақсимланиши ва қайта тақсимланиши учун шароитлар яратиш<sup>1</sup>.

Давлат меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланиши даражасига ҳамда меҳнат, яъни ишчи кучи бозорига фаол ёки пассив таъсир кўрсатади. Пассив таъсир чораларига ишсизлик бўйича турли нафақа ва тўловлар киради. Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга оширишнинг асосий чоралар тадбири эса куйидагилар:

- иш изловчиларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- ишловчи ва ишсизларни ўқитиш, касбга қайта тайёрлаш;
- бевосита иш жойларини яратиш;

<sup>1</sup> Обидов О.О. Меҳнат бозори ва унинг шаклланиши // Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. –Т., “Меҳнат”, 2002. 157-бет.

<sup>1</sup> Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1997 г. –Т., 1998. – С 55-56.

- доимий иш билан бандликни субсидиялаштириш;
- тадбиркорликни, шу жумладан, ўз корхоналарини, ишбилармонлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларни қўллаб-қувватлаш;
- жамоат ишларини ташкил этиш.

Ушбу умумқабул қилинган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда 1992 йил 31 январда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Қонун қабул қилинган бўлиб, унга 1993-1995 йиллар давомида қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. 1996-1998 йилларда қабул қилинган Меҳнат кодекси, “Таълим тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқлаштириш мақсадида 1998 йил 1 майда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучи ортиқчаллиги мавжуд ва ишчи кучи бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга бир қанча қафолатларни назарда тутади. Яъни давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;
- ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланиш;
- мақбул ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам бериш;
- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратиш;
- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитиш, маҳаллий меҳнат органлари ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини ошириш;
- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлаш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини қафолатлайди.

Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2000 йилдаги 72,3 фоиздан 2017 йилда 72,4 фоизга ўсди. Ишсизлик даражаси 5,4 фоиздан 5,8 фоизга ўсди. Шу даврда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 72,0 фоиз дан 76,9 фоизга ошди. Аҳолининг иқтисодий нофаоллик даражаси 25,5 фоиздан 23,1 фоизга тушди (қаранг: 10.4.1-жадвал).

10.4.1-жадвал.

**Меҳнат бозорининг асосий индикаторлари(йиллик ўртача)<sup>1</sup>.**

Кўрсаткичлар	2000й	2010й	2015й	2017й
Меҳнат ресурслари, минг киши	12594,0	16504,2	17663,1	18672,5
Иктисодий фаол аҳоли сони, минг киши	9018,4	12286,6	12850,1	14357,3
Аҳолининг иктисодий фаоли даражаси, фоизда	72,3	70,7	70,0	76,9
Иктисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	8983,0	11628,4	12223,8	13520,3
Бандлик даражаси, фоизда	72,0	66,9	66,6	72,4
Ишсизлар сони, минг киши	658,2	658,2	626,3	837,0
Ишсизлик даражаси, фоизда	5,4	5,4	4,9	5,8
Иктисодий нофаол аҳоли, минг киши	3575,6	4439,4	4714,2	4315,2
Иктисодий нофаолик (пассивлик) даражаси, фоизда	27,7	25,5	25,7	23,1

Иктисодиётда иш билан банд меҳнат ресурслари иктисодиёт тармоқлари таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, саноатда банд бўлганларнинг улуши 2010-2017йилларда 13,8 фоиз дан 13,6фоиз га тушиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд бўлганлар улуши эса 26,8 фоиз дан 27,3фоиз га кўтарилди. Қурилиш ҳамда ташиш ва сақлаш, савдода банд бўлганларнинг улуши ошди. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида иш билан бандларнинг иктисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улушлари таҳлил даврида пасайиш тенденциясига эга бўлди (10.4.2-жадвал).

10.4.2-жадвал.

**Иктисодиёт тармоқлари бўйича банд аҳоли сони (фоизда)<sup>2</sup>**

Тармоқлар	2010й	2015й	2016й	2017й
Иктисодиётда жами бандлар	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан тармоқларда:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	26,8	27,6	27,4	27,3
Саноат	13,8	13,6	13,6	13,5

<sup>1</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам.-Т., 2014.-43-бет.; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т.: Ўз Р Давлат статистика қўмитаси, 2017.-52-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.155, 156 маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам.-Т., 2014.-47-бет; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т.: Ўз Р Давлат статистика қўмитаси, 2017.-52-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.155, 156 маълумотлари асосида тузилди.

Қурилиш	8,9	9,3	9,5	9,5
Савдо	10,6	10,8	10,9	11,0
Ташиш ва сақлаш	4,4	4,7	4,8	4,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,1	2,3	2,3	2,3
Ахборот ва алоқа	0,5	0,5	0,5	0,5
Молия ва сугурта фаолияти	0,6	0,5	0,5	0,5
Таълим	9,5	8,5	8,3	8,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5,1	4,6	4,5	4,5
санъат,кўнгили очиш ва дам олиш	0,6	0,5	0,5	0,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	17,1	17,1	17,3	17,4

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ресурсларининг 24,5 фоизини иктисодий нофаол аҳоли, ишсизлик даражасининг 5,8 фоизга яқинни ташкил этиши меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш борасида фойдаланилмаётган захиралар ҳамда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шу боисдан меҳнат ресурсларидан тўлиқ, оқилона ва самарали фойдаланиш омилларидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни (Қонуннинг 7-моддасида белгиланган) ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ва айрим турдаги ишларни (касбларни) эҳтиёт тарикасида сақлаб туриш, меҳнат бозоридagi ахвол барқарорлашувига кўмаклашувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

- Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш;
- Яқка тадбиркорликни ривожлантириш;
- Касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;
- Ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- Фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш;
- Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштиришдан иборатдир.

**Меҳнат бозоридa аҳоли бандлигини таъминлаш борасидagi вазифалар эса қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:**

- Ёшлар, аёллар ва бошқа тоифадаги ишсизларни аниқ рўйхатини олиш Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш

- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш;
- Касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш;
- Ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш;
- Бўш иш ўринлари ва иш қидирувчилар ҳақидаги янгилаш турувчи электрон маълумотлар банки имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- Рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш.

Меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаларининг иш билан бандлигини таъминлаш чоралари (иш ўринларини захира қилиш ва бошқа аниқ чоралар) ни амалга ошириш бандлик сиёсатининг муҳим вазифаларидан иборадир. Эндиликда, янги иш ўринларини яратишга реал ёндашув ишлаб чиқилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

#### **10.5. Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши**

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий объектлари қуйидагилар: даромадлар, иш ҳақи минимуми; бандлик, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; солиқлар, нархлар; ижтимоий кафолатлар, ижтимоий муносабатлар (шу жумладан, иш берувчи ва ёланиб ишловчилар ўртасидаги муносабатлар), ижтимоий таъминот; ҳуқуқий таъминот (хавфсизлик, ҳаёт, мулк ва жамғармаларни ҳимоялаш).

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг бош мақсади даромадларни давлат бюджети орқали қайта тақсимлашдан иборатдир. Шу билан бирга, кам таъминланганларнинг даромадларини ошириш, уларнинг ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омилларининг турлича экани туфайли юзага келган диспропорцияни бартараф этиш, иш билан бандликни тартибга солиш ва ижтимоий тангликнинг олдини олиш каби муаммолар ҳам ҳал этилади. Қўрилаётган доирада давлатнинг фаоллиги марказий ва маҳаллий бюджетдан қилинган ижтимоий харажатлар ҳажми билан ўлчанади. Миллий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

даромадни қайта тақсимлашда давлатнинг имкониятлари бюджет тушумлари билан чекланади.

Даромадлар сиёсати конституция ва унга тенглаштирилган қонуний ҳужжатларда белгиланган маълум тамойиллар асосида юритилади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий адолат;
- ижтимоий ҳамкорлик ва аҳоли барча қатламларининг бирдамлиги;
- ўз моддий аҳоли учун шахсий масъулият;
- меҳнат ҳуқуқи ва уни муносиб рағбатлантириш;
- касба уюшмалари ҳуқуқи;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва бошқалар.

Маълумки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг юқори шакли иқтисодий дастурлашдир. Унинг вазифаси иқтисодий сиёсатнинг барча элементларидан глобал мақсадларда ҳар томонлама фойдаланишдир. Бундай дастурларнинг объектлари сифатида тармоқлар, ҳудудлар, ижтимоий соҳа, илмий тадқиқотларнинг турли йўналишлари ва шу қабила танлаб олиниши мумкин. Мазкур дастурларнинг барчаси (бевосита ва билвосита) аҳоли даромадларига боғлиқ ва уларга таъсир кўрсатади.

Давлатнинг даромадлар сиёсатида ёлланма ишчиларни ҳимоя қилиш воситаларидан бири сифатида энг кам иш ҳақини белгилаш ҳисобланади. Энг кам миқдордаги иш ҳақи иш кучининг жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаб қолмасдан, шу билан бирга унинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаши ва ривожлантириши учун у истеъмол саватчасига мувофиқ келиши лозим, бу саватча энг зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар турини ўз ичига олади. Ўзбекистонда давлат томонидан белгиланаётган энг кам иш ҳақи миқдори ҳозирги вақтда истеъмол саватчасига мувофиқ эмас. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси” тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратишимиз лозим. Айни вақтда аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича ҳам амалий чоралар қўрилади”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

ўсишининг ижобий динамикаси вужудга кела бошлади (қаранг: 10.5.1-жадвал).

10.5.2-жадвал

10.5.1-жадвал.

**Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келган пул даромадлари, иш ҳақи ва пенсияларнинг 2000–2017 йилларда ўсиши динамикаси<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2016	2017
I. Аҳоли жон бошига даромадлар, жами, минг сўмда	96,4	371,8	1668,1	4565,2	5750,2
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	124,7	117,4	120,1	110,0	110,3
II. Ўртача йиллик ҳисобланган иш ҳақи, минг сўмда	13,5	81,5	504,8	1293,8	1453,2
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	146,0	138,7	129,4	110,4	112,3
III. Ўртача белгиланган пенсия миқдори, минг сўмда	7,4	31,7	171,9	494,2	567,3
Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш, фоизда	152,0	143,5	125,9	112,8	114,8

Ушбу жадвал маълумотлари кейинги йилларда ҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар миқдорининг ўсиш суръатларининг пасайганлигини кўрсатмоқда. Аммо таҳлил даврида, яъни 2016 йилда 2000 йилнинг мос даври даражасига нисбатан ўртача аҳоли жон бошига даромадларнинг ҳақиқий ўсиши 11,7 мартани, ўртача иш ҳақининг ҳақиқий ўсиши 23,6 мартани ва пенсия миқдорининг ҳақиқий ўсиши 18,1 мартани ташкил этди<sup>2</sup>.

Аҳолининг даромадлар таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши 2010–2017 йилларда 45,0 фоиздан 34,3 фоизга камайди, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши 25,0 фоиздан 34,5 фоизга ўсди (10.5.2-жадвал).

<sup>1</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.:Госком стат РУз., 2018.-С.158, 164, 166.маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz

**Аҳолининг умумий даромади таркиби (фоиз да)<sup>1</sup>**

	2010	2015	2016	2017
Умумий даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
Бирламчи даромадлар	74,2	78,2	79,7	75,2
Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,8	75,1	75,7	71,0
Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар	70,0	72,8	73,3	68,8
Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	45,0	41,2	38,9	34,3
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	25,0	31,6	34,4	34,5
Шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,8	2,3	2,4	2,2
Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,4	3,1	4,0	4,2
Трансфертлардан олинган даромадлар	25,8	21,8	20,3	24,8
Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	47,1	52,4	55,2	

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан, мулки ва мустақил равишда бандликдан олинган даромадлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг оқибатида ўрта синф кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда аҳоли гуруҳлари даромадларининг тенг тақсимланишини ифодаловчи Жини коэффициенти 2000 йилдаги 0,39 дан 2016 йилда 0,26 га пасайди. Шунингдек, 2000–2016 йилларда дециль коэффициенти 21,1 дан 6,4 гача, квинтиль коэффициенти эса 9,9 дан 4,1 гача камайди. Бу кўрсаткичлар аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши даражасининг жиддий равишда камайганлигини билдиради.

Аҳоли даромадларининг ўсиши истеъмол харажатларининг ҳам ўсишига олиб келди. Аҳолининг харажатлар таркибида озик-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши камайиб, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун харажатлар ҳиссаси ўсиб бормоқда (қаранг: 10.5.3-жадвал).

<sup>1</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.- Т.: ЎзР Давлат статистика кўмитаси, 2017.-56-бет; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.:Госком стат РУз., 2018.-С.162 маълумотлари асосида тузилди.

## 10.5.3-жадвал

**Аҳоли умумий харажатлари таркиби (фоиз да)<sup>1</sup>**

	2000й	2005й	2010й	2016й
<b>Жами истеъмол харажатлари</b>	100	100	100	100
Шу жумладан,				
Озиқ-овқат маҳсулотлари учун	61,4	58,2	53,2	47,3
Ноозик-овқат маҳсулотлари учун	25,8	25,7	26,9	32,3
Хизматлар учун тўловлар	12,8	16,1	19,9	20,4

Аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошганлиги туфайли сўнги йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми ўсиб бормоқда. 2000–2016 йилларда аҳоли жон бошига истеъмол ҳажми гўшт ва гўшт маҳсулотлари бўйича 1,3 мартага, сут ва сут маҳсулотлари 1,7 мартага, тухум 4,5 мартага, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 2,2 мартага, картошка 1,6 мартага, шакар (кондитер маҳсулотларини қўшиб ҳисоблаганда) 2 мартага, мава ва резаворлар 3,5 мартага, ўсимлик ёғи 2 мартага ўсган (қаранг: 10.5.4-жадвал).

## 10.5.4-жадвал.

**Ўзбекистонда 2000-2016 йилларда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли динамикаси (килограммларда)<sup>2</sup>**

Маҳсулотлар номи	2000й.	2005й.	2010й.	2016й	2016йилда 2000 йилга нисбатан фоизда
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	34,0	35,2	38,0	44,4	130,5
Сут ва сут маҳсулотлари	162,0	187,6	239,0	279,6	172,6
Тухум, дона	47,0	84,0	138,0	213,6	454,5
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	128,0	179,2	238,0	277,6	216,8
Картошка	36,0	38,2	45,0	56,4	156,7
Мева ва резаворлар	42,0	66,1	83,0	148,8	354,2
Шакар, кондитер маҳсулотлари билан бирга	16,0	16,0	17,0	32,4	202,5
Ўсимлик ёғи	12,0	12,5	13,0	24,0	200,0

<sup>1</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

Мамлакатимизда 2000–2016 йилларда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан таъминланганлиги даражаси ўсиб бормоқда. Бу товарларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, 2016 йилда ҳар 100 уй хўжалиги ҳисобига 43 та автомобиль, 153 та телевизорлар тўғри келмоқда ва бу миқдор 2000 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошди (қаранг: 10.5.5-жадвал).

## 10.5.5-жадвал.

**Ўзбекистонда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлиги (ҳар 100 уй хўжалиги ҳисобига)<sup>1</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2016 й.	2016 йилда 2000 йилга нисбатан фоизда
Енгил автомобиллар	21	22	27	43	204,7
телевизорлар	88	109	132	153	173,8
Музлатгич ва совутгичлар	86	91	99	102	118,6
Кондиционерлар	11	14	19	34	309,1
Электрчангюткичлар	30	33	37	54	180,0
Кир ювиш машиналари	69	71	75	80	115,9
Шахсий компьютерлар	0,2	5	12	49	245 м.
Мобиль телефонлар	18	79	145	246	13,7 м.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида** аҳоли бандлиги ва реал даромадларини қуйидаги йўналишларда изчил ошириш кўзда тутилган:

- аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

- бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;

- янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

<sup>1</sup> АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тadbиркорлик фаоллигини тўлиқ тўлиқ амалга учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш<sup>1</sup>.

#### 10.6. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш

Ижтимоий жихатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини ижтимоий йўналтириш зарурияти, албатта, инсон манфаатидан келиб чиқади. Бозорнинг шундай оқибатлари борки, бунда маълум тоифа ҳимояга муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам цивилизация ижтимоий ҳимоя тизимини талаб қилади.

Ижтимоий ҳимоялашдаги муҳим масала аҳолини бозор баҳосининг тез ўсиши, инфляция таъсиридан ҳимоя этиш ва бунинг олдини олиш билан боғлиқдир. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида моллар нархининг кўтарилиши тўхтатиб бўлмайдиган ҳолатдир. Бунда ойлик иш ҳақи ва белгиланган даромадга эга бўлганларни ўсиб бораётган товарлар ва хизматлар нархининг салбий таъсиридан муҳофаза этиш йирик ижтимоий муаммодир. Айниқса, нафақахўрлар, талабалар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлади.

Бунда вақти-вақти билан маош, стипендия, нафақалар миқдорини бир оз ошириш масалани ҳал қилмайди. Шунинг учун индексация усулини қўллаш юз берадиган оғирликни бироз юмшатиб, турмуш даражасига бўлган оғир таъсирни енгиллаштиради. Чунки қабул қилинадиган индекслар туфайли даромад нарх-наво даражасига қараб ўзгариб туради ҳамда кўтарилаётган баҳолар келтирадиган зарарларнинг асосий қисмини қоплаб боради.

Бундан ташқари, бозор нархларидан ҳимоя қилишда таъминотнинг алоҳида усулларини қўллаш аҳволни юмшатишга ёрдам беради. Масалан, аҳолининг айрим табақалари учун махсус таъминот тайинлаш ёки вақти-вақти билан озиқ-овқат ва саноат моллари тарқатиш каби усуллардан ривожланган мамлакатларда фойдаланилади.

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 2017 йил 7 февраль, 1-илова.

Ижтимоий ҳимоя юқорида қайд қилинган усуллар билан чегараланмайди, шароитга қараб аниқ шаклларни топиб, уларни қўллаб боради. Айниқса, кам даромадлиларни бозорнинг салбий таъсиридан асраш ва турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик давлатнинг муҳим вазифасидир. Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилишга бешта муҳим тамойилни асос қилиб олинганди. Улардан бири демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Давлат ижтимоий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдаланишини кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;
- давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондини ташкил этиш;
- кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;
- иш ҳақи ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;
- кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;
- кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;
- болалардан ногирон ва бошқа меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;
- ишсизлик нафақаси;
- энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳосидаги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш;
- ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия, спорт ва маданият) моддий базасини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.

Эндиликда кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, ишончли, аниқ манзилли, яъни шунга муҳтож аҳоли гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилади.

Бунинг учун аҳоли даромадлари ва меҳнат ҳақларининг фаол иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришдаги ролини ошириш лозим бўлади. Шунингдек, аҳолининг оқилона, самарали иш билан бандлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг аниқ секторида янги иш



ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратузилмалари, шу жумладан, меҳнат биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш лозим бўлади. Кам таъминланган аҳолини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун, авваламбор, аниқ эҳтиёжлардан ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер хўжалиklarини ташкил этишлари учун шароитлар яратиш керак бўлади.

Давлат турли солиқ, кредит имтиёзлари тизимини яратиш орқали фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик субъектларининг ҳомийлик, хайрия ишларига маблағлар ажратишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимоя тизимида меҳнат жамоалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Меҳнат жамоалари ўз ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ◆ Меҳнат жамоаси томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий шароитларнинг яратилиши;
- ◆ иқтисодий аҳволи ночор ходимларга вақтинчалик ёрдам кўрсатиш;
- ◆ яхши ишлаган ходимларга турли имтиёзлар яратиш;
- ◆ ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш;
- ◆ ходимларни имтиёзли асосда уй–жой билан таъминлаш;
- ◆ ходимларнинг малакасини ошириш, янги ихтисосликка ўқитиш билан боғлиқ харажатлар;
- ◆ корхона ходимларнинг соғлигини мустаҳкамлаш:
  - а) тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш ёки тиббий суғурта қилиш;
  - б) оғир меҳнат шароитда ишлайдиганларга турли имтиёзлар яратиш;
  - в) ходимларнинг дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қилиш.

Эндиликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, унинг самарасини оширишнинг қуйидаги муҳим вазифаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

- ◆ Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш асосида барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш;
- ◆ давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб қилиш;
- ◆ одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла–тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш;

- ◆ хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш;
- ◆ аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасида асосиз катта фарқларга йўл қўймастик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш;
- ◆ камбағалликка, кашшоқликка қарши кураш. Аҳолининг энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб–қувватланишини кучайтириш.

## 10.7. Ижтимоий хизматлар соҳаларининг ривожланиши

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакатда туб ижтимоий ислохотларни амалга оширишга ва ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришишга замин яратди.

1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда таълим тизимида ислохотлар амалга оширила бошланди. 1997–2010 йилларда кенг миқёсда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилди. Ушбу дастур доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, касб–хунар таълимига босқичма-босқич ўтилди.

Таълим тизимининг бошланғич бўғини мактабгача таълим ҳисобланиб, 2016 йилда унга 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг жалб қилинганлик даражаси шу ёшдаги болаларнинг 23,8 фоиз ни ташкил этади. 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра мактабгача таълим муассасалари сони 3065 тани ташкил этди, уларда 690975 болалар тарбияланмоқда. Бу муассасаларда ишлаётган педагогик кадрлар сони 59688 кишини, улардан 21,9 фоиз – олий маълумотли, 76,4 фоиз – ўрта махсус маълумотлиларни ташкил этади<sup>1</sup>. Мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилди. Ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, яқин 3–4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш вазифаси белгиланган<sup>2</sup>.

2016/2017 ўқув йилида 9719 та умумтаълим мактабларида 4825,0 минг нафар ўқувчилар таҳсил олдилар, улардан 2252,9 минг нафари кишлоқ жойлардаги 6015 умумтаълим мактабларида ўқидилар. Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.

<sup>1</sup> Статистика образования.//stat.uz

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиса мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди<sup>1</sup>.

Республикада академик лицейлар сони 2000 йилдаги 46 тадан 2016 йилда 144 тага, касб хунар коллежлари сони эса мос равишда 241 тадан 1422 тага етди. 2016 йилда академик лицейлардаги ўқувчилар сони 101339 кишини ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 10 баробарга ўсди. Касб-хунар коллежларида ўқувчилар сони 2016 йилда 1358064 нафарни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 23 баробар кўпдир<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимида сифат ва миқдор жихатдан туб ислохотлар юз бермоқда. Агар 1991 йилда олий таълим муассасаларининг сони 52 та бўлган бўлса, 2016 йилда уларнинг сони 70 тани ташкил этди (10.7.1-жадвал).

10.7.1-жадвал

**Олий таълимнинг асосий кўрсаткичлари (1991–2016 йиллар)<sup>3</sup>**

Йил	Олий таълим муассасаларининг сони	Талабалар сони (минг киши)	Профессор-ўқитувчилар сони (минг киши)	Бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони
1991 й.	52	340,9	...	...
1995 й.	58	192,1	19,9	9,6
2000 й.	61	183,6	18,4	10,0
2005 й.	62	278,7	23,1	12,1
2010 й.	65	274,5	23,0	11,9
2016 й.	70	268,3	24,0	11,2

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

<sup>2</sup> Статистика образования // stat.uz

<sup>3</sup> Статистика образования // stat.uz

Мамлакатимизда 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига 72 та (олий ҳарбий таълим муассасаларидан ташқари) олий таълим муассасалари, шу жумладан, 4 та академия, 27 та университет ва уларнинг 19 та филиали, 7 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари ҳамда 4 та олий диний таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари фаолият кўрсатди. 2017/2018 ўқув йилида бакалаврият бўлимида 288471 нафар талаба таҳсил олмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда 2017 йилда янги таълим муассасаларини куриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва курилди, 195 та боғча капитал таъмирланди<sup>2</sup>.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар қаторида Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассасаларида иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди<sup>3</sup>.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида** Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар белгиланган:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш асосида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

- таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

- мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

<sup>1</sup> Статистика образования // stat.uz

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

- болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъатга жалб қилишни кучайтириш;

- касб-хунар коллежлари ўқувчиларини тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида 1998 йилда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Оналар ва болалар скрининги (1998 й.), Соғлом авлод (2000 й.), Оналик ва болаликни сақлаш (2001 й.), Ҳомийлар ва шифокорлар йили (2006 й.), Ёшлар йили (2008 й.), Баркамол авлод йили (2010 й.), Мустаҳкам оила йили (2012 й.), Обод турмуш йили каби давлат дастурлари, Саломатлик дастурлари, шунингдек, аёллар ва ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар қабул қилиниб, амалга оширилди ва амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида кўп сарф-харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият берилмоқда. Қишлоқ жойларда яхши самара бермаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди. Республикаимизда барча вилоят, шаҳар, туманларини қамраб олган шошилинч тиббий ёрдам ташкил этиш тизими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилди.

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистанда 6542 амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритмоқда. Уларнинг сони 1991 йилга (3027) нисбатан 2 баробардан зиёдга ўсди. Касалхоналар сони эса 1991 йилдаги 1388 тадан 2016 йилда 1106 тага камайди. 2016 йилда амбулатория-поликлиника муассасаларининг қувватини 1991 йилдагига нисбатан 46фоизга ошди. Агар 1991 йилда амбулатория-поликлиника муассасалари бир сменада 282,2 минг кишини қабул қилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 411,9 минг кишига етди. Самарасиз касалхона қойқаларини

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 7февраль. 1-илова.

окилонлаштириш натижасида уларнинг сони 1991 йилдагига нисбатан 49 фоизга, ҳар 10000 киши ҳисобига эса 67 фоизга қисқарди. Таҳлил даврида врачлар сони 75 минг нафардан 84,1 кишига, яъни 12 фоизга, ўрта тиббиёт ходимлар сони эса 242,2 минг кишидан 341,3 минг кишига, яъни 41 фоизга кўпайди<sup>1</sup>.

Бунинг натижасида кўплаб хавfli касалликлар билан оғриш ҳолатлари, энг муҳими оналар ва гўдақлар ўлими камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида куйидаги йўналишлар белгиланган:**

- соғлиқни сақлаш соҳасини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенг амалга ошириш;

- пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш;

- аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш<sup>2</sup>.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **инсон саломатлигини муҳофаза қилиш** борасида куйидаги вазифаларни амалга ошириш вазифаларини белгилаб берди:

<sup>1</sup> Система здравоохранения в Республике Узбекистан// stat. uz

<sup>2</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 7февраль. 1-илова.

- масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайдиган “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббий ахборот маркази” концепцияларини ўз шароитимизга мослаштириб татбиқ этиш;

- хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва чет эллик мутахассислар мамлакатимизда доимий фаолият юритишини таъминлаш;

- аҳолини дори-дармон билан таъминлаш. Яқин вақт ичида аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона қурилиб, ишга тушириш;

- она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш. 2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади.

- қишлоқ врачлик пунктларида касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида уй-жой коммунал хўжалик соҳаси ҳам ривож топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган “Кичик” хусусийлаштириш натижасида 96 фойздан зиёд оила илгари давлат тасарруфида бўлган уй-жойларни шахсий мулк қилиб олишди.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси 1990 йилда ҳар бир кишига 12,1 квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 15,2 квадрат метрга етди ёки 1,26 баробар ортди. Республикадаги оилаларнинг қарийб 77,4 фоизи алоҳида уй ва коттежларда истиқомат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ аҳолиси турмиш шароитларини яхшилаш, уларни шаҳар ҳаёт шароитларга яқинлаштириш мақсадида кейинги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур амалга оширилмоқда. 2017 йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақам 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуриш бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир<sup>1</sup>.

Ижтимоий соҳанинг ривожланиши кўп жихатдан уни молиялаштиришга боғлиқдир. Ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг ярмидан ортиги ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Аҳоли ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий соҳанинг истиқболдаги ривожлантирилиши макроиктисодий барқарорликни ва изгил юқори иқтисодий ўсиши суръатларини таъминлаш, иқтисодий таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологик янгилаш асосида мамлакатимиз иқтисодийнинг рақобатдошлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

### Асосий тушунча ва атамалар

Ижтимоий соҳа, ижтимоий-маданий мақсадларга давлат харажатлари, аҳолини ижтимоий ҳимоясига харажатлар, ҳаёт кечириш минимуми, энг кам иш ҳақи, юқори нарх, энг кам пенсия, соғлиқни сақлашга харажатлар, қашшоқлик.

### Мустақамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий соҳанинг қайси элементларининг ривожланишига фақатгина давлат самарали таъсир эта олиши мумкин?
2. Давлат ижтимоий сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
3. Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати нималар билан боғлиқ?
4. Жамият ривожланишида инсон омили ролининг оиши нималарга боғлиқ?
5. Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
6. Давлатнинг бандлик сиёсатининг мақсади ва амалга ошириш йўналишларини тушунтириб беринг?

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

7. Мехнат бозори нима ва унинг асоайи элементлари нималардан иборат?
8. Мехнат бозори давлат томонидан қандай тартибга солинади?
9. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда ишсизликнинг ўсиб бориши сабабларини изоҳлаб беринг.
10. Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
11. Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш борасида нималар амалга оширилмоқда?
12. Давлатнинг даромадлар сиёсатинингмазмунини тушунтириб беринг.
13. Давлат аҳоли даромадларини ошириш бўйича қандай сиёсат юритмоқда?
14. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ўсиши тенденцияларини изоҳлаб беринг.
15. Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.
16. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизми ва самарадорлигини тушунтириб беринг.

## **11-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ**

### **11.1. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти, таркибий элементлари**

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарты ёки омили, кўрсаткичи иқтисодий хавфсизликдир. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг мазмуни иқтисодга оид илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Бир гуруҳ олимлар мазкур иқтисодий тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли мудофаа салоҳиятини, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг ҳолати сифатида таърифлайдилар<sup>1</sup>. Шунингдек, уни ҳокимият институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишга қодирлиги ва тайёрлиги деб ҳам талқин қиладилар<sup>2</sup>.

Иккинчи гуруҳ олимлар мазкур тушунчани халқнинг мустақил равишда ташқи кучларнинг аралашувисиз ва таъйикисиз ўз иқтисодий тараққиёт йўли ва шаклларини белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида тавсифлайдилар<sup>3</sup>.

Учинчи гуруҳ олимлар эса “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга қодирлиги деб таърифлайдилар<sup>4</sup>.

Тўртинчи гуруҳ олимлар эса мазкур тушунчани иқтисодиётнинг прогрессив ривожланиши ва нормал даражада амал қилишининг муҳим шарты, иқтисодиёт соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланишидеб тавсифлайдилар.

Таниқли рус иқтисодчиси Л.И.Абалкин ушбу тушунча моҳиятини очиб берувчи уч элементни кўрсатиб берган:

-иқтисодий мустақиллик. Ҳозирги жаҳон хўжалиги шароитида иқтисодий мустақиллик абсолют ҳарактерга эга эмас, чунки халқаро меҳнат тақсмоти миллий иқтисодиётларни бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб қўяди;

<sup>1</sup> Экономическая безопасность. Производство, финансы, банки. -М., ЗАО «Финстатинформ», 1998.- с.12.


<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Жандаров А.М., Петров А.А. Экономическая безопасность России: определения гипотезы, расчеты.// Безопасность. 1994, №3 -с.8.

<sup>4</sup>Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. №12, 1994.

- миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги. Бу шаклидан қатъи назар мулкчиликнинг ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик фаоллиги учун ишончли шароит ва кафолатларнинг яратилиши, мамлакатдаги ҳолатнинг ёмонлашуви, бекарорликка олиб келувчи омилларнинг жиловланишини тақозо этади;

- ўз-ўзидан ривожланишга ва тараққий этишга қодирлиги. Бу эса инвестициялар ва инновация учун қулай муҳитнинг яратилиши, ишлаб чиқаришнинг мунтазам модернизациялашуви, янгиланиши ва такомиллашиб бориши ҳамда ходимларнинг билим, касб-малака, умумий маданий даражаларининг ўсиб бориши миллий иқтисодий барқарорлиги ва мавжудлигининг зарурий шартига айланишини ифодалайди<sup>1</sup>.



11.1.1-расм. Иқтисодий хавфсизлик мазмуни

Е.Бухвальд эса хавфсизлик тизимдаги объектнинг ички ва ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида яшай олиш ва ривожланиш қобилиятига эгаллик ва кўзда тутилмаган, аниқланиши қийин бўлган ноҳуш омиллар таъсирига бардошлилик ҳолатини ифодалайди (11.1.2-расм).



11.1.2-расм. Ривожланиш, барқарорлик ва хавфсизлик тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги

Илмий иқтисодий адабиётларда ушбу таъриф энг тўғри таъриф сифатида эътироф этилмоқда<sup>1</sup>. Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиётнинг турли субъектларига тегишли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: алоҳида фуқаролар; хусусий тадбиркорлик, бизнес; давлат корхоналари; миллий иқтисодиёт; давлат.

Ички иқтисодий соҳаларда хавфсизлик табиий, техникавий-иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макроиқтисодий ривожланишнинг бошқа омиллари, шунингдек, турли бекарорлик, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир.

Ташқи иқтисодий соҳада хавфсизлик мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, миллий валютасининг барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволи билан тавсифланади.


Ўтиш, яъни транзит иқтисодиётига эга бўлган, бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Уларда, шу жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатнинг геополитик ҳолатини, унинг ҳозирги замон жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини тубдан ўзгартириб юборади.

Турли иқтисодий таҳдидлар, ноҳуш ҳолатлар оқибатида қўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган харажатларни прогноз қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида фавқулодда ҳолатлар оқибатида қўриладиган зарарларни қоплаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга йўналтирилган ресурсларни баҳолаш ва ўз вақтида шакллантириш учун имконият яратилади. Шунга боғлиқ равишда “компенсацион ресурслар” ва “компенсацион салоҳият” (потенциал) тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиш лозим бўлади.

Компенсацион ресурслар ўз мазмунига кўра суғурта, захира, резерв ресурсларини англатади. Компенсацион салоҳият (потенциал) мамлакат иқтисодиётининг танглик, ноҳуш ҳолатларга қайишқоқлигини, унинг олдини олиш ва уни енгиб ўта олиш, хўжалик жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини тиклай олиш қобилиятини англатади. Компенсацион салоҳият миллий иқтисодиётнинг, халқ хўжалигининг бирон-бир сектори ёки бирон-бир йирик ҳудудда ноҳушликлар вужудга келганида уларни тиклай олишга қодирлигини ифодалайди (11.1.3-расм).

<sup>1</sup> Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы // Транзитная экономика, 1998. – с.3. 204

<sup>1</sup> Спанов М. Экономическая безопасность: сущность, критерии, формы. // Транзитная экономика, 1998. №4.- с.4. 205



### 11.1.3-Расм. Компенсация салоҳияти компонентлари

Мамлакат иқтисодий тизимининг турли даражаларидаги иқтисодий муносабатлар иқтисодий хавфсизлик объектлари ҳисобланади;

- макроиқтисодий даражадаги мамлакат иқтисодиёти;
- ҳудудий ва тармоқ даражасидаги ҳудуд ва тармоқ иқтисодиёти;
- оила ва шахс даражасидаги мамлакат фуқаролари ҳар бирининг иқтисодий манфаатлари. Хулоса қилиб, кенг маънода иқтисодий хавфсизликни миллий иқтисодиётнинг самарали, динамик ўсишига, унинг жамият, давлат, шахс эҳтиёжларини қондиришнинг, ташқи бозорда рақобатга бардошлилигини таъминловчи, турли таҳдид ва йўқотишлардан кафолатловчи ички ва ташқи шароитлар йиғиндиси деб таърифлаш мумкин бўлади.


### 11.2. Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари ва кўрсаткичлари

Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари унинг субъектлари ва объектлари нуктаи назаридан туркумлаш мумкин.

Иқтисодиёт субъектлари нуктаи назаридан иқтисодий хавфсизлик куйидаги шаклларда намоён бўлади:

- шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;
- корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги;
- давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги (11.2.1-чизма).

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги унинг ҳаётий манфаатларининг, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда ва меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг ҳимояланганлигини ифодалайди.



### 11.2.1-расм. Иқтисодиёт субъектларининг хавфсизлиги


Корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилганда уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, савдо-тижорат ҳамда нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари мавқеларида фаолият юритишлари нуктаи назаридан туркумлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий адабиётларда хавфсизлик ҳўжалик фаолияти соҳаларида юзага келиши нуқтаи назаридан асосан уч йўналиш, яъни ишлаб чиқариш-ҳўжалик, ҳўжалик-истеъмол ва молиявий соҳалар бўйича туркумланади<sup>1</sup>(11.2.2-расм).

Бизнинг назаримизда, ушбу уч йўналиш барча мамлакатлар учун умумий бўлгани билан, айримлари учун кўшимча йўналишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон учун халқаро бозорларга чиқиш жараёнида янги транспорт йўллари, коммуникациялари ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси, даромадлар бўйича табақаланиши билан боғлиқ ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, иқтисодий хавфсизликни ишлаб чиқариш-ҳўжалик, ҳўжалик-истеъмол, молиявий, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий соҳалар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон учун технологик хавфсизликни таъминлаш ғоят муҳимдир. Чунки республикамизга собиқ тоталитар тузумидан мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, асосан, хом ашё ва оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди.

Бу эса мустақилликни мустаҳкамлашда технологик хавфсизликни таъминлашнинг ўта зарурлигидан далолат беради. Бунинг учун республикамизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва чуқур таркибий жиҳатдан ўзгартиришлар амалга оширилмоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ саноатда юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг чунончи, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Шунингдек, республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан самолётсозлик, радиоэлектроника ва электроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, замонавий кувватларни ишга тушириш, истеъмол бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш асосида нафақат технологик, шу билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини ҳам таъминлаш имкониятини беради.



11.2.2-расм. Ҳўжалик фаолияти соҳаларидаги иқтисодий хавфсизлик турлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;
- қишлоқ ҳўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмларини қискартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Экологик хавфсизлик табиий муҳитга турли ноҳуш таъсирлардан, табиий офат ва ҳалокатлардан ҳамда инсонларнинг ва ҳўжалик

<sup>1</sup> Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. –М., Изд-во “РАГС”, 2001,- с.39. 208



субъектларининг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишидан ҳимояланганликни ифодалайди. Бу хусусиятлар иқтисодий адабиётларда "экологик императив" деган тушунча билан изоҳланади.<sup>1</sup> Мазкур тушунча табиий муҳит билан инсоннинг физиологик ва ижтимоий хусусиятлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Молиявий хавфсизлик мамлакат ва унинг ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши учун зарурий молиявий шароит ва ресурсларнинг яратилганлиги, молиявий тизимнинг яхлитлигини сақлаш ҳамда ички ва ташқи иқтисодий манфаатлар таҳдидларига муваффақиятли қаршилик қилишни ифодалайди. Бу хавфсизлик пул, бюджет, кредит, солиққа тортиш ва валюта тизимларида вужудга келадиган таҳдидларнинг олдини олиш, улардан муҳофазаланиш кабиларни ўз ичига олади.

Ижтимоий тавсифдаги хавфсизлик аҳолининг энг бой ва энг қуйи табақалари даромадлари ўртасидаги фарқ, камбағаллик ва қашшоқлик муаммоси, турли юқумли касалликлар кўламининг кенгайишини олдини олиш заруратида ўз ифодасини топади.

Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида ички ва ташқи транспорт йўл ва алоқа коммуникациялари тизимининг яратилиши оқибатида транспорт йўл ва алоқа коммуникациялари хавфсизлиги таъминланади.


Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун унинг индикаторлари мониторингини ташкил этиш зарур.

Иқтисодий хавфсизликнинг умумий кўрсаткичлари (индикаторлари) қуйидагилардан иборат:

- турмуш даражаси ва сифати;
- инфляция суръати;
- иқтисодий ўсиш;
- бюджет дефицити; давлат қарзи;
- жаҳон иқтисодиётига кириб борганлик;
- "хуфёна иқтисодиёт" фаолияти;
- мулк таркиби;
- солиқ тизими;
- бозор инфратузилмаларининг ривожланиши.

Ҳудудий даражада умумий кўрсаткичлардан ташқари яна қуйидаги кўрсаткичлар иқтисодий хавфсизликни ифодалайди:

- аҳоли даромадлари; чакана нархлар даражаси;
- уй-жой билан таъминланганлик;
- қочоқлар, эмигрантлар ва бошқалар сони;
- ҳудуднинг мамлакат ЯИИМдаги улуши;
- ҳудуднинг тўлов баланси;
- экспорт-импорт сальдоси (11.2.3-расм).



11.2.3-расм. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари

Юқоридаги кўрсаткичлар миқдорининг таҳликали қуйи (пороговая черта) чегарасини кўрсатиш ва аниқ белгилаш лозим бўлади. Ушбу таҳликали қуйи чегара – иқтисодий манфаатлар нуктаи назаридан хўжалик фаолияти пропорцияларининг энг қуйи мақбул нисбатларини ифодаловчи миқдорий индикаторлар бўлиб, уларга риоя қилмаслик такрор ишлаб чиқариш турли

<sup>1</sup> Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. -М.: Изд-во "РАГС", 2001, – с.49.

элементларининг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилади ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади.

Таҳликали қуйи чегаранинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш учун қуйидагиларга асосланиш лозим бўлади:

- миллий иқтисодиёт ҳолати ва ундаги мутаносибликлар ҳамда такрор ишлаб чиқариш элементлари ва омиллари ҳолатининг бирламчи, муҳим хусусиятларини тавсифлаш;

- иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларни тўлиқ ва кенг камровди ифодалаш;

- иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларга хавф солувчи таҳдидларни тўлиқ ва ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегарасини ифодаловчи индикаторлардан ҳокимият органлари мамлакат иқтисодиёти ҳолатини аниқ баҳолашда ва бошқа мамлакатлар билан қиёслашда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

Ушбу индикаторларнинг мамлакат ҳисоб, статистика ва прогнозлаштириш тизими билан мувофиқ келиши, мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи таҳликали чегараси индикаторлари миллий иқтисодиёт соҳалари ва уларнинг ҳар қайсидаги миллий манфаатлар нуктаи назаридан туркумланади. Адабиётларда иқтисодий хавфсизлик қуйи таҳликали чегараси индикаторлари ўз ичига 50га кўрсаткични олган ҳолда қуйидагича туркумланган<sup>1</sup>:

1) иқтисодиётнинг барқарор ривожланишга қодирлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳга ялпи ички маҳсулот ҳажми, саноат ишлаб чиқариш ва унинг таркиби, машинасозлик маҳсулотлари ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар улуши, муҳофаа ва фан учун харажатлар улуши, инвестициялар, фойдали қазилма бойликларининг захиралари бўйича қуйи таҳликали чегарани ифодаловчи индикаторлар қиради;

2) молиявий тизим барқарорлиги кўрсаткичларига давлат бюджети камомати, давлат қарзи, пул муомаласи, ўзаро ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини ифодаловчи кўрсаткичлар қиради;

3) ижтимоий соҳа кўрсаткичлари аҳоли даромадлари даражаси ва унинг мулкий жиҳатдан табақаланиши, ишсизлик ва ижтимоий соҳа харажатлари бўйича қуйи таҳликали чегараларни ўз ичига олади;

<sup>1</sup>Қаранг: Илларианов А. Критерии экономической безопасности // Вопросы экономики, 1999. №10. Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие (книга четвертая) / Ин-т экономики РАН. - М., ЗАО «Финстатинформ», 2002.- с.72-78; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. -М., Изд-во РАГС, 2001,- с.176-180; Прохожев А., М.Корнилов О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5. 2003,- с. 232-233.

4) ташқи савдо ва иқтисодий фаолият кўрсаткичлари гуруҳига мамлакат ички истеъмолида импортнинг улуши ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмида экспортнинг улуши бўйича қуйи таҳликали чегараларни ифодаловчи индикаторлар қиради.

Жаҳон миқёсида қабул қилинган иқтисодий хавфсизликнинг қуйи ва юқори таҳликали чегаралари 11.2.1-жадвалда келтирилган.

11.2.1-жадвал

**Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи ва юқори таҳликали чегаралари<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Қуйи ва юқори таҳликали чегара	
	Мазмуни	даражаси фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	16
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	8
Монетизация даражаси	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	25
Ташқи қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	40
Ички қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	30
Ташқи қарзлар бўйича тўловлар	Тўловларнинг йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	25
Мудофаага харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3
Фуқаролик фанларига харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	1,5
Инновацион маҳсулотлар	Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	15
Саноат ишлаб чиқаришда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	Саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоиз (қуйи чегара)	25
Давлат бюджети дефицити	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3,0
Давлат қарзини қоплаш харажатлари	Давлат бюджети харажатлари ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	20
Яшаш минимумидан паст даражада даромад олувчи аҳоли	Аҳоли умумий сонидagi улуши, фоиз (юқори чегара)	7,0
Аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши	Децил коэффициентлари (юқори чегара)	8,0

<sup>1</sup> Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. - М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. -С.76,77,78,79,81,82,83,85,86,87,88,89,90,91,92. Асосида муаллиф томонидан тузилди.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини миллий иқтисодиёт субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам туркумлаш мумкин. Масалан, А.Прохожев ва М.Корниловлар шахсининг, яъни алоҳида индивид, фуқаронинг ҳаётий муҳим манфаатини рўёбга чиқариши нуктаи назаридан иқтисодий хавфсизликни ифодаловчи куйидаги кўрсаткичларни туркумлаган:

- жон бошига ойлик даромад миқдорининг расмий равишда белгиланган яшаш минимуми миқдorigа нисбати;
- аҳоли озиқ-овқат харажатларининг йиллик жон бошига даромадлар ҳажмидаги улуши;
- аҳоли жон бошига кундалик истеъмол қилинаётган калориялар миқдори;
- аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромадида уй-жой ва коммунал тўловларга қилинган харажатлар улуши;
- аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромадидаги жамғармаларнинг улуши ва бошқалар<sup>1</sup>. Шунингдек, ўтиш жоизки, ушбу иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг ўртача жаҳон ва МДХ мамлакатларининг айнан шундай кўрсаткичларига, шунингдек, расмий белгиланган куйи таҳликали чегара индикаторларига таққослаш орқали миллий иқтисодиётнинг реал ҳолатини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг натижасида ҳукумат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг мақсадлари ва уларни амалга ошириш йўналишларини белгилайди.

### **11.3. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг мақсади ва вазифалари**

Хавфсизликни, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг учун, авваламбор, унинг сиёсий-ташқилий ва ҳуқуқий асослари яратилади. Ушбу мақсадда концепция ишлаб чиқилади. Уни ишлаб чиқиш эса иқтисодиёт ҳолатини объектив баҳолашга ҳамда унинг ривожланиш тамойили ва тенденцияларини прогноз қилишга асосланади. Бунинг учун иқтисодий хавфсизликни белгиловчи вазият ва ҳолатлардаги сабаб-оқибатлари аниқланади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга масъул, жавобгар давлат органлари, ташкилот ва муассасалар белгиланади.

<sup>1</sup>Прохожев А, Корнилов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, № 4-5, 2003. - с. 233.

Концепцияни ишлаб чиқишда иқтисодий хавфсизлик ва таҳдидларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий хавфсизлик концепциясида иқтисодиётда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, иқтисодиётнинг очиклиги, интеллектуал салоҳиятнинг ҳолати, инновацион даражаси, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш даражаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденцияларининг истикболли прогнозлари ва уларнинг асосий устуворликлари ўз ифодасини топиши лозим.

Иқтисодий хавфсизлик концепцияси ўз ичига куйидагиларни олади:

- хавфсизликни таъминлаш мақсади ва вазифалари;
- уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари;
- олий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодиёт тармоқлари бошқарув тизимлари, ҳуқуқ-тартибот, миллий хавфсизлик органларининг умумдавлат, ҳудудий даражадаги иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифалари;
- мавжуд ва потенциал хавфсизликка таҳдидларни таҳлил қилиш;
- давлатнинг хавфсизликни таъминлашдаги имкониятлари, иқтисодий ресурслардан, восита ва кучлардан рационал фойдаланиши назарда тутилади;
- иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини юмшатиш йўллари, восита ва усуллари.

Хавфсизлик концепцияси асосида уни таъминлашнинг давлат стратегияси ишлаб чиқилади. Ушбу стратегия таҳдидларнинг моҳиятини, объектларини индикатори ва уларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш механизмларини белгилаб беради:

Иқтисодий адабиётларда давлат иқтисодий стратегиясининг уч жиҳати ва таркибий қисмлари ажратиб кўрсатилган.

1. Иқтисодий хавфсизлик ва мамлакат ҳаёт фаолияти муҳим соҳаларининг ҳимояланганлигини таъминлайдиган миллий, давлат манфаатларини аниқлаш.

2. Шахс, жамият ва давлатнинг муҳим ҳаётий манфаатларига зиён келтирадиган иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар ва хавф-хатарларни тавсифлаш. Бунда қисқа, ўрта ва узок муддатли даврларда давлат ва ижтимоий-иқтисодий тизим барқарорлигига зарар етказувчи, салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва шароитлар аниқланади.

3. Иқтисодий хавфсизликнинг турли таҳдидлар, хавф-хатарлардан барқарор ҳимояланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни шакллантириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш бўйича

таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.<sup>1</sup> Ушбу стратегияда иқтисодий хавфсизлик талабларига жавоб берадиган иқтисодиётнинг мезон ва параметрлари ҳам аниқланади.<sup>2</sup> Иқтисодий манфаатларга ва хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда юмшатишнинг устувор мақсадларига қуйидагилар қиради:

- аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари ва табақалари турмуш даражасини ошириш орқали жамият барча аъзоларининг бирдамлигига эришиш;
- миллий иқтисодиётга хусусий инвестицияларни киритишни рағбатлантириш, инвестицион жараёнларни фаоллаштириш;
- қатъий солиқ, пул-кредит сиёсатини юритиш, миллий валюта қадрини ошириш ва мустаҳкамлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва самарали божхона назорат тизимини шакллантириш;
- мамлакат фани ва интеллектуал салоҳияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш орқали ички иқтисодий маконни мустаҳкамлаш;
- хўжалик субъектларининг халқаро бозорларга чиқишдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда иқтисодий восита ва чора-тадбирлар билан бир қаторда коррупция, ташкилий жиноятчиликка, хуфёна иқтисодиётга қарши сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий тавсифдаги чора-тадбирлар, воситалардан ҳам фойдаланилади. Бунда иқтисодий бошқарув органлари ҳуқуқ-тартибот, миллий хавфсизлик хизмати, чегара, божхона органлари билан биргаликда фаолият юритадилар.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун асосий шарт-шароитлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- аҳолининг цивилизация эҳтиёжлари меъёрида яшаш имкониятининг яратилиши. Бу кишилар учун танлаш эркинлиги ҳамда узоқ муддат меҳнат қобилиятини сақлаган ҳолда фаолият юритиш ҳуқуқи ва мажбуриятини ифодалайди. Бунинг учун бозорнинг ўз-ўзини тартиблаш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш механизмлари уйғунлигини таъминлашга

хизмат килувчи ресурс, энергетик, транспорт, ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктуралари шакллантирилади;

- хотиржам яшаш имкониятларининг яратилиши. Бунинг учун фавқуллода ноҳуш вазиятлар вужудга келишининг олдини олиш ҳамда ишончли ахборотга эга бўлиш учун иқтисодий шароитлар вужудга келтирилиши лозим бўлади. Бундан кўзланган мақсад, биринчидан, иқтисодий ва техноген хавф-хатарга қарши туриш, иккинчидан, иқтисодий жиноятчилик ва терроризмнинг кучайишига қарши турли имкониятларни яратиш ҳисобланади;

- мамлакатнинг ҳудудий ва иқтисодий яхлитлигига хавф солувчи омилларнинг олдини олиш. Бу омиллар мамлакат ҳудудлари ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасидаги фарқларнинг катталашиб кетиши туфайли вужудга келади. Мамлакатнинг ҳудудий ва иқтисодий яхлитлигини таъминлаш учун, биринчидан, ягона иқтисодий маконни ташкил этиш мақсадида пул ва банк тизимини мустаҳкамлаш, молиявий ва савдо инфратузилмасини ривожлантириш; иккинчидан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштиришга қаратилган оқилona ҳудудий сиёсатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу шарт-шароитларни яратиш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмнинг асосий элементлари ҳуқуқий база, бошқаришнинг иқтисодий услублари ҳамда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар ташкил этади. Эндиликда эса “Хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш лозим бўлади.

Давлат иқтисодиётини тартибга солишнинг қуйидаги йўналишларида ҳам фаолият юритилади:

- иқтисодиётдаги жараёнларни объектив, кенг қамровли мониторинги, шу жумладан, шахс, давлат ва жамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатларига ички ҳамда ташқи таҳдидларни аниқлаш ва прогнозлаштириш учун ахборотлар базасини яратиш;

- иқтисодий манфаатларга таҳдидларнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини энгиш ҳамда барҳам бериш бўйича жарима ва узоқ муддатли чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш. Бунда давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш чора-тадбирларининг натижалари баҳоланади.

<sup>1</sup> Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник.-М.: Изд-во “РАГС”, 2001.-с.96

<sup>2</sup> Давлат стратегияси ва иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, мезонлари классификация нафақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, шу билан бирга, унинг хавфсизлигини ҳам таъминлаши лозим. Қаранг: Ведута Е.Н. Стратегия и экономическая политика государства.-М.: Акад. Проект, 2004, -с.11-23.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолияти куйидагиларни ўз ичига олади:

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ҳамда давлатнинг барқарорлигига хавф туғдирувчи омилларни аниқлаш ва мониторинг қилиш;
- ушбу омилларнинг зарарли, салбий таъсирига барҳам бериш ёки юмшатишга қаратилган иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш.

#### **11.4. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари**

Бозор муносабатларига ўтишга қаратилган иқтисодий ислохотлар шароитида давлат хўжалик субъектлари фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларга зиён келтиришига йўл қўймаслиги керак. Ушбу мақсадларда давлат, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобатбардошлигини ривожлантириш, фонд бозори, ер ва кўчмас мулк бозорларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, ҳокимиятнинг барча бўғинларида қонун лойиҳаларининг сифати ва асосланганлик даражасини ошириш ҳамда қонунга барчани, ҳатто давлат ҳокимияти органларининг ҳам қатъий риоя этишлари бўйича тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун давлат куйидагиларни кўзда тутиши лозим:

- ижтимоий институтлар стратегиясини бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг фаолиятини координациялаштиришга имкон берадиган институционал ўзгаришларни амалга ошириш;

- хўжалик жараёнларининг барча иштирокчилари учун лоббизми қонуний чеклаш, қонунчиликни максимал унификациялаш (яъни имтиёзлари ва турли преференцларни қисқартириш ва йўқотиш) учун иқтисодий ва ижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- иқтисодиёт субъектлари ва давлат бошқарув органлари томонидан қонунларга, фаолият тартиб – қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

- иқтисодий муносабатлар соҳасида вужудга келадиган мунозара ва зиддиятларни ҳал қилиш механизмини яратиш;

- кадрларни корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг замонавий усулларига ўқитишни ташкил қилиш;

- жамиятда иқтисодий барқарорликни ошириш ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига йўл қўймаслик;

- мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш.

Шунга мувофиқ равишда собиқ тоталитар тизимдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар яқин истикболда куйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим бўлади:

1) самарали ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва истикболи йўқ, эскирган ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш;

2) таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган иқтисодиёт инфратузилмаларини ривожлантириш;

3) иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

4) мавжуд илмий техника салоҳиятининг энг қимматли элементларини сақлаш;

5) иқтисодиёт таркибининг деформациялашувига барҳам беришда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш таркибини тўловга қодир талаб билан уйғунлаштириш;

6) корхоналарнинг бозор шароитларига мослашувини тезлаштириш;

7) экспорт салоҳиятини диверсификациялаш;

8) экологик хавфсизликни оширишни таъминлаш.

Ушбу вазифаларни бажариш миллий иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларининг рақобатга бардошли эмаслигини бартараф этишга имкон яратади. Бундан келиб чиққан ҳолда, таркибий сиёсат микро ва макро иқтисодиёт даражаларида уч асосий йўналишда амалга оширилиши керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Бунинг учун давлат ҳокимият органлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун маълум тармоқ ва соҳаларни селектив қўллаб-қувватлаши даркор бўлади.

Макроиқтисодиёт даражасида таркибий сиёсатни амалга ошириш жараёнида куйидаги вазифалар ҳал қилиниши зарур:

- жами талабни ошириш;

- жамғариш нормасини ўстириш ва уни инвестицияга айланишини таъминлаш;

- ривожланишдан тўхтаб қолган секторлардаги барча турдаги ресурсларнинг ривожланаётган секторларга оқиб ўтишини рағбатлантириш;

- ялпи инвестицияларни кўпайтириш;

- экспортни рағбатлантириш;  
- умум қабул қилинган тартиб-қоидалар доирасида миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импортни тартибга солиш.

Микроиқтисодиёт даражасида таркибий сиёсатни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- иқтисодий нуктаи назардан самарали корхона ва ишлаб чиқаришларнинг ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

- самарасиз ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни тугатиш ёки реорганизация, яъни қайта ташкил этиш;

- янги монополистик тузилмаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

- тармоқлараро капитал оқувчанлигини таъминлаш мақсадида фонд бозорининг ривожланишини тартибга солиш ва рағбатлантириш;

- нарх ўсишини тўхтатиш чора-тадбирларини кўриш;

- иқтисодий субъектлар хатти-харакатининг бозорга хос нормаларини жорий қилишни рағбатлантириш.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг амалга оширилиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, **мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилиш**, аввало, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш узоқ муддатли стратегик вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат стратегияси, яъни доктринасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур бўлади. Ушбу давлат стратегияси олий миллий давлат манфаатларига жавоб бера олиши керак.

Иқтисодий хавфсизлик давлат стратегиясида эришиладиган пировард мақсад ва уни амалга ошириш бошқичлари ўз ифодасини топиши лозим. Шу даврда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг кафолати бўлган давлатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 23 январь.

- хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳўжалик ва сиёсий ҳарактердаги қарорларни қабул қилиш;

- ижтимоий жараёнларни бошқариш механизмга таҳдидларнинг пайдо бўлганлиги тўғрисида сигнал берувчи индикаторларни киритиш;

- иқтисодий таҳдидларни юмшатиш, бартараф этиш, нейтраллашга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни амалга ошириш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доимо узоқ муддатли миллий давлат манфаатларига асосланади. Бошқача айтганда мазкур концепция мамлакатнинг келажаги тўғрисидаги тасаввурга, ислоҳ делга, шунингдек, барқарор, мустаҳкам ривожланиш стратегиясига боғлиқ бўлади.

### Асосий таянч тушунчалар

Хавф, хавфсизлик, миллий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, корхона хавфсизлиги, шахс хавфсизлиги, молиявий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, компенсацион салоҳият, хавфсизлик кўрсаткичлари, хавфсизликнинг қуйи чегараси, иқтисодий таҳдид, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Хавфсизлик тушунчасининг мазмуни нима?
2. Миллий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти ва таркиби нималардан иборат?
3. Иқтисодий хавфсизлик нима?
4. Иқтисодий хавфсизликнинг таркиби нималардан иборат?
5. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари ўз ичига қандай кўрсаткичларни олади?
6. Хавфсизликнинг қуйи чегараси деганда нимани тушунасиз?
7. Иқтисодий хавфсизликнинг шакллари қандай бўлади?
8. Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини тавсифлаб беринг.
9. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг таъминланганлигини макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида тавсифлаб беринг.
10. Иқтисодий таҳдид нима ва унинг намоён бўлиш шакллари нималардан иборат?
11. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг моҳиятини ва асосий йўналишларини айтиб беринг.
12. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлик концепцияси деганда нимани тушунасиз ва унинг мазмунини тушунтириб беринг.

## 12-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ СИЁСАТИ

### 12.1. Макроиктисодий мувозанат ва унинг намоён бўлиш шакллари

Иқтисодиётдаги барча мураккаб такрор ишлаб чиқариш алоқалари макроиктисодий мувозанат заруратлигини оширади. Макроиктисодий мувозанат давлатнинг бошқаруви таъсирсиз ижобий натижаларга эриша олмайди. Бозор иқтисодиётида бундай мувозанатни намоён бўлишининг муҳим шакли бўлиб, жаъми талаб ва жаъми таклиф барқарорлиги ҳисобланади. Биринчи галда объектив қонуният, яъни жамият даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатнинг зарурати макродаражада юзага келади. Бу мувозанатнинг аниқ шакли бўлиб, жаъми таклиф (яратилган ЯИМ) ва жаъми талаб (истеъмол этилган ЯИМ) ўртасидаги мувозанат ҳисобланади. Бозор мустақил ҳолда, давлат аралашувисиз таъкидланган мувозанатни таъминлай олмайди.

Жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги мувозанат юзага келган шароитдагина макроиктисодий мувозанатга эришилади. Жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги мутаносибликда неъматларни олди-сотдиси, маълум бир муддат давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ва яқуний истеъмол этишга йўналтирилган жамғариш, истеъмол ва соф экспорт билан боғлиқ жами муносабатлар йиғиндиси намоён бўлади. Бу эса товар ва хизматлар бозори тушунчасидан хусусий бозорлар йиғиндиси (пойафзал бозори, газлама бозори, қурилиш моллари бозори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ва б.) тушунчасини фарқли эканини билдиради. Хусусий бозорларда оралиқ маҳсулотларнинг (хом ашё, материал, ёқилғи ва б.) олди-сотди жойлари мавжуд.

Бутун иқтисодиёт даражасида ўзаро боғлиқликдаги бозорларнинг (ишлаб чиқариш омиллари бозори, меҳнат бозори, пул бозори, молия бозори ва б.) умумий тизимида товар ва хизматлар бозори марказий звено бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётда жами талаб ва жами таклиф чамбарчас боғлиқликда учрайди. Жами талаб – бу мавжуд даромадлар ва нархлар даражасида талаб эта олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажмидир. Жами таклиф – бу мавжуд нархлар даражасида ишлаб чиқарилган ва таклиф этилган товар ва хизматлар умумий миқдоридир. Жами талаб – бу истеъмол товарларига ва хизматларга ва инвестицион товар ва хизматларга бўлган талаб. Жами

таклиф ишлаб чиқарилган ЯИМ га тенг бўлиб, жами талаб унинг истеъмол этилган қисмидир.

Иқтисодиётнинг секторлари ва уларнинг харажатларига мос равишда жами талабнинг таркибий қисми қуйидагича:

1. Уй хўжалиklarининг истеъмол харажатлари;
2. Хусусий секторнинг инвестицион харажатлари;
3. Давлат бюджети ташкилотларининг таркиби ва уларни ривожлантириш учун инвестиция ва моддий сарфларга давлат харажати;
4. Соф экспорт

Баъзи адабиётларда жами талаб таркибининг учинчи қисмида келтирилган давлат бюджети ташкилотларига қилинадиган сарфлар ва моддий инвестиция давлат харажатлари давлат хариди деб ҳам юритилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат инвестицияси, миллий мудофаага харажатлар, давлат ташкилотлари ходимларига иш ҳақлари ва ҳ. Бу ўринда давлат ташкилотлари ходимларига бериладиган иш ҳақлари уй хўжалиklarини истеъмол харажатларига сарфини акс эттиради бу эса икки маротаба ҳисоблашни келтириб чиқаради. Уй хўжалаикларининг истеъмол харажатлари, хусусий секторнинг инвестицион харажатлари, давлат хариди ва соф экспорт йиғиндиси истеъмол этилган ЯИМ миқдоридан кўп бўлишини келтириб чиқаради. Таклиф этилаётган жами талаб таркиби ҳақиқатга яқинроқдир. У такрор ҳисоблашдан холи.

Жами талабда инвестиция хусусий секторда қандай бўлса давлатда ҳам шундай ҳисобга олинади. Шу сабабли макроиктисодий инвестиция микроиктисодийдан фарқланади. Шундай экан уй хўжалиklари ва фирмалар учун инвестиция нафақат реал капиталга қўйилма қилиш балки молиявий активларга қўйилма қилиш ҳам ҳисобланади (акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар). Макроиктисодий нуқтаи назарда молиявий активларни (қимматли қоғозлар ва бошқалар) сотиб олиш инвестиция ҳисобланмайди. Инвестиция макроиктисодий нуқтаи назардан фақат реал капитал харид қилиш ва асосий капиталга ммалағ сарфлаш ҳисобланади.

Жами талаб ҳажми уй хўжалиklarини иш кучини сотишдан олган даромадларига, яқка тартибдаги товар ишлаб чиқариш фаолиятига, солиққа тортиш ҳажмига, мамлакатдаги нархнинг умумий даражасига, муомаладаги нақд пул миқдорига, нарх ўзгаришининг қутилишига, қутилаётган фойдага, банк кредит фоизларининг ўсишига боғлиқ.

Жами талаб ва нарх даражаси ўртасидаги боғлиқлик тесқари, бироқ жами таклиф ва нарх даражаси тўғри боғланган, яъни нарх даражаси қанча

юқори бўлса, шунча таклиф кўп бўлади. Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар бу жами таклифга ҳам таъсир этувчи омиллар ҳисобланди.

## 12.2. Иқтисодий цикл ва инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари

Жами талаб ва жами таклиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол, истеъмол ва жамғариш ҳамда даромадлар билан харажатлар ўртасида зиддият вужудга келганида ва бу зиддият кучайиб кетганида инқирозлар юзага келади. Мувозанатнинг бузилиши иқтисодиётда танг аҳвол, кризисга олиб келади. Кризис –бу мураккаб жараён. Унга турли жихатдан ёндашиш мумкин. Кризислар турли-туман тарзда рўй берса-да, уларни умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Хўжалик тизимида мувозанатнинг бузилиши микёсига кўра, кризисларни умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган кризисларга бўлиш мумкин. Умумий кризислар бутун миллий хўжаликни қамраб олади, иккинчиси эса қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқларга хос танглик тарзида юз беради. Масалан, молиявий кризис — давлат молиясини чуқур тангликка тушиши. У сурункали бюджет тақчиллигида намоён бўлади. Энг ёмони, давлатнинг чет эл қарзлари бўйича тўлов қобилиятини йўқотишидир. 1929-1933 йили Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, 1998 йили Россия ташқи заёмлар бўйича тўловни тўхтатишган. 1931 йили АҚШ ташқи қарзлар бўйича ҳамма тўловларни бир йилга муддатини узайтирган. 1998 йили Индонезияда рўй берган молиявий кризис туфайли аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ 14,6 фоизга пасайди.

**Пул-кредит кризиси.** Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Банклардан миқозлар ёппасига ўз пулларини олишни бошлайдилар. Тадбиркорлар ва аҳоли нақд пул кетидан қувишга тушадилар. Акция ва облигацияларнинг курси, банк проценти тушиб кетади. Банклар синиб, ялпи банкротга учрайдилар.

**Валюта кризиси.** Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Чет элнинг обрўли валюталари етишмайди. Банкда валюта захираси тугаб боради, миллий валюта курси тушиб кетади. Аҳолининг обрўли валюта кетидан қувиши аҳволни янада қийинлаштиради. Бунга ёрқин мисол сифатида Аргентина ва Таиландда юз берган кризисларни кўрсатиш мумкин.

**Биржа кризиси.** Бу танглик биржада қимматбаҳо қоғозлар курсини бирдан тушиб кетиши ва уларда эмиссия қилишни қисқариши, фонд биржалари фаолиятидаги чуқур тушкунликда ифодаланади.

**Экологик кризис.** Атроф-муҳитни, энг аввало, инсон саломатлигини йўқотиш, умрининг қисқаришига олиб келадиган даражадаги вазиятнинг вужудга келиши билан ифодаланади. У саноатни шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

**Тармоқлар кризиси.** Бундай кризис миллий хўжаликни бирон-бир тармоғини қамраб олиб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради. Мисол қилиб, 1958 – 1962 йилларда денгиз кемачилиги (кема катнови), 1977 йил тўқимачилик саноати инқирозини кўрсатиш мумкин.

**Аграр кризис.** Бундай кризис қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдосининг кескин тарзда қисқариб кетиши, қишлоқ хўжалик махсулотлари нархларининг кескин тушиб кетиши билан ифодаланади.

**Структура-таркибий кризис.** Ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нормал нисбатлар бузилиши туфайли таркибий кризис юз беради. Бунда бир тармоқ бошқа тармоқнинг ҳисобига ривожланади. Натижада, бу тармоқда аҳвол оғирлашади. Мисол учун 70- йилларнинг ўртасида рўй берган хом ашё, энергетика кризисларини кўрсатиш мумкин.

2. Иқтисодиётда мувозанатнинг бузилиши мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра даврий, оралик, номунтазам кризисларга бўлинади.

**Даврий (цикли) кризислар** маълум вақт мобайнида такрорланиб туради.

**Оралик кризислар** — тўлиқ цикл бўйича юз бермайди. Циклнинг бирон-бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча чуқур эмас, аммо қисқа муддат давом этади.

**Номунтазам кризислар** бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, табиий офат-сел, тўфон, қурғоқчилик кабилар туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиши мумкин.

3. Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши характерига кўра кризислар иккига: ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш кризисларига бўлинади. Товарларни ортиқча ишлаб чиқариш кризиси турли наф келтирадиган неъматларни кўп ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла реализация қила олмасликбилан характерланади.

Тақчил ишлаб чиқариш кризиси даврида етишмовчилик натижасида танг аҳвол юзага келади, чунки мувозанат бузилади. Шундай қилиб, иқтисодиётни танг аҳволга тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

Кризисларнинг моҳиятини ёритиш учун одатда, даврий, яъни такрорланадиган кризислар ўрганилади. Вақти-вақти билан такрорланадиган



кризислар циклнинг такрорланиш муддатига кўра: қисқа, ўрта ва узоқ циклларга бўлинади.

Таникли иқтисодчилардан Й.Шумпетер иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тадқиқ қилиб, иқтисодиётда тебранишлар уч даражада юз беришини кўрсатди ва бу циклларни уларни кашф этган иқтисодчилар Ж.Китчин, К.Жугляр, Н.Д.Кондратьевлар номи билан атади ҳамда иқтисодиётда учала цикл ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадорликда намоён бўлишини қайд этади.

П. Самульсон эса иқтисодий цикл бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма мамлакатлар ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаси учун тааллуқли дейди.

**1. Қисқа муддатли цикл (2-4 йил)** истеъмол товарларига бўлган бозор талаби ва таклифи мувозанатининг бузилиши ва тикланиши тарзида юз беради. Бу циклда ишлаб чиқариш ҳажми бозор конъюктурасига қараб ўзгаради:

– нархлар даражаси кам ўзгаради, кўпчилик фирмалар ўз харидорларини йўқотмаслик учун товарлар нархини узоқ вақт (йилда бир марта) ўзгартирмасликка ҳаракат қиладилар;

– иш билан бандлик ҳам нисбатан барқарор, тебраниш кичкина, асосан, алоҳида корхона ва тармоқларда иш ҳақи ўзгаришига боғлиқ;

– фойда нормаси ҳам бу давр мобайнида кам ўзгаради;

– қисқа муддатли давр учун миқдорий кўрсаткичлар кам ўзгаради.

**2. Ўрта муддатли цикл (7-12 йил)** тебранишлар катта, бу эса мувозанатнинг чуқур бузилганини кўрсатади:

– жамиятда иқтисодиётгана эмас, балки ижтимоий соҳада ҳам барқарорлик бузилади;

– энг асосийси, иқтисодий ўсиш тушкунлик билан алмашади.

Иқтисодий циклнинг классик варианты 4 фазадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси, нархлар даражаси, иш билан бандлик, процент нормаси турли хил бўлиши кузатишган.

Циклнинг биринчи фазаси кризис (танглик, тушкунлик) бўлиб, иқтисодий ўсиш даражаси ва суръати тушиб кетади, сўнгра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Реализация қилинмаган товарлар захираси кўпайиб боради ва корхоналарнинг ёппасига банкрот бўлишига олиб келади. Натижада ишсизлик кўпаяди, иш ҳақи пасаяди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акция курси тушиб кетади. Тадбиркорларнинг пулга эҳтиёжлари ортади, қарз тўлаш учун банк проценти ўсади.

Кризисдан кейинги фаза–депрессия(турғунлик) фазаси келади. Бу фазада ишлаб чиқаришдаги тушкунлик ҳам нархлар тушиши ҳам тўхтайдди. Товар захиралари ва пул капиталининг массаси кўпайиб, банк проценти

ставкаси энг паст даражага тушади. Товар таклифини талабдан ортиб кетиши тўхтайдди.

Жонланиш фазаси келади. Бунда ишлаб чиқариш аввалгига нисбатан ўсади, товар захиралари бозорни узлуксиз таъминлаш даражасида бўлади. Сотиб олиш қуввати ўсиши билан жонланиш кузатилади. Пул капиталига талаб ортади, процент ўсади, нархлар ҳам ўса бошлайди.

Жонланишдан сўнг юксалиш фазасига ўтилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш аввалгига нисбатан ўсади, ишсизлик камаяди, талаб ортиши натижасида нархлар ўсади. Кредитга талаб ошиб, процент ҳам ўсади. Инвестицион товарлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан хом ашё ресурсларига талаб ортади, нархлар ҳам ўсади. Жонланиш фазасида юзага кела бошлаган диспропорция кучая боради. Иқтисодиёт янги тушкунликка яқинлашади ва яна тушкунлик даври бошланади. Ана шундай тарзда цикл қайтарилади.

Биринчи кризис 1825 йили Англияда юз берди, сўнгра 1836 йили Англия ва АҚШда, 1841 йили АҚШда, 1847 йили АҚШ, Англия, Франция ва Германияда. 1857 йилги кризис биринчи жаҳон циклик кризиси бўлиб тарихда қолди, кейин – 1873, 1882, 1890 йиллардаги кризис рўй берди. Иқтисодиётга нисбатан катта талафотлар келтирган кризис – 1900-1901 йилдаги тушкунлик бўлди.

### **3. Узоқ муддатли цикл (40-60 йил).**

XIX аср охири XX аср бошларида кўпчилик иқтисодчилар статистик маълумотлар асосида нархлар ва процент ставкаларининг кўтарилиши ҳамда тушишига эътибор қаратишда. Кейинчалик эса у билан боғлиқ иқтисодий жараёнларда ҳам ўзгаришлар содир бўлиши сабабларини изоҳлаб беришга ҳаракат қилишди.

Рус иқтисодчиси Н. Д. Кондратьев (1892–1938 йил) катта юксалиш асосини ишлаб чиқаришга янги технология, жаҳон хўжалигига янги мамлакатларнинг қўшилиши (иқтисодий равнақи), олтин казиб олиш ҳажмининг ўзгариши, умуман, техник тараккиёт, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши билан боғлайди.

Мувозанатнинг тикланиши фазасида асосий капиталнинг пассив қисми янгиланади, ўрта циклда эса, асосан, актив қисми янгиланади.

Шу билан бирга, катта циклларнинг даври аниқланади:

1- тўлқин 1772–1783 йиллардаги депрессиядан 1812–1825 йилдаги бекарорликкача;

2- тўлқин 1825–1838 йиллардаги депрессиядан 1866–1873 йиллардаги бекарорликкача;

3- тўлқин 1873–1885 йиллардаги депрессиядан 1913–1929 йиллардаги бекарорликкача;

4- тўлқин 1929–1938 йиллардаги депрессиядан 1966–1974 йиллардаги бекарорликкача;

5- тўлқин 1974–1982 йиллардаги депрессиядан бошланган. Бу тўлқин, иқтисодчиларнинг фикрича, 2010 йилларгача давом этиши ва 2010–2015 йиллардан янги 6–тўлқин бошланиши мумкин. Бу цикл микроэлектроника, бошқариладиган термоядро энергетикаси, ген инженерлигини ишлаб чиқаришга жалб этилиши билан ажралиб туради.

### **12.3 Давлатнинг антициклик барқарорлаштириш сиёсати воситалари ва уларнинг Ўзбекистондаги хусусиятлари**

Давлат томонидан макроиқтисодий антициклик тартибга солиш иқтисодий фанда қисқа муддатли барқарорлаштириш, ёки дискрецион иқтисодий сиёсат деб ҳам аталади. Антициклик сиёсатнинг мақсади циклик ўзгаришларга мувофиқ чора-тадбирларни амалга ошириш орқали барқарор, мутаносиб, мувозанатли иқтисодий ўсиш ва ривожланишга эришишдир. Барқарорлик, мутаносиблик ва мувозанатлилик мақсадига эришиш натижасида миллий иқтисодиёт имконият қадар Ялпи ички маҳсулотнинг потенциал даражасига ва тўлиқ бандликка, инфляция (дефляция)нинг барқарор паст даражасига яқинлашади.

Иқтисодиётнинг циклик тебранишларини юмшатиш давлат томонидан иқтисодий конъюнктура пасайиши шароитидаги экспанция сиёсатини, конъюнктура ўсиши ва юқорига кўтарилиши шароитидаги рестрикция сиёсатини қўллаш орқали эришилади. Антициклик тартибга солиш мақсадига эришиш учун фискаль(бюджет-солиқ) ва монетар (пул-кредит) сиёсати инструментларидан фойдаланилади. Ҳозиргача тўпланган жаҳон амалиёти таърибаси рецессия босқичида кўпроқ бюджет-солиқ сиёсатининг тартибга солиш воситалари кўпроқ самарали эканлиги, кўтарилиш, юксалиш босқичида эса пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланиш кўпроқ самара бериши исботланган.

Таъкидлаш жоизки, агар инфляция жараёнларининг келиб чиқиши сабаблари монетар омиллари билан кўпроқ боғлиқ бўлса, у ҳолда Марказий банк иқтисодиётни тартибга солишда етакчи роль ўйнайди. Агар мамлакатда талаб инфляцияси эмас, балки таклиф инфляцияси юз берса, у ҳолда инфляцияга қарши тартибга солишда монополияга қарши давлат

органларининг роли ортади. Шунингдек, солиқ органлари ҳам антиинфляция тартибга солишда етакчи роль ўйнайди.

Иқтисодий пасайиш ва депрессия босқичида давлат қуйидаги дастаклардан фойдаланади:

1. Солиқларни қисқартириш, бунинг оқибатида кишиларнинг истеъмолга бўлган мойилигининг ортишига олиб келади ҳамда уй хўжалиги ва компанияларнинг истеъмол ва инвестицияга бўлган талаби рағбатлантирилади.

2. Давлатнинг инвестицион ва ижтимоий йўналишларидаги харажатларининг ўсиши. Бу ўз навбатида мультипликацион самарани туғдиради. Давлат харажатларининг ЯИМ даги улуши нисбатан ортади. Нохуш конъюнктура шароитида бюджет-солиқ сиёсати чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бюджет дефицити ўсади. Бу эса дефицитни қоплаш учун давлат қарзлари нинг ҳам ошишига олиб келади. Аммо шундай экспансионистик харажатлар натижасида жами талаб. ЯИМ нинг ўсиши, сўнгра аҳолининг иш билан бандлигининг ўсиши рағбатлантирилиши иқтисодий ва молиявий муаммоларнинг кескинлиги юмшатилади.

3. Пул-кредит экспанцияси. Марказий банк томонидан фоиз ставкасининг камайиши иқтисодиётда арзон пулларнинг кўшимча тарзда кириб келишига сабаб бўлади. Бу ҳол монетар сиёсатнинг юмшашишига ва инвестицион фаолликни рағбатлантиришга олиб келади.

Жадал иқтисодий юксалиш босқичида, товар запасларининг кескин камайиши, иш хақи, ишлаб чиқариш харажатлари ва умумий нарх даражасининг ўсиши хавфи вужудга келганда ҳукумат солиқларни оширади ва давлат харажатларини камайтиради. Бундай фискаль рестрикция иқтисодий ўсишнинг сезиларли даражада секинлашига, яширин иқтисодиёт кўламининг кенгайишига, иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Аммо рестриktiv бюджет-солиқ сиёсати орқали жами талаб, инвестициялар, ишлаб чиқариш ва бандлик ўсишининг тўхтатилиши бюджет дефицитининг қисқаришига, хатто ижобий сальдонинг тикланишига олиб келади. Бунинг натижасида вужудга келадиган бюджетдаги ортиқча маблағлари давлат ташқи қарзларини тўлашга йўналтирилиб, улар қопланади ҳамда захира фондлари ташкил этилади.

Ҳозирги даврда давлатнинг антициклик тартибга солиш сиёсати икки илмий модель, концепцияларга, яъни Ж.М. Кейнс қарашларига таянувчи неокейнсчилик ва М. Фридман қарашларига таянган неоконсерватив (монетар) назарий концепцияларга асосланган. Неокейнсчилар концепцияси устувор равишда бюджет-солиқ сиёсати воситалари ёрдамида жами талабни тартибга солишга йўналтирилган. Бу макроиқтисодий ёндашув ҳисобланади.

Монетар назария устувор равишда пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида жами таклифни тартибга солишга, айрим компаниялар учун рағбат (стимул) ларни яратишга йўналтирилган. Бу микроиқтисодий ёндашувдир.

Ўзбекистонда давлатнинг макроиқтисодий тартиблаш ва барқарорлаштириш сиёсати ҳам замонавий макроиқтисодий тартиблаш моделларини чуқур таҳлил қилиш ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланишига асосланган. Мамлакатимиз иқтисодиётининг мустақилликка эришган дастлабки даврдаги макроиқтисодий аҳволининг ўзига хослиги Ўзбекистонга тоталитар тузумдан заиф, бир ёқлама ривожланган, хом ашёга ихтисослашган, пахта яккахокимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлиги билан изоҳланади. Собик Иттифокнинг инқирози туфайли республикалар ўртасида рўй берган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши XX аср 90-йиллари бошида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулдан чиқариш, унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг ҳолатини ифода қиладиган кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга мамлакатни тангликка олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганиш, чалғишлар ва номутаносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътибор қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш тадбирларини фаол амалга ошириш ғоят муҳим эканлиги белгилаб олинди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Барқарорлаштириш сиёсати – энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёردа сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир. Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ҳам ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат”<sup>1</sup>, – деб таъкилаган.

Барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг икки ёндашуви таҳлил

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995-197-бет.

қилиниб, қаттиқ монетаризмга таянмаслик кераклиги асооланди. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- миллий валюта жорий қилиниб, мустақил пул муомаласи йўлга қўйилди;

- пул муомаласида илгари юзага келган гиперинфляцион жараёнлар сўндирилиб, инфляция даражаси назорат қилиш мумкин бўлган даражага туширилди;

- товарлар ва хизматлар бозорида тўловга қобил жами талаб билан жами таклифни муайян даражада бараварлаштиришга эришилди;

- қатъий молиявий сиёсатни ўтказиш асосида давлат бюджетидаги камомад йўл қўйилган энг кам даража (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4фоизи атрофида) доирасида ушлаб турилди;

- ёнилғи-энергетика ресурслари ҳамда ғалла импортини кескин камайтириш, шунингдек, энергетика ресурслари ва рангли металлларни экспорт қилишни ошириш ҳисобига ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Ўзбекистонда бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ислохотларнинг биринчи босқичида 1991 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бошқа МДХ давлатларидек оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 18,8 фоизга камайди. Макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг асоси сифатида қаттиқ монетар ёндашувни қабул қилган бошқа МДХ давлатларида ЯИМ ҳажми 40–60 фоиз, шу жумладан, Россияда 53 фоиз, Украинада 52 фоизгача, Белоруссияда – 54,6 фоиз, Қозоғистонда 75,4 фоизга тенг бўлди. Ўзбекистонда ЯИМнинг энг катта пасайиши 1992 йилда кузатилган. Шу йили ЯИМ 11 фоизга камайган. 1995 йилда эса 1,2 фоизга пасайган, холос.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясини намойиш қила бошлади. ЯИМ нинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 1996-2003 йилларда 4фоизни ташкил этди. 2004 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш натижасида мамлакат иқтисодиёти йилига 7-8фоиз даражасидаги юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш қилди<sup>1</sup> (қаранг: 12.3.1-жадвал).

<sup>1</sup>Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Стат. Сб. – Т.: Узбекистан, 2011. С. 13; Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.)// www.stat.uz.

12.3.1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари**  
(фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>

кўрсаткичлар	1991й	1995й	2000й	2005й	2010й	2016й	2017й
ЯИМ(ишлаб чиқарилган)	99,5	99,1	103,8	107,0	108,5	107,8	105,3
ЯИМ аҳоли жон бошига	96,7	97,3	102,4	105,7	106,7	105,9	103,6
Саноат ишлаб чиқариши	101,5	100,1	105,9	107,2	108,3	106,2	107,0
Қишлоқ хўжалиги	98,9	102,2	103,1	105,4	106,8	106,6	102,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	105,0	104,0	101,0	105,7	109,2	107,7	107,1
Қурилиш	96,6	95,8	103,0	110,7	105,1	110,2	105,6
Юк ташиш	101,7	99,5	100,2	105,5	110,3	105,0	102,5
Йўловчи ташиш	99,5	92,3	102,5	114,0	106,3	104,6	103,3
Чакана савдо	82,3	95,7	107,6	105,1	113,6	114,4	102,4
Пулли хизматлар	84,2	73,0	115,7	116,3	112,5	109,3	108,9
инфляция (ўтган йилнинг декабригафоизда)				107,8	107,3	105,7	111,4
Давлат бюджети ижроси даражаси (ЯИМ га фоизда)			-1,0	1,1	0,3	0,1	0,1
Ташки савдо айланмаси	60,2	124,8	97,9	109,6	104,7	97,5	111,0
Экспорт	67,5	138,3	100,9	111,5	110,6	97,4	114,9
Импорт	57,9	110,9	94,8	107,2	97,2	97,7	107,2

Ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир дастурларнинг амалга оширилиши туфайли 2007–2016 йилларда ЯИМ 2,2 мартадан зиёдга ўсди. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва манбалари таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, юқори, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари шу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 1,9 баробарга (ўртача ўсиш суръати 6,5 фоиз), саноат – 1,7 баробарга (5,6 фоиз),

<sup>1</sup> «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Статсборник – Т.: Узбекистан2011. – С. 14, 15, 18. ; Альманах Узбекистана -2013.-Т., ЦЭИ, 2013г.-С.82; Альманах Узбекистана-2017г.-Т., 2017.-С.22.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2017 года.-Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.14.маълумотлари асосида тузилди.

қурилиш – 3,9 баробарга (15,0 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳаси – 2,5 баробарга (9,7 фоиз) ўсиши ҳисобига эришилди<sup>1</sup>. 2017 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 5,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 2 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар 7,1 фоизга, ташки савдо айланмаси 11,0 фоизга, экспорт 14,9 фоизга, импорт 7,2 фоизга ўсди. Ташки савдонинг ижобий сальдоси 880,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**12.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини баргараф этиш ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истикболлари**

Кўплаб мамлакатларни қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бунга сабаб Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Бунинг тасдиғини, республикамизнинг ташки дунё билан алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганида, ривожланган мамлакатлар кўмағида ва ҳамкорлиғида мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортнинг ўсиб боришида яққол кўришимиз мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг Ўзбекистонга таъсири бошқа кўпгина давлатларга нисбатан бир мунча юмшоқ бўлаётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бунга сабаб Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели асосида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини ташки салбий ҳолатларга, турли инкирозларга бардошли бўлишини таъминлади. Ўзбекистонда ушбу сиёсат орқали молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун асос яратилган.

Ўзбекистонда қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиш, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келинганлиги туфайли ҳам республиканинг ташки қарзи 13,3 фоиз миқдорида бўлди. Ваҳоланки, кўплаб

<sup>1</sup> Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг //Госком статистики Республики Узбекистан./www.stat.uz.

давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодийтини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш кийин эмаслигини Юртбошимиз ўзининг асариди асослаб берди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва юмшатиш имконини берган омиллар қуйидагилардан иборат бўлди:

- Тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган сиёсатнинг 2005 йилдан бошлаб изчиллик билан амалга оширилганлиги.
- Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолинаётганлиги.
- Оқилона бюджет-солиқ сиёсатининг олиб борилганлиги натижасида Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда, солиқ юқининг пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.
- Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни амалга оширишга муваффақ бўлинганлиги.
- Мамлакат иқтисодийига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатига эга бўлаётганлиги.
- Мамлакат ташқи қарзининг мўътадил даражасини таъминлашга муваффақ бўлинганлиги.
- Фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан катта миқдорда моддий ва молиявий ресурслар ажратилаётганлиги.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Инқирозга қарши дастурнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан** – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

**Иккинчидан** – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банklar кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ҳамда бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

**Учинчидан** – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

**Тўртинчидан** – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия интеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш.

**Бешинчидан** – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда инқироздан сўнг барқарор ва мутаносиб иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни узлуксиз модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодий рақобатбардошлигини доимий равишда ошириш, экспорт салоҳиятини ўстириш мақсадида инновацияларни жорий этиш асосида чуқур таркибий ўзгартиришлар қилиш учун энг муҳим инвестициявий лойиҳалар дастури амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодий ривожлантиришда маълум муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида келтирилган иқтисодий муаммолар, яъни табиий, иқтисодий бой ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, бу бойликларнинг катта қисмининг бекордан-бекорга исроф бўлаётганлиги, базавий соҳаларда ишлаб чиқаришнинг йиллар давомида модернизация қилинмаганлиги, маҳсулот энергия сифимининг юқорилиги, энергия ресурсларига нархларнинг пастлиги, баъзи корхоналарга имтиёзлар бериш орқали рақобат муҳитининг бўғиб қўйилиши, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатилганлиги, инвестиция дастурларини шакллантиришдаги камчиликлар, бизнесга давлат аралашуви

қўламининг катталиги, инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги сусткашликлар<sup>1</sup> мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир қилувчи тўсиқлар бўлиб, уларни хал этиш учун Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг куйидаги устувор йўналишлари белгиланган:

- макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносиблигини мувозанатни сақлаш;

- илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

- солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини янада содалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантириш;

- банк тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш;

- суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш ва муқобил манба сифатида ривожлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг куйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур ишлаб чиқиш;

- Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурини амалга ошириш;

- мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш;

- солиқ юқини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;

- тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш;

- бюджет тизимини қайта қўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ва ошқора бўлишини таъминлаш;

- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепцияни яратиш;

- миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика порталини” ташкил этиш;

- кишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;

- худудларни жадал ривожлантириш;

- қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш<sup>1</sup>.

Ушбу устувор йўналишларининг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни янада барқарор ривожланишига, иқтисодий инқирозлар келиб чиқишининг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатишга имконият яратади.

### Асосий тушунча ва атамалар

Иқтисодий цикл, бозор конъюктураси, макроиқтисодий мувозанат, жами талаб, жами таклиф, давлатнинг антициклик сиёсати, инқироз, монетар сиёсат, пул-кредит сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, фискаль сиёсат, инқироз, инқироз турлари, инқирозга қарши чоралар дастури.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги алоқадорликларни ёритиб беринг?

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

2. Жами талаб ва таклиф барқарорлигини таъминлашда давлатнинг роли ҳақидаги классик ва кейнс назариялари қайси жихатлари билан фарқ қилади?
3. Инқироз нима учун содир бўлади? Инқирозларнинг қандай турларини биласиз?
4. Кондратьевнинг инқирозлар тўғрисидаги концепциясини тушунтириб беринг.
5. Давлатнинг антициклик сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
6. Давлатнинг макроиқтисодий тартибга солиш сиёсатининг дастаклари нималардан иборат?
7. Ўзбекистонда амалга оширилган барқарорлаштириш сиёсатининг моҳияти, мақсадлари ва усуллари нималардан иборат?
8. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?
9. Ўзбекистонда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ва асосий йўналишларини тушунтириб беринг.
10. Яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга ошириш учун қандай вазифалар белгиланган?

## 13-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТИ

### 13.1. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

Давлатнинг таркибий сиёсати ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётини асослаш ва устувор йўналишларини танлаш, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган сиёсат ҳисобланади. Бошқача айтганда, **таркибий ўзгаришлар сиёсати**—давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришдан кўзланган мақсад тармоқ ва соҳаларнинг оқилона нисбатларини шакллантириш, унинг самарадорлигини, рақобатбардорлигини ошириш асосида аҳоли турмуш даражасини ўстириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлашдан иборат.

Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат таксимотида хомашё базаси вазифасини бажарар эди. 1990 йилда СССРда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди, ҳамда етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди<sup>1</sup>.

Республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси асосан Россиянинг марказий шаҳарларида қайта ишланиб ва пахтамиздан олинадиган газмол ва тикувчилик маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур эдик.

Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75-80 ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг таркибий структураси, таркибининг янгиланиши, яъни диверсификацияси жихатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариши кўп жихатдан аграр хомашё характерига эга эди ва саноати яхши ривожланмади. 1960–1990 йиллар ичида саноатнинг миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси ўзгармади.

1990 йилда республикада яратилган миллий даромадда саноатнинг ҳиссаси – 25,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги – 44,2 фоиз, қурилиш – 14,1 фоиз,

<sup>1</sup> Тухлиев Н., Таксанов А. “Национальная экономическая модель Узбекистана”. Т., «Ўқитувчи», 2000. 31-32-бетлар.

транспорт ва алоқа – 4,7 фоиз, бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари – 11,1 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>.

Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари улушининг юқорилиги хосдир. Агар 1990 йилда собиқ иттифоқ миллий даромадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 24,9 фоизни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 44,2 фоиздан юқори бўлган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони эса, мос равишда 18,2 фоиз ва 39,3 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, саноат маҳсулотининг асосий қисми енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан иборат бўлиб, уларнинг улушига ушбу тармоқ маҳсулотининг 56 фоизи тўғри келган. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда бутун экспорт салоҳиятининг 80 фоизини берган. Экспортнинг 67 фоизини битта товар - пахта хомашёси, импортнинг эса, 57 фоизини дон маҳсулотлари ташкил қилар эди. Яқка экин (пахта) етиштиришга асосланган экспорт-импорт тизими ҳукмрон эди.

Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучли эди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги айниқса, яқунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошишига, маҳаллий машинасозликнинг заиф бўлиб қолишига олиб келди. Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозлик саноатининг ҳиссаи 20 фоизга ҳам етмади. Бунинг оқибатида ташқаридан маҳсулот киритишнинг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналарини, технологияни, фан-техника ютуқларини киритишдан иборат бўлиб қолди. Маҳаллий саноатнинг марказлашган иқтисодиётга ишлаб чиқариш ва технологик жиҳатдан боғлиқлиги уйғунлашиб кетди.

Ўзбекистонда машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳ ишлаб чиқариш, айниқса заиф ривожланди. Натижада ишлаб чиқариш воситалари ва саноат материаллари ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳозирги замон йирик туркум ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган автомат ва ярим автомат мураккаб дастгоҳлар ишлаб чиқариш кечикди.

Вужудга келган номутаносибликлардан яна бири йирик, ўрта ва майда корхоналар ўртасидаги нисбатдир. Собиқ иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари томонидан барпо қилинган корхона ва бирлашмалар асосан улкан ҳажмли бўлиб, йирик ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу, албатта, республикада саноат ишлаб чиқаришнинг анъанавий турларини ривожлантириш, меҳнат

<sup>1</sup> “Народное хозяйство СССР в 1990 году”. Статистический ежегодник. Москва, Финансы и статистика. 1991. 11-бет. “Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г.”. Т., «Ўзбекистон», 1991. 10-бет.

жамоаларининг ҳаракатчанлик қобилиятини ошириш, бозор конъюнктурасига тезкор мослашув каби талабларга жавоб бермасди.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришида вужудга келган номутаносибликлардан яна бири - қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ривожланиши ўртасидадир. Минерал хомашёларнинг катта қисми қайта ишланмаган ёки ярим тайёр маҳсулот ҳолида республикадан чиқиб кетарди. Кўпгина тоғ-руда комбинатлари хомашёни қайта ишлашнинг паст даражаси билан ажралиб турарди. Бунинг сабаби шуки, иттифоқ аҳамиятидаги улкан корхоналар қазиб олувчи саноатни республика ичкарисида минерал хомашёни чуқур қайта ишлашга, вертикал интеграция жараёнини, диверсификацияни ривожлантиришга эмас, балки хомашё чиқаришга бўйсундирган.

Саноат тараккиётида кўзга ташланаётган номутаносибликлардан яна бири саноат корхоналарини маҳаллий кадрлар билан таъминлашда кўринади. Бу ердаги ғалати вазият шундаки, нисбатан анча паст ривожланган саноат ҳам, маҳаллий ишчи – кадрлар билан таъминланмади. XX асрнинг 50–60-йилларда барпо қилинган Навоий, Зарафшон, Муборак, Ангрен, Янгиер ва бошқа индустриал шаҳарлар собиқ марказ вазирлик ва маҳкамаларига бўйсунувчи йирик саноат корхоналари базасида барпо қилинган бўлиб, уларга керакли малакали ишчи кадрлар собиқ иттифоқнинг бошқа ҳудуд ва саноат районларидан кўчириб келтирилди. Бу ҳам, маҳаллий миллат вакилларида ишчи-кадрлар тайёрлаш муаммосини орқага сурди.

Ўтган асрнинг 80-йилларнинг охирига келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам мураккаб вазият ва номутаносибликлар вужудга келди. Дехқончиликда, чорвачиликда суръат пасая бошлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси борган сари унинг техник жиҳозлаш суръатларидан ҳам, аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан ҳам орқада қола бошлади. 1980–1990 йилларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш суръати республикада аҳоли табиий ўсиши суръатидан икки марта, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлашдан уч мартадан зиёд паст бўлди.

Табиийки, бундай шароитда асосий муаммо мўл-кўлчилик, ички озиқ-овқат бозорини шакллантириш, ортиқчасини ташқи бозорга олиб чиқиш эмас, аҳолини минимал зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб қолади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги аянчли ҳолатга тушиб қолган эди. Бунинг сабаблари анчагина. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу ерда қарор топган ишлаб чиқариш таркиби озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилишга эмас, балки саноат марказларини арзон хомашё билан таъминлашга,



марказий маҳкамалар иродасини бажаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам, деҳқончилик экинлари орасида асосий ўринни техника экинлари жумладан, пахта эгаллаб келди.

Юқориди баён этилган иқтисодиётдаги салбий ҳолатлар аҳоли турмуш даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистон собиқ республикалар орасида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда куйидаги кўрсаткичлар: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (икки марта), ижтимоий соҳанинг ривожланиши (аҳоли даромадлари, уй-жой билан таъминланганлик, коммунал хизматлар кўрсатиш, маданий-маиший объектлар ва бошқалар) бўйича ўртача кўрсаткичдан анча орқада эди.

Бундай салбий кўринишлар ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар билан киришини тезроқ таъминлаш мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки давридаёқ халқ хўжалиги тармоқ тузилишини тубдан ўзгартиришни зарурат қилиб қўйди. «Бу, – деган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов, – республика учун стратегик аҳамиятга эгадир, таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир»<sup>1</sup>.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Бу эса давлат томонидан янги таркибий инвестициявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақоза этди.

### **13.2. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва йўналишлари**

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболлари очилди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танлаб олинди. Республикада барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар қилиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда асосан икки муҳим муаммони ҳал этишга эътибор қаратилиши лозим. Биринчидан, мустақил давлатчиликни шакллантирган ҳолда бозор иқтисодиёти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 379-бет.

инфратузилмасини вужудга келтириш; иккинчидан жамият аъзоларининг яшаши ва меҳнат қилишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишдан иборат.

Миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш зарурлиги энг аввало таркибий ўзгаришларни халқ хўжалигининг устувор тармоқларида амалга ошириш, уларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар куйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

**Биринчидан**, бошқа мамлакатлардан хомашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

**Иккинчидан**, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотлар ва халқ истеъмол молларининг ҳаётий муҳим турларига бўлган аҳоли ва умумхалқ хўжалиги талабларини қондириш;

**Учинчидан**, иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

**Тўртинчидан**, иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ғоят бой маъдан - хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқурроқ, мукамалроқ қайта ишланишини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш;

**Бешинчидан**, республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташки иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш; олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш;

**Олтинчидан**, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

**Еттинчидан**, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш<sup>1</sup>.

Бунинг натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар юз берди ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 230-231-бетлар.

Бугунги кунда иқтисодиётни барқарорлаштиришга кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқариш механизмини ихтисослаштириш, иқтисодий қонунлар мутаносиблигини таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги амалда яққол намоён бўлмоқда.

Таркибий ўзгаришлардан кўзланган аниқ мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Иқтисодиётнинг хомашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;
2. Истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
3. Импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш;
4. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;
5. Ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
6. Меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;
7. Ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миллий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмол молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ қондириш.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ўзида қуйидагиларни ифодалаши лозим:

1. Фан-техника тараққиёти ютуқларини муҳассамлаштирган янги, юқори самара берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берадиган тармоқлар ривожланишни таъминлаш;
2. Мамлакатнинг табиий шароитини, унинг минерал, хомашё ресурсларини демографик аҳолини, қишлоқ хўжалиги учун яроқли унумдор ерлар мавжудлигини ҳисобга олиш;
3. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш асосида юқори иқтисодий нағижаларга эришишни таъминлайдиган иқтисодиёт таркибий тузилишига эришиш;
4. Миллий иқтисодиёт таркибини шакллантиришда унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиб боришини эътиборга олиш;
5. Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, таълим бериш

тизимини такомиллаштиришга, аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлашга йўналтириш.

Мустақиллик йилларида ишбилармонлик муҳитининг яратиш ва инвестицияларни кенг жалб этиш натижасида иқтисодиёт тармоқ тузилишида туб сифат ўзгаришлар юз берди. 1990-2000 йилларда саноатнинг ЯИМдаги улуши 17,6фоиз дан 14,2фоизга қискарди. 2001 йилдан бошлаб эса фаол таркибий инвестицион сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида саноатнинг ЯИМ даги ўсиб бориб, 2016 йилда 23,4фоиз ни ташкил этди(қаранг: 13.2.1-жадвал).

13.2.1-жадвал

**Ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибий ўзгариш динамикаси (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	1990й.	2000й.	2005й.	2010й	2016й.
Иқтисодиёт бўйича жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	88,7	87,5	89,4	93,0	91,3
Саноат	17,6	14,2	21,1	24,0	23,4
Қишлоқ хўжалиги	33,4	30,1	26,3	17,5	16,1
Қурилиш	5,8	6,0	4,8	6,4	6,6
Транспорт ва алоқа	6,5	7,7	10,6	12,4	11,4
Савдо	4,5	10,8	8,8	9,0	9,6
Бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари	22,2	18,7	17,8	23,7	24,2
Соф еоликлар	11,3	12,5	10,6	7,0	8,7

Иқтисодиёт таркибий тузилишининг ўзгаришини ЯИМнинг қўшилган қиймат таркибини таҳлил қилиш асосида ҳам кўриш мумкин. 2000-2017 йилларда ЯИМ нинг қўшилган қийматда саноат (қурилишни қўшиб ҳисоблаганда)нинг улуши 23,1 фоиздан 33,5 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 39,8 фоиздан 47,3 фоизга ўсгани ҳолда қишлоқ хўжалигининг улуши 32,4 фоиздан 19,2 фоизга камайди (қаранг: 13.2.2-жадвал).

<sup>1</sup> Статистический ежегодник Узбекистана до 2008г. – Т.,2009. С 33-34; Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг.) и прогноз на 2011-2015гг. Стат. Сб. -Т: Узбекистан, 2011-с.36; Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.)// Госкомстат Республики Узбекистан www.stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

13.2.2-жадвал

**Иқтисодийёт тармоқлари бўйича ялпи ички маҳсулот қўшилган қиймат таркибидаги ўзгаришлар (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.	2017й.
Жами иқтисодийёт бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат (қурилиш билан бирга)	23,1	29,1	33,3	32,9	33,5
Қишлоқ хўжалиги	34,4	29,5	19,8	18,2	19,2
Хизматлар	42,5	41,4	46,9	49,0	47,3

Таркибий ўзгартиришлар натижасида автомобилсозлик, нефть химия ва нефть газ, электротезника, фармацевтика ва бошқа шу каби янги саноат тармоқлари вужудга келди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида ёкилғи-энергетика комплекси тармоқларининг улуши 2000йилдаги 23,8фоиз дан 2016 йилда 18,0фоиз га камайди. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғининг улуши ўзгаришсиз қолди. Таҳлил даврида озик-овқат саноатининг улуши 14,2 фоиздан 22,0 фоизга ошди (қаранг: 13.2.3-жадвал).

13.2.3-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси саноати таркибий тузилишидаги тенденциялар (жамига нисбатан фоизда)<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	1990й.	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.
Жами саноат	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан					
Ёкилғи-энергетика	8,8	23,8	27,5	27,9	18,0
Қора ва рангли металлургия	4,5	11,4	19,4	13,3	11,0
Кимё ва нефтькимёси	7,6	5,5	5,2	5,1	7,0
Машинасозлик ва металлга	16,0	9,9	13,0	16,1	10,0

<sup>1</sup> Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг.) и прогноз на 2011-2015гг. Стат. Сб. -Т: Узбекистан, 2011-с.36; Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.)// [www.stat.uz](http://www.stat.uz); Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2017год.-Т., Госкомстат РУ, 2018.-С. 17. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>2</sup> Статический ежегодник Узбекистана за 2008г.-Т.,2009.-с216; Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг.) и прогноз на 2011-2015гг. Статсборник.-Т: Узбекистан,2011.-с.36; Альманах Узбекистан 2017год.-Т., ЦЭИ, 2017.-С.26. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ишлов бериш					
Қурилиш материаллари саноати	5,2	5,4	3,6	4,9	6,0
Енгил саноат	37,6	19,1	16,6	13,3	16,0
Озик-овқат саноати	14,2	13,3	8,2	12,8	22,0
Бошқалар	6,1	11,4	6,5	5,6	8,0

13.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат таркибидаги ўзгаришлар нотекис ўзгаришлар тенденциясига эга бўлган. Бир томондан базавий тармоқлар бўлган ёкилғи-энергетика, қора-рангли металлургия саноати ҳамда енгил саноатнинг улуши камайган. Бу прогрессив тенденция. Иккинчи томондан, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қурилиш материаллари саноатининг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши ўзгаришсиз қолган ёки камайган.

Мустақиллик йилларида республикада иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилди;

- республиканин ёкилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи тўла таъминланди;

- энергетика мустақиллигига эришилди;

- озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топди. Ғалла мустақиллигига эришилди;

- ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қисқариб бормоқда;

- хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, улар ҳажмининг ЯИМдаги улуши ортиб бормоқда;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан янги автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди ҳамда самолётсозлик, радио-электроника, электроника соҳалари, шунингдек, қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда;

- таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши оқибатида саноат маҳсулотларининг тармоқ таркибида ёкилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимёси, машинасозлик, металлмни қайта ишлаш, озик-овқат саноати тармоқлари улуши ўсиб бормоқда.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:**

- миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини сифат жихатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда монополияни босқичма-босқич камайтириш;

- принципиал жихатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

- иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

- эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

- туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада самаралироқ бўлиши учун қуйидаги шароитлар яратилиши лозим:

1. Давлатнинг таркибий ўзгаришлар борасидаги фаол инвестицион сиёсатини амалга ошириш;

2. Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва улар учун муносиб қулай шароитлар яратиш;

3. Хусусий инвестициялар йўналишини савдо-воситачилик соҳаларидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга буриш;

4. Хорижий инвесторлар учун янада қулай инвестиция муҳитини яратиш;

5. Бозор муносабатларининг асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

6. Зарар кўриб ишловчи корхона ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни аста-секин тўхтатиш, санация ва банкротлик сиёсатини қўллаш.

### 13.3. Инвестицияларнинг моҳияти, турлари, инвестицион фаолият ва давлат сиёсати

**Инвестиция** (лот. кийинтирмок) ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида миллий ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига капитал киритиш (қўйиш) маъносини англатади. Инвестиция (капитал киритиш) хусусий сектор ва давлат ичида ва хорижда турли иқтисодиёт тармоқларига ёки қимматбаҳо қоғозларига капитал маблағларнинг узок муддатга киритилиши ҳам ҳисобланади.

Инвестициялар молиявий инвестиция, яъни акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш кўринишида ва реал инвестиция, яъни мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқаришга капитал киритиш (қўйиш), шунингдек, ёш мустақил давлатларга қарз ва субсидиялар бериш шаклларида амалга оширилади. Инвестицияларнинг асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши ҳам мавжуд. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар, техника ва технологиялар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар *реал инвестиция* дейилади.

Инвестицияларга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига йўналтирилган ҳамда бунинг натижасида фойда ёки ижтимоий самара вужудга келтириладиган барча турдаги мулкий ва интеллектуал қимматлиликлар қиради. Бу қимматлиликлар пул маблағлари, кўчувчи ва кўчмас (қўзғалмас) мулк объектлари бўлган моддий неъмат ва буюмлар (қимматликлар), ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, шунингдек, бошқа мулк хуқуқлар, муаллифлик ҳуқуқлари, ноу-хау ва бошқа интеллектуал қимматлиликлар бўлиши мумкин.

Инвестицион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида корхона сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларининг камайиши ялпи талабнинг камайишига,

аксинча корхона сотиб оладиган инвестициоан товарлар ҳажмининг кўпайиши ялпи талабнинг кўпайишига олиб келади.

**Мамлакатнинг инвестиция қилиш қобилияти** миллий даромадни капитал киритиш учун ишлатиладиган улуши миқдори билан ифодаланади. **Инвестициялар самарадорлиги** миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси. Капитал кўйилмалардан юқори фойда олишнинг кутилиши инвестицион товарларга талабни оширади ва аксинча, истикболда инвестицион дастурлардан фойда олиш ноаниқ бўлса, инвестицияларга сарфлар камайиш тамойилига эга бўлади, демак, ялпи талаб ҳам камаяди.

**Инвестицион фаолият** инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича қилинадиган амалий ҳаракатлардир. **Инвестор** бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритишни амалга оширувчи хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат. Қисқача айтганда инвестор инвестицияларни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Инвестицион фаолият ўз маблағлари, қарз ва инвесторларнинг жалб қилинган маблағлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Ўз маблағларига корхонанинг фойдаси, амортизация ажратмаси, пул жамғармалари, аҳолининг жамғармалари киради. Инвесторларнинг қарз молиявий маблағларига облигация заёмлари, банк ва бюджет кредитлари киради. Жалб қилинган маблағларга акциялар пайлар ва фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа улушларини сотишдан тушган маблағлар киради.

Инвестициялаш жараёнларида инвестиция муассасалари муҳим роль ўйнайдилар. **Инвестиция муассасалари** бу уларнинг асосий фаолият тури қимматли қоғозлар билан операциялар қилишдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъектлардир. *Инвестиция муассасалари* – бу қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол профессионал иштирокчиларидир. Инвестиция муассасалари ичида инвестицион банклар ва воситачилари, маслаҳатчилари фаолияти ҳам аҳамиятлидир. **Инвестиция банклари** миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларини молиялаш ва узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банклардир. **Инвестиция воситачиси** эса қимматли қоғозлар бозорида брокерлик ва дилерлик фаолиятини амалга оширувчи инвестиция муассасасидир. **Инвестиция маслаҳатчиси** – бу маслаҳат фаолияти билан шуғулланувчи инвестиция муассасасидир. Маслаҳат фаолияти қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари аҳолини таҳлил, тахмин қилиш, молиявий воситаларни экспертизадан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва тавсиялар бериш бўйича хизматлар кўрсатишни, қимматли қоғозлар чиқариш, жойлаштириш ҳамда уларнинг муомилада бўлиши, мутахасисларни қайта

тайёрлаш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан инвестиция сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатишни назарда тутди.

Мамлакатда инвестиция фаолиятини амалга оширишда инвестиция фондлари ҳам ташкил этилади. **Инвестиция фонди** - инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига кўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс – акциядорлик жамияти инвестиция фондидир. Инвестиция фонди ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Инвестиция фондининг қуйидаги шакллари мавжуд бўлиши мумкин: ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган инвестиция фонди; ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фонди. Инвестиция фондининг тури фондининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қимматли қоғоз инвестиция пайидир. Инвестиция пайига бўлган ҳуқуқлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан инвестиция пайлари эгасининг депо ҳисобварағидан бериладиган кўчирма билан тасдиқланади. Инвестиция фондининг ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шу жумладан чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк *инвестиция активларидир*.

Инвестиция фонди янги юридик шахсни таъсис этиш ёки бошқа инвестиция фондини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилади. Инвестиция фонди тижорат ташкилоти бўлиб, у ўзининг алоҳида ҳисобга олиннадиган мол-мулкига, шу жумладан устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади. Юридик ва жисмоний шахслар инвестиция фондининг муассислари (акциядорлари) сифатида иш юритиши мумкин.

Давлат мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш жараёнини ва хўжалик субъектлари томонидан амалга ошириладиган инвестицион фаолиятни тартибга солиш мақсадида инвестицион сиёсат олиб боради. **Инвестицион сиёсат** капитал кўйилмаларнинг энг устувор йўналишларини танлаш, иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш, унинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий ўсишга ва миллий даромаднинг энг юқори кўрсаткичларига эришишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Давлат томондан миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестициялар киритилиши учун қулай инвестиция муҳитини яратилиши унинг инвестицион сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. **Инвестиция муҳити**

инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи ҳисобланади. Инвестицион муҳит мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси ҳамдир.

Давлат қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчиларга солиқ босимини ва юқини камайтиришга қаратилган қонунчилик базасини яратади, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан инвестиция мақсадларида фойдаланилади, фан, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга инвестиция қилиш орқали миллий интеллектуал салоҳиятни сақлашга интилади.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришда давлат томонидан белгиланадиган молиявий имтиёз ва преференциялар муҳим роль ўйнайди. Улар пул ресурсларини ишлаб чиқаришга самарали инвестициялаш имкониятларини кенгайтиради ва шу орқали унинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Молиявий имтиёзларга фан-техника ишланмаларига йўналтирилаётган фойдани ёки унинг бир қисмини маълум муддатга солиққа тортишдан озод қилиш, асосий фондларнинг жадаллашган амортизация амалиётини амалга оширишга рухсат бериш ва бошқалар киради.

#### **13.4.Ўзбекистонда иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш тенденциялари**

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни ҳуқуқий базасини яратиш ва давлат томонидан тартибга солиш мақсадида 1998 йил 24 декабрда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган. Бу қонун мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;

солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;  
асосий фондларни жадал амортизация қилиш;  
нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;  
монополияга қарши чораларни қўллаш;  
кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;  
ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;


инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда инвесторларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг қўрилиши оқибатида 2017 йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 60719,2 миллиард сўмлик инвестициялар асосий капиталга киритилган (доллар эквивалентида 11,9 млрд.долл.) ёки 2016 йилга нисбатан 107,1 фоизни ташкил қилган (қаранг:13.4-1-расм).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-380-сонли «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 14-моддаси



13.4.1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши динамикаси<sup>1</sup>.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 1995 йилга нисбатан 8,7 баробарга, 2000 йилга – 5,8 баробарга, 2005 йилга – 4,6 баробарга, 2010 йилга – 182,2 фоизга ўсди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажми ЯИМ га нисбатан 2017 йилда 24,4 фоизни ташкил этди. Бу 2016 йилга нисбатан 0,2 пунктга кўпдир. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 1995 йилда – 29,4 фоизни, 2000 йилда – 22,9 фоизни, 2005 йилда – 19,9 фоизни, 2010 йилда – 24,6 фоизни, 2015 йилда – 24,3 фоизни ташкил этган<sup>2</sup>.

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби ўзгариб борди. Агар 1990 йилда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 46,3 фоиз давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2017 йилга келиб, бу кўрсаткич 24,7 фоизни ташкил этди (қаранг: 13.4.1-жадвал).

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasida asosiy kapitalga investitsiyalar//stat.uz/uz

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.60.

13.4.1-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар номлари	Инвестициялар таркиби жамига нисбатан фоизда			
	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2017 й.
Инвестициялар жами	100,0	100	100	100
Шу жумладан:				
Давлат бюджети, бюджетдан ташқари ва бошқа марказлашган фондлар	46,3	30,5	13,0	24,7
Марказлашмаган инвестициялар	53,7	69,5	87,0	75,3
Корхона маблағлари	41,1	27,1	32,2	29,4
Аҳоли маблағлари	12,6	12,0	16,0	14,5
Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари		7,2	9,7	11,0
Хорижий инвестициялар ва кредитлар		23,2	29,1	26,9
Шу жумладан, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар		3,4	25,3	20,4

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмида давлат бюджети маблағлари улуши 2005 йилда 12,3фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 5,5фоизни ташкил этди. Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилган инвестициялар улуши бирмунча қисқариб, ускуна, инструмент ва инвентарлар улуши ошди (қаранг: 13.4.2-жадвал.)

13.4.2-жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибидаги ўзгаришлар (умумий ҳажмига нисбатан фоизда)<sup>2</sup>

	1992й	2000й	2005й	2010й	2017й
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, жами	100	100	100	100	100
Шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига	66,0	58,1	48,7	52,1	60,3
Асбоб-ускуна ва жиҳозлар	17,0	30,6	38,7	39,0	31,5
Бошқа капитал ишлар ва сарфлар	17,0	11,3	12,6	8,9	8,2

<sup>1</sup>«Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг.) и прогноз на 2011-2015гг.(текст): Стат.сб.- Т.: Узбекистан, 2011.с.43-44, с.-52.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.62 маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Статистический ежегодник Узбекистана за 2008г.-Т.;2009г.с.276; Инвестиции в основной капитал // www.stat.uz.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.69 маълумотлари асосида тузилди.

Асбоб-ускуна ва жиҳозларга йўналтирилган инвестициялар улушининг кўпайиши ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, теник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларининг кучайиши билан боғлиқдир.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар такрор ишлаб чиқариш таркибида янги қурилишларга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 2000 йилдаги 42,0 фоиздан 2016 йилда 61,2 фоизга ўсди. Шунга мос равишда кенгайтириш ва модернизация қилишга йўналтирилган инвестициялар улуши 41,5 фоиздан 24,4 фоизга камайди (қаранг: 13.4.3-жадвал).

13.4.3-жадвал

**Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш бўйича таркибидаги ўзгаришлар** (умумий ҳажмига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>

	1997 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами, в том числе	100	100	100	100	100	100
Янги қурилишлар	56,2	42,0	31,9	57,1	61,2	61,2
кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш	41,5	57,5	67,3	29,0	26,5	24,4
Бошқа йўналишлар	2,3	0,5	0,8	13,9	12,3	14,4

Иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибидаги ўзгаришлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, инвестицияларнинг катта қисми иқтисодиётнинг асосий базавий тармоқларини (саноат, транспорт ва алоқа)га йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида инвестицияларнинг салмоқли улуши ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилмоқда (қаранг: 13.4.4-жадвал).

13.4.4-жадвал

**Иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибидаги ўзгаришлар**<sup>2</sup>

	2010 й.		2016 й.		2017 йг.	
	Млрд. \$	фоизда	Млрд. \$	фоизда	Млрд. \$	фоизда

<sup>1</sup> «Статистический ежегодник Узбекистана за 2008г. – Т., 2009. С.278; Госкомстат РУз. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Стат. Сб. – Т.: Узбекистан, 2011. С.5; Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетени 2016 йил.-Т., ИТМ, 2017 йил.-22-бет маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Составлено автором по данным « Статистический ежегодник Узбекистана за 2010-2016гг. – Т., 2017.-С.238-239; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.69-70.

Жами	15338,7	100	49770,6	100	60719,6	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	530,0	3,5	1646,4	3,3	2004,3	3,3
Тоғ-кон саноати	1514,6	9,9	7173,4	14,4	12405,3	20,4
Ишлаб берадиган саноат	2334,9	15,2	8992	18,1	8746,8	14,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	895,9	5,8	2722,6	5,4	5262,5	8,7
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	113,8	0,7	717,3	1,4	742,8	1,2
Қурилиш	219,7	1,4	932	1,9	2472,3	4,1
Улгуржи ва чакана савдо, ремонт моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	660,1	4,3	2459,2	4,9	2850,5	4,7
Ташиш ва сақлаш	3533,3	23,0	5785	11,6	5298,5	8,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	157,5	1,0	929,7	1,9	760,6	1,3
Ахборот ва алоқа	1068,5	7,0	1098,5	2,2	1891,2	3,1
Молия ва сугурта фаолияти	174,1	1,1	345,4	0,7	706,7	1,2
касбий, илмий ва техник фаолият	498,9	3,3	501,9	1,0	781,7	1,3
Таълим	408,3	2,7	1330,6	2,7	1188,4	2,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	308,2	2,0	1140,2	2,3	1391,1	2,3
санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	149,9	1,0	378,9	0,8	...	...
Барча фаолият турларидан бошқа: уй-жой қурилишига инвестициялар	2316,4	15,1	11081,7	22,3	10874,5	17,9
Бошқа фаолият турлари	454,6	3,0	2535,8	5,1	3340,3	5,4

2010-2017 йилларда тоғ-кон саноатига инвестициялар улуши 9,9фоиздан 20,4фоизга ошди. Шунингдек, Электр, газ, буғ билан таъминлаш



ва ҳавони кондициялаш, қурилиш соҳаларига киритилган инвестициялар улуши таҳлил даврида ўсди.

Мамлакатимизда киска муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буг-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буг-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтда электрлаштирилмоқда. Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

### **13.5. Хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси**

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини асосан капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадилар. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Бевосита хорижий инвестицияларга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий

иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси характерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

Давлат тартибга солишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланади:

- 1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
- 2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Бу борада йирик капитал экспортери-импортери бўлиши АҚШ тажрибаси жуда муҳимдир. АҚШнинг БХИларни тартибга солиш сиёсати икки даражада амалга оширилади: федерал, ҳамда маҳаллий (штатлар, округлар, шаҳарлар). Федерал тартибга солиш деганда хорижий инвестицияларга нисбатан чеклашлар тушунилади. Бунда миллий ҳавфсизлик масаласи биринчи ўринга кўтарилади. АҚШ президенти америка фирмаларининг қўшилиши, ютилиб кетилиши ва сотиб олинishi жараёнларини (агар бунда фирма фаолияти устидан назорат хорижий инвестор қўлига ўтса) тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Маҳаллий даражада суғурта бизнеси ва қишлоқ хўжалиги ерларини сотишни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Трестларга қарши қонунларни давлат органлари томонидан қўлланилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Умуман олганда маҳаллий маъмуриятнинг хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиш имкониятлари катта эмас. Инвестицияларни рағбатлантириш тажрибаси кўпроқдир. АҚШга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим механизмларидан бири – хориждаги ваколатхоналардир. Улар инвестицияларни у ёки бу штатга жалб этилишига кўмаклашадилар (Япониянинг ўзида шундай ваколатхоналардан 40 таси фаолият кўрсатмоқда).

АҚШнинг алоҳида штатларига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш дастури қуйидагиларни ўз ичига олади: солиқ имтиёзлари; корхонани қураётган ёки модернизациялаштираётган хорижий инвестор учун бозордаги ставкалардан пастроқ даражада қарзлар ва субсидиялар ажратиш; касбга ўқитиш ва бандликка кўмаклашиш; транспорт тармоғини такомиллаштириш; ер участкасини қурилиш учун тайёрлаш; текинга фойдаланиш учун ер участкасини ажратиш ва бошқ.

Халқаро инвестицияларни тартибга солиш бўйича муҳим амалий ҳужжатлардан бири – Осие-Гинч океани ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган хорижий инвестицияларнинг «кўнгилли кодекси»дир. Келажакда Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) томонидан фойдаланилиши

мумкин бўлган ушбу «кодекс» да қуйидаги инвестицион тамойиллар қайд этилган:

- транспарентлик;
- донор-мамлакатларга нодискриминацион ёндашув;
- хорижий инвесторлар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатларни соғлиқни сақлаш, ҳавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан мос тушиши;
- савдони ва капитал қўйилмалар ўсишини чегараловчи инвестицияларга бўлган чекловларни минималлаштириш;
- инвестицияларни экспроприация қилинишидан воз кечиш (бунда ижтимоий мақсадлар учун ва миллий қонунчилик доирасида, нодискриминация асосида, халқаро ҳуқуқ қоидаларига амал қилган ҳолда ва етарли ва самарали компенсация тўланиши шарти билан экспроприация амалга оширилиши мумкин);
- рўйхатдан ўтказилиш ва конвертациялашувнинг таъминланиши;
- капитални олиб чиқишдаги тўсиқларни йўқотиш;
- икки мартаба солиққа тортишни бекор қилиш;
- реципиент мамлакатнинг миллий қонунчилигига, маъмурий тартиб ва қоидаларига хорижий инвесторнинг амал қилиши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хорижий мутахассисларни мамлакатдан чиқишига ва вақтинча ташриф буюришига руҳсат бериш;
- маслаҳатлар ва музокара ёки арбитраж ёрдамида келишмовчиликларни бартараф этиш.

Хорижий инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий қафолатлар яратиб беради. Бу жараён жаҳон тажрибасида синондан ижобий равишда ўтган. Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунининг 11-моддасида шундай ёзилган: Республика ҳудудида ўз инвестиция фаолиятини олиб бораётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини Ўзбекистон Республикаси қафолатлайди. Бу қафолат албатта, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида берилади. Агарда Ўзбекистоннинг янги қабул қилинган қонунчилиги инвестиция шароитларини ёмонлаштиради, ўн йилгача хорижий инвестициялар улар жалб қилинган даврда қабул қилинган қонунчилик шартлари сақланиб қолади. Бу талаб муҳофаза, миллий ҳавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликни ўзгартирмайди. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ҳуқуқий

нормативларни қабул қилган тақдирда, инвесторларга етказилган зарар шу органлардан суд орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларини амалга оширишда дунёнинг қўллаб-қувватлаётган мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини яратиш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш билан боғлайди.

### **13.6. Ўзбекистонда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни давлат томонидан рағбатлантириши**

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳуқуқат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга қўмақлашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;
- қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.
- Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:
  - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни казиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- иктисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 22 мартдаги фармонида мувофиқ қуйидаги мезонларга жавоб берувчи чет эл, шубба ва қўшма корхоналар чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари қаторига кириши белгилаб қўйилди: устав жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган корхоналар; корхона иштирокчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси ҳисобланган; корхонанинг устав фаолиятида ўз ишлаб чиқариши ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сервис хизмат ҳиссасига ҳўжалик фаолиятдан тушумлар умумий ҳажмининг 60фоиз дан кўпроғи тўғри келадиган корхоналар.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инвестиция қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ хорижий инвестиция қатнашган корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик ассоциациялари, концернлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин. Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланган. Бу ҳимоя ҳар бир корхонада бўлгани каби хорижий инвестиция қатнашган корхоналар учун таалуқли. Миллий иктисодиётнинг устувор соҳалари ва ҳудудларига инвестиция киритган хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин. Шу билан бирга қонунда хорижий инвесторларнинг фаолият турлари ҳам белгиланган. Хорижий инвесторлар ёки хорижий инвестиция қатнашган корхоналар мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ўз мақсадлари ва низомларидан келиб чиқиб, барча турдаги фаолиятларни олиб боришлари мумкин.

Хорижий инвесторлар инвестиция ҳажмини, турларини, йўлларини белгилайдилар ва уларни хоҳлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Инвестор эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиши;
- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириши;
- Инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза ҳулосаларини олиши.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

“Иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. Хорижий инвестиция жалб этилган корхоналарга қуйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;
- хорижий инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан етти йил муддатга озод этиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизи болалар учун мўлжалланган бўлса, корхона ишга тушгандан бошлаб солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади;

- устав капиталнинг 50 фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босишга мўлжалланган бўлса солиқлар тўлашдан икки йил муддатга озод этиш;

- фойдадан тўланадиган солиқ – 18 фоиз;

- агар устав капиталнинг 50фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 500000 АҚШ долларидан 1 000 000 АҚШ долларигача бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ – 15 фоиз;

- агар устав капиталнинг 50 фоиз ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 1000 000 АҚШ долларидан ва ундан кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ – 16 фоиз;

- агар устав капитал ҳажми камида 500 000 АҚШ долларини ташкил этса, мол-мулк солиғидан озод қилиш;

- ер солиғидан икки йилга озод қилиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга сотиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш;

- жисмоний, ҳуқуқий шахслар ва давлатнинг мулкни хусусийлаштиришда бемалол иштирок этишлари мумкин.

Ҳозирги кунда иктисодиётда таркибий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан келиб чиқмоқда:

- инвестиция талабини фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иктисодий тараққиётнинг устун соҳаларига тўплаш;

- инвестицион жараёнларга корхоналар, ташкилотлар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва ундан республиканинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш;

- чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай иктисодий муҳит ҳозирлаш.

Республика Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ хорижий корхоналар 2005

йилнинг 1 июлидан бошлаб, асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиндилар. Бу имтиёзлар хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда берилади:

⇒ 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

⇒ 3 миллиондан ортик АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

⇒ 10 миллион АҚШ долларидан ортик бўлганда – 7 йил муддатга.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармони билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши **5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган** янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб **10 йил** мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган **фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар** тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Шундай қилиб, ўрнатилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

2017 йилда мамлакатимизда 12 та эркин иктисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Уларда чет эл компаниялари, хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар ва кичик тадбиркорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, 2017 йилда хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМдаги улуши 6,5 фоиз ни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 1,2 пунктга ўсди. Ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми доллар эквивалентида 3184,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан

20,4 млн. АҚШ долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир (қаранг: 13.6.1-расм).



13.6.1-расм. Асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитлар (млн АҚШ долл.)<sup>1</sup>

2017 йилда иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 56,5 фоизи хом нефть ва табиий газ соҳасига киритилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 25,6 фоиз пунктга ўсди, шунга мос равишда 9,5 фоиз ахборот ва алоқа соҳасига киритилган<sup>2</sup>.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда<sup>3</sup>.

Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasida asosiy kapitalga investitsiyalar//stat.uz/uz

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018. - С.73-74.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараккий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим<sup>1</sup>, - деб муҳим вазифани белгилаб берди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали техника, технологияларни жорий этиш, инвестицияларни ошириш орқали иқтисодиёт да таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни давом эттириш давлатнинг таркибий-инвестициявий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

#### Таянч иборалар

Иқтисодиёт таркибий тузилиши, таркибий ўзгаришлар, таркибий сиёсат, инвестиция, тўғридан-тўғри инвестициялар, инвестиция фаолияти, инвестицион сиёсат, диверсификация, кафолатлар, имтиёзлар.

#### Назорат саволлари

1. Таркибий ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти нимада?
2. Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар қандай натижаларни берди?
3. Инвестиция фаолияти нимани англатади?
4. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш чоралари нималардан иборат?
5. Инвестиция фондлари инвестиция фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?
6. Хорижий инвестициялар қандай бошқарилади?
7. Хорижий инвестицияларни бошқаришни чет эл тажрибасини хусусиятлари нималардан иборат?
8. Хорижий инвестициялар учун Ўзбекистон Республикасида қандай имкониятлар яратилган?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

## **14-БОБ. АГРАР СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ**

### **14.1. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурияти**

Аграр соҳа давлат томонидан доимий равишда тартибга солиб туришга муҳтож тармоқ ҳисобланади. Бунга қатор сабаблар таъсир кўрсатади. Аваламбор қишлоқ хўжалиги иқлаб чиқариши табиий шароитлар билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳамиша ҳам хўжаликнинг фаолиятиги боғлиқ эмас. Бир меъёردа қилинган меҳнатнинг натижалари қишлоқ хўжалигида табиий таъсирлар натижасида турлича бўлади. Унинг маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш имкониятлари чекланган. Натижада, қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотларини тезликда сотишга мажбур бўладилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан жуда кўплаб тадбиркорлар шуғулланганликлари учун уларга нарх эркин, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бу нархлар кўпинча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун фойдали бўлмайди. Шу сабабларга кўра қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлаш зарурати мавжуд. Бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги тармоғи давлат томонидан тегишли қонун-қоидалар асосида тартибга солиб турилиши ва қўллаб-қувватланиши лозим.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини марказлашган режалар асосида давлат томонидан маъмурий усуллар орқали бошқариш тамойилларидан воз кечиб, бу соҳага эркин бозор муносабатлари кириб келаётган бир пайтда давлатнинг аграр ишлаб чиқариш муносабатларига аралашуви ҳаётий заруратга айланади.

Эркин бозор тарафдорлари аграр соҳага хос бўлган бир қатор хусусиятларга (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, аграр ишлаб чиқаришга хос бўлган табиий –

биотехнологик омиллар деҳқонлардан мустақил қарорлар қабул қилишни талаб этиши ва бошқ.) таяниб, бу тармоқда эркин бозор муносабатлари амал қилиши учун қулай шарт – шароитлар мавжуд, деган ғояни илғари сурадилар. Уларнинг фикрича, бозорнинг ўз – ўзини тартибга сола олиш хусусияти, аграр иқтисодиётга давлат аралашувини талаб этмайди ва бунга зарурят ҳам йўқ. Мустақил хўжалик юритиш ва тадбиркорлик эркинлиги эса бозор шароитида фермерларнинг юксак суръатлар билан ривожланишига олиб келиши керак.

Аммо, республикаимиз бозор муносабатларига ўта бошлаганидан бери ўтган давр сабоқлари ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари қишлоқ хўжалигини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб бўлмаглигини кўрсатмоқда. Чунки, бозор шароитида аграр соҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб, соҳалараро рақобатга бардош беролмайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш заруратини даставвал қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги мураккаб биотехник технологик ҳамда ижтимоий – иқтисодий тизим сифатида тавсифланади. Унда ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий ҳарактердаги омиллар билан биргаликда ер, сув, ўсимлик ва чорва моллари организм, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жўғрофий жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш жараёнида турли тавсифдаги ушбу омиллар уйғунлашиб кетади. Ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирраллиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди. Хусусан, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини (об-ҳаво, табиий-иқлим шароити ва ҳ.к.) бошқариш деҳқонларнинг имкониятлар доирасидан ташқари бўлиб, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмайди. Аммо, бу омилларнинг қулай ёки ноқулай шароитларда келиши хўжаликнинг яқуний молиявий натижаларига кучли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий иқлим шароитига (жонли организмлар, жўғрофий муҳит, об-ҳаво ва бошқ.) боғлиқлиги деҳқонлар фаолияти рағбатлантириш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларни яратишни талаб қилади.

Деҳқон манфаати томонидан ёндашсак, йил давомида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва қурғоқчилик туфайли бекорга совурилиши мумкин. Бундай пайтларда унинг кўрган зарарини қисман бўлсада қопламаслик келгуси йил ҳосилига ҳам таҳдид

солади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши нафақат қишлоқ хўжалиги тармоғида, балки бутун мамлакат миқёсида ҳам қийинчиликлар туғдириши мумкин. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус захиралари бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат озиқ – овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини деҳқонлардан харид қилиб, махсус омборларда сақлаши ва ноқулай келиб, танқислик вужудга келган йиллари бу захиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида (АҚШ, Европа Ҳамжамияти давлатларида, Канада) қўллаб келинади ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий – иқлимий шароитларга боғлиқлиги бу тармоқда баҳолар ва даромадларнинг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қулай об-ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши баҳонинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ ғалла, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан баҳоларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида деҳқонлар катта зарар кўради. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, улар хонавайрон бўлиши турган гап. Ёки иккинчи бир йили об-ҳавонинг ноқулай келиши (қурғоқчилик, сел, жала ва ҳоказо) ҳосилнинг кескин камайиб кетишига ва натижада нархларнинг ҳаддан ташқари қимматлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда деҳқонлар ҳосилнинг камайиб кетишидан зарар кўрсалар, истеъмолчилар нархларнинг баландлигидан азият чекадилар. Кўришиб турибдики, ҳар иккала ҳолда ҳам деҳқон кўпроқ зарар кўради ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғлиқлиги туфайли тез бузилувчан бўлади. Уларни узоқ муддат сақлаш ёки олис масофаларга тешиш имкониятлари анча чегараланган. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда саноат, савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маҳсулотларига баҳо белгилашда анча қулай мавқега эга. Чунки, истеъмолчи сўраётган нарх қониқтирмаса, уларни токи бозорда қулай вазият вужудга келгунга қадар товарларини сотмай сақлаб туришлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса сабзавот, мева ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узоқ вақт ушлаб тураолмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқотиши мумкинлиги сабабли

фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишга мажбур бўладилар.

Иккинчи тамондан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар республикада кўпчилини ташкил этади ва эркин бозор ҳукм суриб турган шароитда улар ҳеч қачон ўзаро келишиб, маҳсулотларига юқори нарх белгилай олмайдилар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида нисбатан идеал рақобат ҳукм суради. Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, унга бўлган талаб эластикликка эга эмас (ёки жуда паст эластикликка эга).

Аксинча, қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳудудлар миқёсида камчиликни ташкил этиб, баъзан монопол мавқега эга эканлиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари харид қиладиган саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғит, ёқилғи ва Ҳ. К.) нархи кўп ҳолларда тез суръатлар билан ўсади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари билан бу тармоқ учун зарур бўлган саноат товарлари ёки хизматлар баҳолари ўртасида йирик номуносиблик (баҳолар диспаратети) вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтиради ёки умуман, зарарли қилиб қўяди. Бундай ҳолат ҳеч бир мамлакат манфаатига мос тушмайди. Бундай вазиятда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ноқулай бўлган техника таъминоти ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг монопол мавқеини чеклаш чораларини кўришга мажбур бўлади.

Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти бу тармоқда капитал айланишининг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, саноат, савдо, молия бозорлари каби бир қатор тармоқларда капитал айланиши қишлоқ хўжалигидагига нисбатан бир неча марта юқоридир. Капитал қанча тез айланса, шунчалик кўп фойда келтириши туфайли қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши бу тармоққа инвестиция имкониятларини кескин чегаралайди. Аммо, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва сугориш тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни техник қуроолантириш, фан – техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, экологик вазиятни барқарор ушлаб туриш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун йирик капитал маблағлар талаб этиладики, бу тадбирларни ёлғиз қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг маблағлари ҳисобдан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат бюджетини ҳисобдан махсус маблағлар ажратилиши мақсадга

мувофиқ. Ва нихоят, фермер хўжалиklarининг ижтимоий ривожланиши, яъни улар учун йўллар барпо этиш, газ, сув, электр таъминоти, ижтимоий – маданий объектлар қуриш каби умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муаммолар мавжудки, бу муаммоларни давлат ҳомийлигисиз ечиб бўлмайди.<sup>1</sup>

#### **14.2. Давлатнинг аграр соҳани тартибга солишдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари**

Миллий аграр иқтисодиётининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси-давлат аграр иқтисодиёт барқарор ривожланишини ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъект тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга имкон берувчи меъёрлар ҳамда қонунларни қабул қилиш орқали, ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутати.
- Барқарорлаштириш вазифаси-аграр иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни бартараб этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймастик ва агросаноат мажмуи таркибининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ.
- Тартибга солиш вазифаси-хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида бозор тузилмалари билан давлат бошқарувининг ўзаро манфаатлилиги ҳамда уйғунлигини шакллантиришдан иборат.
- Рағбатлантириш вазифаси-миллий иқтисодиёт доирасида қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини, хусусий тадбиркорликни, адолатли рақобат қурашини ёки бошқа устивор йўналишларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини ифодалайди.
- Таксимлаш вазифаси – ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида дароматларни қайта таксимлаш, шунингдек, ички маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар таксимотига тузатишлар киритиш билан боғлиқ.
- Ижтимоий қафолатлаш вазифаси – қишлоқ хўжалигида таъминот ва аҳоли начор қатламларини ҳимоялашнинг самарали тизимсини яратиш, ишлаб чиқариш ва таксимотнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш,

таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ чора – тадбирларни ўз ичига олади.

- Муҳофаза қилиш вазифаси аграр ишлаб чиқаришни салбий ҳарактердаги ташқа таъсирлардан (масалан, атроф – муҳит ва бошқ.) сақлаш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи экспортёрлардан ёки жаҳон бозоридаги кучли рақобатдан ҳимоялаш каби вазифалардан иборат.
- Назорат этиш вазифаси – қишлоқ хўжалигида қонуний – меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари ва давлат андозаларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билан боғлиқ.
- Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси – халқаро бозорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортёрларининг манфаатларини ҳимоялаш, божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспортга йўналтирилган маҳсулотлар яратишни рағбатлантириш, улар учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.
- Истиқболни белгилаш вазифаси – қишлоқ хўжалигини истиқболда ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш, барқарор аграр тараққиётининг самарали вариантларини изчил амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб – қувватлашдаги энг муҳим вазифаларидан бири – тадбиркорлик ташаббуси ва танлов эркинлигига, мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқи ва ўз хусусий мулкига эга бўлган бозор хўжалигининг субъекти тадбиркорларни шакллантириш ҳамда уларнинг соғлом рақобат ва тенг хўжалик юритиш шароитларида фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳуқуқий – меъёрий асосларини яратишдир. Давлат тадбиркорларнинг бутун ижобий ва меҳнат қобилиятларини юзага чиқариши ҳамда улар хўжалиқни бошқариш жараёнларини тўсиксиз амалга оширишлари учун зарур бўлган барча шарт – шароитларни, яъни тадбиркорлик ва танлов эркинлигини қонунан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Шу билан бирга давлат тегишли қонуний ҳужжатлар орқали бозор шароитида хўжалик юритиш қондаларини белгилайди.

Давлатнинг яна бир муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талаб ва тақлифнинг шаклланишини қўллаб – қувватлашдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни шакллантириш учун аҳолининг дароматларини ўстириш ва қайта таксимлаш, истеъмол учун зарур бўлган баъзи маҳсулотларнинг баҳоларини тартибга солиш каби тадбирлар қўлланилади. Давлат истеъмол учун зарур бўлган ҳамда стратегик аҳамиятга эга бир қатор маҳсулотларга давлат буюртмаларини шакллантириш орқали

<sup>1</sup> Ҳакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти (Дарелик). – Т.: ТДИУ, 2010. –168-171 б.



ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни юзага келтиришга ҳисса қўшади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор таклиф ҳажмини қўллаб-қувватлаш бевосита хўжаликларда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, уларнинг моддий – техник салоҳиятини ошириш, соҳага энергия ва ресурсларни тежаш имконини берувчи илғор технология ҳамда фан-техника ютуқларини жорий этиш (баҳолар паритетини сақлаш, солиқ, молия-кредит ва сугурта тизими) орқали ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятда қулайлик ҳамда имтиёзлар яратиш орқали таъминланади.

Давлатнинг учинчи муҳим вазифаси – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритишга етакловчи соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдир. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг очиқлигини ҳамда адолатли рақобат муҳитини яратиш, носоғлом рақобат ва монополияга қарши курашнинг самарали воситаларини қўллаш чоралари амалга оширилади.

Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жаҳон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозорларида тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бермоғи лозим. Бунинг учун давлат:

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлари етиштиришга рағбатини ошириш;
- Маҳалий бозорларда уларни ташқи экспортёрлар рақобатидан етарли даражада химоялаш (протенционизм) воситаларини ишга солади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни барпо этишга қўмаклашишдир. Бу вазифани амалга ошириш деҳқонларга моддий – техник ресурслар етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга қўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярамаркалар, ахборот – маслаҳат марказлари ҳамда деҳқонлар манфаатларини химоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва ривожлантиришни назарда тутлади.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари маълум бир тамойилларга таяниб амалга оширилади. Бу тамойилларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий моҳиятини, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда унинг тутган ўрнини ва аҳамиятини илмий тушуниш;
- Зарурият ва етарлилик даражасидаги протекционизм сиёсати;

- Қишлоқ хўжалигини мақсадли – дастурий тартибга солиш;
- Давлат ҳомийлигининг доимий кафолатланиши;
- Қўллаб-қувватлаш тадбирларининг табақаланган ҳолда қўлланилиши;
- Давлат аралашувининг рағбатлантиривчи йўналишга эгаллиги;
- Давлат аралашувининг ижтимоий йўналтирилганлиги.

Давлат ўзининг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашга оид вазифаларини турли шакл ва усулларда амалга оширади. Танланган мезоннинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Давлатнинг аграр соҳа иқтисодий жараёнларига таъсири даражасига кўра, тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд. Давлатнинг қишлоқ хўжалигига бевосита таъсир кўрсатиши хўжалик юритувчи субъектларини ўз танлов эркинлигидан келиб чиқиб эмас, балки давлат томонида белгиланган қонуний – меъёрий қоидалар асосида бошқарув қарорлари қабул қилишга мажбур этади. Бунга солиқ қонунчилиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича йўриқномалар ва бошқалар мисол бўлади.

Билвосита усуллар ёрдамида давлатнинг қишлоқ хўжалигига таъсири такрор ишлаб чиқаришнинг макроиқтисодий нисбатларини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солишни кўзда тутлади. Бунда давлат иқтисодий субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнига тўғридан – тўғри аралашмайди, балки бу қарорларни давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос бўлишини рағбатлантиради.

2. Ташкилий – институционал мезонга кўра давлатни қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари фарқ қилади. Маъмурий усуллар хўжалик юритувчи субъектлар учун қонуний ва меъёрий шарт – шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳуқуқий инфратизимни шакллантиришга оид чора – тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Унинг вазифаси тадбиркорлик фаолияти учун барқарор ҳуқуқий шароитлар яратиш, рақобат муҳитини муҳофаза қилиш каби тадбирлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш маъмурий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- улар давлат ҳокимиятининг қудрати ва салоҳиятига таянади;
- уларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча моддий рағбатлантирувчи чоралар яратишни шарт қилиб қўймайди;
- тақиқлаш, руҳсат бериш ва мажбурлаш тадбирларини (квотлаш, лицензия бериш, меъёрий нормаларни белгилаш ва ҳ. к.) ўз ичига олади.

Маъмурий бошқарув ўз табиатига кўра, бозорга хос тартибга солиш ҳаракатига тўсиқлик қилади. Бироқ ривожланган бозор шароитида ҳам бошқаришнинг маъмурий усуллари ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва зарур бўлганда улардан фойдаланилади. Хусусан, бозор иқтисодиёти ривожланган ҳамма мамлакатларда маъмурий усуллар воситасида монополияга қарши сиёсат амалга оширилади.

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг ривожланишини давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос йўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди. Иқтисодий жараёнларни давлат тамонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллари бозор ҳўжалигининг ўз – ўзини бошқариш механизмига қаршилиқ қилса, иқтисодий усуллар улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради.

Иқтисодиётни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий усуллари қуйидагилар қиради.

- бюджет – солиқ сиёсати;
- пул-кредит сиёсати;
- ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш;
- иқтисодий режалаштириш, дастурлаш ҳамда истиқболни белгилаш.

Бюджет – солиқ тизими ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат тамонидан бевосита тартибга солишнинг самарали дастакларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг харажатлар қисми орқали даромадларни қайта тақсимлаш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фан – техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш, аграр иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига давлат инвестицияларини йўналтириш ҳамда қишлоқда ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш мумкин бўлади.

Солиқ тизими орқали қишлоқ ҳўжалиги корхоналари фаолиятини рағбатлантириш (солиқ имтиёзлар ва бошқ.) амалга оширилади. Чунки, прогрессив солиқ тизимидан нотўғри фойдаланиш, яъни унинг меъёрини ҳаддан ташқари ошириб юбориш иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, биринчи навбатда, юқори унум билан меҳнат қилиш ва юқори даромад олишга бўлган манфаатни, инвестицияларга бўлган рағбатни йўққа чиқиши билан изоҳланади.

Пул-кредит тизими давлатнинг қишлоқ ҳўжалигига билвосита таъсир кўрсатиш усуллари билан бирдир. Пул-кредит тизими орқали:

- мақсадли кредитлар бериш;
- кредит беришнинг юқори чегараларини белгилаш;
- банк фоизларининг даражаси устидан бевосита назорат ўрнатиш;
- кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солиш;

- тижорат банкларини қайта молиялаш меъёрларини тартибга солиш каби иқтисодий рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Иқтисодий режалаштириш, дастурлаш ҳамда истиқболни белгилаш (прогнозлаш) орқали давлат иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади ва улар хусусий тармоқ субъектлари учун тавсия мазмунига эгадир. Давлат истиқболни башорат қилиш орқали келгусида кўзда тутилган вазибалар самарали амалга оширилишнинг оптимал вариантларини изласа, иқтисодий дастурлар орқали маълум бир тармоқ, ҳудуд ёки устувор вазибаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади.

Ҳозирги кунда нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қуритилган сут, чой ва антиквар маҳсулотлар экспортга чеклов қўйилган. Мамлакатда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувчиларини ҳимоялаш сиёсати ҳам олиб борилмоқда. Шу мақсадда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари импортига божхона тарифлари белгиланган.

Давлат ўзининг реал ҳокимияти кучидан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалигини маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солса, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида уларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади. Эркин бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда давлатнинг маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солиш даражаси камайиб боради. Аммо, унинг аҳамияти сақланиб қолади. Негаки, хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлиги дахлсизлигини ҳимоялаш монополияни чеклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаб туриш каби муҳим тадбирларни фақатгина қучли давлат ҳокимияти ва маъмурий усуллар орқали таъминлаш мумкин.

Шу билан бирга иқтисодий ва институционал усуллар орқали фермер ҳўжаликларини қўллаб – қувватлаш кўпроқ аҳамият касб этиб бораверади.

Давлатнинг қишлоқ ҳўжалигини тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш тадбирлари илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳамда ижобий натижаларни таъминлашга йўналтирилган бўлсагина ўз самарасини беради.<sup>1</sup>

#### 14.3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари

Давлат тамонидан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат аграр сиёсат деб аталади. **Аграр сиёсат** – бу умумиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб,

<sup>1</sup> Ҳакимов Р. Аграр сиёсати ва сиёсати (Дарслик). – Т.: ТДИУ, 2010. –172-175 б.

қишлоқ хўжалиги тармоғи олдига қўйилган вазифаларга эришишни таъминлашга қаратилган ер билан боғлиқ муносабатларни ислоҳ қилиш асосида иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солинган аграр муносабатларни шакллантириш ҳамда шу муносабатларни ижросини таъминлашга қаратилган агротехнологик, ташкилий ва иқтисодий тамойил ва воситалар мажмуи ҳисобланади. Аграр сиёсатнинг мақсади – мамлакат аҳолисининг асосий туридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўлароқ қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини етарли хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, шаклланган аграр ресурслар салоҳиятидан мақсадли ва мақбул фойдаланишга эришиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳолиси яшаш фаровонлигини яхшилашдир.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган давлат аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустақкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт–шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
- Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;
- Қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;
- Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;
- қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;
- қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;
- қишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;
- қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;
- мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;
- ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислохотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;
- уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;
- қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;
- даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;
- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

– фкоралар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

– молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда қорхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;

– улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, қорхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

– пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;

– Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмни шакллантириш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб – қувватлаш ишлари билан тегишли давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Фермерлар Кенгаши ҳамда бошқа тузилмалар шуғулланадилар. Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб – қувватлаш жамғармаси, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, “Мадад”, “Биржасавдосуғурта”, “Агросуғурта” суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар қорхоналарга бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга қўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа фавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг ҳуқуқий – меъёрий базасини яратиш қорхоналарнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳуқуқлари ва имтиёзларини кафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустаҳкам

ҳуқуқий–меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқоралик Кодекси”, “Ер кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувиغا йўл қўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 29- моддаси: “Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди”, – деб эътироф этилган.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйдаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фойзаларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар қиради.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини этказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутди. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди.

#### 14.4. Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар ва ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистонда аҳолини энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун саъйи-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан мустақилликка эришишдан олдин бошланди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун 1989 йил 17 августда И.А. Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг йиғилишида “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой куриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида” қарор қабул қилинади. Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарорнинг ижро этилиши натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 млн.дан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди. 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Шу билан бирга пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди<sup>1</sup>. Бу пахта яқкахокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

И.А.Каримов 1989йил 19 августда Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқида ер улушини кенгайтириш орқали қуйидаги масалаларни ҳал этиш кўзланганлигини айтган:

- озиқ-овқат программасини бажармоқчимиз;
- бу уй-жой программасини ҳал этишга ёрдам беради;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:Ўзбекистон, 2011.-12-13-бетлар.

- ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда;
- аёлларнинг иш билан бандлиги ўсади;
- ижтимоий-иқтисодий барқарорлик масаласи ҳал этилади<sup>1</sup>.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, аграр ислохотларни амалга ошириш жараёнларида қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак бўлди. Бу масала Президент И.А.Каримов ташаббуси билан кўриб чиқилди. Мамлакатимизда дон мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган Дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши катта йжтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. “Дон мустақиллиги Дастури” нинг қабул қилиниши натижасида:

- сиёсий жихатдан мамлакатимизнинг дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иқтисодий қарам бўлишига йўл қўйилмади, аҳолининг дон маҳсулотлари билан таъминоти масаласи ҳал бўлди, давлат томонидан ун ва ун маҳсулотларининг нархи ошиб кетишининг олди олинди;
- ижтимоий жихатдан биз бошқа мамлакатларнинг эмас, балки ўзимизнинг деҳқонлар иш жойлари билан таъминланди. Чорвачиликни ривожлантириш ва ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиб, қўшимча даромад қилиш имконияти пайдо бўлди, халқнинг эртанги кунга ишончи таъминланди;
- иқтисодий жихатдан мамлакат валюта захирасини сақлаб қолиш ва бу валютани бошқа зарур соҳаларга ишлатиш имконияти яратилди, донни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга реал талаб пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан аҳоли ва давлат эҳтиёжларини оқилона ва янада тўлароқ қондириш мақсадида улардан фойдаланиш таркибини ўзгартириш ишларига катта аҳамият берилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан аҳоли ва давлат эҳтиёжларини оқилона ва янада тўлароқ қондириш мақсадида уладан фойдаланиш таркибини ўзгартириш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида пахта экин майдонлари қисқартирилиб, ғалла, картошка, полиз, сабзавот экин майдонлари, тоқзорлар ва боғларнинг майдонлари анча кенгайтирилди (қаранг: 14.4.1-жадвал).

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:Ўзбекистон, 2011.57-60-бетлар.

Ўзбекистонда экин майдонлари таркибининг ўзгариши  
(1990–2016йй., фоизда)<sup>1</sup>.

	1990йй.	1995йй.	2000йй.	2010йй.	2016йй.
Жами экин майдонлари, минг га	4200,1	3628,1	3778,3	3708,4	3694,2
Шу жумладан	100	100	100	100	100
Дон маҳсулотлари	24,0	44,8	42,0	45,2	45,6
Техник экинлар	55,3	37,9	41,3	38,2	36,0
Шундан пахта	53,3	36,1	38,2	36,2	31,1
Картошка	0,9	2,1	1,3	1,9	2,3
Сабзавот	3,2	5,0	3,3	4,6	5,5
Озуқабоп полиз экинлари	1,8	1,5	0,9	1,4	1,6
Озуқа экинлари	14,8	8,7	11,2	8,7	9,0

Пахта монополиясига барҳам бериш ва республика озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга ошириш мақсадида экин майдонларининг структураси ўзгарди. Республикада жами қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажмида пахта экин майдонларининг улуши 1990 йилдаги 53,3 фоиздан 2016 йилда 31,1 фоизга камайгани ҳолда, дон маҳсулотлари экин майдонларининг улуши таҳлил даврида 24 фоиздан 45,6 фоизга, картошка майдонлари улуши 0,9 фоиздан 2,3 фоизга, сабзавот экинлари улуши 3,2 фоиздан 5,5 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибининг ўзгариши қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мустақиллик йилларида кескин ўсишини таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратди.

Фермер хўжалиқларининг ривожланиши натижасида улар ҳиссасига асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича экин майдонларининг умумий микдоридagi улуши 2000 йилда 5,0–20,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 21,4 – 99,2 фоизга ўсди (қаранг: 14.4.2-жадвал)

<sup>1</sup> Статистический сборник. — Ташкент: «Ўзбекистан» 2011. — С. 45 ; Статистический ежегодник Республики Узбекистан. — Ташкент, 2013. — С.226, 246–248; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Стат.тўплам.2016йй. –Т., 2016.-23-бет; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т.: ЎЗР ДСҚ,2017- 137-бет маълумотлари асосида тузилди..

Ўзбекистонда 2000-2016 йилларда хўжалик тоифалари бўйича асосий қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг тақсимланиши  
(барча хўжалик категорияларига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>

	Фермер хўжалиқлари		Дехкон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқлар		Қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи ташкилотлар	
	2000 йй.	2016йй.	2000 йй.	2016йй.	2000йй.	2016 йй.
Дон маҳсулотлари	15,8	85,4	12,1	12,5	72,1	2,1
пахта	20,7	99,2	–	–	79,3	0,8
Картошка	5,0	21,4	78,2	77,7	16,8	0,9
Сабзавот	6,5	36,5	66,7	61,9	26,8	1,6
Полиз	17,6	53,9	42,0	44,1	40,4	2,0
Мева	7,1	61,5	28,8	30,1	64,1	8,4
узум	5,8	65,1	21,9	31,2	72,3	3,7

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг олиб борилган аграр сиёсат туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида 2000-йиллардан бошлаб, унинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 5-6 фоизни ташкил этмоқда. 2017 йилда 2016 йилга нисбатан қишлоқ,ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2,0 фоизга ўсди. 1991–2017 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 48,2 фоиздан 19,2 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида банд бўлганларнинг миллий иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сонидagi улуши эса 41,7 фоиздан 27,1 фоизга кискарди. Умуман мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баробардан зиёдга ўсди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида давлат секторининг улуши бугунги кунга келиб атига 1фоизни ташкил этмоқда. Янги хўжалик юритиш шакли бўлган фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш

<sup>1</sup> ПОКАЗАТЕЛИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА. Статистический анализ основных показателей отрасли сельского хозяйства республики в 2000-2016 годах//stat.uz

умумий ҳажмидаги улуши 1991 йилдаги 0,1фоиз дан 2017 йилда 34,7фоиз га ўсди. Шу даврда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши 69,7фоиз дан 1,7фоиз гача камайди (қаранг:14.4.3-жадвал).

14.4.3-жадвал.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжалик турлари бўйича таркибининг ўзгариши (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>**

	1991й.	1995й.	2000й.	2010й.	2017й.
Жами					
Барча хўжалик турлари	100	100	100	100	100
Фермер хўжаликлари	0,1	2,7	5,5	33,9	34,7
Дехқон хўжаликлари	30,2	49,3	66,7	62,4	63,6
Қишлоқ хўжалиги корхоналар	69,7	48,1	27,8	2,0	1,7

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликшуносликда фермер хўжаликлари нинг улуши таҳлил даврида 0фоиз дан 52,0 фоизга, дехқон хўжаликларининг улушлари эса 16,2 фоиздан 46,8 фоизга ўсди. Шу даврда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши мос равишда 83,8 фоиздан 1,2 фоизга камайди. Дехқон хўжаликларида чорва моллари сонининг жиддий тарзда ўсиши туфайли уларнинг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 61,3 фоиздан 92,6 фоизга ўсди. Фермер хўжаликларининг бу соҳадаги улуши 0,3 фоиздан 4,3 фоизга ошди.

Республикамизда фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳосилдорлиги ҳамда ернинг сифати, балл бонитети жихатидан нисбатан паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида давлат бюджетидан берилган субсидиялар берилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ ва диверсификация қилиш натижасида мустақиллик йилларида техник экинлар майдонлари қисқариб, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари экин майдонлари кенгайтирилди. Оқибатда 2017 йилда 1991 йилга нисбатан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш 37,6 фоизга камайди, дон маҳсулотлари 4,2 баробарга, картошка етиштириш 8,5 баробарга, сабзавот 3,4 баробарга, полиз экинлари 2,2 баробарга ўсди (қаранг:14.4.4-жадвал).

<sup>1</sup> Альманах Узбекистана 2013год. –Т.,2013.-С.103; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. Стат.тўплами. –Т., 2016.-19-бет;Социально-экономическое положение Республики узбекистан за 2017год.-Т.: Госкомстат РУз, 2018.-С.50 маълумотлари асосида тузилди.

14.4.4-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси (минг тонна)<sup>1</sup>**

Маҳсулот турлари	1991й.	2000й.	2010й.	2015й.	2017й.	2017йил да 1991йил га фоиз
Дон маҳсулотлари	1908	3915	7391,0	7500,1	8116,5	425,3
Пахта хомашёси	4645,8	3002,4	3 404,0	3350,0	2900,2	62,4
Мева ва резаворлар	516,6	801,0	1710,3	2731,0	3076,3	595,5
Ўзум	480,5	573,0	997,5	1556,0	1748,9	363,9
Сабзавот	3324,1	2643,1	6346,4	9923,0	11433,6	343,9
Картошка	355,7	730,7	1692,9	2670,0	3014,6	847,5
Полиз экинлари	925,8	359,1	1182,4	1850,0	2094,8	226,2

Таркибий ўзгартиришлар натижасида пахта хомашёсининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши таҳлил даврида 47,7 фоиздан 11 фоизга камайди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши асосан ҳосилдорлик ва маҳсулдорликнинг ўсиши ҳисобига ошди.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонлари камайишига қарамадан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик ўсиб бориш тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг тобора кўпайиб, мавқеининг ошиб бораётганлиги, шунингдек, уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизда бугўйдан гектаридан ўртача 48,2 центнер ҳосил олинган, айрим туманларда бу кўрсаткич 60–77 центнерни ташкил этган (қаранг:14.4.5-жадвал).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.227-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т.,2014. 87-88-бетлар; ПОКАЗАТЕЛИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА. Статистический анализ основных показателей отрасли сельского хозяйства республики в 2000-2016 годах//stat.uz; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.51.маълумотлари асосида тузилди.

## 14.4.5-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (ц/га)<sup>1</sup>**

	1991й.	1995й.	2000й.	2010й.	2016й
Дон маҳсулотлари	17,3	19,4	27,0	43,6	45,0
Шу жумладан, бугдой	11,8	20,5	27,6	45,9	48,2
Картошка	87,0	92,0	129,3	194,9	225,1
Сабзавотлар	188,0	176,0	183,8	252,5	271,1
Полиз озуқабоп экинлари	106,0	99,0	132,4	192,6	209,4
Мева ва резавотлар	36,7	43,4	56,9	92,6	134,1
Узум	50,9	65,1	63,1	90,8	141,9
Пахта хомашёси	27,0	26,4	21,8	25,4	23,4

Дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги 2,8 баробарга, бугдой ҳосилдорлиги 4 марта, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлиги салкам 2 мартага, мева ва резавотлар ҳосилдорлиги 3 мартадан ортиққа ошди. Пахта хомашёсининг ҳосилдорлиги 2000 йилгача бўлган даврда 21,8 центнерга камайиб, сўнгра ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Мустақиллик йилларида чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳисобига йирик шохли қорамоллар боши 2,4 мартадан зиёдга, сигирлар 2 мартадан зиёдга, қўй ва эчкилар сони 1,9 мартага, паррандалар сони эса 1,9 мартадан ортиққа кўпайди (қаранг: 14.4.6-жадвалга).

## 14.4.6-жадвал .

**Ўзбекистонда чорва моллари сонининг ўсиши динамикаси (йил бошида, минг бош)<sup>2</sup>**

Чорва моллари турлари	1991й.	2000й.	2010й.	2018й.	2018йилда 1991йилга фозиз да
Йирик шохли қорамол	5112,6	5353,4	9094,7	12414,7	242,8
Шу жумладан сигирлар	2120,2	2343,4	3758,1	4418,3	208,3
Қўй ва эчкилар	10109,5	8932,5	15340,9	20680,5	204,5
Парранда	35200,4	14510,0	37733,3	71343,4	202,6

<sup>1</sup> Альманах Узбекистана 2013 год. – Т., 2013.-С.113; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. Стат.тўплам. –Т.,2016. – 27-28-бет; ПОКАЗАТЕЛИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА. Статистический анализ основных показателей отрасли сельского хозяйства республики в 2000-2016 годах//stat.uz маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Альманах Узбекистана 2013 год. Т., 2013. –С.114; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами.-Т.,2013.-238-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.- Т.,2014.-92-93-бетлар; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. –Т., 2016.-Б.35; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.57 маълумотлари асосида тузилди.

Чорва моллари сонининг ўсиши натижасида чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 1990 йилда 36,6 фоздан 2016 йилда 41 фозга ошди. Аммо 2017 йилда бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 31,0 фозни ташкил этди. Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликлариде чорва моллари сонининг жадал ўсганлиги билан изоҳланади. 2017 йилда 1990 йилга нисбатан гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2,9 баробарга, сут 3,3 баробарга, тухум 5,3 баробарга кўпайди (қаранг: 14.4.7-жадвал).

## 14.4.7-жадвал.

**Асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси (минг тонна)<sup>1</sup>**

	1990г.	2000г.	2010г.	2015г	2017г.	В фозиз 2017г к 1991г.
гўшт (тирик вазнда)	789,1	841,8	1461,4	2033,4	2281,1	289,1
Сут	3034,2	3632,5	6169,0	9027,8	10083,2	332,3
тухум, млн. дона	1231,8	1254,4	3061,2	5535,4	6605,5	536,2
Жун	25,8	15,8	26,5	36,0	37,1	143,8

Қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

<sup>1</sup> Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг.) и прогноз на 2011-2015гг.: Стат.сб.-Т.: «Узбекистан», 2011. –С.46; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Стат. тўплам 2016 йил. – Т., 2016.-Б.37.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.54-55 маълумотлари асосида тузилди.



- фермер хўжаликлар, энг аввало, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- кишлок хўжалиги махсулотларини чуқур қайта ишлаш, янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- кишлок хўжалигига хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини тармоқларини янада кенгайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унмудорлиги юқори бўлган кишлок хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- юқори махсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, кишлок хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда хайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг кишлок хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли кишлок жойларда яшайди. Бироқ кишлок хўжалиги махсулотларининг мамлакат ялпи ички махсулотидеги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа махсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан **кишлок хўжалигини янада ислох қилиш бўйича комплекс дастур** ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, озик-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган махсулотлар етиштирмаслик бўйича катъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот махсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. 1-илова.

ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур<sup>1</sup>,– деб муҳим вазифани белгилаб берди.

### Таянч иборалар

Аграр, аграр сиёсат, аграр ислохотлар, аграр дотация, лизинг, суғурта, солиқ имтиёзи, аванс, ер солиғи, мулк солиғи, фан-техника тараққиёти, чекланганлик, нарх, иқтисодий дастаклар, баҳонинг функциялари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, харажатлар калькуляцияси, асосий махсулот, қўшимча махсулот, ёндош махсулот, импорт, экспорт, миграция, кишлок хўжалиги, қайта ишлаш саноати, саклаш корхоналари, кимё саноати, моддий рағбатлантириш, касбий малака, ҳосилдорлик, махсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Кишлок хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.
2. Кишлок хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада?
3. Давлатнинг иқтисодий функциялари.
4. Кишлок хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий дастаг ва инструментлари.
5. Дотация нима?
6. Субсидия нима?
7. Кишлок хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?
8. Аграр сиёсат нима?
9. Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?

### 15-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

#### 15.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва назарий асослари

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик Аристотелнинг “Экономика” асарида энг аввало, деҳқончилик, хунармандчилик, майда савдода банд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

бўлганларнинг асосий ва шарафли фаолияти, деб эътироф этилган. Амир Темур "Тузуқлар" рисоласида "Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир",-деб таъкидлаган. Р.Кантильон берган таърифига кўра тадбиркор – бу доимий даромадга эга бўлмаган деҳқон, хунарманд, савдогар,камбағал ва бошқалар бўлиб, ўзгалар молини муайян нархда сотиб олиб,уларни ва ўзининг молини ҳаммуайян бўлмаган юқориноқ нархда сотишга интилади. Унинг асосий иқтисодий вазифаси турли товарлар бозорларида талабга мос таклифни киритиш ҳисобланади.

Йезеф Шумпетер(1883-1950) тадбиркор учун мулк эгалиги мақомининг шарт эканлигини инкор қилиб, унинг кишиларнинг турли табақаларига хослигини асослайди. У ўзининг "Иқтисодий ривожланиш назарияси" китобида тадбиркорни новатор, яъни янгилик яратувчи одам сифатида таърифлаган. Унинг фикрича,"тадбиркорнинг вазифаси янги кашфиётларни амалга тадбиқ қилиш орқали ишлаб чиқариш услубини реформа қилиш(янгилаш)дан иборат. Кенг маънода кўриб чиқилганда тадбиркорнинг вазифаси – янги очилган бозор ёки хом ашё базаси асосида янги товар ишлаб чиқариш ёки эскирганини модернизация қилиш учун янги технологиялар ишлатишдан иборат. Тадбиркор куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- -иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг янги шакллари жорий этиш;
- -янги сотиш бозорларини эгаллаш ва аввалгиларидан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш;
- -мавжуд саноат тармоғида илгари қўлланилмаган янги ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш;
- -ишлаб чиқаришда хом ашёнинг янги туридан фойдаланиш;
- -янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки аввалгисини сифат жиҳатдан такомиллаштириш.

Ўзбек олимлари А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар " бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир... Тадбиркорлик – кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради, деб таъриф берадилар.

Бизнес фаолият турига кўра тадбиркорликдан ташқари истеъмол бизнеси, касб-корлик бизнеси, яъни касб, лавозим имкониятларидан фойдаланиш асосида фойда ва наф олиш, бойликдан бойлик ундириш, тижорат-воситачилик бизнеси ва бошқа шаклларда ҳам намоён бўлади.

Бизнес мулкчилик турларига кўра давлат, хусусий ва аралаш ҳамда ҳуқуқий-қонунийлик нуқтаи назардан ошқора, расмий, норасмий, яширин(хуфёна) шаклларида юз беради.

Республикамизда тадбиркорликнинг куйидаги шакллари рухсат этилган:

- -якка тартибдаги фаолият;
- -ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;
- -бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамoa тадбиркорлиги ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ, аслида, аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармоялар олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда ПФ-3305-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан «ўрта корхоналар» тушунчаси бекор қилинди ва 2014 йил 1 январдан бошлаб куйидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий оқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар.

Куйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида – 200 кишидан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати,

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Бозор иқтисодиётига йўналтирилган кўпгина мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экспорт бозорлари фаолиятида фаол иштирок этиб, ЯИМнинг кўпайишига кўмаклашиб, аҳоли бандлигини таъминлаб, иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда банд аҳолининг катта қисми айнан кичик бизнесда банд бўлиб, уларнинг мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришдаги улуши юқоридир. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминловчи асосий ричаглардан бири сифатида қаралиши бежиз эмас. Буни 15.1.1-жадвалда келтирилган маълумотлари асосида ҳам кўриш мумкин.

15.1.1-жадвал

**Хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг ривожланиши даражаси<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	Кичик бизнес субъектлари сони (минг)	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес сони	Кичик бизнесда бандларнинг умумий бандликдаги улуши (фоиз)	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (фоиз)
Буюк	2930	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
Италия	3920	68	73	57-60
Франция	1980	35	54	55-62
АҚШ	19300	74	54	50-52
Япония	6450	50	78	52-55

Жадвалдан кўринишича, бир қатор мамлакатларда кичик бизнеснинг умумий иқтисодиётдаги улуши анча катта ва хатто устувордир. Меҳнатга яроқли аҳолининг ярмидан кўпроғи шу соҳада ишлайди ва бу соҳада бутун маҳсулотнинг 50-60 фоизи ишлаб чиқарилади.

<sup>1</sup> www.wikipedia.org

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг олиб борилаётганлиги туфайли унинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли ортиб бормокда.

Шундай қилиб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятида кичик бизнеснинг роли ғоятда каттадир. Бошқача қилиб айтганда, у давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб-яшнашининг гаровидир. Шунинг учун Ўзбекистонда кичик бизнес, яқка тартибдаги тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган.

Шундай экан, кичик корхоналарнинг роли ва аҳамияти нимадан иборат? Булар, қисқача айтиладиган бўлсак, қуйидаги омилларда намоён бўлади:

- кичик корхоналар бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тез тўлдирилишига ёрдам берадилар, ички бозорни ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитади;

- кичик корхоналар енгил ва озиқ-овқат саноатининг салмоғини ошириб, мамлакатни хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналганлик ҳолатидан чиқариб, иқтисодиётни таркибий қайта қуришга фаол таъсир қилади;

- кичик корхоналар, иқтисодиётнинг двигатели бўлгани ҳолда, соҳавий ва минтақавий яқка ҳокимликни бартараф қилишга, рақобат соҳасини кенгайтиришга ёрдам беради;

- кичик фирмаларнинг фаолиятида илғор, ихчам технологиялардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутуди, зеро, бу илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишлардан биридир;

- кичик корхоналар экспортга мўлжалланган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади;

- маҳаллий идораларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳоли пунктлари, кичик шаҳарларнинг ривожланишига таъсир кўрсатишда уларнинг роли каттадир;

- кичик корхоналар унутилган, анъанавий халқ амалий санъати, бадий ҳунармандчиликнинг тикланишига кўмаклашади, бу нафақат иқтисодиёт, балки халқ маданий меросини тиклашда ғоятда муҳимдир;

- кичик корхоналар кўпинча йирик корхоналарни бутловчи деталлар ва қисмлар билан таъминлаб, уларнинг йўлдоши бўлади, бу йирик ва кичик бизнес манфаатларини бирлаштиришнинг самарали усули бўлади;

- кичик корхоналарда пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, талабалар, уй бекаларининг меҳнат қилиш имконияти бор, бу эса уларнинг моддий ахволининг яхшиланишига ёрдам беради;

- кичик бизнес меҳнатни қўллаш соҳасини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ва самарасиз ишловчи корхоналардан озод бўлган ходимларни ишга жойлаштириш учун янги имко-ниятлар яратишга, бошқача қилиб айтганда, ишсизликни камайтиришга имкон беради;

- кичик бизнеснинг ривожланиши ҳисобига хусусий мулкчилик соҳаси кенгайди, бу жамият ва давлатнинг таянчи бўлиб хизмат қилувчи ўрта ҳоллар синфининг шаклланиши, мамлакатда барқа-рорликнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини оширишда ва муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катта рол ўйнайди.

#### **15.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда бу борадаги хориж тажрибаси**

Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш унинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизмининг асосини ташкил этади. Шу боисдан инглиз иқтисодчи олими Ж.М.Кейнс давлат турли бошқарув восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда инвестицион ва истеъмол фаолиятига таъсир кўрсатиши керак, истеъмолга мойиллик ва инвестициялашни амалга оширишни йўналтириш мақсади муносабати билан давлатнинг функцияси кенгайди... мавжуд иқтисодий шаклларнинг батамом бузилишининг олдини олишнинг ягона амалий имконияти... шахсий ташаббусни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шароитдир, деб таъкидлаган<sup>1</sup>.

Кичик ва ўрта бизнесни тартибга солиш У.В.Гафуров тўғри таъкидлаганидек, иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Унинг фикрига кўра “бу ўринда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш объекти сифатида намоён бўлишининг асосий сабабларидан бири – унинг жамият ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга бўлгани ҳолда, номукамал рақобат шароитида ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишда

<sup>1</sup> Қаранг: Кейнс Дж. *Общая теория занятости, процента и денег.* – М.: Гелиос АРВ, 2002. – С.352; Джалилов А.А. *Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари.*// *Иқтисод-молия / Экономика и финансы.* 2016 йил, 9-сон.-Б.38.

фаолият қўламининг чекланганлиги билан боғлиқ объектив омилларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Мазкур соҳанинг самарали фаолиятини таъминлаш, унинг тўлақонли амал қилиши ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз маҳмун ва мақсадларига кўра иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши жараёнларининг узвий қисми ҳисобланади<sup>1</sup>”.

Назарий жиҳатдан давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг либерал, ижтимоий-йўналтирилган моделлари мавжуд. Либерал модель давлатнинг сезиларсиз даражадаги иштирокига асосланиб, қуйидаги белгилари билан аниқланади: давлат ташкилотларининг қисқариши, кичик ва ўрта бизнес субъектларида либерализм, ижтимоий соҳадаги вазифаларни амалга оширишда давлат иштирокининг минимал даражада мавжуд бўлиши. Бу моделда, давлат асосан монетар сиёсат восита ва дастаклари орқали макроиқтисодиётни барқарорлаштириш вазифасини амалга оширади. Бу модель АҚШ, Франция, Буюк Британияга хосдир. Ижтимоий-йўналтирилган моделда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори бўлиб, бозорнинг асосий қоидаларини белгилашда давлат фаол иштирок этади; макроиқтисодий жараёнлар, кичик ва ўрта бизнес фаолияти давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади; аҳолининг уй-жой, мданият ва таълим, аҳолини иш билан банд қилиш, соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириш давлат томонидан амалга оширилади<sup>2</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш кўплаб мамлакатларда давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айрим олимларнинг фикрича, жаҳон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш уч турдаги моделлар орқали амалга оширилади<sup>3</sup>.

Биринчи модель протекционистик ғояга асосланиб, унда ривожланган давлатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурларини

<sup>1</sup> Гафуров У.В. *Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.* Докторлик диссертацияси автореферати. Т., 2017.- Б.15.

<sup>2</sup> Джалилов А.А. *Кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари.*// *Иқтисод-молия / Экономика и финансы.* 2016 йил, 9-сон.-Б.38.

<sup>3</sup> Колесникова Л. *Порядок для хаоса: государство и предпринимательство в переходной экономике.*-М., 2001.-С.77; Муродова Н.Қ. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш.* Докторлик дисс. Автореферати.-Т., 2016.-С.15.

амалга оширишда ўз ифодасини топади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш “Кичик бизнесда инновацион тадқиқотлар дастури”(SBIR) ва “Кичик бизнес технологиялари трансферти дастури” (STTR) каби дастурлар орқали амалга оширилади. Иккинчи модель аксинча, эркин тадбиркорликка асосланган моделдир. Бунга мисол тариқасида Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган йирик қўламли дастурлар қабул қилинмаслигини кўрсатиш мумкин. Учинчи комбинациялашган моделда юқорида кўрсатилган иккала модель бирлашган ҳолда амал қилади. Жумладан, Буюк Британияда шундай ёндашувни кузатиш мумкин. Ушбу ёндашувда давлат даражасида эълон қилинган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари эркин тадбиркорлик асосида амалга оширилади<sup>1</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун қулай муҳит, шарт-шароит яратишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий чора-тадбирлар тизимидир. Давлат органларининг иқтисодиётни тартибга солиш ва тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашдан кўзлаганган мақсадлари қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этишнинг юқори даражасини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини таъминлаш;
- пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий мувозанатни сақлаш<sup>2</sup>.

Давлатнинг тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги вазифалари мавжуддир:

1. Давлат томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида кишиларнинг фаолият рисклари билан боғлиқ бўлган инновация имкониятларини амалга оширишга қобилияти бор бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш.

2. Эркин рақобат муҳитини яратиш. Тадбиркорлик субъектлари эркин рақобат муҳити шароитида ўзларининг рақобат устунликларини таъминлаш учун фаннинг илғор ютуқларини қўллаган ҳолда техника ва

<sup>1</sup> Қаранг: Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Докторлик дисс. Автореферати.-Т., 2016.-С.15.

<sup>2</sup> Арипов О. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. Т.: “Фан”, 2012. – Б.25.

технологияларини узлуксиз янгилаш, инновацион менежмент ва маркетингни жори этиш, ўзларининг инновацион ва рискларга бардошлик қобилиятларини ишга солишга интилади.

3. Тадбиркорларнинг юқори сифатли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришини ва унинг бозордаги тақлифини рағбатлантириш. Бунда давлат томонидан солиқ, молиявий, кредит, суғурта, амортизация ва бошқа иқтисодий сиёсат дастаклари ёрдамида рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

4. Инновацион маҳсулотларга бўлган талабни шакллантириш ва рағбатлантириш.

5. Тадбиркорликнинг ташкилий ва бозор инфратузилмасини шакллантириш.

6. Тадбиркорликнинг ижтимоий йўналтирилишини таъминлаш.

Давлат томонидан тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Тадбиркорликнинг ривожланишини ҳуқуқий жихатдан таъминлаш тизимини шакллантириш.

2. Солиққа тортиш тизимини тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтириш.

3. Тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш тизимини шакллантириш, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини рағбатлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш фондларини, ўз-ўзларини кредитлаш жамиятларининг, венчур капитали, венчур фирмаларининг ҳамда инновацион фондларнинг шаклланишига қўмаклашиш.

4. Тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш. Инновацион жараёнларни суғурталашнинг давлат ва бозор шакллариининг уйғунлигини таъминлаш.

5. Тадбиркорликнинг ташкилий инфратузилма тизимларини шакллантириш.

Кўпгина хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг вужудга келиши ва муваффақиятли фаолият юритиши давлат ёрдами воситасида таъминланади. Уларда бу ишда жуда катта ижобий тажриба тўпланган бўлиб, ундан бизнинг шароитларимиз ва хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Кўпгина мамлакатларда кичик корхоналар фаолиятини тартибга солишга умумий ёндашишлар ва асосий йўналишлар ҳосилдир. Уларга қуйидагилар қиради:

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган махсус қонунларни қабул қилиш;

- корхоналар фаолиятининг умумий ва хусусий томонларини (масалан, кичик фирмаларда бошқарув усулларини) такомиллаш-тиришни, бизнес билан шуғулланишни истаётганларга молиявий ёрдам кўрсатишни, кичик бизнесни ривожлантиришни кўзда тутувчи маълум мақсадга қаратилган давлат режаларини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг таркибий-ташкилий хизматларини ташкил қилиш;

- кичик бизнесларга давлатнинг молиявий ёрдам кўрсатиши (Италияда кичик фирмалар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришга катта маблағлар ажратилади);

- кичик бизнесни кафолатлаш ва имтиёзли кредитлаштириш фирмаларини ташкил қилиш (Англияда кичик корхоналарни молиялаштиришни таъминловчи махсус фирмалар бор, бунинг устига давлат қарзларининг 70% ни кафолатлайди);

- кичик корхоналар фаолиятини имтиёзли солиққа тортишни кенг тарқатиш (масалан, Францияда ҳар йили 10000 га яқин корхоналар тўлик ёки қисман солиқ тўлашдан озод қилинади).

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги баъзи бир мамлакатлар тажрибасининг қисқача баёнини келтирамиз.

**АҚШ.** АҚШ 1953 йилдаёқ бутун мамлакат бўйича вакилларнинг кенг тармоғига эга кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ташкил қилинган эди, унда 4 минг ходимлар хизмат қилади. Бу ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши шахсий ишни очиш ва олиб боришда ёрдам бериш, кичик бизнесга кредитлар ва кафолатланган қарзлар беришдан иборат. 1953 йилда иктисодийнинг монополистик секторини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи кичик бизнес тўғрисидаги қонун қабул қилинган. 1986 йилда кичик корхоналарга янги технологиялар, илмий-техник ва тажриба конструкторлик ташкилотларининг ишланмаларини топшириш имкониятини таъминловчи қонун қабул қилинган.

Кичик корхоналарга қўпчилик ярим ҳукумат ташкилотлари ёрдам кўрсатадилар: хизматлар савдоси соҳасидаги сиёсат бўйича қўмита, Президент ҳузуридаги хусусий тадбиркорлик муаммолари бўйича мах-сус комиссия, саноат рақобатбардошлиги масалалари бўйича комиссия ва бошқалар.

Қўп сонли жамоатчилик ташкилотлари – савдо палатаси, саноатчиларнинг миллий ассоциацияси, савдо, қишлоқ хўжалигидаги ҳар хил ассоциациялар, клублар, гуруҳлар ва ҳоказолар кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ёрдам кўрсатадилар. АҚШда кичик корхоналар солиқ имтиёзларидан

фойдаланмайди, аммо субсидиялар, дотациялар, молиявий кафолатлар билан қўллаб-қувватланадилар.

**Япония.** Японияда кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашда кичик бизнес бўйича бошқарма, Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси, молиялаштириш бўйича миллий корпорация, Кичик ва ўрта тадбиркорлик ассоциацияларининг бутун япон федерацияси, Кичик ва ўрта тадбиркорликни бутун япон маркази ва бошқалар фаолият юритадилар. Булардан ташқари унга яқин махсус банклар Кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлашга хизмат қилади.

Давлат қўллаб-қувватлаши ўз ичига қуйидагиларни олади: имтиёзли солиққа тортиш, жадаллаштирилган амортизация, имтиёзли кредит-лаштириш, ходимларни ўқитишда ёрдам, банкротлик холида ёрдам кўрсатиш, КЎКнинг техник даражаси ўсишини рағбатлантириш.

Префектураларда ҳаракат қилувчи 500дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик корхоналарга маслаҳат, молия, таълим ёрдамлари кўрсатадилар.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг махсус фонди, халқ фонди ҳамда молиявий корпорация давлатнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг молиявий базасини ташкил қиладилар.

**Хитой.** Хитойда олиб борилаётган солиқ ва молия сиёсати, ташқи савдо, инвестицион сиёсат соҳаларида ислохотларнинг чуқурлашуви кичик корхоналарнинг тез ривожланишига ёрдам берган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, посёлка саноати деб номланган кичик ва хусусий ишлаб чиқариш тез ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг 70% фойз, тайёр кийим-кечақларнинг 40% фойз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 80% фойзи кичик бизнеснинг улушига тўғри келади. Хитой қишлоқлари ялпи ижтимоий маҳсулотининг 60% фойз посёлка корхоналарининг улушига тўғри келади. Посёлка корхоналарининг муваффақиятли фаолият юритиши ва арзон иш кучининг мавжудлиги уларни хорижий инвестицияларни жалб қилувчи объектга айлантирган.

**Жанубий Корея.** 1995 йилда Кичик ва ўрта тадбиркорлик маҳсулоти экспортининг салмоғи мамлакат умумий экспорт ҳажмининг 30% фойзни ташкил қилган ва 50 млрд АҚШ долларига етган. Бунга катта банк кредитлари ёрдам берган.

Кредит-пул сиёсати шундай қурилганки, тижорат банклари ўз қарзларининг 30% фойз ини Кичик ва ўрта тадбиркорликка беришга мажбурлар. Мамлакатдаги кичик бизнес федерацияси, Кичик ва ўрта тадбиркорлик банки, технологияларни суғурта қилиш федерацияси, савдо ва саноат вазирлиги Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам беради.

Саноатни ривожлантириш сиёсатининг ажралмас қисми сифатида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш сиёсати соҳасида йирик қонунчилик базаси ташкил қилинган: Кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш ҳақидаги декрет (1966й.), Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг суб-контрактли ишларини рағбатлантириш ҳақидаги қонун (1978й.), фақат Кичик ва ўрта тадбиркорлик ишлаб чиқарадиган товарлар рўйхати (1982й.), Кичик ва ўрта тадбиркорликни ўзаро ёрдам фонди ҳақидаги қонун (1984й.), Кичик ва ўрта тадбиркорликни бошқарув барқарорлиги ва бошқалар. Ёрдам, биринчи навбатда, юқори экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналарга кўрсатилади.

**Голландия.** Бу мамлакатда Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кўпгина ташкилотлар мавжуд:

- Кичик ва ўрта тадбиркорлик учун голланд кенгаши;
- Кичик ва ўрта тадбиркорлик масалалари бўйича тадқиқотлар ва консалтинг;
- Кичик ва ўрта тадбиркорлик учун сиёсатнинг қироллик федерацияси;
- ижтимоий бизнес ташкилотлари тармоқ хусусиятлари бўйича иш бевуричилар ва ходимларнинг ҳамкорлигини таъминлайдилар;
- савдо палатаси консалтинг хизматлари кўрсатади;
- Кичик ва ўрта тадбиркорлик институти ишчи-хизматчиларни ўқитиш, маслаҳат бериш билан шуғулланади;
- ўқиш вақтида шахсий корхоналарини очган талабаларга ёрдам кўрсатиш учун «Мини-корхоналар фонди» ташкил қилинган;
- иккита Олий ўқув юрти Кичик ва ўрта тадбиркорлик учун мутахассисларни тайёрлайди;
- кечкурунлари катнаш мумкин бўлган кўпгина турли хил курслар ишлайди. Буларда ишни энди бошловчилар шахсий ишни очиш, бизнес-режалар тузиш, маслаҳатлар ва ахборотлар олиш мақсадида ўқишлари мумкин.

**Франция.** Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади – бандликнинг кўпайиши ва рақобатбардошликнинг ўсишидир. Бунинг учун қуйидагилар қилинади: тўғридан-тўғри ёрдам, ахборотларга кириш, маъмурий тўсиқларни камайтириш, солиқларни камайтириш ва бошқалар. Францияда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар хил ташкилотлар ташкил қилинган:

- Кичик ва ўрта тадбиркорлик конфедерацияси;
- савдо палатаси;
- хунармандлик ишлари бўйича палата;
- қишлоқ хўжалиги палатаси;

- инвестицион хавф-хатарни суғурталашнинг француз жамияти;
- бизнесни ташкил қилиш маркази ва бошқалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мамлакатларда қўлланиладиган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмлари фақат умумий кўринишда баён қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий мамлакатларда кўрсатиладиган ёрдамнинг айрим йўналишларини аниқроқ ўрганиш ва Ўзбекистон иқтисодиёти шароитларида улардан фойдаланиш имкониятларини белгилаш кичик бизнесни ривожлантириш учун шубҳасиз фойда келтирган бўлар эди.

### 15.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш жаҳон амалиётидан келиб чиқиб ва республикамизга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши давлат томонидан бевосита, билвосита ва ташқи иқтисодий дастаклар асосида тартибга солинади. Бунда бевосита таъсир қилиш усуллари қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш асосида уларнинг фаолият юритиши қондаларини яратиш қиради.

Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни билвосита таъсир қилиш усуллари иқтисодий дастаклар ҳамда давлат имтиёзлари орқали таъсир кўрсатиш қиради. Иқтисодий восита, дастаклар орқали тартибга солиш ўз ичига солиқ тизими, давлат бюджети, пул-кредит тизимлари ҳамда нарх орқали тартибга солишни олади. Давлат имтиёзларига қисман ёки тўлиқ солиқдан озод қилиш, субсидиялар бериш, кредит ва божхона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар қиради. Ташқи иқтисодий усулларга тадбиркорларга қўшма корхоналар тузиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилишга қўмаклашиш ва бошқалар қиради<sup>1</sup>.

Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдан кўзлаган мақсади иқтисодиётнинг мутаносиб, барқарор ривожланишини, аҳолининг иш билан билан бандлигини таъминлаш асосида турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилгандир. Давлатнинг бу борадаги асосий вазифалари қуйидаги расмда кўрсатилган (15.3.1-расм).

<sup>1</sup> Қаранг: Арипов О. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.:”Фан”, 2012.-29-30-бетлар



### 15.3.1-расм. Давлатнинг бизнес ва тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги вазифалари (роли).

Давлат томонидан соғлом рақобат муҳитининг, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини ва кенг эркинликлар яратилиши, тадбиркорлар фаолиятига давлат бошқаруви ва назорат органларининг ортиқча, ноўрин аралашувини қисқартириш, ортиқча маъмурий-бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилган бўлиб, у ўз ичига қуйдагиларни олади:

- КБХТ субъектларини рўйхатга олиш ва тугатиш тизими;
- Солиқ имтиёзлари тизими;
- Имтиёзли кредитлаш тизими;
- Божхона имтиёзлари;
- Давлат харид тизими;
- Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими;
- КБХТ фаолияти эркинликлари ва қафолатларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизими;
- Суғурталаш тизим;
- Хорижий инвестиция жалб этиш тизими;

- Ахборот билан таъминлаш, консултив- ҳуқуқий қўмак бериш тизими;
- Моддий-техника, хом ашё ва хизматлар таъминоти тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш тизими.

Давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари қонунчиликда белгиланган. Давлат бошқаруви органлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз ваколатлари доирасида: а) тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; б) тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга оширади, мавжуд муаммоларни ўрганади ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади; в) тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; г) тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан фойдаланишда қўмаклашади; д) тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз товарларини (ишларини, хизматларини) ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат харидларини амалга ошириш жараёнига фаол жалб этиш ҳамда уларнинг маҳсулотини ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ташкил этиш йўли билан қўмаклашади; е) тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади; ё) кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига қўмаклашади. Давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари.* Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида: а) тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; б) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча қафолатлари ва чораларини белгилайди; в) қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. *Тадбиркорликни ривожлантиришининг давлат томонидан рағбатлантирилиши.* Тадбиркорлик



фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш: а) тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш; б) экспорт-импорт операциялари, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш; в) тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа ахборот билан таъминлаш; г) солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш орқали амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жадал ривожланишида мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг шакллантиришини, яратилган турли имтиёзлар ва қулай шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этди. Бу борада солиқ юкини камаййтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 2005 йилдаги 13-фоздан 2016 йилда 5-фозга туширилди. 2015 йилдан хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, саноат корхоналарида бўлганидек, 6 фоздан 5 фозга туширилди. 2017 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3454 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда солиқларнинг турлари ва уларнинг ставкаларига боғлиқ бир қатор ўзгаришлар белгилаб берилган.

Солиқ юки ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантиради ва қўшимча даромадлар олишларини таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажмининг муттасил ошиб бориши ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 2010 йилда 2690,2 млрд сўм, 2011 йилда 4200 млрд сўм, 2012 йилда 5346 млрд сўм, 2013 йилда 6982 млрд сўм, 2014 йилда 9200 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 12112,6 млрд

сўмдан ошиб кетди. Бу 2014 йилга нисбатан 32,3 фозга кўпдир. 2015 йилда тадбиркор аёлларга 1,2 триллион сўмлик, йигит-қизларга 277,6 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик корхоналар ташкил этиш мақсадида 2016-йил мобайнида кичик бизнес субъектларига 15,9 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва ўсиш 2015-йилга нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Жумладан, қиймати 3,3 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 206,7 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 752,6 млрд. сўм, нооziқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди<sup>2</sup>.

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан кичик корхоналар, микрофирма, деҳқон ва фермер хўжаликларига фойдаланиш йўналишларига кўра бошланғич (старт) сармояни шакллантиришга, бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга ҳамда микролизинг хизматлари учун микрокредитлар беради. “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан микрофирма, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда ажратилган микрокредитлар миқдори 121,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 362,1 млрд. сўмни ташкил этди, яъни 3 баробардан зиёдга ошди (қаранг: 15.3.3-расм).

<sup>1</sup>Зиёев Т., Исроилова Ш.Т. Иқтисодий тараққиёт стратегияси ва реал натижалар // Иқтисод ва молия/Экономика и финансы, 2016, 9-сон. - 21-бет.

<sup>2</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.



**2.2.3-расм. “Микрокредитбанк” томонидан ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.**


Банк томонидан 2013 йил “Обод турмуш йили”да 245,8 млрд. сўм, 2014 йилда “Соғлом бола йили”да 296,8 млрд. сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. 2015 йил давомида кичик бизнес субъектларига 362,1 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

“Микрокредитбанк” томонидан хотин-қиз тадбиркорларга ҳам катта молиявий ёрдам бермоқда. Банк томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратаётган микрокредитлар миқдори 2010 йилда 26,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 90,3 миллиард сўмни ташкил этди, яъни 3,2 баробардан зиёдга ошди (қаранг: 15.3.4-расм).



**2.2.4-расм. “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан хотин-қиз тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.**

“Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан касб-хунар коллеж битирувчиларига ўз бизнесини, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредит ажратишни йилдан-йилга ошириб бормоқда. 2011 йилда 1795 нафар коллеж битирувчиларига 5,1 миллиард сўм кредит берилган бўлса, 2015 йилда 5491 нафар коллеж битирувчиларига 45,2 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди (15.3.5-расм).



**15.3.5-расм. “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан коллеж битирувчиларига ажратилган микрокредитлар<sup>1</sup>.**

<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида тузилди.

<sup>1</sup>“Микрокредитбанк” ОАТБ маълумотлари асосида тузилди.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил даврида, яъни 2015 йилда 2011 йилга нисбатан микрокредит олган коллеж битирувчилари сони 3 баробардан зиёдга, ажратилган микрокредитлар миқдори эса 8,9 баробарга ошди.

«Микрокредитбанк» АТБ томонидан 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорда ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди<sup>2</sup>. Бундан ташқари, мазкур даврда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди. Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн.сўм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга кўп миқдорда кредитлар ажратилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу кредитлар 2016 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди<sup>3</sup>.

Банк фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий асосларини такомиллаштириш, тизимда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар:

- кичик тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисоб варақларидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш бекор қилинди;

<sup>1</sup>Микрокредитбанк» ОАТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>2</sup>Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

<sup>3</sup> Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.// Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

- қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси валюта биржасига конвертация учун йўналтирилган кредит маблағлари бўйича фоизларни ҳисоблаш сотиб олинган хорижий валюта қарз олувчининг махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилган кундан бошлаб амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳити шаклланаётган ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фақат имтиёзлар ва преференцияларга суяниб қолмасдан, ўз имконият ва салоҳиятларига таяниб, рақобатбардошлигини оширишга интилишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боисдан, ўз кучи, маблағи, имконият ва салоҳиятига таяниб, фаолият юритадиган оилавий тадбиркорлик корхоналари истиқболда рақобатбардош хўжалик субъектлари сифатида миллий иқтисодиёт ривожланишида муҳим роль ўйнаши мумкин. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни нг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизмнинг шакллантирилганлиги ҳамда амалиётга қўлланилганлиги учун бу соҳа жадал ривожланиш тенденциясига эга бўлмоқда.

#### **15.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг кучайиши.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Унинг афзаллиги бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчанлиги, кам маблағ талаб этиши, янгиликларни тез жорий этиш ва тарқатиш имкониятларига эгаллигида намоён бўлади. Халқаро молия фонди (IMF)нинг ҳисоботида кўра, 2015 йилга келиб, дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда 85 фоиз аҳолини иш билан таъминлаб, жами қўшилган қийматнинг 58 фоизни яратишда иштирок этмоқда<sup>1</sup>. Бошқа маълумотларга кўра, Хитойда иш билан банд аҳолининг 81,4 фоиз, ялпи ички маҳсулотнинг 54,3 фоиз, Японияда мос равишда 70,8 фоиз, 67,0 фоиз, АҚШда 50,6 фоиз ва 53,1 фоиз кичик бизнес улушига тўғри келмоқда<sup>2</sup>. Бозор

<sup>1</sup> Қаранг: Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2017. -Б.5; <https://www.imf.org/external/plubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>

<sup>2</sup> Қаранг: Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2016. –Б.5.; <http://www.ifc.org.msmeconomyindicator>.

муносабатлари ривожланган мамлакатларда кичик бизнес соҳасида иш билан банд аҳолининг 50-70фоиз, ҳатто 80фоизга яқини фаолият юритади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, жамиятда тадбиркорлик руҳини шакллантириш, шу асосда одамларда мулкдорлик туйғусини уйғотишга жиддий эътибор қаратилди. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эгадир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлик синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу – республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу янги иш ўринларидир. Шуни ҳамиша назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина ғоят кескин муаммони – аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз”,<sup>2</sup> – деб таъкидлаган.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг бунёдкорлик ҳаракатлари мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Энг асосийси – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган сўнгги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олди. Эркин иқтисодиётнинг синалган тамойилларига изчил амал қилиниши натижасида тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ошди. Пировардида, кичик бизнеснинг шакллари кенгайиб, аҳолининг мулкка эгаллик туйғуси уйғона бошлади. Бу ҳол кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига кенг йўл очиб бермоқда.

Мамлакатимиз тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2017 йилда 38,2 мингта янги кичик бизнес субъектлари янгидан ташкил этилди. Бу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 22 фоизга, шу жумладан, саноатда 27

<sup>1</sup> Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар /Х.П.Абулқосимов, Ш.Ш.Шодмонов ва бошқалар.-Т.:Akademiya, 2011.-341-бет.

<sup>2</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон,1997, 197-198-бетлар.

фоизга, савдода 21 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 13 фоизга, қурилишда 10 фоизга кўпайди. 2018 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 229666 тага етди, яъни ҳар 1000 кишига ўртача 12,2 тадан тўғри келди<sup>1</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилиши натижасида унинг улуши ялпи ички маҳсулотда 2000 йилдаги 31 фоиздан 2017 йилда 53,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 11,3 фоиздан 39,6 фоизга, қурилишда 37,0 фоиздан 61,7 фоиздан зиёдга, аҳоли бандлигида 49,7 фоиздан 78,3 фоизга, уларнинг экспортдаги улуши 2000 йилдаги 10,2 фоиз дан 2017 йилда 27,0 фоизга ўсди. Бугунги кунда қўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси кичик бизнес улушига тўғри келмоқда (қаранг:15.4.1-жадвал).

15.4.1-жадвал.

**Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари ялпи маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиш динамикаси<sup>2</sup>.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоиз)	2000 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й	2017 й
Ялпи ички маҳсулотда	31,0	52,5	56,5	56,9	53,3
саноатда	11,3	19,6	40,6	45,0	39,6
қишлоқ хўжалиги	73,6	97,9	98,4	98,5	99,0
қурилишда	37,0	52,3	66,7	71,7	65,1
чакана савдо айланмасида	45,3	50,5	87,1	89,6	88,4
аҳолига пулли хизматлар кўрсатишда	37,9	47,7	55,6	57,0	58,4
экспортда	10,2	13,6	27,1	27,2	27,0
аҳоли бандлигида	49,7	75,7	77,9	78,1	78,3

<sup>1</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госком стат РУз, 2018-С.94, 95.

<sup>2</sup>Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот ва таҳлилий шарҳ.2005 йил.-Т.,“Ўзбекистон”, 2006.58,61,64-бетлар; Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012год.-Т., ЦЭИ, 2013 .-С.83; Ўзбекистон Республикасини 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисоботи; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госком стат РУз, 2018-С.97 маълумотлари асосида томонидан тузилди.

Мамлакатимиз минтакаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиш тенденциясига эгадир. 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг улуши Жиззах вилоятида 74,2 фоизни, Сурхондарё вилоятида 72,1 фоизни, Андижон вилоятида 72,0 фоизни, Наманган вилоятида 70,6 фоизни ташкил этди (қаранг: 15.4.2-жадвал).

15.4.2-жадвал.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг минтакалар иқтисодий тармоқлари бўйича улуши (2017 йил, фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>.**

Худудлар	ЯИМ (ЯХМ) даги улуши	саноат	Қишлоқ Хўжалиги	Қурилиш	Пулли хизматлар
Ўзбекистон Республикаси	53,3	39,6	99,0	65,1	58,4
Қорақалпоғистон Республикаси	47,3	18,0	97,9	79,2	61,3
Вилоятлар:					
Андижон	72,0	34,4	99,8	94,3	73,7
Бухоро	69,8	43,4	98,6	67,8	74,9
Жиззах	74,2	61,3	100,0	91,3	74,2
Қашқадарё	53,3	23,1	99,5	76,8	71,9
Навоий	40,3	18,8	98,3	75,4	67,3
Наманган	70,6	68,4	99,2	93,9	73,7
Самарқанд	70,5	55,5	98,4	92,3	76,5
Сурхондарё	72,1	45,8	99,2	79,4	76,3
Сирдарё	67,3	44,9	98,9	91,4	66,4
Тошкент	57,3	29,6	96,5	79,2	76,2
Фарғона	63,4	41,4	96,8	89,0	75,9
Хоразм	66,9	40,6	96,2	87,2	71,4
Тошкент ш.	59,9	71,3	-	66,8	51,1

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши Қорақалпоғистон Республикасида, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида республика даражасидан бирмунча пастдир. Саноатда кичик тадбиркорликнинг улуши Тошкент шаҳрида, Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятларида юқори, аммо

<sup>1</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госком стат РУз, 2018-С.99, 100 маълумотлари асосида тузилди.

бу кўрсаткич Навоий, Қашқадарё, Тошкент, Андижон вилоятларида республиканинг ўртача даражасидан пастдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай шароитларнинг яратилганлиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги фаоллиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уларнинг экспорт салоҳиятлари мустаҳкамланиб, республика ташқи савдо операцияларидаги улуши ҳам муттасил ўсиб бормоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо айланмасидаги улуши 2000 йилда 15,6 фоиз ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 35,67 дан зиёдни ташкил этмоқда. Уларнинг экспортдаги улуши шу даврда 10,2 фоиздан 26,5 фоизга, импортда 27,4 фоиздан 46,7 фоизга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сони 2,3 баробардан зиёдга ўсди (қаранг: 15.4.3-жадвал).

15.4.3-жадвал.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операцияларидаги улуши (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>**

КБХТ улуши	2000й.	2005й.	2010й.	2015й	2016й
Ташқи савдо айланмасида, фоиз	15,6	20,7	23,5	35,6	35,7
Экспортда,фоиз	10,2	6,0	13,7	27,1	26,5
Импортда,фоиз	27,4	33,7	35,8	44,5	46,7
Ташқи иқтисодий фаолият иштирок этаётган субъектлар сони, минг	2,8	3,9	5,5	7,6	...

2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи марта, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилган бўлса, 2016 йил давомида яна 877 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 60 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Шветсия, Руминия, Болгария, Туркия, Индонезия, Молодовия ва Озарбайжонга минерал ўғитлар, Беларус, Озарбайжонга спорт пойафзаллари, Польша ва Жанубий Кореяга чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012год.-Т., ЦЭИ, 2013.-С.83; Альманах Узбекистана за 2016год. -Т., 2016. - С.85; Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан //stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳисоботида кўра 2015 йилда 2014 йилга нисбатан имзоланган экспорт шартномалари ҳажмининг 178,4 фоиз, амалга оширилган экспорт ҳажмининг 124,1 фоиз, ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари сонининг 133,9 фоиз, халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишига ёрдам кўрсатилган кичик бизнес субъектлари сонининг 240 фоиз, мазкур тадбирлар доирасида имзоланган экспорт келишувлари ҳажмининг 201,5 фоиз га ўсишига эришилган. Шу билан бир қаторда, шартнома тузишда ёрдам кўрсатилган тадбиркорлик субъекти сони (58,5 фоиз), чет эллик ҳамкорларни топиш (64,2 фоиз), халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, халқаро сертификатлар олиш ва божхона расмийлаштируви (74,9 фоиз), экспорт шартномалари тузиш ва рўйхатга қўйиш (35,5 фоиз) бўйича хизматлар кўрсатилган тадбиркорлик субъекти сони 2014 йилга нисбатан пасайган. Бу эса Жамғарма фаолияти самарадорлигини мунтазам баҳолаб ва ошириб бориш зарурлигини вужудга келтирмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни, шу билан бирга аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Республикамизда аҳолининг иш бандлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 49,7 фоиз дан 2018 йилда 78,3 фоизга, Қорақалпоғистон Республикасида шунга мос равишда 46,3 фоиздан 75,2 фоизга, Самарқанд вилоятида 48,6 фоиздан 84,5 фоизга, Наманган вилоятида 49,0 фоиздан 83,4 фоизга ўсди (қarang: 15.4.4-жадвал).

#### Аҳолининг иш билан бандлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиши динамикаси (фоизда)<sup>1</sup>.

Худудлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2017 й
Ўзбекистон Республикаси	49,7	64,8	74,3	77,9	78,3
Қорақалпоғистон Республикаси	46,3	65,4	71,1	74,5	75,2
Вилоятлар					
Андижон	53,4	64,1	81,0	83,8	84,5
Бухоро	50,8	64,2	76,5	78,5	78,5
Жиззах	53,3	73,9	78,3	81,7	82,0
Қашқадарё	48,2	66,3	74,8	79,6	80,0
Навоий	35,8	25,7	55,8	60,3	60,3
Наманган	49,0	64,0	78,7	83,3	83,4
Самарқанд	48,6	70,3	82,0	84,1	84,5
Сурхондарё	51,0	61,9	75,0	80,3	81,1
Сирдарё	51,2	74,1	77,5	79,4	79,5
Тошкент	81,3	62,7	72,7	76,8	77,0
Фарғона	52,8	69,4	77,0	80,3	80,5
Хоразм	43,4	67,2	78,4	82,4	82,9
Тошкент ш.	48,7	55,0	56,8	57,0	56,8

Аҳоли иш билан бандлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши бу соҳада янги иш ўринларининг кўпайиб яратилаётганлиги билан боғлиқдир. 2000 йилда республика миқёсида 118 мингта, шу жумладан, кичик бизнес соҳасида 78 мингта, касаначиликда 18 мингта иш ўринлари яратилган бўлса, 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтакавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди<sup>2</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик

<sup>1</sup> Малое предпринимательство Узбекистана 2014 /Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик 2014й.-Т.,2014. –С.50; Малое предпринимательство Узбекистана 2016 /Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик 2016.-Т.,2016.-С.50; Альманах Узбекистана за 2013год. –Т., 2013.-С.157; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год.-Т.: Госком стат РУз, 2018-С.99 маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида// Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисоботи; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>1</sup> Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2017. – Б.28.

фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида тадбиркорликни ривожланиши индекси 2000–2015 йилларда 0,14 дан 0,43 га кўтарилди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик томонидан қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улушини ифодаловчи индекс шу давр мобайнида 0,31 дан 0,56 га ошди (қаранг: 15.4.5-жадвал).

15.4.5 -жадвал.

#### Ўзбекистонда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш индекси<sup>1</sup>.

Кўрсаткичлар	2000 й.	2007 й.	2010 й.	2015 й.
Кичик тадбиркорлик қўшилган қийматининг ЯИМдаги улуши индикатори	0,31	0,47	0,53	0,56
Кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сондаги улуши индикатори	0,53	0,72	0,74	0,76
Кичик тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиётдаги корхоналар умумий сондаги улуши индикатори	0,85	0,90	0,82	0,99
Тадбиркорлик ривожланиши индекси	0,14	0,31	0,32	0,43

Шуни такидлаш жоизки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори даражада ўсиши жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида унинг салбий оқибатларини енгишда, бартараф этишда муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида янги – 2018 йилга юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном беришни таклиф этди. Юртбоштимиз “Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий

йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга кодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим<sup>1</sup>,-деб таъкидлаган.

Бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берганимиз муносабати билан барча тадбиркорлик субъектларининг **молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш**, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатасининг ролини ошириш, нопок тадбиркорларга нисбатан муросасиз бўлиш, Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер **участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартибини** ўрнатиш вазифалари белгиланди<sup>2</sup>.

#### Асосий тушунча ва атамалар

Бизнес, тадбиркорлик, анъанавий тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, фаол тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кичик корхона, микрофирма, оилавий тадбиркорлик, тадбиркор, фаол тадбиркор, ишбилармонлик муҳити.

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ким кичик ва хусусий корхоналарнинг субъекти ҳисобланади?
2. Кичик бизнес фаолиятининг тарқалиш соҳалари қанақа?
3. Кичик корхоналар ким томонидан ташкил қилиниши мумкин?
4. Ўзбекистонда кичик бизнесни белгиловчи мезон сифатида қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
5. Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни белгилашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
6. Нима учун кичик бизнес корхоналари миллий иқтисо-диётнинг пойдевори ҳисобланади?

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012год.-Т., ЦЭИ, 2013. - С.82., Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 февраль.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

7. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши қандай?

8. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси қандай?

9. Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг субъектларининг экспортдаги улуши қандай?

10. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қандай ҳуқуқий-меъёрий асослари мавжуд?

## 16-БОБ. ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИ ВА ХУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 16.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари

Минтақа тушунчаси жаҳон ёки мамлакат территориясининг бир қисмига нисбатан қўлланилади. Минтақа жаҳон территориясининг бир қисми сифатида ўз ичига географик, сиёсий, иқтисодий, экологик, этномаданий ахборот, ҳарбий ва бошқа мезонлар ва ёндашувлар асосида бир неча мамлакатларни олади. Масалан, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Жанубий Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлар туркуми минтақалари мавжуд. Бир алоҳида олинган мамлакат ичида вилоятлар, туман ва шаҳарлар географик, иқтисодий сиёсий, этномаданий, экологик, ахборот ва бошқа мезонлар бўйича маъмурий территориал бирлик сифатида унинг минтақаларини ташкил этади.

Минтақа иқтисодиётининг шундай тизимлари мавжудки, улар ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётида, мустақил хўжалик юритишда алоҳида ўрин тутади ва ўзининг табиий иқлим, географик жойлашуви, табиий-минерал ва хом-ашё ресурсларининг захиралари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, тармоқлари ва соҳаларининг ҳам инфратузилмасининг микёси, аҳолисининг урф-одатлари ва традициялари, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ҳиссаси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарган ҳудудий ялпи маҳсулот кабилар билан фарқланади.

Булар макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт ўртаси, улар фаолиятини иқтисодиёт назарияси мезоиқтисодиёт (юнонча “mesos” оралик) бўлими сифатидаги фан – минтақа иқтисодиёти ўрганади. Мезоиқтисодиёт таркибига минтақада (ҳудудда)ги саноат тармоқлари, ёкилғи-энергетика комплекси, кишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги комплекси, қурилиш, транспорт ва алоқа коммуникацияси, уй-жой коммунал хўжаликлари, олий ва махсус таълим, соғлиқни сақлаш, уй хўжаликлари, ўзига хос кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритувчи хунарманд, касаначилик кабилар киради.

Шу билан бирга, ҳудуд (минтақа) тармоқлари тармоқлараро микёсидаги иқтисодий муаммолари, экологик муаммоларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш ҳам мезоиқтисодиёт (минтақа иқтисодиёти) таркибига кириб, алоҳида ўрин тутади. Минтақа иқтисодиёти бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида ажралмас умумиқтисодиёт сиёсати таъсирида ягона бир яхлит шаклда хўжалик фаолиятини юритади.



Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш орқали жаҳон ҳўжалигига янада чуқурроқ ва самарали шаклда минтакаларнинг интеграциялаштиришдан иборат давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир.

Минтақавий сиёсат-худоудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Минтақавий сиёсатнинг мақсади-мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халакит берадиган ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган худудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги худудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб. Маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Минтакаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Минтақадаги барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш ҳамда шу асосда унинг самарадорлигини ошириш.

2. Минтакаларнинг истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш. Бунда маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланишга эътибор бериш.

3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш. Бунинг учун минтақада илмий-техника тараққиёти жадаллашини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаштириш лозим бўлади. Шунингдек, корхоналарга, минтақавий бирликларга интикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлишини бозор конъюнктурасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш лозим:

А) ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва конъюнктурасига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш;

<sup>1</sup> Ишмухамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-бет.

Б) валюта тушумларининг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташки иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

В) бозор талаби асосида тез ўзгарувчи янги технологияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини ошириш ва хоказолар.

Г) ташки иқтисодий муносабатларни Марказий Давлат органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб ривожлантириш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, минтақавий сиёсатга – минтақалар (худудлар) ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мутаносибликни таъминлаш ва улар ўртасидаги энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги фарқларни, номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган умуммиллий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир, деб таъриф бериш мумкин. Минтақавий сиёсат кенг маънода мамлакат худудларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини бошқариш бўйича ҳокимият органларининг мақсад ва вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ифодалайди.

## **16.2. Худудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари ҳамда воситалари**

Минтақа ва худудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим дастаклари қуйидагилардан иборатдир:

- ривожланаётган ёки давлат дастурига кўра ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун айрим худудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга молиявий имтиёзлар ёки рағбатлар берилади, яъни инвестициявий грантлар, паст фоиздаги кредитлар берилади, солиқлардан, ижара тўловларидан озод қилинади;

- ривожланаётган худудлардаги корхона ва фирмаларнинг ўз офис, идора, ишлаб чиқариш объектларини бошқа худудларга олиб кетмасликлари учун улар фаолиятини назорат қилиш;

- ривожланаётган худудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш учун инвестициялар қилиш, айниса, йўллар қуриш, аҳоли ҳаёт шароитини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Худудларни ривожлантиришга қаратилган давлат минтақавий сиёсатининг муҳим таркибий қисми минтақавий иқтисодий сиёсат ҳисобланади. Минтақавий иқтисодий сиёсат мақсадлари минтақавий (худудий) ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий соҳадаги минтақавий сиёсат мақсади худуд салоҳияти, унинг чекланган иқтисодий ресурсларидан, худудлараро меҳнат тақсимоти ва кооперацияси

афзалликларидан оқилона фойдаланиш асосида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий соҳадаги минтақавий сиёсатнинг мақсади ҳар бир ҳудуддаги барча аҳоли қатламлари учун муносиб турмуш даражасини, шароитларини ва тенг яшаш кафолатларини таъминлаш, кишиларнинг яшаш жойини ва меҳнат қилиш жойини, турини танлаш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратиш, ички ижтимоий муҳитнинг кескинлашишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Шу билан бирга шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида минтақа иқтисодиётини тартибга солиш бўйича давлатнинг иқтисодий минтақавий сиёсатининг мақсадлари юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидагилардан иборат:

- ҳудудларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш шароитларини таъминлаш;

- ҳудудлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш технологик усулларини кўп укладли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш;

- ҳудудларда мақсадли таркибий, инвестициявий, илмий-техникавий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиёт реал секторида тадбиркорликни, иқтисодий ислохотлар ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш;

- ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш. Ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлиги унинг иқтисодиёти барқарорлигини ва ривожланишини ифодаловчи шарт-шароитлар, омиллар ҳамда мавжуд ҳолатлар йиғиндисини ифодалайди.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишда биринчи навбатда мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари аниқланади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

- табиий иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакат айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар тури, ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;

- минтақаларнинг чекка, олис ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида миллий ва маҳаллий бозорларнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг етарли даражада

ривожланмаганлиги четда жойлашган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини секинлаштиради;

- у ёки бу турдаги маҳсулотларни(ҳом ашё ресурслари, оралик маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи;

- минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва бошқалар;

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни транспорт ва телекоммуникацион, ахборот тизимлари, саноат майдонлари ва бошқалар билан таъминланганлиги;

- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт иншоотлари билан таъминланганлиги;

- минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирларига яқинлаштириш мақсадида инвестиция(капитал қўйилма)ларнинг қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

Биринчи йўналиш-кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст бўлган минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва бошқа минтақа ва ҳудудлар билан иқтисодий алоқасини яхшилашдан иборат.

Иккинчи йўналиш- юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан, йирик шаҳарларга нисбатан маъмурий ёки молиявий чеклаш усулларини қўллаш.

Учинчи йўналиш-муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва миллий хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, давлат минтақавий сиёсат орқали минтақа(ҳудуд) иқтисодиётини тартибга солишда бевосита ва билвосита усуллардан кенг фойдаланади.

Давлатнинг ҳудудий иқтисодиётга бевосита, тўғридан-тўғри аралашishi маъмурий воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу

<sup>1</sup> Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-162-163-бет.

<sup>2</sup> Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.-163-164-бет.

усуллар давлат ҳокимияти кучига таяниш, рухсат бериш, ман қилиш, мажбурлаш чораларини ўз ичига олади.

Билвосита тартиблаш турли иқтисодий чора-тадбирлар, восита ва дастаклар орқали амалга оширилади.

Худудий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини маъмурий услублар орқали тартибга солиш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- худудий такрор ишлаб чиқариш субъектларига давлат бошқарувининг юқори органлари томонидан мавжуд ҳолат, вазиятга таъсир кўрсатувчи маъмурий фармойишлар қарорлар;

- худуддаги корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар;

- тавсиялар, тафтиш, масалан молиявий-бюджет текширишлар, назорат, масалан, санитар-эпидемиологик назорат.

Маъмурий усуллар ўрнатилган тартиб, қоидаларни бузган айрим корхоналарга нисбатан мажбурлаш имкониятларини ҳам кўзда тутди. Маъмурий усуллар ёрдамида маҳаллий бошқарув органлари давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини тартибга солади, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, худудий табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади (қаранг: 16.2.1-жадвал).

16.2.1-жадвал

**Минтақавий (худудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари<sup>1</sup>**

<b>Маъмурий усуллар</b>	<b>Иқтисодий усуллар</b>
Бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган аниқ манзилли топшириқлар беришга асосланади	Умумий иқтисодий қонун-қоидаларга, тамойилларга таянади
Бошқариладиган объектларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишда, бошқариш органининг манфаатини устувор равишда кўзлашда фойдаланади	Бошқариладиган объектларга билвосита таъсир кўрсатилади, турли мулкчилик шакллардаги корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади
Қабул қилинадиган қарорлар учун асосий масъулият бошқариш органи зиммасида бўлиб, бошқариладиган	Хўжалик субъектлари тўлиқ мустақилликка эга бўлиши, ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун

<sup>1</sup> Абдурахмонов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление Учебник. / Под ред. Акад. С.С. Гулямова – Т.: Изд-во "Fan va texnologiya", 2007. – 425-427-бет. Асосида тузилди.

объектнинг ҳуқуқлари чекланган	юқори масъулиятли бўлиши тақозо этилади
Маъмурий фармойишлар, режалар директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш мажбурий ҳисобланади, ундан четланишга йўл қўйилмайди	Хўжалик субъектларини ўзининг иқтисодий манфаати нуктаи назаридан ва иқтисодий рискни эътиборга олган ҳолда муқобил қарорлар тайёрлашга ва оқилона ечимлар топишга ундайди

Минтақавий (худудий) такрор ишлаб чиқариш жараёнларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали, солиқ имтиёзлар, кредитлар ва субвенциялар ва бошқа дастаклар ёрдамида қўлланилади. Юқори бошқариш органлари белгиланган ва тасдиқлаган қоидалар, низомлар доирасида хўжалик субъектлари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига билвосита таъсир кўрсатиб, уларга кенг ваколатлар берилади.

Шунингдек, минтақавий иқтисодиётини тартибга солишга қаратилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишда адолатли ва самарали усуллардан фойдаланади. Адолатли усул-ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси худудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражалари деярли бир хил шароитлар ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади. Самарали усул – умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан, салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир<sup>1</sup>. Ҳар иккала усулдан тўғри ва мутаносиб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**16.3. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари**

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг минтақавий сиёсати иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакат маъмурий-худудий бирликларининг молиявий-хўжалик мустақиллигини мустаҳкамлаш республика марказий ҳукумати билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида вазибаларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

<sup>1</sup> Ишмухамедов А.Э., Рахимова М.Р., Ишмухамедова Л.А. Минтақвий иқтисодиёт. Дарслик.-Т., ТДИУ, 2007.- 164-бет.

Ўзбекистонда юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда **давлатнинг минтақавий сиёсати** бош мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- мамлакатнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқларнинг таъминланиши учун тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;

- республика барча аҳолисининг ижтимоий кафолатларини ҳамда тенг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши қуйидагиларни тақозо этади:

- минтақа (ҳудуд)ларда янги иқтисодий муносабатларни ва умумиқтисодий шароитларни қарор топтириш учун қулай шароитлар яратиш. Бунинг оқибатида турли мулкчилик шакллариغا эга бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун қулай шароитлар яратилади;

- минтақа (ҳудуд)ларда уларнинг ва аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар шакллантирилади;

- маҳаллий ҳокимлик ва ўз-ўзини бошқариш органларининг минтақа (ҳудуд)ларни бошқаришдаги роли ва фаоллиги ортади;

- минтақа (ҳудуд)лараро инфратузилмани тиклаш, қайта тиклаш. Бунинг оқибатида мамлакат миқёсида ягона иқтисодий макон, халқ хўжалик комплекси шакллантирилади. Шунингдек самарали ҳудудий самарали меҳнат тақсмоти ва ижтимоий меҳнат интеграциялашуви вужудга келтирилади ҳамда бозор муносабатлари ривожлантирилади;

- кам ривожланган ҳудудларни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истикболли ҳудудларни устувор равишда ривожлантириш.

Ушбулардан келиб чиқиб, давлат минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ўзаро тенг ҳуқуқлигининг конституцион тамойилларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогноз (истикбол) кўрсаткичларини ва мақсадли дастурларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини услубий ва меъёрий жиҳатдан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини зарур ҳолатларда ўзгартириб туриш. Бу мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инъикоси сифатида амалга оширилиб турилади.

Мамлакатда давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим шартлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир;

- мамлакат миқёсида ягона иқтисодий маконни таъминлаш. Бунинг учун давлат бошқарувининг умумийлигининг шarti бўлган яхлит пул, солиқ, бюджет ва молия тизимининг, яхлит ахборот маконининг мавжудлиги, асосий институционал яъни маъмурий бошқарув тизимлар ривожланишининг тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга.

- ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, республиканинг ҳар бир ҳудудда иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳолининг барча табақалари турмуш даражасини оширишга эришиш;

- давлат органларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини мунтазам ошириб бориш, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш;

- давлат хизматчилари малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлари, марказлар фаолиятини бошқариш.

Мамлакат ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг барча ҳудудларини барқарор ривожлантириш уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини имкон даражада тенглаштириш;

- ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожланишидаги асосиз вужудга келтирилган номутаносибликни бартараф этиш;

- ҳудудларни ихтисослашувини оқилонлаштириш ва туманлараро иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш;

- ҳудудларнинг ҳудудлараро ва ташқи иқтисодий интеграциялашуви, айрим ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий биқиклигига барҳам бериш.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳуқуқий шакллари сифатида қонунлар, қонуности ва суд ҳуқуқий ҳужжатлар, актлар хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳудудлар ривожланишини тартибга солишда Президент Фармонлари ва Қарор, Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳудудлар ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий-институционал таркиби республика ижро ҳокимияти даражасида Вазирлар Маҳкамаси, кўпгина вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилади.

Худудларни ривожлантириш умумий сиёсати Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Айрим иқтисодиёт секторлари ва йўналишлари бўйича ҳудудий муаммолар билан Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўздавмулк, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, қурилиш ва архитектура бўйича қўмита, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ва бошқалар шугулланадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш куйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- худудларни, туманлар гуруҳини ва туманларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- худудлар минерал-хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ташки атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва республика дастурларини ишлаб чиқиш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларини профилини ўзгартириш, хорижий инвестицияли янги корхоналарни қуриш;

- худудлар қишлоқ хўжалигини уларнинг табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни ривожлантириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республика, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иш билан бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви ва бошқалар билан таъминлаш бўйича республика дастурларини амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш, худудларга дотация ва субвенциялар ажратиш;

- бошқаришнинг ҳудудий-хўжалик тизимини оқилона ташкил этиш мақсадида мамлакатни маъмурий-худудий бўлинишини такомиллаштириш.

Минтакаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари қошидаги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси шугулланади. Ҳокимиятлар қошида иқтисодиёт билан шугулланувчи барча идоралар истикболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан мувофиқлаштиради. Ҳокимиятлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан шугулланадиган молиявий тузишга халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раҳбарлик қилади.

Минтакалардаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини жумҳуриятнинг тегишли компаниялари ва вазирлиги билан маҳаллий ҳокимият тасдиқланган низом асосида олиб боради. Низомда режалаштириш бошқармасининг фаолиятлари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган бўлади.

Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасининг куйидаги асосий вазифалари белгиланган;

- 1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини тузиш ва ундан ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- 2) вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тўла қондириш, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш;

- 3) маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойили асосида йиллар мобайнида 2-даражали бўлиб келган, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасининг куйидаги фаолиятлари белгиланган:

- 1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш. Вилоят минтақасидаги барча корхоналарни, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

- 2) жумҳуриятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини тузишда, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

- 3) иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш минтақавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада кўзланган асосий мақсад мамлакат ва унинг минтақа (худуд)лари рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш куйидагиларга йўналтирилади:

- мамлакат ва унинг минтақа (худуд)ларини халқаро бозорлар билан интеграциялашувини таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини минтақа ва худудлар бўйича оқилона жойлаштириш, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ихтисослашуви ва кооперациялашувини таъминлаш орқали мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишга эришиш;


- минтақа (худуд)лар инфратузилмаларини ривожлантириш;

- минтакаларда ишлаб чиқариш соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш;

- минтақа (худуд)лар ривожланишидаги фарқларни кискартириш.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришида худудларнинг роли сезиларли даражада ошди. Худудларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган мақсадли худудий дастурлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ялпи худудий маҳсулот 2016 йилда 2000 йилга нисбатан Тошкент шаҳрида 4,3 мартага, Қорақалпоғистон Республикасида 3,5 мартага, Жиззах вилоятида 3,9 мартага, Самарқанд вилоятида 3,8 мартага, Андижон вилоятида 3,3 мартага, Сурхондарё вилоятида 3,3 мартага ўсди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекистикли уларнинг республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаларидаги фарқларни таҳлил қилиш орқали ифодалаш мумкин. Республика ЯИМини ишлаб чиқаришда 2017 йилда Тошкент шаҳри 15,5 фоиз, Тошкент вилояти 9,4 фоиз, Самарқанд вилояти 7,4 фоиз, Қашқадарё вилояти 7,0 фоиз улушга эга бўлди (16.3.1-расм).



<sup>1</sup> Mustaqillik yillarida (1991–2016 yillar) O'zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili// stat.uz/uz

### 16.3.1-расм. 2017 йилда ЯИМ ни шакллантиришда худудларнинг иштироки (ЯИМга нисбатан фонзда)<sup>1</sup>.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ЯИМни шакллантиришда ЯХМ нинг улуши Қорақалпоғистон Республикасининг, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг энг паст даражададир. Бу ҳол мазкур худудларнинг катта-кичиклиги, улардаги ЯХМ ҳажми ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг бошқа худудлардагига қараганда бирмунча орқада қолаётганлиги билан изоҳланади. Аммо бу кўрсаткич улар ўртасидаги фарқларни тўлиқ ифодалай олмайди. Ўзбекистонда худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқларни даражасини ЯХМ, саноат ва бошқа тармоқларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ўртача республика даражасига нисбатан ҳисобланган индекс бўйича таҳлил қилиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республика худудлари ўртасидаги фарқларни вариацияси 2010 йилдаги 5,1 мартадан 2016 йилда 3,6 мартага камайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори даражада ривожланган худуд билан энг куйи поғонадаги худуд ўртасидаги фарқ 2010 йилда 16,5 мартадан 2016 йилда 12,8 мартага, шу даврга мос равишда аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги фарқ 12,6 мартадан 11,8 мартага, пулли хизмат кўрсатиш бўйича 14,1 мартадан 7,8 мартага камайган (қаранг: 16.3.1-жадвал).

16.3.1-жадвал.

#### Ўзбекистонда худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фарқларни даражаси (аҳоли жон бошига индекс бўйича)<sup>2</sup>

Худудлар	Ялпи худудий маҳсулот		Саноат маҳсулоти		Истеъмол маҳсулотлари		Истеъмол маҳсулотлари	
	2010	2016	2010	2016	2010	2016	2010	2016
Қорақалпоғистон Республикаси	0,387	0,577	0,209	0,685	0,235	0,430	0,451	0,566
Андижон в.	0,654	0,613	1,377	0,762	2,952	1,278	0,999	0,605
Бухоро в.	0,999	0,954	0,713	0,895	0,862	1,025	1,924	0,798
Жиззах в.	0,592	0,608	0,291	0,431	0,413	0,614	0,542	0,551
Қашқадарё в.	0,842	0,778	1,265	0,903	0,325	0,564	0,510	0,522
Навоий в.	1,744	1,801	3,445	3,269	0,676	1,541	1,083	1,016

<sup>1</sup> Mustaqillik yillarida (1991–2016 yillar) O'zbekiston Respublikasining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari tahlili //stat.uz/uz

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетени январь-декабрь 2016 йил-Т.: ИТМ, 2017.-90,91,93-бетлар маълумотлари асосида тузилди.

Наманган в.	0,487	0,536	0,276	0,370	0,487	0,558	1,253	0,518
Самарқанд в.	0,553	0,621	0,421	0,622	0,938	0,954	1,570	0,583
Сурхондарё в.	0,486	0,601	0,247	0,255	0,243	0,256	0,404	0,553
Сирдарё в.	0,638	0,840	0,451	1,250	0,528	1,228	0,695	0,520
Тошкент в.	0,977	1,167	1,359	1,717	1,074	1,398	0,825	1,050
Фарғона в.	0,603	0,629	0,735	0,656	0,643	0,623	1,463	0,535
Хоразм в.	0,564	0,643	0,256	0,453	0,431	0,648	1,463	0,535
Тошкент ш.	1,985	2,088	2,227	1,682	2,896	3,013	5,702	4,033
Ўзбекистон республикаси	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Вариация даражаси (марта)	5,1	3,6	16,5	12,8	12,6	11,8	14,1	7,8
Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда			10,6	10,5				

Минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун минтақа (ҳудуд) мамлакатда локомотив ва таянч минтақаларни белгилаб олиш лозим бўлади. Локомотив минтақа деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган минтақага айтилади:

- минтақада юк ва йўловчи ташиш оқимлари барқарор ўсиш кузатилади;
- минтақада мамлакат учун аҳамиятли бўлган нуфузли илғор илмий-таълим маркази фаолият юритади;
- бутун мамлакат учун аҳамиятга эга бўлган стратегик ташаббус шаклланади;
- юқори илмий-техникавий, интеллектуал, кадрлар ва ижтимоий потенциалга эга бўлиш;
- мамлакат иқтисодий ривожланишида салмоқли улушга эга, яъни ЯИИМдаги улуши юқори бўлиши лозим;
- минтақада давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес вакиллари ўртасида стратегик ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши;
- 10-15 йиллик истикболда ушбу минтақа қўшни минтақа ва ҳудудлар ривожланишига туртки бериш имконига эга бўлиши керак.

Мамлакатни территориал ривожланиш бош схемасига кўра таянч минтақа белгилаб олиниб, унинг ривожлантириш вазифалари аниқланади. Бу эса қуйидаги имкониятларни вуқудга келтиради:

- мамлакатни халқаро бозорларга интеграциялашувини самарали таъминлаш, ўз территориясида товарлар, молиявий маблағлар, ишчи кучи, оқимларини, инновацияларни ишлаб чиқиш ва улар муоммаласини бошқариш марказларини тўплашга мувофиқ бўлинад;

- бир неча локомотив ва таянч ҳудудларни шакллантириш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, бошқа минтақа (ҳудуд)лар учун янгиликлар яратиш манбасига айлантирилади. Бу минтақалар қўшни минтақаларга ўз корхоналарининг бутуртмаларини бериш, айрим ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам ривожланишига туртки беради;

- мамлакат минтақалари ўртасида инфратузилмавий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-маданий алоқадорликни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилади;

- мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда территориал-тармоқ кластерлар муҳим роль ўйнайди. Кластерларда баъзи ҳудудларда айрим товарлар, бутловчи қисмларни хом ашёларни ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунга Асакадаги енгил автомобиллар, уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги мисол бўлади. Кластер ҳудуд манфаатини корхона манфаати билан уйғунлаштиради. Кластер терриориал-ишлаб чиқариш ичида рақобат муҳитини яратиш, ички ва жаҳон бозорларига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилайдди, ҳудуднинг ҳар томонлама ривожланишига имконият яратади. Кластер иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг ўзаро алоқадорлигини, биргаликда илмий-тадқиқот, янги технологияни жорий этиш, ишларини биргаликда амалга ошириш тажриба, билим ва асосий фондлардан биргаликда фойдаланиш, рискларни камайтиришда, жаҳон бозорларига чиқишда ҳудудни ривожлантириш, ободанлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши кучаяди.

Минтақа (ҳудуд) ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқадорлик ва давомийлик, ресурсларни тежаш, инфратузилмавий таъминот тамойилларига асосланилади.

Бундай дастурларни ишлаб чиқиш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделларини яратишда SWOT таҳлилидан фойдаланилади. Ушбу таҳлил асосида минтақа, ҳудуднинг кучсиз ва кучли томонлари, имкониятлари ва таҳдид, хавф-хатарлар аниқланади. Минтақани ривожлантиришнинг турли сценарийлари ишлаб чиқилади. Инерцион ривожланиш сценарийсида барча тенденциялар амалда сақланади. Экспортга-йўналтирилган ривожланиш сценарийсида экспортга

йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Мобилизацион ривожлантириш сценарийсида ички захираларни, ресурсларни, иқтисодий ўсиш омиллар ҳисобга олинади ва ривожланиши мақсадида фойдаланишга йўналтирилади.

Мутаносиб ўсиш сценарийсида экспортга йўналтирилган ва ички ресурсларни мобилизация қилиш вариантлари синтез қилинади, яъни уйғунлаштирилади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини прогностлаштириш ва асослашда минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳам ҳал этиш кўзда тутилади. Умуман ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда куйидаги вазифалар белгиланади ва ҳал қилинади:

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва қўламлари асосланади;
- ривожланишнинг объектив қонуниятлари ва тенденциялари ҳисобга олинади;
- товар ва хизматлар, меҳнат, ресурслар ва молиявий бозорлар шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари аниқланади;
- минтақа ижтимоий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши йўналишлари белгиланади;
- таркибий ва инвестициявий сиёсат йўналишлари шакллантирилади;
- минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муаммолар, тургунлик ва танглик ҳолатлари аниқланиб, уларни ҳал этиш босқичлари ҳамда муддатлари белгиланади;
- вилоятлараро, туманлараро ва ташқи иқтисодий муносабатларни самарали ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўналишлари асосланади;
- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;
- ташқи муҳитнинг аҳолини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар асосланади ва ишлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Минтақа, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзини ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи ва оқилона бошқариладиган

ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва терресториаль-маъмурий бирлик сифатида ривожланишига имконият яратади.

#### **16.4. Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий даражаларидаги ва иқтисодий-табиий салоҳиятидаги фарқлар уларни истиқболда ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Худудни иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш стратегиясини асослашнинг куйидаги йўналишларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳудуд ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш; бу босқичда ҳудуднинг эришган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади;
- ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини асослаш; ривожланишни прогност қилинади; стратегия асосланади, ҳудуд ривожланишини тартибга солиш методлари танланади;
- концепция ишлаб чиқиш ва ҳудуд ривожланишини давлат ва бозор механизмлари орқали тартиблаш методларини танлаш;
- ҳудуднинг молиявий ресурслари ўсишини прогност қилиш; бюджет даромад қисмини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўллари излаш; бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини аниқлаш, турли мулкчилик шакллари асосланган тадбиркорликдан, хорижий инвесторлардан ва нобюджет жамғармаларидан қўшимча маблағларни жалб этиш<sup>1</sup>.

Давлат томонидан ҳудудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида куйидаги дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

1. Саноатни ривожлантириш дастурлари.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш. Бунда куйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилмоқда.

- ҳудудларда маҳсулот ҳажмини, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини

<sup>1</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону, 2007. С.340-346.

<sup>1</sup> Каранг: Регулирование территориального развития в условиях рыночной экономики / Под ред. Б.М.Штульберга. М., 1993С 73; Содықов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика – Т: IQTISOD-MOLIYA; 2005. – С 165.



ва худудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;

- кишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- кишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш;
- кишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармогини яратиш;
- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;
- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли кишлоқ хўжалиги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш.

Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ кишлоқда мулкдорлар синфини фермер хўжалиklarини шакллантириш, жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

3. Худудлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни тартибга солиш.

Эндиликда республика худудларида, айниқса кам ривожланган худудларда қўшма корхоналар ташкил этиш хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида мақсадли дастурлар тузиш ва уларни рағбатлантириш учун солиқ, бож, кредит имтиёзлари механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Худудларда темир йўллар, автомобил йўлларини қуриш худудий сиёсатнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг оқибатида худудларнинг вилоятлараро туманлараро ва ташқи иқтисодий алоқалари кучаяди, тадбиркорлик, бизнес ривожланиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилади.

5. Худудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш керак бўлади. Бу тамойиллар минтақавий иқтисодий фани нуктаи-назаридан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- худудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;
- худудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;
- белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартиблаш имкониятларининг очиклиги;
- худудни ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги;
- қўллаб-қувватлаш механизмнинг таъсирчанлиги;
- республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамкорлиги ва улар

фаолиятининг уйғунлиги.

Худудий дастурларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Худудий дастурларини бажаришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ва омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Худудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган дастурларнинг бажарилишига кўпгина ҳолларда қуйидаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин:

- республика ва худудий мақсадли дастурларни танлашнинг синалган тизимларининг мавжуд эмаслиги, уларни амалга оширишнинг ва уларни бажариш кетма-кетлигининг етарли даражада асосланмаганлиги;
- республика тармоқ дастурларининг худудий жихатларининг етарли даражада ишланмаганлиги;
- тармоқ дастурлари худудий жихатлари мониторингининг йўқлиги;
- республика ва худудий дастурларни амалга ошириш механизмнинг мустаҳкам эмаслиги;

Республика ва худудий дастурларни ишлаб чиқишда мақсадли-дастурлаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб пировард натижага эришиш учун иқтисодий ресурсларни йўналтиришни таъминлашни ифодалайди. Унинг ёрдамида энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш муаммолари ҳал этилади. Бу муаммолар амалда тармоқлараро ёки худудлараро тавсифга эга бўлиб халқ хўжалиги аҳамиятга эга бўлади.

Мақсадли дастурлар ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб корхона, мамлакат ва халқаро миқёсда тузилади. Дастурлар ўз ичига пировард ва оралик мақсадларни, вазифаларни, уларни амалга ошириш чора-тадбирларни, ресурслар таъминотини, олиши керак.

Дастур мақсади ўлчамга эга бўлиши, чора-тадбирлар тизими эса пировард ва оралик мақсадларни амалга ошириш нуктаи-назаридан ишлаб чиқилиши лозим.

Мақсадли худудий дастурлар худудий ривожланишни тартибга солишнинг самарали методи сифатида давлат, маҳаллий, жамоавий, шахсий манфаатларни уйғунлаштириши ҳамда жамиятнинг барча аҳоли табақаларини давлатнинг худудий сиёсатини амалга оширишга даъват этадиган, йўналтирадиган бўлиши керак. Шунингдек, худудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Худудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб

чиқиш ва амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад ҳудудий иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қўйидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади;

- ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини умумий баҳолаш ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларини, иқтисодий ўсиш муаммоларини ва резервларини аниқлаш;

- ҳудуднинг маҳаллий минерал-ҳомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаларини таҳлил қилиш;

- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудуднинг ихтисослашиш соҳасини, иқтисодий базавий тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;

- маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёлардан самарали фойдаланишга асосланган янги экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаш, жаҳон даражасидаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кам чиқиндилар ва чиқиндисиз технологиялар жиҳозланган янги корхоналарни вужудга келтириш;

- ҳудудда қулай, жозибador инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар, маҳаллий корхоналар, тадбиркорлар, аҳоли маблағлари ва ресурсларини кенгроқ жалб этиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашнинг механизмни ишлаб чиқиш;

- хўжалик субъектлари ўртасида рақобат шароитини ва тўлақонли бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- ҳудудни озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа оммавий истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини ошириш;

- қишлоқ аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириши учун қулай шароитларни шакллантириш. Бунинг учун ҳудудга маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали унинг ҳудуд ялпи ички маҳсулотига қўшганини ошириш;

- ҳудуднинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, экспорт ва импорт таркибини оқиланалаштириш, ҳудудда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва янги қўшма

корхоналарни ташкил этиш.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун аввалом бор ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни умумий баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўтган даврдаги ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши тавсифи берилди. Бунда ҳудуднинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий салоҳиятини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

2. Ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси ва аҳоли тўғрисидаги таҳлилга асосланиб, унинг ривожланишидаги ижобий ва салбий тенденциялари, иқтисодий ривожланиши резервлари ва фойдаланилмаган имкониятлари аниқланади. Шунингдек, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари аниқланади.

3. Амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижалари, кўп укладли иқтисодийнинг вужудга келиши ва ривожланиши, шунингдек, ҳудудий бозор инфратузилмаси аҳоли баҳоланади.

4. Ҳудуддаги тармоқлар ва йирик саноат корхоналарининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил қилинади, уларнинг иш натижалари ёки орқада қолишининг сабаблари ва омиллари аниқланади.

5. Саноат ривожланиши ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши даражаси белгиланади, ишлаб чиқариш қувватларини экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва кенгайтириш учун қўшимча захиралар ва ресурслар аниқланади. Ҳудуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда устувор аҳамиятли тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар аниқланади.

6. Ҳудуд аҳолисини ўзида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлиги, уларни ҳудуддан чиқариш ва киритиш баланси, агроресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ва чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши (пасайиши) омиллари ва сабаблари баҳоланади.

Ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳудуднинг меҳнат, ер-сув ва минерал хомашё ресурслари билан таъминланганлиги миқдорий ва сифат баҳоси берилди.

2. Ҳудуддаги демографик вазият, аҳолининг иш билан бандлиги кейинги ўн йиллик давр бўйича баҳоланади.

Ишсизлик даражаси, шу жумладан унинг яширин шакллари баҳоланиб, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони прогноз қилинади.

3. Фойдали қазилма бойликлари захиралари, уларнинг ўзлаштирилган

аҳволи таҳлил қилинади. Худуд минерал-хомашё базаси имкониятлари, қўшимча молиявий ресурсларни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Шунингдек, казиб чиқарувчи корхоналарнинг фойдали қазилма бойликлари билан таъминлангани, уларнинг конларни ўзлаштириш харажатлари ўрганилади.

4. Худудда ер-сув ресурслари билан таъминлангани уларнинг аҳволи, ерларнинг мелиоратив аҳволи, ер бонитетлари ўрганилиб, мелиоратив яхшилаш истикболлари ўрганилади.

5. Худуднинг ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа инфратузилма салоҳияти ўрганилади. Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва хизматлари билан таъминланганлиги даражаси баҳоланади.

6. Худудда ишлаб чиқарувчи кучларини, янги корхоналарни жойлаштириш учун истикболли туман, шаҳар, йирик аҳоли яшаш пунктлари танланади.

Худудни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўналишлари белгиланади. Ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Дастурда худудни иқтисодий ва ижтимоий истикболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари баён қилинади. Бунда асосий эътибор янги ишчи ўринлари, табиий, молиявий, меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилади.

Бу йўналишлар қуйидагиларни ифодалаш лозим:

1. Худуднинг истикболдаги эҳтиёжлари ва худудлараро айрибошлаш имкониятларини кенгайтириш асосида иқтисодий мақбул тармоқ ва ишлаб чиқаришлар аниқланади. Истикболда тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқ таркибининг ўзгариши, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми прогноз қилинади. Бунда амалдаги корхоналарни техник, технологик ва ташкилий жиҳатдан янгилаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилади, нисбатан кичик корхоналар ривожлантирилади. Бу корхоналарда маҳаллий минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланилади.

2. Худудда янги корхоналарни қуриш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш, ихтисослигини ўзгартириш зарурлиги асосланади; йирик объектларга қўшимча маблағлар жалб қилиш ҳисоб-китоблари амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, экин майдонлари таркибининг ўзгариши, қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг натурал ҳажми прогноз қилинади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ва манбалари белгиланади. Янги технологияларни жорий этиш кўзда тутилади.

4. Худудда хомашёлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган тугалланган циклдаги ишлаб чиқариш тармоқларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш шаҳобчаларини вужудга келтириш, хорижий инвестицияли қўшма корхоналарни вужудга келтириш орқали янги замонавий технологияларни, хўжалик юритиш шаклларини ва бошқариш усулларини жорий этиш.

5. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида транспорт тизими ва коммуникацияларини ривожлантириш истикболларини асослаш.

6. Мулкдорлар синфини вужудга келтириш бўйича вазифаларни ҳал этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш кўламлигини, параметрлари белгиланади. Бунда ташқи савдо таркибий тузилишини такомиллаштиришга, маҳаллий хомашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияли корхоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Дастурда табиий ташқимухитни, табиатни муҳофаза қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар бир худудий дастурда уни амалга ошириш механизми кўзда тутилиши керак. Бу механизмда дастурни молиявий, иқтисодий ресурслар билан таъминланиши муҳим ўрин тутди.

Дастурни ишлаб чиқишда ҳар бир тадбир ва тармоқ бўйича турли ресурсларга бўлган талаб, эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинади. Шундан сўнг дастур бўйича унинг ресурслар билан таъминланиш манбалари аниқланади. Дастурлар ресурслар баланслаштирилади. Мақсадлар ва ресурслар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади.

Дастурларни молиялаштириш манбаларини аниқлаштиришда аввалом бор маҳаллий ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинади.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маҳаллий бюджет, тадбиркорлар ва корхоналар ўз маблағлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли маблағларини жалб қилинадиган хорижий инвесторлар, худуддан ташқаридаги ташкилот, корхоналар маблағларини

ҳамда банк кредитларини ҳудудий дастурни амалга оширишга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим бўлади.

Шунингдек, ҳудудий дастурларни амалга оширишда республика бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Ўзбекистон Республика тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини ҳам жалб этилиши мумкин.

Дастурларни ишлаб чиқишда ундан кутилаётган натижалар қандай бўлиши олдиндан белгиланиши лозим. Дастурларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий натижалари сифатида ҳудудий ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, умумий ҳажми аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш суръатлари олинади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва унинг иш билан бандлиги, аҳоли жон бошига даромадларининг ўсиши, ҳудуд аҳолисининг газ, электр энергия, тоза ичимлик суви, уй-жой билан таъминланишининг яхшиланиши, ҳудуднинг ўзини-ўзи озиқ-овқат, бошқа истеъмол товарлари билан таъминланишининг яхшиланиши кўрсаткичлари дастурларнинг бажарилиши натижалари ҳисобланади.

Дастурларни бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Дастурларни амалга оширишда бутун масъулият жойлардаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари зиммасига юклатилади. Мақсадли ҳудудий дастурни экспорт баҳолаш, умумий назорат қилишни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бошқарма ва бўлинмалари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 8 август, ПҚ-3182-сон қарорига биноан ҳудудлар секторларга бўлиниб, уларга раҳбарлар белгиланди, секторлар раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан жавобгарлик юклаш ҳамда ваколатлар берилди. Бунда республика ҳукумати ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширишдаги ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланиши лозим бўлади.

Ҳудудий дастурларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- етарли даражада ривожланмаган, умумреспублика даражасидан орқада қолаётган ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг ягона методикасини тасдиқлаш;

- республика шаҳар ва қишлоқ туманларидаги иқтисодий ва ижтимоий

аҳолини мониторинг қилиш, уларни ривожланиш даражаларига кўра типологиясини ишлаб чиқиш;

- ҳудудий дастурларни, орқада қолган туман ва шаҳарларни қўллаб-қувватлаш дастурларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш.

Жойларда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини самарали бошқариш мақсадида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, ҳудудий дастурни тузиш бўйича таклифлар бериш;

- дастур асосида қўллаб-қувватлашга муҳтож, муаммоли шаҳар, туман, аҳоли пунктларини ажратиш ва белгилаш;

- улар асосида маҳаллий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш ҳудудий дастурларни республиканинг ҳудудий сиёсати устуворликлари ва тамойилларига мувофиқлаштириш;

- маҳаллий дастурлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар асосида ягона ҳудудий дастурларни шакллантириш ҳамда уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун ҳудудий ривожлантириш бўйича Республика комиссиясига тақдим этиш;

- маҳаллий дастурларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини назорат қилиш, дастур бўйича жорий ахборотларни, ҳисоботларни мунтазам бериб бориш.

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш қўлламини кенгайтириш, минтакалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

- янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

- субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш** ҳақидаги масалага тўхталиб ўтар экан, “Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавобгарлигини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 9 та туманида хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган. Тўғридан-тўғри инвестициялар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига тўғри келмоқда. Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бирок бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Шунинг учун **Давлат-ҳусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак**”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

### Асосий таянч тушунчалар

Минтақа, ҳудуд, минтақа иқтисодиёти, минтақавий сиёсат, минтақавий сиёсатнинг мақсади, минтақавий сиёсатнинг йўналишлари, минтақавий сиёсат усуллари, минтақа иқтисодий хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий индикаторлар, кўрсаткичлар, минтақа иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар, ҳудудлар ривожланишидаги тенгсизлик, минтақа рақобатбардошлиги, территориал-тармоқ кластери.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Минтақа иқтисодиёти тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?
2. Қандай омиллар минтақавий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади?
3. Минтақавий сиёсат тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?
4. Минтақавий сиёсатнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари нималардан иборат?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.

5. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари нималарда ўз ифодасини топади?
6. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари қандай ишлаб чиқилади?
7. Минтақа иқтисодий хавфсизлигининг мазмунини тушунтириб беринг?
8. Минтақа иқтисодий хавфсизлигига қандай таҳдидлар мавжуд?
9. Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни қандай кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин?
10. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини қандай кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин?
11. Минтақаларнинг ривожланиш даражаларидаги тафовутларни камайтириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?
12. Территориал-тармоқ кластери нима?

## 17-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

### 17.1. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлашнинг зарурлиги

Экология – тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити билан бўладиган муносабати ҳақидаги фан, деб тан олинади. Бу маъно унинг грекча атамасидан келиб чиққан тарзда ифода этилган. Чунки грекчада “oikos” – уй, яшаш жойт, яшаш муҳити, “logos” – таълимот деган маънони англатади. Уни биринчи бўлиб фанга немис табиатшунос олими Эрнест Геккель 1866 йилда чоп этилган ўзининг “Организмларнинг умумий марфологияси” деган китоби орқали олиб қирган. Унинг таърифига кўра, “экология – табиатни иқтисодий жихатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб бериши”, – деб таъкидланган.

Фан ва таълим ривожлангани сари экология нафақат мустақил фан соҳаси, балки фанлар тизимига айланиб, ҳозирги кунда мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 60га яқин экологик соҳадаги фанлар мавжуд.

Шунингдек, экологик билимлар қадимги Юнонистон, Рим, Шарқ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ўз ривожини топган. Жумладан, Гиппократ, Аристотель ва шу каби юнон файласуфлари асарларида экология ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Экология фанининг тарихи табиий фанларнинг тараққиёт босқичлари билан узвий боғлиқдир. Қадимги юнон олими Афлотун (Аристотель эрамизгача бўлган 384–322 йиллар) дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритиб, табиатдаги барча мавжудот бир-бири билан боғлиқдир, деган. Афлотуннинг шогирди Теофраст Эрезийкий (эрамиздан олдинги 378–280 йилларда яшаган) ўсимликлар дунёсини ўрганиб, уларнинг турли шароитда ҳар хил шаклда (дарахтсимон, бутасимон ва ўтсимон) бўлишларини кайд қилиб, уларнинг инсон ҳаётидаги ролини алоҳида таъкидлаган. Гиппократ (эрамизгача 460–370 йиллар) инсон саломатлигига сув, ҳаво ва у яшаб турган муҳит нияоятда катта таъсир кўрсатишини алоҳида кайд этган.

Экологиянинг кейинги тараққиёти Европада XVIII асрда ўз аксини топиб, бу даврда К.Линней ва Ж.Бюффонлар қимматли экологик кузатишлар олиб боришганлар. Жумладан, Карл Линнейнинг (1707–1778 йиллар) илмий

асарларида “Табиат системаси” (1735), “Ботаника фалсафаси”, (1751) ва “Ўсимлик турлари” (1753) асарларида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сунъий системаси ёритилган. У табиатда уч нарса: минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Француз табиатшунос олими Ж.Бюффон эса бир турнинг иккинчи турга айланишига ташқи муҳит, иқлим ҳарорати, овқатланиш сифати ва бошқа омиллар сабабчи бўлишини исботлаб берган.

Кейинчалик, Марказий Осиё ва Ўзбекистон экология фанини ривожлантириш соҳасида бир қанча олимлар ўз хиссаларини қўшганлар ва ўз йўналишларини шакллантирганлар. Эътиборли томони шундаки, 1930 йилларда экология йўналишларига асосланган Марказий Осиё мактаби ҳозирги М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Давлат Университети қошида шаклланган. Мактаб ўлканинг биологик жамоаларини, уларнинг таркибий қисмларини ўрганиш билан бирга эколог мутахассислар тайёрлашда, экологик фанини ривожлантиришда ҳам алоҳида тurtки бўлган.

Демак, экологияни ташқи муҳитни ҳимоя қилишдан мақсади – ҳозирги ва келажак авлодлар учун экологик хавфсиз муҳитни яратиш ва таъминлашдан иборатдир. Экологик хавфсиз муҳит организмларнинг барқарор ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолати демакдир.

Бугунги кунда экология тўғрисидаги илмий қарашлар соф биологик фанлар тизимидан чиқиб, мазсуни кенгайиб бормокда. Атроф-муҳитга замонавий фан ва техника тараққиётининг таъсири натижасида экология тушунчаси кенгайиб бориб, инсон экологияси деган тушунча пайдо бўлди<sup>1</sup>.

Табиий ва минерал-хом ашё бойликларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланиш, ҳамда инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти ер юзада тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг, ҳайвонларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди.

Урбанизация жараёнларининг жадал суръатлари билан содир бўлаётганлиги оқибатида шаҳарларнинг ифлосланиши кучайди. Таркибида

<sup>1</sup> Қаранг: Холмўминов. Экология ва экология ҳуқуқи фанларини ўқитишни такомиллаштириш масалалари// Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – “ёш олимлар илмий тадқиқотларини юксалтириш асоси” мавзусидаги Республика назарий, илмий-амалий конференцияси (маърузалар тўплами). –Т.: Akademiya, 2011. 15-бет.

олтингугурт қўшоқсиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди.

Дунёда тўхтовсиз давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, кимёвий қуроллар ва оммавий қиргин қуролларининг турли турларининг ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш, бир қанча мамлакатларда содир бўлиб турган турли хил қуролли низолар, фуқаролар урушлари, қуролли мажоро ва урушлар инсоният яшайдиган муҳит учун катта хавф тўғдирмоқда.

Дунё аҳолиси сонининг ўсиб бориши оқибатида одамлар учун озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши ўрмонларнинг қисқариб кетишига, чўл-сахроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер хавоси ўртacha ҳароратининг ошиб бориши каби нохуш ҳолатларнинг юзага келиши кучайиб бормоқда. Экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони жадал ўсиб бормоқда.

Экологик муаммоларнинг кучайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ишлаб чиқариш чикиндиларининг кўпайиши, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқаришнинг жадал ўсиши, ер ва сув ресурслари камайиши, сифатининг, унумдорлигининг пасайиши экология хавфсизлик ва табиий ресурслардан эҳтиёткорлик билан, тежаб фойдаланиш муаммосини келтириб чиқарди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасидаги экологик вазият унинг географик жойлашуви, иқлим шароитига боғлиқдир. Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё дарёларининг оралигида Евроосиё қитъасининг марказий қисмида, ярим шарнинг субтропик худудида жойлашган. Унинг майдони 448,9 минг кв.км бўлиб, худудининг ҳарбдан шарққача бўлган узунлиги 1400 километрни, шимолдан жанубгача эса 925 километрни ташкил қилади. Давлат чегараларининг умумий узунлиги 6621 километрни ташкил этади.

Ўзбекистон табиий-географик шароитлари бўйича тоғ, текислиги ва сахро рельефи ўзига хос уйғунлашган энг қулай минтақалардан биридир. Мамлакат худудининг 64 фоизини сахро майдонлари ташкил этади. Қумлик сахролар шарқ ва жануби-шарқда қир-адирлар ва тоғ ёнбағирларига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 112-113-бетлар.

айланади. Республика тоғларининг энг юқори чўққиси – Ҳисор чўққисининг баландлиги денгиз сатҳидан 4643 метр бўлиб, энг қуйи Нуқтаси – Мингбулоқ пастлиги – денгиз сатҳидан 12 метр пастдир. Тоғлар минтақанинг энг йирик экотизими бўлиб, табиий-экологик мувозанатни ва табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этади. Улар ер, иқлим, сув, биологик, энергетик, минералогик ва ландшафт хилма-хиллигининг муҳим манбаи ҳисобланади. Фойдали қазилмаларнинг асосий конлари (нефть ва газдан ташқари) тоғларда жойлашган. Тоғлар ўртасида Фарғона водийси, Тошкент – Мирзачўл, Сангзор – Нурота текисликлари, Амударёнинг альювиал текисликлари жойлашган.

Ўзбекистоннинг ва бутун Марказий Осиёнинг энг йирик дарёлари – Амударё (1415 км) ва Сирдарё (2122 км). Мамлакатнинг иқлими – субтропик, кескин минтақавий бўлиб, унга қурғоқчилик, иссиқлик ва ёруғликнинг мўл бўлиши, кундузги ва тунги, қишки ва ёзги ҳароратларнинг кескин амплитудаси хосдир. Республикада энг совуқ январ ойида шимолда ҳарорат ўртacha  $-10^{\circ}\text{C}$  даража, жанубда  $+2,-3^{\circ}\text{C}$  бўлганда, Термиз шаҳри атрофида ҳарорат ўртacha  $+18^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Ўзбекистон учта асосий иқлим зоналари – чўллар ва қуруқ даштлар, тоғ ёнбағирлари ва тоғларга бўлинади. Чўл ва қуруқ дашт худудларининг деярли барчаси, шу жумладан Қизилқум саҳроси, Устюрт платоси, Қарши ва Далварзин чўллари денгиз сатҳидан 400 метр баландликда ва ундан пастда этади.

Собиқ шўро ҳокимияти даврида табиат қонунларига зид равишда республикамиз хусусиятлари ва иқлим шароитлари ҳисобга олинмай иқтисоднинг бир томонлама, хом ашё, оралик маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, халқ хўжалигида пахта яқка ҳокимлиги, сув ва ўрмон ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиш чўл майдонларининг кенгайиши, тупроқ қатламнинг шўрланиши, экологиянинг бузилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида 1997 йилдаёқ республикамизда вужудга келган экологик вазиятни тавсифлаб берган<sup>1</sup>. Бу вазият қуйидагилардан иборат:

Биринчидан: ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу хавф ерларнинг одамларнинг муносабати туфайли, илгари нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги, шамол ва сув таъсирида емирилишнинг тупроқ

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 116-130-бетлар.

унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши, тупроқ нураши, шўрланиши, ер устки ва ер ости сувлари сатхи пасайишида намоён бўлмоқда. Шунингдек, тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши, айниқса, уран ва бошқа фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқариш жараёнида радиактив қолдиқлар сақланадиган жойлар экологик жихатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади.

Иккинчидан, сув захираларнинг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги жиддий экологик хавфдир. Ўзбекистондаги дарёлар асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув ресурсларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан мавжуд трансчегаравий дарё сув захираларидан биргалашиб келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб қилинади.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи кескин экологик хавф-хатар, таҳдиддир.

Тўртинчидан, ҳово бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарралар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир захарли моддаларга тўғри келади. Атмосферада углеводород йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг қўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Экологик хавф-хатар ва таҳдиднинг кучайиши экологик хавфсизликни таъминлаш механизмни шакллантириш ва ривожлантириб боришни тақозо этади. Худуднинг экологик районлаштирилиши. Экологик вазиятни баҳолаш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси институтлари (НИПТИ “Атмосфера” ва НПХЦ “Сув хўжалиги экологияси”) томонидан Ўзбекистон Республикаси худудини экологик районлаштириш методологияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилган. Районлаштириш республиканинг маъмурий-худудий тақсимотида асосланган; районлаштириладиган энг кичик худудий бирлик (таксон) сифатида маъмурий туман, республика ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳар қабул қилинган. Ҳар бир таксоннинг экологик вазияти 18 та экологик индикатор (мезон) бўйича баҳоланган улар худудларнинг экологик танглик даражаси (руҳсат берилган, критик, фавқулодда, экологик фалокат) бўйича анъанавий тақсмоти билан бир қаторда, балли баҳоларга

ҳам эга бўлиб, ўртача солиштирма балли баҳони ҳисобга олган ҳолда хавфли ва ўта хавфли тоифаларга бўлинади.

Худудни экологик танглик даражасига кўра районлаштириш (вилоятлар бўйича) қуйидаги амалга оширилади: 400 ва ундан кўп балл-фавқулодда танг 205-400 – кучли танглик 150-250 – ўртача танглик, 120-150 – суст танглик ва 120 нормал (танглик йўқ).

Экологик жихатдан энг оғир аҳволда турган худуд Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб, бу ерда экологик вазият фавқулодда танг бўлган ҳолда аҳвол янада оғирлашмоқди. Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятларида экологик вазият кучли тангликда. Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги экологик вазиятни ўртача тангликда деб характерлаш мумкин. Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги вазиятни суст тангликда, Наманган, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги аҳвол эса маъёрий шароитдадир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, худудларни экологик танглик даражаси бўйича юқоридагидек саралашда нобатан “меъёрий” вилоятларда ҳам фавқулодда оғир ҳолатлар кузатилаётган “қайноқ нуқталар” бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Термиз ва Музrabод туманлари, Бухоро вилоятида Ғиждувон, Тошкент вилоятида эса Янгийўл шаҳарлари фавқулодда экологик вазият зонасига кирадилар.

Районлаштириш натижаларидан экологик офат худудларида яшовчи аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунчиликни ишлаб чиқишда шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини экологик таъминлашнинг Миллий ва худудий режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

## **17.2. Давлатнинг экологик сиёсати ва табиатдан фойдаланиш вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида иқтисодий механизмни асосий концепцияси шакллантирилган, табиий ресурслардан фойдаланишга лимитлар аниқланган, табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширувчи ишлар учун солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилган. Сувдан фойдаланиш Республикамизда 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Экологик сиёсат авваломбор инсон саломатлигини таъминлаш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир.



Инсон саломатлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – экологик соғлом муҳитдир. Асосий Қонуимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу қаторда соғлом муҳитда яшаш ҳуқуқини ҳам қафолатлайди. Шу маънода инсон саломатлигининг барқарорлигини таъминлашда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Экологик хавфсизлик давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, жамият ва шахсий ҳимоя қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро конвенция ва келишувлардан келиб чиқувчи мажбуриятларимиз, ҳамда илғор мамлакатларнинг қонунчилик тажрибасини ҳисобга олиб Рио-де Жанейро ва Йоханнесбург Декларациялари тамойиллари асосида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг муҳим стратегик вазифаси билан соғлом авлоднинг шаклланишини аниқлаб олди. Бу эса барқарор ривожланишни таъминлашга йўналтирилган давлатнинг экологик сиёсати асосини белгилаб берди. Ўзбекистон сиёсати барқарор ривожланишнинг қуйидаги тамойилларига асосланади:

1. Экотизимларнинг маълум барқарорлигини сақлаб қолиш учун табиатдан фойдаланиш жараёнларининг мувозанатига эришиш.
2. Антропоген таъсир кучлар юқори бўлган туманларда барқарор ривожланишни янгилаш.
3. Экологик муаммоларнинг иқтисодий муаммолар устидан устунлигини кенг омма олдида тасдиқлаш, шу билан бирга давлат бошқаруви жараёнларини экологизация қилиш.

Бозор муносабатлари шароитида барқарор ривожланишнинг экологик хавфсизлигини таъминлашда фаолиятнинг қуйидаги асосий йўналишларини инобатга олиш керак:

- ишлаб чиқарувчи кучларни экологик асосланган ҳолда тақсимлаш;
- қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт ва коммунал хўжалигининг экологик хавфсиз ривожланиши;
- атроф-муҳит ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги бошқарувни янги поғонага кўтариш;
- табиат ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш;
- чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш.

Республиканинг экологик сиёсати табиатнинг айрим унсурларини ҳимоя қилишдан барча умумий экотизмни ҳимоя қилишни амалга оширишга

ўтишга, инсоннинг яшashi учун керак бўлган ҳаётий муҳитнинг энг мақбул параметрларини қафолатлашга қаратилган.

Бундай экологик сиёсатни ҳаётга тадбиқ қилиш ижтимоий-иқтисодий ва жамиятни тўлиғича барқарор ривожланишнинг шартларидан бири бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ва инсониятни ташвишга солиб келаётган **экологик муаммолар глобал, минтақавий, миллий ҳамда маҳаллий микёсларга бўлиниб ўрганилади.** Кейинги йилларда асосий глобал муаммолардан – иқлим ўзгариши, озон туйнугининг қосил бўлиши ва Орол денгизи муаммоларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Минтақавий муаммоларга эса глобал муаммолар билан бир қаторда сув ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши, чўлланиш, юқумли ва ўта хавfli касалликларнинг тарқалиши, табиий ва техноген тусдаги катаклизмларни, маҳаллий микёсда - муайян ҳудудларнинг радиацион ифлосланиши, ер ости сувларининг ифлосланиши, чиқиндиларни тўпланишини келтириш мумкин.

Маълумки республикаимизда аҳоли зичлиги 1980 йилда бир квадрат километрга 35,6 киши тўғри келган бўлса 2006 йилда бир квадрат километрга 57 кишига ортди. Шу тарзда аҳоли сони 2010 йилда республика аҳолиси 28,5 миллион кишини ташкил этди. Арид зона шароитларида, аҳоли сони ўсиши билан антропоген таъсир (сувга ва ҳаёт учун зарур бошқа воситаларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши) ортади. Бу республикаимиз аҳолиси зич яшайдиган ҳудудларда қўшимча экологик, иқтисодий ва ижтимоий таъсирларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон ҳудудида глобал минтақавий иқлимнинг ўзгариши оқибатларини баҳолаш 2030 йилларга келиб, шимолий ҳудудларда ўртача йиллик ҳароратнинг ўсиши 2-3 даражага ва республика жанубий қисмида 1 даражага ўсиши, тоғли ҳудудларда анча камроқ таъсир кўрсатилиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ёғингарчиликлар микдорининг 5фоиз фоизгача, Фарғона водийсида 15фоиз фоизгача, республикаимиз шимолий қисмида 15-20 фоиз фоизгача ортириши кутилмоқда.

Жаҳон экспертларнинг фикрига кўра, иқлим ўзгариши бўйича Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол эриши натижасида 2100 йилга келиб дунё океанининг сатҳи 18-59 см.га кўтарилади. Бу эса, ҳудудида ороллар жойлашган айрим мамлакатлар ва қирғоқ бўйи шаҳарларида мисли кўрилмаган даражада сув босишига олиб келиши мумкин. БМТ нинг ҳукуматлараро комиссияси томонидан тайёрланган "Иқлим ўзгариши – 2007" маърузасида инсоният фаолияти натижасида глобал ҳароратнинг

кўтарилишига оид инкор этиб бўлмас далиллар келтирилган. 100 йиллик учун берилган глобал башоратларга кўра, бугли газларни қискартириш чора-тадбирларни амалга оширганнинг ўзида ҳарорат 1.4 дан 5.8 С га кўтарилиши мумкин. Бу эса, албатта, атроф-муҳит, инсон саломатлигига салбий таъсирини ўтказди.

Жаҳонда чучук сувни ишлатиш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда, айни пайтда кўп мамлакатлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш ва экотизимларнинг барқарорлигини сақлаш учун зарур даражадаги сув таъминотида кийинчиликлар сезмоқда. Сувга оид далилларга кўра, чучук сув захирасининг 70–90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда экинларни етиштириш учун ишлатилади. Кундалик эҳтиёжни қондириш учун эса аҳоли жон бошига кунига 50 литр сув зарур<sup>1</sup>. Сувга нисбатан ортиб бораётган талабларни ҳисобга олиш юзага келадиган муаммолар ва таҳдидларнинг нечоғлик кенг кўламга эга эканидан, ва «ўзгариб бораётган дунё ҳаёти»га теран нигоҳ билан қараш лозимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни ҳимоя этиш бўйича ишончли қафолат ҳамда чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичида давлат сиёсатининг энг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш орқали иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини (СФУ) ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга оид сиёсати ва сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар қуйидаги асосий тамойилларга асосланган:

- атроф-муҳитни аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида сақлаш ва қайта тиклаш бўйича иқтисодий ҳамда экологик сиёсатни мувофиқлаштириш;
- табиатнинг айрим таркибий қисмларини муҳофаза қилишдан экотизимларни умумий ва мажмуавий равишда ҳимоялашга ўтиш;
- жамиятнинг барча аъзоларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг хилма-хиллигини сақлаш ва вазиятни яхшилаш, аҳоли ҳаёти учун қулай шароитларини яратиш борасидаги жавобгарлиги.

<sup>1</sup> Манба: IWRM.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарёлар, жумладан, Қашқадарё, Чирчиқ, Сурхондарё ҳамда Зарафшон, Қорадарё, Норин, Амударё ва Сирдарё трансчегаравий ҳисобланган дарёлар ва республика ахамиятига эга бўлган 11 та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган қудудларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг жами 11 та қарорлари, шу жумладан, 3 та қарор – ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган 11 та ҳудуд бўйича (Тошкент вилоятидаги 2 та, Фарғона вилоятидаги 2 та, Самарқанд вилоятидаги 1 та, Андижон вилоятидаги 1 та, Наманган вилоятидаги 1 та, Қашқадарё вилоятидаги 1 та, Жиззах вилоятидаги 2 та ва Сурхондарё вилоятидаги 1 та манба бўйича), 8 таси – дарёлар бўйича қабул қилиниб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 августдаги 444-ф-сонли Фармойишига асосан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари иборат Ўзбекистон делегацияси, 2008 йилнинг 1-4 сентябрь кунлари Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган 13-Бутунжаҳон сув конгрессида иштирок этдилар. Конгресснинг махсус сессиясида Ўзбекистон вакиллари томонидан "Марказий Осиёда сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш, БМТ "Минг йиллик тараккиёт мақсадларига эришиш чоралари" мавзуида тақдимот ҳамда "Орол денгизи мисолида Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизлик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари" мавзуида маъруза қилинди. Махсус сессия якуни бўйича резолюция қабул қилиниб, унда Марказий Осиёда барқарорликка эришиш учун минтақадаги 6 та давлатлар томонидан трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилиши зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг оғир ва мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммолардан бири ҳисобланган Орол денгизи, уни кутқариш – бутун инсониятнинг умум вазифасидир. Ўттиз миллион йил давомида қалбий ётган буюк кўл, табиатнинг инсонга инъоми, ўттиз йил ичида (1957–1987 йиллар) Ер қуррасида экологик мувозанатни менсимаслик натижасида пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Орол денгизини кутқариш ишида биргаллашиб, муаммоларни ҳал қилиш йўллари кидирмоқдалар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда анжуманлар минбаридан бу масалани қайта-қайта ўртага ташламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қилган нутқида "Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор

этиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни такозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғун баркамоллиги Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Бу борада Орол фожеасини унутмаган ҳолда, сув ва ерга бўлган тафаккурни ўзгартириш ҳамда ушбу заминдан азалдан қарор топган оби ҳаётга энг улуғ неъматлардан деб қараш борасидаги муносабатни қайта тиклаш зарур.

### 17.3. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни кучайтиришнинг йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида экологик хавфсизликни кучайтиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб берди:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар ифлослантиришни тўхтатиш, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириш таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг

намани қочириш, сувчи қарши тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш).

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшashi учун қулай шароит яратиш.

6. Экологик муаммоларига жаҳон жамоатчилиги этиборини қаратиш, халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш<sup>1</sup>.

Экологик муаммоларни ҳал қилиш экологик хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистонда сиёсат ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Марказий Осиё ҳудуди хавфли табиий жараёнлар ва ҳодисалар кенг доираси ичидадир. Улардан энг катта хавф тўғдирувчилари зилзилалар, сув тошқинлари, сел оқимлари ва ер кўчишлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлими ва геологик хусусиятлари ҳамда халқ хўжалик соҳаларининг инфраструктураси фавқулодда ҳолатлар юзага келиши юқсак эҳтимолликларига (табиий офатлар, ишлаб чиқаришдаги фавқулодда ҳолатлар бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар) сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ярмидан ортиқ ҳудудлари сейсмик фаол зоналарда жойлашган, бу ерларда 7 баллик кучга эга ер силкинишлари содир бўлиши мумкин. Саноат потенциалининг 87,5% ушбу ҳудудларда жамланган. Лекин шу билан бирга охириги 15-20 йиллар давомида нисбатан сейсмик осойишталик кузатилмоқда, бу ортиқча сейсмик энергиянинг тўпланиши билан ифодаланадиган хавотирли белги ҳисобланади.

Чорвоқ, Андижон (Ўзбекистон), Токтогул (Қирғизистон), Қайроқум, (Тожикистон), Каттақўрғон, Жанубий Сурхондарё сув омборлари тўғонлари зарарланишида айниса хавотирли вазиятлар юзага келиши, буларнинг оқибатида республика ҳудудида сув босиш зоналари келиб чиқиши мумкин. Тожикистон тоғларида Усой уюми натижасида юзага келган Сарез кўли алоҳида хавфли ҳисобланади. Бу уюм тўсиғини ёриб ўтилган ҳолда Бартоғ, Пяндж ва Амударё дарёлари водийларида ҳалокатли тошқинлар юзага келиши мумкин.

Мамлакатимизнинг тоғ ён бағри ҳудудларининг барчаси, Фарғона водийси. Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари сел хавфи кучли районлар

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 131-134-бет.

ҳисобланади. Қорлар эрий бошлайдиган, узок вақт давом этадиган ёмғирлар даври апрель – июнь ойларида селлар юзага келиши фаоллашиши кузатилади. Ҳозирги вақтда республикада атиги 5 та сел омборлари фаолият юритмоқда, холос.

**Марказий Осиёда XXI асрда сув манбаларининг чекланганлиги сабабли сув муаммолари билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиши мумкин.** Сув манбалари билан таъминланганлик хусусида Ўзбекистон энг ноқулай табиий ҳудудда жойлашган. Марказий Осиёда гидрографик сув манбалари объектларининг нотекис тақсимланган. Сирдарё дарёси хавзаси бўйича кўп йиллик ўртача дарё оқими йилига 37,9 км<sup>3</sup> ташкил этади. Шу билан бирга кўп йиллар давомида ўртача Қирғизистонда йилига 28,0 км<sup>3</sup> (73,8 фоиз), Ўзбекистонда – 5,59 км<sup>3</sup> (14,8 фоиз) ва Қозоғистонда – 4,08 км<sup>3</sup> (10,8) дарё ресурслари шакланади. Амударё дарёси басейни бўйича ўртача кўп йиллик ресурслари 78 км дан ортқини ташкил этади, улардан 62,9 км (80 фоиз дан ортиғи) Тожикистон ҳудудида шаклланади, Ўзбекистонда 4,7 км<sup>3</sup> (6 фоиз) қисми шаклланади.

**Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда чўлга айланиш жараёнлари тезлашиши алоҳида ташвишли ҳолатдир.** Бу факатгина чўл ҳудудининг ўсиб боришидағина эмас, балки биологик маҳсулдорлиги ўзгариш даражасида ҳам намоён бўлади. Чўлга айланиб бориш ер сатҳи биологик маҳсулдорлигини камайишига олиб келади ва унинг оқибати – аҳоли учун экологик ноқулайликларнинг келиб чиқишига, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси турлари насли бузилишига сабаб бўлади. Охириги йилларда Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км га ортган, баъзи районларнинг маҳсулдорлиги эса 50 фоизгача қисқарган.

Чўлга айланиб бориш маълум даражада ижтимоий-иқтисодий кескинликка (чорвачилик маҳсулдорлигини камайишига ва касалликлар келиб чиқишининг ўсишига) сабаб бўлади.

Чўллашишнинг асосий сабаби-сувдан нотўғри фойдаланиш ва маълум даражада - иқлим ўзгариши сабабли ҳудудлар ва акватория сув режимининг ўзгариши ҳисобланади. Орол, Устюрт тизими, Қорақум ва Қизилқум чўлларида, Тянь-Шан ва Помир тоғ ён бағирларида айниқса чўлга айланиш жараёнлари фаолдир.

Ер ресурслари доимий равишда турли хилдаги эрозиялардан зарарланмоқда, шу жумладан, сув эрозияси – 2790 мингга (суғориладиган – 339 минг гектар), шамол эрозиясига – 20478 мингга (суғориладиган – 2262 минг гектар), 2005 минг га (суғориладиган – 341 минг гектарда) бир вақтнинг ўзида ҳам сув, ҳам шамол эрозиясидан зарарланади

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида мамлакатда экологик вазиятни, ҳамда хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш, соғломлаштиришга қаратилган атроф-муҳитни муҳофазаси борасида қонунчиликка риоя қилиш назоратини таъминлаш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маълум ижобий натижаларга эришилди. Олиб борилган фаолият натижасида табиий муҳитнинг аҳоли яхшиланди, атмосферага зарарли ташламаларни ташлаш ва ифлосланган оқова сувларни ташлаш қисқарди, чиқиндиларни хом-ашё сифатида иккинчи бор ишлатиш ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қабул қилинган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий Дастури асосида Бухоро вилоятида автотранспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддаларни камайтириш мақсадида, қатор транспорт воситалари газ ва дизель ёқилғисига ўтказилди. Тошкент вилояти Олмалик тоғ-маталлургия комбинатида экологик тоза КБП-2 (кислород-барботаж эритув) ва СК-2 (олтингургурт кислотаси) мажмуаси қурилди, “Янги-Ангрен ИЭС” да электрфилтрларни қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилди. “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ҳисобига этилсиз бензин ишлаб чиқариш ҳажмини юқори фоизга етказиш ишлари амалга оширилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш ишлари янги босқичга чиқди. Бухоро вилоятида жойлашган “Жайрон” экологик парваришхонаси майдони қарийб 4,7 баробарга кенгайди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ва қўмиш жойлари бўйича давлат кадастрини аниқ таҳлилий материаллари асосида юритиш ишлари ташкил этилди.

“2008–2015 йилларда Айдар-Арнасой қўллари тизимидан самарали фойдаланиш ва унинг экологик ҳолати барқарорлигини таъминлаш ҳаракатлар Дастури”нинг бажарилиши, ўз амалий натижасини берди. Айдар-Арнасой қўллари тизимига Рамсар Конвенцияси доирасида Халқаро муҳофаза этиладиган қўллари мақоми берилиб, мазкур қўллари тизими Конвенция Котибияти томонидан 2008 йил 20 октябрда 1841-сон билан расман рўйхатга олинди.

2008 йилда Ўзбекистон республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт ҳукуматлари ўртасида, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Мазкур меморандум доирасида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган йўрға-гувалокни сунъий кўпайтириш шароитларини яратиш, уларнинг генофондини сақлаб

қолиш ва турларини кўпайтириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бирлашган Араб Амирликларининг тувалоқларини сақлаш маркази билан ҳамкорликда Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларида парваришхоналар қурилиши якунига етказилди, жўжаларни парваришлаш учун тўлиқ таркибдаги хорижий жиҳозлик 14 та контейнерларнинг монтажи якунланди (инкубаторлар, озуқаларни тайёрлаш учун махсус хоналар, ветеринария шифохоналари, вольерлар), ташқи электр, сув, газ ва иссиқлик таъминоти тармоқлари қурилди.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

2. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

3. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

4. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириш таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

#### **17.4. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари**

Давлатнинг экологик сиёсатининг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишда экологик назоратни ташкил этиш бўйича давлат ваколатли органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилган. Ўзбекистонда экологик сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири экологик назоратнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

- атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

- мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

- атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик, ҳолислик, мустақиллик, ошқоралик, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- экологик назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф муҳитни яратиш;

- экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан атроф муҳитнинг муҳофаза қилиниши ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

- экологик назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Экологик назорат объектлари ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера хавоси; атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар, атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки

ҳаракатсизликдан иборатдир. Экологик назорат субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;  
махсус ваколатли давлат органлари;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;  
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;  
хўжалик юритувчи субъектлар;  
фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;  
нодавлат нотижорат ташкилотлари;  
фукаролар.

Экологик назоратнинг турлари давлат экологик назорати; идоровий экологик назорат; ишлаб чиқариш экологик назорати; жамоатчилик экологик назоратидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- экологик назорат соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
- давлат экологик дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;
- давлат экологик назоратини, шунингдек атроф муҳитнинг давлат мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди;
- идоровий, ишлаб чиқариш, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, экологик хизмат ҳақидаги, шунингдек экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлайди;
- экологик назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органлари қуйидаги соҳаларда давлат экологик назоратини амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси — атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — атроф муҳитнинг радиоактив, кимёвий, биологик моддалар билан ифлосланиши, ичимлик суви таъминоги, атмосфера ҳавосига физик омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, sanoatda, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси — sanoat хавфсизлигига ва радиациявий хавфсизликка риоя этилиши, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хом ашёни қайта ишлашда ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш,

шунингдек кончилик ишларини геологик-маркшейдерлик жихатидан таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги — автомобилотранспорт воситаларининг ишлатилишида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги — сунъий сув объектларининг сувидан фойдаланилиши ва истеъмол қилиниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини химоя қилиш бўйича давлат карантин қоидаларининг бажарилиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси — ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан, ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда бошқа чиқиндилар, радиоактив, кимёвий, биологик моддалар ва оқова сувлар билан ифлосланиши бундан мустасно.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотларнинг атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида келгусидаги устувор вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- табиий ресурслардан. шу жумладан сув, ер, минерал хом ашё, биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, республиканинг бутун ҳудуди бўйича атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини санитария-гигиена нормаларигача пасайтириш;
- экологик талофат зонаси Оролбўйида, шунингдек мамлакатнинг экологик жихатдан ноқулай бўлган бошқа ҳудудларида экологик ҳолатни маҳаллийлаштириш, қайта тиклаш ва соғломлаштиришни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;
- муҳофаза этиладиган янги табиий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш;
- республика аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш;
- экологик жихатдан тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича технологияларни жорий этиш;
- экология соҳасида илмий-техника салоҳиятини ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;
- экологик мониторинг, прогноз ва ахборотларнинг комплекс тизимини амалга ошириш;

- республика ҳудудларини атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишини назорат қилиш ва ундан муҳофаза этишнинг ягона хизматини шакллантириш;

- экологик қонунчилик, таълим маданият ва аҳолини экологик руҳда тарбиялаш, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш тизимларини такомиллаштириш;

- экологик муаммоларни ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Экологик сиёсатни янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш.

2. Дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш лозим.

3. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.

4. Шаҳарозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшashi учун қулай шароит яратиш зарур.

5. Экологик наоратни амалга оширишда кенг жамоатчиликни жалб этиш, бу борада нодавлат, нотажорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини кучайтириш.

6. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, бу маданиятни шакллантириш учун оммавий ахборот органларининг фаолиятини ривожлантириш. Кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш вазифаси устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

#### **Асосий таянч тушунчалар**

Атроф табиий муҳит, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, ишлаб чиқариш чиқиндилар хавфли

чиқиндилар, экология, давлатнинг экологик сиёсати, экологик назорат, экологик хавфсизлик, экологик хавфсизликка таҳдидлар.

#### **Тақрорлаш учун саволлар**

1. Атроф табиий муҳит ва экология тушунчаларининг мазмуни ҳамда фарқли, ўхшашликлари нималарда ифодаланади?

2. Экологик муаммоларнинг умумий келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

3. Ўзбекистоннинг экологик вазиятни тавсифлаб беринг?

4. Ўзбекистондаги экологик муаммолар нималардан иборат?

5. Орол фожиасининг вужудга келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

6. Орол бўйида вужудга келган экологик вазиятни тавсифлаб беринг?

7. Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал қилиш учун нималар амалга оширилган?

8. Давлатнинг экологик сиёсатининг моҳияти ва асосий йўналишлари нималардан иборат?

9. Экологик назорат нима учун керак?

10. Экологик назорат тизимини қандай ташкил этиш мумкин.

11. Экологик назорат бўйича махсус ваколатли органларнинг вазифалари нималардан иборат?

12. Экологик назоратни амалга оширишда Сиз талаба сифатида нима қида олишингиз мумкин?

13. Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш учун нима қилиш керак?

## 18-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

### 18.1. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва зарурияти

Дунё мамлакатларининг жадаллик билан ривожланиб бораётганлиги, улар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг байналминлашуви ва глобаллашуви, ҳамда иқтисодий алоқаларнинг кучайиши, ҳар бир давлатдан ташқи омиллардан оқилона ва самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётни ташқи таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсат юритишни талаб этади. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан, ички бозорнинг ташқи бозорлар билан ўзаро ҳамкорлиги учун сифат жиҳатидан янги негизларини шакллантирадиган туб бозор ўзгаришларини амалга ошириш объектив равишда ташқи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати – халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш борасидаги давлат фаолиятининг йўналиши ва соҳаси, шунингдек тегишли мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги аниқ чора-тадбирлар йиғиндисидир. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг моҳияти унинг давлат ва халқнинг суверенитетини таъминлашдан иборат бўлган, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича механизмнинг бутун саъй-ҳаракати ижтимоий-иқтисодий интеграцион жараёнларда миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда ўз ифодасини топади.

Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати негизида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимланишида мамлакат иштирокини мақбуллаштириш тартибини белгилашга доирбир мақсадга йўналтирилган фаолиятлар этади.

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмлари бўлиб ташқи савдо сиёсати, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хориждаги миллий капитал қўйилмаларни тартибга солиш борасидаги сиёсат, валюта сиёсатлари ҳисобланади. Бундан ташқари мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган алоҳида давлатлар ва минтақалар билан ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш кўринишлари ҳам мавжуд.

Ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам тартибга солади. Кўплаб давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг кенг доираси уларга ўз ташқи иқтисодий алоқалари таркибини ва уларни ривожлантириш йўналишларини шакллантиришга ҳам, бошқа мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва ташқи иқтисодий

сиёсати ҳам фаол таъсир этиш имконини беради. Ташқи иқтисодий сиёсат воситаларини савдо-сиёсий механизм сифатида таърифлаш мумкин.

Ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун унинг асосий тамойилларини аниқ ва равшан белгилаш лозим. Унда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларини иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишга асосий ўрин ажратилган бўлиб, умуммиллий манфаатларга мос келиши лозим.

Давлатларнинг ташқи иқтисодий сиёсатни норматив тартибга солиш негизида миллий ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари этади. Бироқ, давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсат соҳасидаги муносабатларини тартибга солишда миллий ҳуқуқий механизмларнинг ҳам аҳамияти катта. Бундай механизмлар ҳозирги кунда давлатнинг халқаро майдондаги стратегик фаолиятини белгилашда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадлари ва уни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар сифатида мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг ўз олдида қўйган вазифалари мавжуд бўлиб, давлатнинг иқтисодий сиёсати бу вазифаларни бажарилишига қаратилмоғи керак. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг мақсадлари шу даврнинг ўзига хос хусусиятларига мос келиши керак. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар:

- экспортни ривожлантириш ва унинг таркибий тузилишини яхшилаш;
- импортнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, яъни уни миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтиришга қаратиш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш;
- мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, яъни маълум даражада ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт-импорт операциялари, валютани олиб чиқиш, бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминловчи соҳаларини аниқлаш.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулларидан кенг фойдаланиш. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фойзалар бўйича узок муддатли кредитлар ажратиш;



- миллий инвестицияларни суғурталаш;
- экспорт қилувчиларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;
- давлат томонидан республикага илғор технологиялар, тажрибалар, билимларни кириб келишига субсидиялар ажратиш;
- экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;
- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтириладиган хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар улушини босқичма-босқич камайитириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислохотини тугаллашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутди.

#### **18.2. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва таркибий қисмлари**

Бозор қонунлари асосида ривожланаётган ва давлат аралашуви юқори бўлган мамлакатларнинг барчасида давлат эркин халқаро айирбошлаш йўлига маълум тўсиқлар қўяди ва бундай ҳолат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурлиги билан тушунтирилади. Буларга мамлакат истеъмол бозорларини ҳимоялаш, ички бандликни ошириш, янги тармоқларни ривожлантириш ва ҳоказолар қиради.

Иқтисодий рақобатга бардошли бўлган давлатлар ҳам, бундай рақобатга чидамсиз давлатлар ҳам лицензиялаш ва квоталарни ўрнатиш, божхона божлари ва тарифларни киритиш, маҳсулот сифати ва унинг хавфсизлигини таъминловчи стандартларни ўрнатиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи бошқа бир қатор воситалардан кенг фойдаланадилар, шу орқали ўз ташқи иқтисодий сиёсатларини юргизадилар.

Давлат томонидан амалга ошириладиган мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти кундалик ва стратегик мақсадларга мувофиқ унинг ташқи иқтисодий сиёсатига асосланган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати деганда, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган фаолият тушунилади.

Давлатни халқаро савдо жараёнларига аралашуви даражасига кўра халқаро савдо сиёсати протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига бўлинади.

Эркин савдо – давлатни ташқи савдо жараёнларига аралашувини камайитириш, яъни ташқи савдони эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожлантириш.

Протекционизм – тариф ва нотаиф усулларини қўллаш орқали ички бозорни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қаратилган давлат сиёсати.

Эркинлаштириш ва протекционизм сиёсати дунёдаги ҳар қандай давлат учун хос. Ҳозирги пайтда ташқи савдони эркинлаштиришга мойиллик кузатилаяпти. Бу жараён уч хил кўринишда амалга оширилаяпти:


- алоҳида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдода;
- ягона божхона иттифоқига кирувчи алоҳида давлатлар ўртасида;
- Жаҳон савдо ташкилоти, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТнинг конференциялари (ЮНКТАД), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) доирасида кўп томонлама келишувлар асосида амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий сиёсат – бу миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг макон жихати жаҳон ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишлари бўйича давлатнинг ҳаракатларини белгилайди. Ушбу белгига биноан, давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати таркибига ташқи савдо сиёсати, ташқи инвестиция сиёсати, валюта сиёсати, бижхона сиёсати қиради. (18.2.1.-расм.)

Давлатнинг ташқи савдо сиёсати халқаро даражада товарлар, ишлар, хизматлар, ахборотлар, интеллектуал фаолият натижалари билан амалга ошириладиган айирбошлашни қамраб олади ва экспорт ва импорт сиёсатлари биргаликда ташқи савдо сиёсатини ташкил этади.

**Ташқи савдо бўйича давлатнинг экспорт сиёсати** деганда мамлакатнинг рақобатбардош товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулкларни жаҳон бозориде сотишга ва ушбу товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тушунилади. Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришда давлат бюртмалари, бюджетдан молиялаш, имтиёзли кредитлар бериш, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаш ва ҳоказолардан фойдаланилади.



18.2.1-расм. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий шакллари.

**Ташқи савдо бўйича давлатнинг импорт сиёсати** деганда мамлакатга ҳариждан товарлар, ишлар, хизматлар ва интеллектуал мулкларни келинишини тартибга солишга йўналтирилган чора-тадбирлар тушунилади. Бундай тартибга солишнинг воситаси сифатида республика иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадида импортни тўғридан-тўғри чеклаш ҳисобланади. Бунда лицензиялаш ва контингентлаш, импортга оид антидепинг ва компенсация божлари, энг кам импорт нархлари тизими ва ҳоказолар қўлланилади.

**Ташқи инвестиция сиёсати** хорижий инвестицияларини мамлакат худудига жалб этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда миллий инвестицияларини хорижга олиб чиқишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

**Валюта сиёсати** давлат ва халқаро валюта-молия ташкилотлари тамонидан амалга ошириладиган валюта муносабатлари соҳасидаги иқтисодий чоралар ҳамда ташкилий шакл в усуллар йиғиндисини ташкил этади. Валюта сиёсати давлатнинг валюта маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўлиб, ўз ичига валюта маблағларини шакиллантириш ва ишлатишнинг асосий йўналишларини ҳамда бундай маблағлардан самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни олади.

Валюта сиёсатининг амал қилиш соҳаси бўлиб валюта бозори, қимматбаҳо металллар ва тошлар бозори ҳисобланади. Давлатнинг валюта сиёсати дисконт ва девиз сиёсатларига бўлиниб, молия тизимининг бир маромли фаолиятини ва мамлакат тўлов баланси мувозанатини таъминлаш каби вазибаларни қамраб олади.

**Дисконт сиёсати** инвестициялар ҳаракатларини тартибга солиш ва тўлов мажбуриятларини мувозанатлаштириш, валюта курсини тахминий тузатиш учун фоизнинг ҳисоб ставкасидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ушбу сиёсат пул талаби ҳолатига, нарх динамикаси ва даражасига, пул массаси ҳажмига, қисқа муддатли инвестициялар миграциясига таъсир кўрсатишда намоён бўлади. **Девиз сиёсати**- валюта интервенцияси ва валюта чеклашлари ёрдамида валютани харид қилиш ва сотиш билан валюта курсини тартибга солиш тизимидир.

**Валюта интервенцияси** Марказий банкнинг хорижий валютанинг олди-сотдиси бўйича мақсадли операциялари бўлиб, у миллий валюта курси динамикасини уни ошириш ёки пасайтиришнинг муайян чегаралари билан чеклаш мақсадини кўзлайди. Валюта чеклашлари миллий ва хорижий валюта, олтин ва ҳоказоларга доир операцияларни тартибга соладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Ишчи кучининг ташқи миграция сиёсати ишчи кучи экспорти сиёсати ва ишчи кучи импорти сиёсатларига бўлинади.

**Ишчи кучи экспорти сиёсати** деганда бир мамлакат худудидан иккинчи бир мамлакатга ишчи кучининг кўчиши учун қулай шароит яратиш ёки таъқиқлаш борасидаги давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисини тушунилади. Ишчи кучини экспорт қилиш натижасида мамлакатда ишсизлик даражасини камайтириш ва мамлакатга қўшимча валюта даромадларини пайдо қилиш имконияти юзага келади.

**Ишчи кучини импорт сиёсати** деганда мамлакатга ҳариждан ишчи кучининг кириб келиши учун қулай шароит яратиш ёки тўсиқлар қўйиш борасидаги давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисини тушунилади.

Божхона сиёсати – давлат ташқи савдо фаолиятининг бир қисми бўлиб, товарларни экспорт ва импорт қилишнинг шарт-шароитлари, ҳажми ва таркибини тартибга солиб туради. Божхона сиёсатининг моҳияти божхона – тариф қонунчилигида, божхона иттифоқлари ва конвенциялари, эркин зоналар, тариф блокадалари ва бошқаларни ташкил этишда намоён бўлади. Товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши ёки чегараланишига боғлиқ ҳолда иқтисодий ва *божхона сиёсатининг қўйидаги тўрт асосий турини ажратилиши мумкин:*

1. *Қисман чеклаш сиёсати.* Бу сиёсат ички бозорга баъзи товарларни, масалан, мамлакат миллий мафқурасига ҳамда аҳоли турмуш тарзига тескари таъсир киладиган кино – видео маҳсулотлари ва турли нашрларни киритмаслик мақсадида қўлланилади.

2. *Протекционизм сиёсати.* Бу ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоялашдир.

3. *Эркин савдо сиёсати – «фритредерлик».* Бу ташқи савдодаги чеклашларни энг минимумига туширишдир. Одатда, у ўз товарларининг рақобатбардошлиги юқори бўлган ва бозорларда етакчи мавқега эга мамлакатлар томонидан қўлланилади.

4. *Тақчил бозорни тўйинтириш – «тескари протекционизм» сиёсати.* Бу фақат миллий бозорда чуқур тақчиллик шароити юз берганда ва унда ҳаммага ўрин топиладиган шароитдагина самарали ҳисобланади.

*Божхона сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:*

- 1) ташқи савдонинг ривожланишига қўмак бериш;
- 2) давлатнинг иқтисодий ўсишини тезлаштириш;
- 3) халқаро меҳнат тақсимотида қатнашишдан фойда олиш;
- 4) мамлакат савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлаш;
- 5) давлат бюджети даромадларини ўстириш;
- 6) хорижий давлатлар ва улар иттифоқларининг дискриминацион акцияларига қарши ҳаракат олиб бориш;
- 7) давлатнинг савдо – сиёсий позициясини мустаҳкамлаш;
- 8) корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлаш;
- 9) миллий иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилишига қўмак бериш;
- 10) мамлакат халқ хўжалигининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини чуқурлаштириш;
- 11) бозор фаолиятига шарт – шароит яратиш.

*Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатининг асосий тамойиллари* Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳужжатларида қайд этилган божхона сиёсатининг халқаро тажрибаларига ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати тамойилларига асосланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. *Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормалари олдидан устунлигини тан олиш тамойили.* Унинг моҳияти шундаки, ўз миллий ҳуқуқ тизимини яратаётган миллий давлатимиз халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормалари олдидан устун туришини тан олади. Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЖСТ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши Республиканинг божхона иши соҳасидаги умумжаҳон муаммоларни ҳал

этишда фаол иштирок этишига кенг имкониятлар очиб берди ва Республика зиммасига бир қатор мажбуриятларни ҳам юкледи.

2. *Ўзбекистонда амалга ошириладиган божхона сиёсатининг ягоналиги тамойили.* Бу Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида ягона божхона сиёсатининг олиб борилишини англатади.

3. *Икки ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш тамойили.* Бу тамойил Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорлик олиб боришга фаол интилиши орқали амалга оширилади.

4. *Миллий давлат манфаатлари устунлигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро савдо келишувларида ён беришлик тамойили.* Божхона сиёсати ҳамкор мамлакатларнинг жорий манфаатларини ҳисобга олса ҳамда ўзаро муносабатларда маълум бир келишувларни қабул қилса, унинг самарадорлиги янада ошади. Аммо, бунда давлатнинг миллий хавфсизлиги хавф остига қўйилиши мумкин эмас.

5. *Ўзаро камситмаслик тамойили.* Давлат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида божхона сиёсати дастаклари орқали у ёки бу миллий бозорда чегаралаш чора-тадбирларини қўллайди. Уларни қўллаш дискриминацион (камситиш) кўринишда бўлмаслиги, яъни баъзи мамлакатларга нисбатан эмас, балки барча қатнашувчи мамлакатларга нисбатан бирдек қўлланиши лозим.

6. *Бир томонлама ҳаракатларга йўл қўймаслик.* Миллий бозорни ҳимоя қилиш бўйича қарорлар кўп томонлама маслаҳатлашувлардан сўнг қабул қилиниши керак.

7. *Демократизм тамойили.* Демократизм тамойили божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга қўллашда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг божхона иши соҳасидаги ҳуқуқларининг ҳимояланишини талаб қилади.

### **18.3. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита ва бевосита усуллари**

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида ташқи иқтисодий сиёсатни юритишда юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш тизимидан самарали фойдаланилмоқда ва унинг таркибига кирган ташкилот ва муассасалар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- республика миллий манфаатларига жавоб берувчи ва унинг жаҳон

ҳамжамиятидаги ўрнини таъминловчи ташки иктисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалга жорий этиш;

- ташки иктисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш ва янада эркинлаштириш;

- мулкчилик кўринишининг турли шаклларида қатъий назар, ташки иктисодий фаолиятни барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолияти ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий иқтисодиётнинг таркибий бўғинларини модернизациялашда ташки иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда, ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солишда ва эркинлаштиришда умумэтироф этилган қуйидаги усуллардан фойдаланилади: ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усуллар ва ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бевосита (иктисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий) усуллар.

**Ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усуллари** бўлиб ташки иқтисодий алоқаларда қатнашувчиларнинг иқтисодий манфаатлари, уларнинг даромадини тақсимлашга, битим шартларини бажаришга таъсир этувчи, божхона тарифлари ва божлари, турли солиқлар, валютадан тушган пулдан ажратмалар меъёри, халқаро операцияларни кредитлаш ва сугурталашнинг фоиз ставкалари қабилар ҳисобланиб, у субъектларни у ёки бу ҳаракатни танлаш имконини беради.


Бевосита усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади. **Бож**, *бож нули* – (араб. ўлпон, солиқ) – божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғимлари. У билвосита солиқ бўлиб, унинг товар чиқариш, товар киритиш ва мамлакат ҳудуди орқали ташиб ўтказиш учун (транзит) ундириладиган турлари мавжуд. Ўрта Осиёда бож олиш ўрта асрлардан бошлаб давом этиб келган. Бож олувчи мансабдор тусқовул деб аталган. Ҳозирги даврда бож муайян товарлар рўйхати, товар миқдори, массаси, бирлиги, шунингдек, товар баҳоси (*адвалор бож*) бўйича белгиланган божхона тарифлари доирасида ундирилади.

**Бож тарифи** – давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган божлар ставкалари мажмуи (тўплами). Бож олинган товарлар номи ва таснифи, бож ставкаси, уларни ҳисоблаш ва тўлаш усуллари, бож олинмай ўтказиладиган товар (буюм)лар рўйхати, шунингдек, олиб келиш, олиб кетиш, олиб ўтиш (транзит) таъқиқланган маҳсулотлар

рўйхати кўрсатилади. Бож тарифида товарлар қайта ишланиш даражаси (тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулот, хом ашё) ва тармоқ турига (саноат, қишлоқ хўжалиги, минерал-хом ашё) кўра гуруҳланади. Божхона тарифи товар классификаторлари асосида ташкил топади. Товарларни гуруҳларга, гуруҳлар ичида кичик гуруҳларга (маълум бир хил белгилари бўйича) белгиланиши товар классификацияси дейилади. Ҳозирги вақтда халқаро савдо алоқаларида энг кўп қўлланиладиган товар классификаторларида улар кенг қўламда системалаштирилган ва кодлаштирилгандир.

Улар ёрдамида ташки иқтисодий алоқаларнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ташки савдо тартибга солинади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ёки қисқартириши орқали миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда божхона божларининг турли хиллари қўлланади ва уларни ҳисоблаш йўллари, ифодаланиши ҳамда ҳаракат соҳасига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин.



Чизмадан кўришиб турибдики, амалиётда қўлланиладиган божхона божлари турлича. Ундириш усулига кўра гуруҳланишини кўрадиган бўлсак, маҳсулотни божхона қийматига нисбатан фоизда белгиланган адвалор божлар жаҳонда кўпроқ тарқалган. Шу сабабдан ҳам божнинг бу тури қўлланиладиган мамлакатларда маҳсулотнинг бож қийматини, яъни адвалор божларини ҳисоблашга асос бўлган маҳсулотнинг божхона қийматини (нархини) аниқлаш усуллари катта эътибор берилади. Бож қиймати, импорт ва экспорт қилувчи, ташувчи ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан маҳсулотлар баённомасида кўрсатилади ва шунга мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланади. Аммо баъзи ҳолларда божхона маҳсулотнинг эълон қилинган нархини тан олмасликка ва уни ўзи мустақил аниқлашлари мумкин. Амалдаги

қўлланилаётган усулга қараб маҳсулот нархи 20-25 фоиз, хатто 2 мартагача кўпайтирилиши мумкин.

Ташқи савдони тартибга солишда ўзига хос (специфик) усулига кўра маҳсулотнинг ҳар бир ўлчов бирлигидан (дона, килограмм, метр, метр куб ва б.) ундирилади. Бундан ташқари юқоридаги икки усул уйғунлашган аралаш божлар ҳам қўлланилади.

Божхона божларининг иккинчи гуруҳи аввало **импорт божлари ва экспорт божлари ҳамда транзит божларига** ажралади.

**Импорт божлар** ички бозорларга чет эл товарлари оқимини тартибга солиш ва давлат бюджетини тўлдириш мақсадида белгиланади. Импорт божлари энг кам ва энг кўп миқдордаги божларга бўлинади. **Энг кам миқдордаги** импорт божлар ўзаро қулай шартнома шартноmaları ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига ўрнатилади. **Энг кўп миқдордаги импорт божлари** эса бундай шартнома ва битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан ўрнатилади. Ундан ташқари кўплаб мамлакатларда имтиёзли божлар ҳам қўлланилади ва бу божлар асосан ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинаётган маҳсулотларга нисбатан ўрнатилади.

**Экспорт божлар** мамлакатда ушбу маҳсулотга талаб кўп бўлган ҳолда уни тақчиллигини олдини олиш мақсадида белгиланади.

**Транзит божлари** мамлакат ҳудудидантоварларни олиб ўтिलाётганида божхона ҳудудидан товарлардан ундириладиган божлар ҳисобланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаси, яъни уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифлари асосан миллий даражада қўлланилади ва бунда қатор вазифаларни бажаради.

1) фискаль – давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;

2) протекционистик – миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;

3) тартибловчи, яъни ички маҳсулотлар бозорлари тарқбини мувофиқлаштириш мақсадида маҳсулотни четга чиқишини чеклайди ва мамлакат иқтисодиётидаги етакчи тармоқ маҳсулотлари экспортини рағбатлантирилади.

Кўпгина давлатлар протекционизм сиёсатини иқтисодиётни тикланиши шароитида ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш

мақсадида қўллайдилар. Акс ҳолда, маҳаллий корхоналар «синиши», жамиятда ишсизлик хавфи туғилади.

Божхона тарифлари ва божларидан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг иқтисодий, эгилувчан усуллари сифатида турли солиқлар кенг қўлланилади. Бунда фақат ташқи солиқ тизимидаги эмас, балки ички солиқ тизимидаги солиқ турларидан ҳам фойдаланилади.

Кўпгина мамлакатларда импорт тушумларига солиқлар кенг қўлланилса, экспорт маҳсулотини сотишдан тушумларга солиқлар эса имтиёзларга эгадир. Бу экспортни рағбатлантиришга, ички ва ташқи бозорлардаги нархлар фарқи кўп бўлганда ўз маҳсулотлари каби импорт маҳсулотларга ҳам мамлакат ичида сотиш учун бир хил шартноmaları яратиш имконини беради.

**Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда бевосита усулларидан кенгрок фойдаланилади.** Бевосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин. **Бевосита усулларига** Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш – бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти, молия операциялари ўтказиш, хорижда ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар қиради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади, бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган. Лицензиялаш маълум вақт давомида умумдавлат мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар, хизматлар билан битимлар бўйича экспортни (импортни) чегаралаш ва носоглом рақобатни оғоҳлантириш чораси сифатида қўлланилади.

Лицензиялар Бош лицензиялар ва бир марталик лицензияларга бўлинади. **Бош лицензиялар** Марказий ҳукумат томонидан берилади ва ўзида маълум мамлакатларга стратегик бўлмаган, лицензия хужжатларини ҳақиқатда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган маҳсулотлар экспортга расман рухсат беришни акс эттиради. **Бир марталик лицензиялар** лицензия бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат идоралари томонидан экспорт ёки импорт бўйича ҳар бир алоҳида битимга рухсат кўринишида берилади. Молия операцияларини лицензиялаш давлатга мамлакат ичида валюта оқими характерини тартибга солиш имконини беради.

Миллий давлат ва шунга ўхшаш тузилмаларга бериладиган ишга жойлаштириш лицензиялари, уларга хорижий шериклар билан келишган ҳолда хорижга ўз ишчи кучини етказиб бериш ҳуқуқини беради.

***Экспорт ва импортни квоталашнинг ташқи савдони чегаралаш воситаси сифатида қўлланилиши***

Жаҳон амалиётида маҳсулотлар, шунингдек ишчи кучи экспорт ва импортни чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади. Унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ёки импортга миқдорий ёки қиймат чегараларни (квоталарини) белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини, ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун, музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмол молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Ишчи кучининг ташқи миграциясини тартибга солишда ҳам квоталаш усули қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Лицензиялаш ва квоталашдан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни турли кўринишларини тартибга солиш мақсадида иқтисодий ҳарактердаги бошқа бевосита усуллар ҳам қўлланилади.

Уларга божхона божларининг баъзи турлари, экспортни ихтиёрий чегаралаш, пасайтирилган экспорт баҳоси ва энг кам импорт баҳоси, экспорт субсидиялари, корхона низом фондида капитал ҳиссасини аниқлаш, белгиланган валюта курси ва бошқалар қиради.

***Жаҳон амалиётида қўлланиладиган махсус, демпингга қарши ва компенсацион божхона божлари***

Ташқи савдони тартибга солишнинг бевосита тарифли бўлмаган усуллари гуруҳига божхона божларининг махсус, демпингга қарши, компенсацион ва бошқа турлари қиради.

Баъзи ҳолларда мамлакатлар томонидан **махсус божхона божлари** қўлланилади. Масалан, маҳсулотлар олиб келиш ҳажми ва шартли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтирса ёки мамлакат манфаатларига зид бўлганда қўлланилади. Махсус божхона божларининг миқдори ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида ўрнатади.

**Демпингга қарши** қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида кўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда

жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни Халқаро суд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди.

**Компенсацион божлар** олиб келинаётган маҳсулотлар каби, олиб чиқилаётган маҳсулотларга ҳам белгиланади. Улар ишлаб чиқариш ёки экспорт қилишда субсидиялар (давлатнинг молиявий ёрдами) ажратилган ва бу олиб келиш ёки олиб чиқиш миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга зарар етказиши мумкин бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолда давлат мамлакатга етказилган зарарни ёки давлатнинг молиявий харажатларини қоплаши лозим бўлган божларни ўрнатади. Компенсацион божлар миқдори аниқланган субсидиялар миқдоридан ошмаслиги лозим.

***Савдо чеклашларининг замонавий турлари***

Сўнгги ўн йилликларда экспортни «ихтиёрий» чегаралаш ва энг кам импорт баҳоларини белгилаш ҳақида битимлар тузиш амалиётда кенг тарқала бошлади. Савдо чеклашларининг бу янги турларининг хусусияти, уларни ўрнатишнинг ноанъанавий усулидан иборат. Яъни импорт қилувчи мамлакатни ҳимоя қилувчи савдо тўсиқлари импорт қилувчи мамлакат чегарасида эмас, балки экспорт қилувчи мамлакат чегарасида киритилганда экспортни «ихтиёрий» чегаралаш қўлланилади. Худди шунга ўхшаш энг кам импорт баҳосини ўрнатиш ҳам амалга оширилади. Бундай баҳоларни ўрнатган импорт қилувчи мамлакатлар билан контрактлар тузишда бунга экспорт қилувчи фирмалар томонидан қатъий амал қилинмоғи лозим. Экспорт баҳоси энг кам даражадан пасайтирилган ҳолда импорт қилувчи мамлакат демпингга қарши бож киритади ва уни қўллаш бозордан чиқишга олиб келиши мумкин.

Бевосита тартибга солишнинг кўпгина тадбирлари бир-бири билан мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилади.

Экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади, яъни тажриба-конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар берилиши кўзга тутилади.

***Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг маъмурий усуллари***

Маъмурий ва меъерий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ҳам у ёки бу ташки иқтисодий фаолиятни чегаралашга, ё рағбатлантиришга қаратилган.

Бу битимларни тузиш ва амалга ошириш тартиби, техник стандартлар, маҳсулотлардан фойдаланиш хусусиятлари, ишчи кучи сифати, валюта операцияларини амалга ошириш муддати, даражаси ва бошқаларга қўйиладиган талаб ва меъёрлар билан боғлиқ турли хил маъмурий тадбирлардир.

Маъмурий ҳарактердаги давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос чоралари сифатида ташки иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш, маҳсулотлар баённомаси ёки божхона баённомасини тақдим этиш ҳисобланади.

**Ташки иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш** — бу ташки иқтисодий фаолият субъектларини ҳисобга олиш ва расмийлаштиришнинг маълум тартибидир.

Рўйхатга олиш ўрнатилган шаклда тўлдирилган рўйхатга олиш варақасини тақдим этиш, рўйхатга олинганлик рақамини бериш, ташки иқтисодий алоқа қатнашчиларини расмий равишда чоп этиладиган Давлат рўйхатлари тўпламига киритиш ва рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномани беришни ўз ичига олади. Рўйхатга олинганлик ҳақидаги маълумот тезда тармоқ ташкилотлари ва давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият ташкилотларига етказилиши лозим.

**Маҳсулот баённомаси** – бу ташки иқтисодий алоқа қатнашчисининг маҳсулотни давлат чегарасини кесиб ўтаётгани ҳақида ушбу мамлакатда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ берган расмий аризасидир. У икки кўринишда, яъни божхона баённомаси бўйича ва товар-транспорт ҳужжатлари бўйича (етарли малака ва тажрибага эга бўлган ташки иқтисодий бирлашмалар учун) амалга оширилади. Баъзи фуқаролар мамлакатга киришда ва чиқишда ташилаётган буюмлар, мулк, шу жумладан валюта ҳақида баённомани бир хил андозадаги варақаларга тўлдиришлари лозим.

Капитални олиб келиш ва олиб чиқишни тартибга солиш ва валюта билан чегаралаш чора-тадбирлари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бу тадбирларга фойдани хорижга ўтказиш шарт, хорижий сармоядорлар учун қулай иқтисодиёт тармоқларини аниқлаш, миллий ходимларнинг корxonани бошқаришда қатнашиш шарт ва бошқалар киради. Ҳар бир мамлакат ички ва жаҳон бозорида вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, ташки иқтисодий фаолиятга таъсир этишнинг у ёки бу воситасини умуммиллий

вазифаларни ҳал этишга йўналтирган ҳолда фаол қўллайди. Ушбу воситаларни қуйидагича таснифлаш мумкин(18.3.1-жадвал):

18.3.1-жадвал

**Ташки иқтисодий фаолиятини тартибга солиш усуллари**  
**умумий таснифи**

Ташки иқтисодий муносабатларнинг кўринишлари	Билвосита (Таъриф) усуллар	Бевосита (Нотариф) усуллар		
		Иқтисодий	Маъмурий	Меъерий-ҳуқуқий
<b>Ташки савдо</b>	Божхона божлари (экспорт, импорт божлари); Божхона тарифлари Экспорт ва импорт солиқлари; Валюта тушумидан ажратмалар меъёрлари; Марказий банкка сотилиши мажбурий бўлган валюта тушумларининг хиссаси.	Лицензиялаш, квоталаш; Божхона божлари(мавсумий, махсус, демпингга қарши, компенсацион); Экспортни ихтиёрий чегаралаш; Пасайтирилган экспорт баҳоси; Энг кам импорт баҳолари; Экспорт субсидиялари; Жарималар.	Маҳсулотлар баённомаси; Ташки иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш; Бошқа божхона расмиятчилари.	Маҳсулот сифати, товарларни ўраш ва маркировка лашга билдирилган талаблар, меъёр ва техник стандартлар
<b>Капитал миграцияси</b>	Кредитнинг фоиз ставкаси; Суғурта мукофотларининг миқдори; “Сузиб юривчи” тартибга солинадиган валюта курси;	Молия операциялари учун лицензиялар; Корхона устав фондида хорижий капитал улушининг мумкин бўлган	Сармоялаш, кредит бериш ва суғурта шартлари; Чет эллик сармоячилар учун иқтисод тармоқларини аниқлаш;	Валюта операцияларини ошириш жараёнига қўйиладиган талаб ва стандартлар.

	Чет эл валютасини сотувчи ва харидордан олинадиган мажбурий тўлов миқдори.	чегараси; Хорижий валюта олиб келиш ва жорижга валюта олиб чиқиш миқдорини белгилаш.	Қўшма ва чет эллик корхоналари ни бошқаришда миллий ходимларни иштирок этиш шартлари.	
<b>Ишчи кучи миграцияси</b>	Ишчи кучи бозори(энг кам иш ҳақи миқдори); Ижтимоий суғурталаш шартлари; Четга чиқиш ва четдан келиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўланадиган божлар ва тўловлар.	Мамлакатга келаётган шахслар учун Ишга жойлашиш учун рухсат бериш.	Ишчи кучини четдан келиши ва четга чиқишини расмийлаштириш тартиби ва шартлари.	Ишчи кучини таълими, малакаси, жинси ва ёшига қараб қўлланиладиган талаб ва стандартлар.

#### 18.4. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва такомиллаштириш йўналишлари

Ташқи иқтисодий фаолият катнашчилари ҳақида фикр билдирилганда, асосан муайян мамлакатнинг товар экспорт-импорт операциялари, капиталлар, кредитлар, инвестициялар ҳаракати, ишчи кучи миграцияси ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатлар назарда тутилади.

Мустақилликнинг дастлабки босқичида экспортнинг асосий қисмини хом ашё ташкил этган бўлса, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш жадаллик билан кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистонда давлатнинг ташқи иқтисодий соҳадаги сиёсатини шакллантиришда режали иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган иқтисодий алоқаларнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Унга кўра, анъанавий товарлар савдоси билан чекланиб қолиш, халқаро иқтисодий муносабатларнинг

хизматлар ва ахборотлар, молия капитали ва ишчи кучи билан айирбошлаш каби турларини деярли ривожланмаганлигини, импортнинг экспортдан устунлигини, экспорт ва импорт структурасининг самарасизлиги: четга асосан хом ашё чиқарилиб, четдан истеъмолчи товарлари келтирилганлиги каби салбий жиҳатларини санаш мумкин.

Бундай ҳолат республика иқтисодиётидаги номутаносибликни янада чуқурлаштирди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши республиканинг мавжуд имкониятларини объектив баҳолашни ва улардан миллий манфаатлар йўлида имкони борича тўлиқ фойдаланишни талаб қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият катнашчиларининг хатти-ҳаракатларини эркинлаштириш борасида изчил ислохотлар олиб борилди. Унга кўра, ислохотларнинг тадрижий ривожланиш босқичида дастлаб ташқи савдони тартибга солишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилиб, ташқи савдони тартибга солишда билвосита маъмурий усуллардан кенг фойдаланилган бўлса, кейинги босқичларда ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётга мос келадиган бевосита иқтисодий усуллари жорий этилиб, экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсати олиб борилди. Ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштирилиши натижасида миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди (18.4.1- жадвал).

18.4.1- жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини эркинлаштириш босқичлари

Биринчи босқич – 1991-1994 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг юритилиши. Ташқи савдони тартибга солишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилди. Ташқи савдо сиёсатида нотариф усуллари етакчилик қилди.
Иккинчи босқич – 1995-1997 йй.	Ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётга мос келадиган дастлабчи жорий қилинди. Бу давр миқдорий чекловларининг қисқариши ҳамда кенг миқёсда экспорт ва импорт божларини фаол қўллаш даври ҳисобланади.
Учинчи босқич – 1997-1999 йй.	Бу давр ташқи савдони эркинлаштиришни чуқурлаштириш, тариф ва нотариф усулларини соддалаштириш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган савдо сиёсатининг юритилиши, экспорт божларининг бекор қилиниши, экспортга йўналтирилган сиёсатнинг олиб брилиши билан изоҳланади.
Тўртинчи босқич –	Ташқи савдони ва валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган янги давр ҳисобланади. 2002 йилнинг 1



2000-2003 йй.	июлидан бошлаб импорт тарифининг уч поғанали ставкалари (0; 10; 30) жорий этилди.
Бешинчи босқич – 2003 йилдан 2016йилга қадар	Ўзбекистон ташқи савдосини эркинлаштириш босқичи. Ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди. Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожлантириш учун кучли рағбатлантириш бўлди.
Олтинчи босқич – 2017 йилдан бошланди.	Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг янги босқичи. Валюта бозори ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, хусусан қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш

Республикамизда ҳам экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида миллий ишлаб чиқарувчиларга ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилганида бир қатор солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Жумладан:

**Қўшилган қиймат солиғи бўйича:**

товарларни эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортга нол даражали ставка бўйича солиқ солинади, яъни экспорт фаолияти тўлиқлигича қўшилган қиймат солиғидан озод этилган.

**Акциз солиғи бўйича:**

товарларни эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортга акциз солиғи солинмайди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамари томонидан белгиланадиган айрим товарлардан ташқари).

**Даромад (фойда) солиғи бўйича:**

экспортчи корхоналар учун реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг эркин конвертацияланадиган валютага экспорт қилиш улушига боғлиқ ҳолда даромадга солиқ солишнинг регрессив шкаласи амал қилади.

**Экспорт улуши:**

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизга қадар бўлганида – белгиланган ставка 30 фоизга қамаяди;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганида – белгиланган ставка 2 бараварга қамаяди.

**Мол-мулк солиғи бўйича:**

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизга қадар бўлганида – белгиланган ставка 30 фоизга қамаяди;

реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганида – белгиланган ставка 2 бараварга қамаяди.

Шунингдек, мамлакат миллий хўжалиги учун зарур бўлган товарлар билан ички бозор эҳтиёжларини тўлиқроқ даражада таъминлаш мақсадида кўпгина импорт товарларини олиб кириш бўйича ҳам қатор энгилликлар яратилган. Бу борадаги энгилликларнинг хусусиятли жиҳати сифатида, таъкидлаш лозимки, мамлакат инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган хориждан келтирилаётган янги техника ва технологиялар ва истеъмол учун бирламчи даражада зарур бўлган ун, ёғоч ва ёғоч материаллари каби товарларга кўпроқ устуворлик берилган.

Юқорида санаб ўтилган усул ва воситалар асосида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ташқи савдо балансида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2017 йил якунлари бўйича 26907,0 млн.АҚШ долларини (2016 йилга нисбатан 111,0 фоизни), шу жумладан, МДХ мамлакатлари бўйича 9737,7 млн.АҚШ долларини (116,1 фоиз), бошқа хорижий мамлакатлар бўйича 17169,3 млн.АҚШ долларини (108,4 фоиз) ташкил этди (қаранг: 18.4.2-жадвал).

18.4.2-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг 2000–2017 йиллардаги ташқи савдо айланмаси**  
млн.АҚШ.доллари

	2000 й.	2016 й.	2017й	2017 йил 2000 йилга нисбатан, да
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>6212,1</b>	<b>24309,4</b>	<b>26907,0</b>	<b>4,3 м.</b>
МДХ мамлакатлари	2297,8	8461,5	9737,7	4,2 м.
Бошқа хорижий давлатлар	3914,3	15847,9	17169,3	4,4 м.
<b>Экспорт</b>	<b>3264,7</b>	<b>12178,7</b>	<b>13893,6</b>	<b>4,2 м.</b>
МДХ мамлакатлари	1172,2	4415,3	5233,5	4,4 м.
Бошқа хорижий давлатлар	2092,5	7763,4	8660,1	4,1 м.
<b>Импорт</b>	<b>2947,4</b>	<b>12130,7</b>	<b>13013,4</b>	<b>4,4 м.</b>
МДХ мамлакатлари	1125,6	4046,2	4504,2	4,0 м.
Бошқа хорижий	1821,8	8084,5	8509,2	4,7 м.

давлатлар				
<b>Сальдо</b>	<b>317,3</b>	<b>48,0</b>	<b>880,2</b>	<b>2,8</b>
МДХ мамлакатлари	46,6	369,1	729,3	15,6
Бошқа хорижий давлатлар	270,7	-321,1	150,9	X

2017 йилда 2000 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 4,3 мартага, экспорт ҳажми 4,2 мартага, импорт 4,4 мартага, ташқи савдо айланмаси сальдоси эса 2,8 мартага ошди.

Мамлакатнинг иқтисодиётидаги туб таркибий ўзгаришларни экспорт ва импортнинг товар таркибидаги ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин бўлиб берилади. Экспорт таркибида пахта толасининг улуши 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2017 йилда 3,4 фоизга камайди. Шунинг билан бирга кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар улуши 2,3 фоиздан 6,4 фоизга, яъни 2 мартадан зиёдга, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 1,3 фоиздан 25,2 фоизга ошди (қаранг: 18.4.3-жадвал).

18.4.3-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо таркибидаги ўзгаришлар<sup>1</sup>**

кўрсаткичлар	1990 й.	2010 й.	2016 й.	2017 й.
Ташқи савдо айланмаси, млн. долл.	805,6	21844,2	24309,4	26907,0
Экспорт, млн. долл.	442,7	13044,5	12178,7	13893,6
Импорт, млн. долл.	362,9	8799,7	12130,7	13013,4
Сальдо (+, -) млн. долл.	79,8	4244,8	48,0	880,2
Экспорт (фоиз)	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	59,7	11,3	5,2	3,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	9,7	5,7	6,3
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	5,1	6,9	6,4
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	17,1	24,8	14,1	13,8
Қора ва рангли металллар	4,6	6,8	5,8	6,6
Машина ва асбоб-ускуналар	1,7	5,5	1,8	2,6
Хизматлар	1,3	9,1	26,3	25,2

<sup>1</sup> « Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг.: Стат.сб. –Т.: Узбекистан, 2011. –С.58; Статистика внешней торговли// www.stat.uz.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУ, 2018.- С.142. маълумотлари сасосида муаллиф томонидан тузилди.

Бошқалар	9,7	27,7	34,2	35,7
Импорт (фоиз)	100,0	100,0	100,0	100,0
Машина ва асбоб-ускуналар	12,1	44,1	41,4	38,9
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	14,3	17,0	16,5
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,1	6,0	4,8	5,7
Қора ва рангли металллар	10,2	8,4	7,6	9,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	10,9	11,9	9,8
Хизматлар	1,5	4,7	6,6	7,5
Бошқалар	14,5	11,6	10,2	11,8

Жадвалдан маълумотларидан кўринадикки, импорт таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2017 йилда 38,9 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,2 баравар кўпроқдир. Мазкур ҳолат республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёж орқали изоҳланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 1990 йилда 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 9,8 фоизга қадар, яъни деярли 5 баравар қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожлантириб ва мустахкамлаб борилаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 5 баравардан кўпроқ ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганлигидан дарак беради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз”<sup>1</sup>, – деб таъкидлади.**

Шундан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолиятни, шу жумладан, ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо юklarини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлаklarини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- логистик маршрутларни диверсификация қилиш, бу борада қўшниларимиз билан амалий музокаралар ўтказиш;

- Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш;

- транзит давлатлар, хусусан, Туркменистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юklarини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш;

- хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш;

- миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “**Миллий логистика портали**”ни ташкил этиш;

- Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаш;

- экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш;

- асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “**Ўзбек бренди**” номи билан олиб чиқишдан иборат<sup>1</sup>.

### Асосий тушунча ва атамалар

Ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, ташқи савдо сиёсати, капитал миграцияси сиёсати, ишчи кучи миграцияси сиёсати, валюта сиёсати, экспорт, импорт, тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари, божхона тарифлари, экспорт ва импорт квотаси, лицензиялаш ва стандартлаштириш.

### Мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва заруриятини ёритинг?

2. Давлат ташқи иқтисодий сиёсати шаклларини тавсифлаб беринг?

3. Ташқи миграция сиёсати моҳиятини изоҳлаб беринг?

4. Ташқи валюта сиёсати ва унинг йўналишларини моҳиятини ёритинг?

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усулларини айтинг?

6. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг иқтисодий усулларининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

7. Божхона тарифининг вазифаларини тушунтириб беринг?

8. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг маъмурий усулларининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

9. Экспорт қилувчи корхоналарни субсидиялаш ва уларга белгиланган имтиёзларнинг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?

10. Ўзбекистонда ташқи савдони эркинлаштиришнинг босқичлари ва устувор йўналишлари нималардан иборат?

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг hozirgi yangi bosqichida Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсадларига эришиш йўлида давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси” амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур концепция **“Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган 4-қисмида “Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш” **вазифаси белгиланган.**

Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисига мурожаатномасида “Биз учун энг оғир муаммолардан бири—давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир. Масалан, hozirgi vaqtda 64 та лицензия тури мавжуд бўлса, шундан 21 таси Вазирлар Маҳкамаси ва 40 таси марказий идоралар томонидан берилади. Бу лицензияларнинг учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишлидир. Бундай ҳолатни рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Рухсат беришга оид 220 та ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин. Қолган 209 таси учун республика ва вилоят органларига мурожаат қилишга тўғри келади. Ўзингиз айтинг, бунинг тўғри деб бўладими? Масалан, Шовот туманида хусусий боғча очишга лицензия олиш учун тадбиркор минг километр масофани босиб, Тошкентга келиб-кетишга, 3-4 ойлаб кутишга мажбур бўлмоқда. Кадрларни танлаш, жой-

жойига қўйиш, кредит ва молия воситаларини ажратиш, маҳаллий даражада кўпгина муҳим қарорларни тасдиқлаш борасида ҳам шундай ҳолатлар кузатишмоқда. Маҳаллий ҳокимлик органлари оддий масалаларни ҳал этишда ҳам ваколатга эга бўлмаса, бунинг қандай тушуниш мумкин? Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатмоқда”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган. Шунинг учун юртбошимиз **Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш**, бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш вазифасини белгилаган.

Эндиликда бу борадаги ҳаракат ва чора-тадбирлар қуйидагиларга қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- давлатга тегишли мутлақ функция, вазифа ва ваколатларни қатъий аниқлаш ҳамда ортқичаларидан воз кечиш;
- бу функция, вазифаларни бажариш учун ижроия ҳокимиятнинг оптимал (оқилона) таркибини аниқлаш;
- давлат бошқарув органлари фаолиятининг жамият учун, умуммиллий манфаатларни рўёбга чиқариш учун самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида уларнинг функцияларини аниқлаштириш ҳамда функционал бошқарувга ўтиш жараёнини жадаллаштириш керак бўлади.

Давлат органлари объектларни эмас, балки ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришлари лозим. Бунинг учун бир қанча иқтисодий тармоқ вазирликларини ва органларини босқичма-босқич функционал бошқариш органларига айлантириш керак бўлади. Шунга мувофиқ равишда давлат бошқарув органлари ва улар ҳодимларининг фаолият тартибини белгиловчи қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш қоидалари ҳамда лавозим йўриқномаларининг янги тизими шакллантирилиши керак. Бунинг оқибатида давлат бошқарув жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда оқилоналаштириш имконияти яратилади.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат бошқарувини номарказлаштириш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади:

- жойларда мавжуд давлат ҳокимияти органлари икки томон-лама, яъни ҳам вилоят, ҳам туман бошқармалари ҳокимлик ва вазирликка бўйсунганини оқилона тарзда ҳал этиш, бир-бирларининг функцияларини такрорлаш ҳолларига чек қўйиш. Бунинг учун ҳар бир соҳада тегишли вазирлик ва давлат қўмиталарининг ҳудудий бўлинмалари, муассасалари билан маҳаллий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

ҳокимликлар ўртасида бошқарув функцияларини аниқ тақсимлашга эришиш лозим;

- вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ўртасидаги масъулият ва ваколат доираларини тақсимлаб, аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Ҳокимлик вакиллик органларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожига оид масалаларни ҳал этишдаги ролини ошириш учун ҳокимлик идоралари ва ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлишлари керак;

- маҳаллий ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетини янада мустаҳкамлаш лозим;

- маҳаллий ҳокимликнинг кичик бизнес фаолиятига тўғридан-тўғри ноўрин аралашувига барҳам бериш мақсадида уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар маблағини мажбуран олиб қўйиш, уларни ҳомийлик қилишга, қўнғилли равишда пул ўтказишга мажбур қилишларини ҳамда уларнинг кадрлар сиёсатида аралашини таъқиқловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш керак;

- фуқаролик жамияти институтлари ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалалардаги иштирокини кенгайтириш учун жойларда ҳудудий иқтисодиётни ривожлантиришга оид турли дастурларни тузишга ҳудуддаги турли сиёсий партиялар вакилларини, Савдо-саноат палатаси, фермерлар кенгаши ҳамда бошқа нодавлат ноижорат жамоатчилик ташкилотлари вакилларини кенг жалб этиш лозим бўлади.

Ҳокимликларга вилоят, шаҳар ва туманларда ҳудудий иқтисодий сиёсат юритишдаги ваколатларини янада кенгайтириш учун қуйидаги йўналишларда қонуний-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир;

а) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мустақиллигини белгилаш ҳамда уни кучайтириш;

б) кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ротация қилиш, оқилона жой-жойига қўйиш;

в) ҳокимликларнинг ташкилий назорат фаолиятини такомиллаштириш;

г) жойларда кўрсатилмаётган давлат ва жамоат хизмати самардорлиги ва сифатини ошириш;

д) ҳокимликларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда мустаҳкамлаш.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси”ни амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш

ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини оширишга шароитлар вужудга келтириш мақсадида ўз ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, тижорат дўконлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар очишни жададлаштириш, “корхона-маҳалла” шаклидаги маҳаллий ҳокимлик, тадбиркорлар билан аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни фаол рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллаларнинг ўз ҳудудларини ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдаги ролини янада кучайтириш учун уларга юридик шахс мақомини бериш, уларнинг моддий-техника билан таъминланишини яхшилаш, маҳалла кўмитаси (кенгаши)раиси, унинг аъзоларининг малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг аҳоли соғлигини сақлаш, таълим, жисмоний ва маънавий тарбия, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига моддий ёрдам беришдаги ролини оширишни рағбатлантириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини амалга оширилиши асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигини ошириш орқали иқтисодий бошқарув тизими фаолиятини номарказлаштиришга эришиш муҳим аҳамиятга молик бўлади. Бунинг натижасида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизми янада такомиллашади ва бозорнинг ўз-ўзини тартиблаш механизми билан узвий боғлиқлиги мустаҳкамланади.

## ГЛОССАРИЙ (ИЗОҶЛИ ЛУҒАТ)

**Аграр муносабатлар** – ерга эгаллик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Абсолют рента** – кишлок хўжалигида ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, ҳамма турдаги: яхши, ўртача ва ёман ерлардан олинadиган рента.

**Агросаноат интеграцияси** – кишлок хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бириктириш жараёнидир.

**Агросаноат мажмуаси** – кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

**Агросаноат инфратузилмаси** – бевосита кишлок хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

**Агробизнес** – тадбиркорлик фаолиятининг кишлок хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

**Аҳоли пул даромадлари** – иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, қўчмас мулк, кишлок хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадлар.

**Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш** – давлат томонидан аҳолининг етарли даражадаги ҳаётий фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли йўналтирилган қафолатлар тизими.

**Аҳолининг реал даромадлари** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

**Ахборот инфратузилмаси** – мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар мажмуи.

**Бандлик** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**Банк-молия тизимининг барқарорлиги** – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

**Банк активлари** – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

**Банк тизимининг ликвидлиги** – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

**Банклар ликвидлиги** – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

**Банкларнинг кредит портфели** – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси бўлиб, улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларининг маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиги).

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

**Бозор механизми** – бозор иқтисодиётининг амал қилишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда қўлланиладиган дастак ва воситалар яъни муруватлар тўпламидир.

**Бозор конъюктураси** – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

**Бюджет дефицити** – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

**Биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари** –

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, кишлок хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

**Бозор ислохотлари** – бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир

**Глобал молиявий-иқтисодий бозор** – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

**Жаҳон бозори конъюктураси** – жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

**Жаҳон банки** – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

**Давлат тасарруфидан чиқариш** – бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

**Давлат бюджети** – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

**Даромад солиғи** – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

**Даромад солиғи ставкалари** – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

**Ижтимоий соҳа** – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмолдаражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

**Ижтимоий соҳа обектлари** – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Ижтимоий дастурлар** – аҳолининг бевосита турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни ўз ичига олган режавий ҳужжатлар.

**Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар** – бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Ижтимоий инфратузилма** – аҳолининг турмуш фаолиятини, унинг фаровонлиги таъминлашга хизмат қилувчи турли муассаса ва объектлар мажмуи. Масалан, таълим муассасалари, дам олиш ва даволаниш масканлари, уй-жой, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўловчи транспорти ва бошқалар.

**Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг бешта муҳим тамойил** –

Биринчидан, иқтисодиётни мафқурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши.

Учинчидан, бутун янгилаш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи, қонунларнинг устуворлиги таъминланмоғи лозим.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Нихоят, бешинчидан, бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш. Бозор муносабатларига ўтишда бу тамойилларнинг ҳаммаси ҳам

муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли ҳуқуқий негизни, бозорнинг инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлаб чиқаришни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

**Иккинчи босқич учун белгиланган вазифалар** –

**Биринчи вазифа** – давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш. Бунда давлат мулкни хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган қисмнинг улушини ошириш кўзда тутилади.

**Иккинчи вазифа** – ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Бу ҳам корхоналар ва тармоқларнинг, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш имконини беради.

**Учинчи вазифа** – миллий валюта – сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Бу эса сўмнинг конвертацияси, қатъий валюталарга эркин суръатда алмаштириш лаёқати демакдир, унга пулнинг кадрсизланишига қарши таъсирчан чораларни қўллаш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади.

**Тўртинчи вазифа** – иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги вазифалар** –

- Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

- Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

- Мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

- Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётда устувор ўрин олишига эришиш;

- Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўламда интеграциялашувини таъминлаш;

- Иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

**Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари**–

1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига йўл қўймаслик

2. Уствор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш ва рағбатлантириш;

3. Давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;

4. Пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш;

5. Тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш;

6. Мувозанатлаштирилган ижтимоий сиёсат асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш.

**Иқтисодий ислоҳотлар** – иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлардир.

**Иқтисодий уклад** – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юртишнинг шакллари ва турлари.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш** – нима ва қанча ишлаб чиқаришни, қаерга, қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

**Ислоҳотлар концепцияси** – ижтимоий - иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғоясидир.

**Иқтисодиётни барқарорлаштириш** – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

**Ижтимоий тўловлар** – кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

**Ижтимоий сиёсат** – бу давлатнинг даромадлар тақсимидаги тенгсизликни иқтисодиёт катнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

**Ижтимоий-амалий марказ** – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

**Иқтисодиётнинг реал сектори** – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш** – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб

чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертифицилаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

**Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури** – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топган.

**Инвестициялар** – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция **номинал инвестиция**, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар **реал инвестиция** дейилади.

**Инвестиция дастури** – республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-ҳом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

**Инвестиция муҳити** – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

**Инвестицион кредитлар** – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.

**Инфратузилма** – ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган таркибий қисми. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир. «Инфратузилма» атамаси латинча «infra» - қуйи, ости; «structura» - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма муҳим ўрин тутди.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси** – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

**Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш** – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр



маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

**Иқтисодий ривожланиш суръатлари** – мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич ва натижаларининг миқдор жихатидан кўпайиши ва сифат жихатидан такомиллашуви даражаси.

**Иқтисодий ривожланиш самарадорлиги** – иқтисодиётни ривожлантириш натижаларининг бу борада қилинган сарф-харажатларга нисбати.

**Макроиқтисодий мувозанат** – иқтисодиёт турли томонларининг ўзаро тенглиги бўлиб, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглиги орқали намоён бўлади.

**Индустриялаштириш** – мамлакат иқтисодиётини саноатлашган асосга ўтказиш, иқтисодиётда саноат ишлаб чиқариши улушини аҳамиятли даражада кўпайтириш, бутун иқтисодиёт ёки унинг алоҳида тармоқларида йирик машиналашган ишлаб чиқаришни барпо этиш жараёни.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** – Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдига ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

**Касаначилик**– йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

**Кичик бизнес субъектлари** – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жихатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар қиради.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга оширилаётган ташаббускор хўжалик фаолияти.

**Микрофирма** – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг

тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

**Кичик корхона** – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўрасаноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

**Кооперация алоқалари** – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

**Кредитор қарздорлик**– корхона, ташкилот ёки муассасанинг тегишли юридик ёки жисмоний шахсларга тўланиши дозим бўлган пул маблағлари бўлиб, улар меъёрдаги (муддати ўтмаган) ҳамда муддати ўтган қарздорликларга бўлиниши мумкин.

**Макроиқтисодий кўрсаткичлар** – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**Макроиқтисодий мувозанат** – иқтисодиёт турли томонларининг ўзаро тенглиги бўлиб, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглиги орқали намоён бўлади.

**Молиявий соғломлаштириш** – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш.

**Мамлакатнинг экспорт салоҳияти**– муайян мамлакатнинг ўзида мавжуд бўлган ёки ишлаб чиқарилаётган ресурслари, маҳсулотларини экспортга чиқариш имконияти, қобилияти.

**Мамлакат тўлов баланси** – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади.

**Осиё тараққийёт банки** – Осиё ва Узоқ Шарқ минтақасига бевосита қарзлар бериш ҳамда техник жихатдан қўмақлашиш орқали мазкур мамлакатлар иқтисодиёти ўсишини рағбатлантириш мақсадида 1966 йилда ташкил этилган банк.

**Самарали иқтисодий сиёсат** – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

**Солиқлар** – давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетларга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун

ёки ишлаб чиқариш омилларида фойдаланликлари учун мажбурий тўловлар.

**Солиқларни унификация қилиш** – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

**Преференция**– иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, қорхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

**Солиқ кредити** – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга қамайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қондалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

**Солиқ юки** – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

**Солиқ юкени енгиллаштириш** – солиқларнинг фоиз ставкалари қамайтириш ва имтиёзлар яратиш.

**Суғурта компанияси** – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ҳодисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

**Ташқи савдо айланмаси**– мамлакат, мамлакатлар ғуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

**Ташқи савдо айланмаси сальдоси** – мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

**Ягона солиқ тўлови** – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ тури.

**Технопарк** – ўз ҳудудида кичик инновацион қорхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

**Эркин индустриал-иқтисодий зона** – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун руҳсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

**Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси** – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

**Фермер хўжалиги** – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

**Ялпи ички маҳсулот** – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

**Профицит** – давлат бюджети даромадларнинг харажатлардан кўпроқ бўлиши.

**Пул-кредит сиёсати** – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

**Халқаро молия ташкилотлари** – давлатлар ўртасидаги валюта ва молия-кредит муносабатларини тартибга солиш, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, кредит кўринишида ёрдам бериш мақсадида давлатлараро келишувлар асосида ташкил этилган ташкилотлар. Бундай ташкилотлар қаторига Халқаро ҳисоблашувлар банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молиявий корпорация, Осиё тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, минтақавий халқаро ривожланиш банклари ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Халқаро иқтисодий ташкилотлар** – икки турдаги – иштирокчилари бевосита давлатлардан иборат ҳукуматлараро (давлатлараро) ҳамда таркибига ишлаб чиқарувчилар бирлашмалари, компания ва фирмалар, илмий жамиятлар ва бошқалар кирувчи ноҳукумат ташкилотлари.

**Халқаро валюта жамғармаси** – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғармаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

**Ташқи қарз** – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарнинг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

**Протекционизм** – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамлакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

**Секуляриштириш** – давлат ва жамият бошқарувини дин таъсиридан ҳоли қилиш жараёни.

**Урбанизация** – жамият тараққиётида шаҳарлар ролини ошириш жараёни. Урбанизация жараёни шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарларга айлантириш, кенг шаҳар олди ҳудудларини шакллантириш ҳамда аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳар жойларига миграцияси ҳисобига рўй беради.

**Эркинлаштириш** – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга ҳос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараён; давлат томонидан белгиланган чора-тадбирлар тизими; иқтисодий сиёсат йўналишларидан бири.

**Экспорт** – товарлар, технологиялар ва хизматларни ташқи бозорда сотиш учун мамлакат ташқарисига олиб чиқилиши.

**Кўшилган қиймат** – корхона ялпи маҳсулотининг бозор нархидан жорий моддий харажатлар (амортизация ажратмасидан ташқари) чиқариб ташлангандан қолган қисми бўлиб, у ўз ичига меҳнат ҳақи, фойда, айрим солиқ ва тўловларни олади.

**Тежамкорлик** – жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муайян даражасида барча ресурслардан тежамли фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабат бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

**Инфляция** – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

**Инфляция даражаси** – маълум вақт ичида (ой, йил) нархлар даражасининг фозздаги ўзгариши.

**Эмиссия** – муомалага пул ёки қиматли қоғозларни чиқариш.

**Пул эмиссияси** – амалдаги пул массасининг ортишига олиб келувчи пулларни муомалага чиқариш.

**Банк ликвидлиги** – банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пасивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.

**Пул массаси** – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар (корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладан нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

**Корпоратив облигациялар** – корпоратив ташкилий тузилмалар (юридик шахслар) томонидан ўзининг фаолиятини молиялаштириш учун муомалага чиқарилган қарз инструментлари.

**Валюта бозори** – хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳаси.

**Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги** – мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти.

**Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги** – иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилияти.

**Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши** – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлақлари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар.

**Таркибий ўзгаришлар сиёсати** – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

**Кооперация алоқалари** – маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир ёки бир неча корхонанинг ҳамкорлиги.

**Маҳаллийлаштириш** – импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш.

**Истеъмол бозоридаги мутаносиблик** – истеъмол бозорига таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги.

**Ташқи савдо айланмаси диверсификацияси** – экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши.

**Экспортнинг географик таркиби** – алоҳида қитъа мамлакатлари, мамлакатлар гуруҳлари, ёки алоҳида мамлакатнинг мамлакат экспортидаги улушлари нисбати.

**Инвестициялар** – даромад олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **чет эл инвестициялари** деб эътироф этилади.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** – ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва улар ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларни камида 10 фоизига эгаллик қилиш.

**Корхоналарни техник қайта қуролантириш** - алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва усқунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

**Реал даромад** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори бўлиб, реал даромад аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қувватини билдиради.

**Турмуш сифати** – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови ҳисобланувчи тушунча.

**Глобал молиявий-иқтисодий бозор** – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

**Диверсификация** (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

**Диверсификация стратегияси** – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар

линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

**Дивиденд** – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

**Жаҳон банки** – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

**Жаҳон бозори конъюнктураси** – жаҳон товар бозорларидаги сотиш шартлари, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

**Жорий конъюнктура** – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

**Ижтимоий соҳа объектлари** – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжихатлиги.

**Иқтисодий ўсиш** – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

**Импорт** – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсироти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга қўмаклашади.

**Инвестицион солиқ кредити** – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

**Инсон омили** – амалга оширилаётган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берувчи асосий тамойил. Инсон омили таркибан икки муҳим жиҳатни ўз ичига олади. Биринчи жиҳат Ўзбекистонда жами ижтимоий тузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш, нафақа билан таъминлаш тизимини, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатардан ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг доимий эътиборини ўзида ифодалайди. Иккинчи жиҳат эса ялпи ижтимоий тараққиёт

жараёнларида шахснинг ўз иштироки, бунёдкорлиги, яратиш завки, саъй-ҳаракатлари ва шижоатини ифодаланишини назарда тутди.

**Институционал сиёсат** – давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, хатти-ҳаракатлар.

**Интермодаль марказ** – юк ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази.

**Инфляция даражаси** – маълум вақт ичида (ой, йил) камида 300 та товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати бўйича нархлар даражасининг фойдадаги ўзгариши.

**Истеъмол** – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

**Истеъмолкредити** – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа махсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узок муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

**Иш билан банд бўлган жами аҳоли** – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

**Ишсизлик** – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

**Капитал харажатлар** – асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

**Конституцион бурч** – Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятлардир.

**Конституцион ҳукумат** – демократик ҳукумат қонунга ва айниқса ёзма ҳужжат–конституциясига асосланади. Конституциялар ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъминлайди. Шунингдек, улар қонунлар қандай тайёрланиши ва ҳаётга татбиқ этилишини ҳам ўзида акс эттиради. Аксарият конституциялар ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъминлайди.

**Қонун** – олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказиш талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган метёрий–ҳуқуқий ҳужжат.

**Қонун устуворлиги** – ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунмаслиги мумкин эмас, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади; унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун

жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

**Кредит** – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шarti билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

**Кутилаётган инфляция даражаси** – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва қорхоналар томонидан кутиладиган бўлгуси даврдаги инфляция даражаси.

**Кучли давлат** – омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизими, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустақкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг кудрати фуқаролар ҳамжихатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

**Кучли давлатдан кучли жамият сари** – мустақкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик қадриятлар қарор топган, маънавий–маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклланган давлатдан жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташаббуси ва давлат идоралари устидан назорати устувор аҳамият касб этадиган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идораларининг роли муттасил ортиб борадиган жамиятга ўтиш концепцияси.

**Кучли жамият** – мустақкам негизнинг барқарорлиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

**Макроиқтисодий кўрсаткичлар** – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**Мамлакат тўлов баланси** – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, қорхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади.

**Меҳнат бозори** – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспекти, ўсувчи ва очик ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

**Меҳнат ҳақи** – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалар.

**Микрокредит** – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармоёни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

**Модернизация** – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Молия тизими** – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**Нарх** – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

**Нодавлат ва жамоат ташкилотлари** – давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланади.

**Парламент** – французча «парле» гапирмок сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

**Пудрат** – шартнома ёки хўжалик юретишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

**Пул-кредит сиёсати** – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

**Пул** – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар.

**Сальдо** – муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

**Сектор** – институцион birlikлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

**Сервис** – jisмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлик, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

**Солиқ юки** – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

**Солиқлар** – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

**Солиқларни унификация қилиш** – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Ташқи қарз** – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

**Ташқи нодавлат қарзлар** – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

**Ташқи савдо** – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

**Ташқи савдо сиёсати** – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

**Турмуш даражаси** – аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

**Халқаро валюта жамғармаси** – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғармаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қиска ва узоқ муддатли кредитлар

бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

**Халқаро ташкилотлар** – уларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараккиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидаги мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

**Халқаро транзит** – хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартда ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

**Хизмат кўрсатиш соҳаси** – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

**Хусусий тадбиркорлик** – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор ҳўжалик фаолиятидир.

**Шахсий даромад** – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

**Мамлакатимизда йилларнинг номланиши:**

- 1996 йил – Амир Темур йили
- 1997 йил – Инсон манфаатлари йили
- 1998 йил – Оила йили
- 1999 йил – Аёллар йили
- 2000 йил – Соғлом авлод йили
- 2001 йил – Оналар ва болалар йили
- 2002 йил – Қарияларни кадрлаш йили
- 2003 йил – Обод маҳалла йили
- 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили
- 2005 йил – Сихат-саломатлик йили
- 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили
- 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили
- 2008 йил – Ёшлар йили
- 2009 йил – Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили
- 2010 йил – Баркамол авлод йили
- 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили
- 2012 йил – Мустаҳкам оила йили
- 2013 йил – Обод турмуш йили

2014 йил – Соғлом бола йили

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонуни

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни, 2003 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни, 2003 йил 11 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” Конституциявий қонуни, 2007 йил 11 апрель.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2003 йил 9 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2004 йил 11 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулк объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 17.01.2017 й. ПФ-4933.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Ташки бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 25.05.2017 й. ПФ-5057.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғориладиган ерларни 2008-2012 йилларда мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 29.12.2016 й. ПҚ-2707

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 18.04.2017 й. ПҚ-2895.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 04.09.2017 й. ПҚ-3254

### III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

18. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуллари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

19. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз.- Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

21. Мирзиёев Ш.М. Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир.- Т.: “Ўзбекистон”, 2017

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.



#### IV. Дарслиklar ва Ўқув қўлланмалар

23. Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Олий ўқув юрглари учун ўқув. қўл. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2004.
24. Абулкасимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши.- Т.:Akademiya, 2011.
25. Абулкасимов Ҳ.П. Иқтисодий тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари.-Т.:Akademiya,2012.
26. Abulkasimov N.P., Namraev O.Ya. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.-Т.: Iqtisod moliya, 2014.
27. Абулкасимов Ҳ.П. Иқтисодий тартибга солиш. Ўқув қўлланма.- Т.:“Noshirlik yogdusi”, 2018. - 520 бет
28. Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети. Т.: 2002 й.
29. Государственное регулирование рыночной экономики.Авторский коллектив под. рук. проф. В. И. Кушлина. М. Экономика, 2000 г.
30. Государственное регулирование экономики :Учеб.пособие для вузов /Т.Г.Морозова, Ю.М.Дурдыев, В.Ф.Тихонов и др.; Под ред. проф. Т.Г.Морозовой.—М.:ЮНИТИ-ДАНА,2002.-255с.
31. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана Редакционная коллегия: Л.И. Абалкин, А.И.Артиков, А.Ф.Расулов, Д.Е.Сорокин, А.Х.Хикматов.- М, ИЭРАН, 2003 г.
32. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
33. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997. й.
34. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.- Т.:Ўзбекистон,2011.
35. Капканщиков С.Г. Государственное регулирование экономики : учебное пособие / С.Г. Капканщиков. — 5-е изд., стер. — М.: КНОРУС, 2013. — 520 с. — (Бакалавриат).
36. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет – солиқ сиёсати.-Т.: Академнашр, 2011.
37. Маликов Т. Солиқлар ва солиқка тортишнинг долзарб масалалари. Монография; «Академия нашриёти». Т.: 2002 й.
38. Макконнелл К.Р., Брю Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. Пер. с англ.-М.: ИНФРА-М, 2009. 916с.
39. Попадюк К.Н. Государственное регулирование национальной экономике. Учебное пособие. –Т.: «Университет» 2004 г.
40. Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси. «Шарк». 2003 й.
41. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, М. 1995 гл. 4,13
42. Содиков К.С. Сейтмуратов Р.А., Аслянов Д.Х., Исоқова С.А. Социал иқтисодий. Ўқувқўлланма. Т.: «Ўзбекистон», 2006 й.

43. Arthur A. Goldsmith “Business, government, society. The global political economy” 1996 y.

44. Vahabov A. V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. –Т.: “ Noshir”, 2012.

45. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2014год.- Т.,ЦЭИ,2015г.

46. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йил) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

47. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий: ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил.-Т.:ИТМ, 2017.

48. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2010-2016 йиллар.-Т., 2017.

49. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2017г.-Т.: Госком стат Р Уз.,2018.

#### V. Интернет сайтлари

50. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., ДСК, 2019й.//www.stat.uz

51. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

52. <http://www.mineconomy.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг расмий сайти.

53. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти.

54. <http://www.mexnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>1-БОБ. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг функциялари ва иқтисодий сиёсатининг мақсадлари .....</b>	<b>7</b>
1.1. Давлатнинг иқтисодий сиёсати курсининг предмети, мақсади ва вазифалари .....	7
1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги ва шакллари .....	11
1.3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш бўйича давлат бошқарув органларининг вазифалари ва дастаклари .....	17
1.4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатининг тамойиллари ва йўналишлари..	
1.5. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий вазифалари .....	26
<b>2-БОБ. Давлат иқтисодий сиёсати ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари .....</b>	<b>33</b>
2.1. Иқтисодиётда давлатнинг роли ҳақидаги меркантилизм, физиократизм, классик сиёсий иқтисод намоёндаларининг концепциялари.	33
2.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг кейнсча назарияси .....	35
2.3. Иқтисодиётни тартибга солишда монетар назария ва сиёсатнинг аҳамияти .....	40
2.4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг неоклассик модели .....	44
2.5. Давлатнинг иқтисодий сиёсати тўғрисидаги назария ва концепциялар .....	46
<b>3-боб. Иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмнинг шаклланиши .....</b>	<b>51</b>
3.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислох қилиш стратегиясининг яратилиши .....	51
3.2. Институционал ислохотлар ва иқтисодиётни тартибга солиш тизимини шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти .....	56
3.3. Ўзбекистонда институционал ислохотларнинг моҳияти ва мақсадлари .....	57
3.4. Ўзбекистондаги маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари .....	58
3.5. Институционал ўзгартиришлар натижасида вужудга келтирилган давлат бошқаруви тизими ва уни такомиллаштириш йўналишлари .....	65
<b>4-боб. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш – иқтисодиётни тартибга солиш воситаси .....</b>	<b>75</b>
4.1. Давлат мулки ва тадбиркорлиги- иқтисодий сиёсатнинг муҳим воситалари .....	75

4.2. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг мақсади ва бошқариши .....	77
4.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳозирги бошқаруви хусусиятлари .....	80
4.4. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари .....	85
<b>5-БОБ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш .....</b>	<b>92</b>
5.1. Иқтисодиётни прогнозлаштириш, дастурлашнинг мақсади ва шакллари, усуллари .....	92
5.2. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва унинг шакллари, усуллари .....	93
5.3. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш ва дастурлашнинг устувор йўналишлари .....	95
5.4. Энг муҳим тармоқ, соҳаларни ривожлантириш дастурларининг мақсади ва йўналишлари .....	98
<b>6-БОБ. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш .....</b>	<b>104</b>
6.1. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари .....	104
6.2. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсати чора-тадбирлари .....	106
6.3. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда монополистик фаолиятни тартибга солиш мақсадлари ва йўналишлари .....	108
6.4. Рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни кучайтириш .....	114
<b>7-БОБ. Бозор иқтисодиётида нархнинг регуляторлик вазифаси ва давлатнинг нарх ҳамда инфляцияга қарши сиёсатлари .....</b>	<b>118</b>
7.1. Нархнинг мазмуни ва унинг иқтисодиётнинг регулятори сифатидаги вазифалари .....	118
7.2. Давлат нарх сиёсатининг мақсади ва асосий усуллари .....	120
7.3. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати иқтисодиётни тартибга солиш шаклларида бири сифатида .....	123
<b>8-боб. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бюджет-солиқ сиёсати воситалари .....</b>	<b>128</b>
8.1. Давлат бюджети – иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси .....	128
8.2. Солиқлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш воситаси сифатида .....	132
8.3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари тизимида солиқ имтиёзлари .....	139
8.4. Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ тизимини такомиллаштириш .....	143
<b>9-боб. Иқтисодиётни тартибга солишнинг пул-кредит сиёсати воситалари .....</b>	<b>149</b>
9.1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи .....	149

9.2. Кредит ва банк тизимининг вазифалари .....	150
9.3. Пул-кредит сиёсати воситаларининг иқтисодий тартибга солишдаги роли .....	155
9.4. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари .....	161
9.5. Ўзбекистонда пул-кредит тизимини такомиллаштириш йўналишлари .....	164
<b>10-боб. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва давлатнинг ижтимоий сиёсати</b> .....	168
10.1. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси, унинг мазмуни ва ижтимоий ривожланишдаги роли .....	168
10.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари .....	173
10.3. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг мақсади, йўналишлари ва ижтимоий соҳада давлат бошқаруви .....	176
10.4. Давлатнинг бандлик сиёсати ва аҳолини иш билан таъминлаш .....	178
10.5. Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши .....	187
10.6. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш .....	194
10.7. Ижтимоий хизматлар соҳаларининг ривожланиши .....	196
<b>11-боб. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари</b> .....	205
11.1. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти, таркибий элементлари .....	205
11.2. Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари ва кўрсаткичлари .....	208
11.3. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг мақсади ва вазифалари .....	216
11.4. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари .....	220
<b>12-боб. Бозор иқтисодиётида давлатнинг макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ва инқирозга қарши сиёсати</b> .....	224
12.1. Макроиқтисодий мувозанат ва унинг намоён бўлиш шакллари .....	224
12.2. Иқтисодий цикл ва инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари .....	225
12.3. Давлатнинг антициклик барқарорлаштириш сиёсати воситалари ва уларнинг Ўзбекистондаги хусусиятлари .....	230
12.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари .....	235
<b>13-боб. Давлатнинг таркибий-инвестицион сиёсати</b> .....	241
13.1. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари .....	241
13.2. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва йўналишлари .....	244

13.3. Инвестицияларнинг моҳияти, турлари, инвестицион фаолият ва давлат сиёсати .....	251
13.4. Ўзбекистонда иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш тенденциялари .....	254
13.5. Хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси .....	260
13.6. Ўзбекистонда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни давлат томонидан рағбатлантирилиши .....	262
<b>14-боб. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш</b> .....	270
14.1. Аграр соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурияти .....	270
14.2. Давлатнинг аграр соҳани тартибга солишдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари .....	273
14.3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари .....	279
14.4. Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар ва ривожланиш тенденциялари .....	283
<b>15-боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши</b> .....	
15.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва назарий асослари .....	293
15.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда бу борадаги хориж тажрибаси .....	297
15.3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми .....	304
15.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг кучайиши .....	312
<b>16-боб. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишининг истиқболлари</b> .....	321
16.1. Минтақавий иқтисодиёт ва давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари, мақсадлари .....	321
16.2. Ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари ҳамда воситалари .....	323
16.3. Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари .....	327
16.4. Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш .....	336
<b>17-боб. Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш ва экология соҳасидаги сиёсати</b> .....	348
17.1. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлашнинг зарурлиги .....	348
17.2. Давлатнинг экологик сиёсати ва табиатдан	

фойдаланиш вазифалари .....	353
17.3. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни кучайтиришнинг йўналишлари .....	358
17.4. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг экологик сиёсатини такомиллаштириш йўллари .....	362
<b>18-боб. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши</b> .....	368
18.1. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва зарурияти .....	368
18.2. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ва таркибий қисмлари .....	370
18.3. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита ва бевосита усуллари .....	375
18.4. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва такомиллаштириш йўналишлари .....	384
Хулоса .....	392
Глоссарий (Изоҳли лугат) .....	396
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	416

@TDU - ARM